

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ**



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ”

Республика илмий-амалий конференция тўплами

ТОШКЕНТ 2023

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
Таҳририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Масъул муҳаррир:

техника фанлари номзоди, доцент О.Т.Ахмедов

Я-98 **Янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси:** Республика илмий-амалий конференция тўплами / Масъул муҳаррир техника фанлари номзоди, доцент О.Т.Ахмедов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023. – 302 б.

Ушбу тўпланда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институтида «**Янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси**» мавзусида ўтказилган Республика илмий-амалий конференциясининг материаллари жамланган. Хусусан, тўпланда Янги таҳрирда қабул қилинган Конституция, Янги Конституцияда белгиланган норма талабларини амалга ошириш соҳасида олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари ҳамда бугунги кунда мавжуд бўлган долзарб муаммолар, уларнинг ечими борасида илмий жамоатчилик ва соҳа мутахассисларининг фикр, мулоҳазалари баён этилган.

Тўплам профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, тадқиқотчилар, амалиёт ходимлари, тингловчилар ва барча қизиқувчиларга мўлжалланган.

УДК 343.9(571.1)(063)

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ МОИ, 2023

Янги конституциявий макондаги ислохотлар – демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатнинг кафолати сифатида

Ҳаммамизга маълумки Конституция Ўзбекистон халқининг иродасини ифодаловчи, суверен давлатчилигимизнинг ҳуқуқий рамзи ва тимсоли, фуқароларимизнинг тенг ҳуқуқийлиги, инсоний қадр-қимматимиз ва эркинлигимиз ҳимоясининг ишончли кафолатидир.

Алоҳида ифтихор билан айтиш мумкинки, Конституция – халқимиз ижодининг маҳсули ҳисобланади, негаки Конституциянинг яратилиши ҳам, уни қабул қилиниши ҳам бевосита халқнинг тўғридан-тўғри иштироки орқали амалга оширилади, хусусан барча Ўзбекистон фуқаролари ҳам мазкур Янги Ўзбекистон Конституциясининг вужудга келишида ўз ҳиссасини қўшганмиз десак муболаға бўлмайди. Негаки, бутун Ўзбекистон халқи ўзининг юксак сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва дунёқарашини намоён этиб янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратиш жараёнида, яъни умумхалқ муҳокамаларида ва уни қабул қилишдаги референдумда бевосита иштирок этди.

Мамлакатимизда жорий йилнинг 30 апрель куни ўтказилган референдум натижасида Ўзбекистоннинг 65 фоизга янгиланган ва анча “тўлишган” янги таҳрирдаги Бош қомуси жорий йилнинг 1 майидан эътиборан қонуний кучга кирди.

Бунга қадар 1992 йилдан буён конституцияга жами 15 марта ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатчилик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 16.11.2023 йилдаги Ф-72-сон фармойишига биноан Бош қомусимизда белгиланган демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғоялари атрофида фуқароларни жипслаштириш, «Конституция – халқчил давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асоси!» деган бош ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни самарали ташкил этиш асосий вазифа этиб белгиланди.

* ИИВ Малака ошириш институти бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент, полковник

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциядаги энг муҳим йўналишда рўй берган ўзгаришларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтиш ва тавсиф бериш мақсадга мувофиқдир.

Биринчидан, Ўзбекистон – ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида эътироф этилганлиги.

Конституциянинг 1-моддасидаги “*Ўзбекистон – суверен демократик республика*” жумласи, Янги Конституцияда “*Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат*” жумласига ўзгартирилди.

Ҳуқуқий давлатда барча жараёнлар қонуний асослар устига курилади, давлат хизматчиларидан, хусусан ҳар бир ички ишлар органи ходимидан ҳуқуқ доирасида фикрлаш, барча масалаларга ҳуқуқий кўз билан қараш талаб этилади. Қолаверса, ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам қонунларга бўйсунди ва қонунларнинг муқаррар ижросини таъминлайди.

Ўзбекистон ўзини **ижтимоий давлат** деб эълон қилиши билан, ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиш мажбуриятини олмоқда. Бу – мавжуд ресурсларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, жамиятда кучли табақаланиш авж олишига йўл қўймаслик, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт кафолатланиши, самарали ижтимоий ҳимоя дастурлари ишлаши, имконияти чекланган ва кўлловга муҳтож фуқароларни кўллаб-қувватлаш, адолатли меҳнат қонунчилиги ва жозибадор пенсия тизими кабиларни англатади. Оддийроқ айтганда, энг камбағал оиланинг болаларида ҳам соғ-саломат ўсиб-улғайиб, яхши таълим олиб, фаровонликка эришиш имконияти бўлиши керак.

Дунёвий давлатда давлат ва дин бир-биридан ажратилган бўлади. Давлат диний эътиқодидан қатъи назар барчага бир хил муносабатда бўлади, динга оид масалаларда нейтрал позицияни эгаллайди.

Иккинчидан, Ўқитувчилар фаолиятини алоҳида конституциявий-ҳуқуқий тартибга солинганлиги ва эътирофдалиги.

Конституцияга ўқитувчилар ҳақида модда қўшилди. У икки банддан иборат:

- *Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириши, соғлом, баркамол авлодни шакллантириши ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишининг асоси сифатида эътироф этилади.*

- *Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида гамхўрлик қилади.*

Шу тариха, устозлар ҳуқуқ соҳаси вакили бўлмаган, лекин олий қонунда алоҳида тилга олинган ягона касб эгаларига айланди. Конституцияда номи келтирилган ўқитувчилардан бошқа касб эгаларининг барчаси – ҳуқуқ соҳаси вакиллари судьялар, прокурорлар ва адвокатлар. Бошқа ҳолатларда касб эгалари эмас, соҳалар ҳақида гап кетган масалан, оммавий ахборот воситалари, турли жамоат бирлашмалари. Зеро, Таълимнинг инсон камолотидаги ўрни ҳақида сўз борар экан, жадид боболаримиз ўғитлари тасаввуримизда қайта-қайта жонланади. Маҳмудхўжа Бехбудий бу борада тўхталиб, “Сизларга васият қиламан. Маориф йўлида ишлайдурғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар”, деган эди.

Ватанпарвар аждодларимизнинг бу борадаги чақириқлари, даъватлари бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Президентимиз конституциявий ислоҳотлар зарурияти ҳақида гапирганда, таълим, илм-фан ва инновацион ривожланиш, айниқса ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиши замирида ҳам шу мақсад мужассам. Давлатимиз раҳбари бу борада Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида алоҳида тўхталиб, “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яқкаю ягона тўғри йўлидир”, дея таъкидлаган эди. Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарурлиги қайд этилганди.

Нега айнан ўқитувчилар мақоми Конституция даражасида муҳофаза қилиниши керак, бошқа касблар шундай эътиборга лойиқ эмасми, деган саволлар туғилиши табиий. Ўқитувчи ва мураббийлар ҳурматини Конституция даражасида мустаҳкамлаш аслида инсон ҳурмати, инсон қадри масаласи ҳисобланади. Зеро, таълим сифатини замонавий билимларга эга ҳаётдан рози ўқитувчисиз таъминлаб бўлмайди. Бунинг учун эса ўқитувчининг ижтимоий ва моддий фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг ҳурматини жойига қўйиш талаб этилади.

Бу борада халқаро тажрибага назар соладиган бўлсак, Япония, Хитой каби Осиё давлатларидаги иқтисодий мўъжиза таълим ислоҳоти билан боғлиқ. Ёки Корея ва Сингапур тажрибасини олайлик. Улар ўтган асрнинг 60-йилларида қолоқ мамлакатлар бўлган. Инвестицияни таълимга жуда оқилона сарфлаш натижасида бугунги кунга келиб бу давлатлар Осиёнинг энг илғор мамлакатларига айланди.

Тан олишимиз керак, илгарии Конституция, деганда аксарият ҳолларда давлат органлари мақоми тушунилса, эндиликда ҳар биримиз ва фарзандларимизнинг келажаги учун сув ва ҳаводек муҳим бўлган масала –

Ўқитувчининг мақоми ҳам мустаҳкамланмоқда. Янги норма давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мактаблар ва ўқитувчилар фаолиятига асоссиз аралашувга, педагог кадрларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, уларнинг меҳнатга мажбурланишига, таълим-тарбия жараёнига тўсқинлик қилишга, ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик бўйича комплекс чораларни кўришга хизмат қилади.

Учинчидан, ерни хусусий мулк бўлиши мумкинлиги конституциявий даражада ҳуқуқий тартибга солинганлиги.

Ўзбекистонда 2022 йилдан эътиборан қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш бошланган. Шу билан деярли бир вақтда, ўтган йили эълон қилинган янги конституция лойиҳасининг бирламчи версиясида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни хусусийлаштириш мумкин эмаслигига ишора қилинган эди. Яқуний талқиндан бундай чеклов олиб ташланди ва ерни хусусийлаштиришга оид норма қуйидагича шаклга келтирилди:

- *Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин.*

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган энг муҳим ислохотлардан бири ерни хусусий мулк сифатида эътироф этилишини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Давлатнинг бундай катта сиёсий иродаси замирида ерга нисбатан мулкий муносабатларни ривожлантириш, мулкдорларга хусусийлаштирилган ерни бошқа бир шахсларга сотиш, ҳадя қилиш, айирбошлаш, гаровга қўйиш, мерос қилиб қолдириш каби ҳуқуқларни беришни ҳамда шу ҳуқуқларни қонун жиҳатидан кафолатлаш ётганини алоҳида таъкидлашимиз мумкин.

Тўртинчидан, ОАВ фаолиятига тўсқинлик қилиш юридик жавобгарликка тортилишини конституциявий даражада мустаҳкамланганлиги.

Аввалги конституциянинг “Оммавий ахборот воситалари” номли боби битта моддадан иборат эди. Унда шундай дейилганди: “*Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди*”.

Янги конституцияга кўра, бу боб иккита моддадан иборат бўлди:

- *Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ иш олиб борадилар. Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди. Оммавий ахборот*

воситалари ўзи тақдим этадиган ахборотнинг ишончилиги учун жавобгардир.

- *Цензурага йўл қўйилмайди. Оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашини қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.*

Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар оммавий ахборот воситалари фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, давлат ва жамият ўртасида конструктив мулоқотни йўлга қўйишга қаратилган тегишли конституциявий асосларни шакллантириш мақсадида жорий этилмоқда.

Модданинг бундай таркибий тузилиши уни оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ вазифа ва муаммоларни қулай тарзда ва самарали ҳал этиш, аниқроғи, ушбу вазифаларни муайян гуруҳларга тақсимлаш ва улар ўртасида мантиқий боғлиқликни ўрнатишга қаратилган.

Кези келганда ОАВ миллионлаб одамларнинг ҳаётига катта таъсир кўрсатади, чунки у энг нуфузли ижтимоий институтлардан бири эканини таъкидлаш жоиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, эркин матбуот, энг аввало, жамият олдидаги мажбуриятларини чуқур онглайдиган, ахбороти доимо ҳақиқат ва воқеликка мос келиши керак бўлган тузилмадир.

Очиқлик ва ошкоралик Шавкат Мирзиёев даврида амалга оширилган энг катта ўзгаришлардан биридир. Президент қанчалик оғир бўлмасин, ушбу йўлдан қайтилмаслигини шу пайтгача кўп марта таъкидлаган. Давлат ушбу мақсадда собит эканини конституцияга киритилаётган ўзгартиришда, яъни очиқлик сиёсатидан ҳеч қачон ортга қайтилмаслиги мамлакат бош қонуни даражасида мустаҳкамлаб қўйилаётганида ҳам кўриш мумкин.

Чунки бу соҳада ҳам айрим муаммоли масалалар кўриниб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Сўз эркинлигини таъминлаш жараёнида бошқа фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, инсонларнинг шахсий ҳаёти ва қонун томонидан қўриқланадиган маълумотлари муҳофазасини кучайтириш, бировни асоссиз обрўсизлантириш, кадр-қимматини ерга уриш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Мазкур қоидаларнинг конституцияда белгиланиши оммавий ахборот воситалари ва журналистлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, сўз эркинлиги ва журналист фаолияти ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашини қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак, оммавий ахборот воситалари эркинлиги фуқароларнинг бошқа барча конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун ҳам зарурдир.

Асосий янгилик – ОАВ фаолиятига тўсқинлик учун жавобгарлик конституция даражасида белгиланди. МЖТК ва Жиноят кодексларига тегишли жавобгарлик киритилиши ҳақида 4-5 йилдан бери гапириб келинади, лекин уларнинг барчаси оғизда ва қоғозда қолиб кетмоқда.

Эндиликда, референдумда қабул қилинган қонунга кўра, Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликни янги конституцияга мослаштириш дастурини 2 ой муддат ичида ишлаб чиқиб, парламентга киритиши вазифаси юклатилди.

Соҳада кечаётган ижобий ўзгаришлар халқаро майдонда сўз эркинлиги ҳолатини ўрганишга ихтисослашган халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Ўзбекистон 2022 йил матбуот эркинлиги рейтингида 24 поғонага кўтарилиб, 133-ўринни эгаллагани ҳам шунга бир мисол.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, конституцияга киритилган мазкур ўзгартиришлар Янги конституциявий маконда *демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат*нинг кафолати ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий замини бўлиб хизмат қилади.

*И. Исмаилов**

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - миллий ҳуқуқ тизимида “фуқаролик” институти ривожланишининг кафолати

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасида қайд этилганидек, ушбу Конституция инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очик ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни англаган, шунингдек фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашни мақсад қилган ҳолда Ўзбекистон халқи томонидан қабул қилинди ва эълон қилинди¹.

Ушбу мақсадларни тўлақонли ва мукамал тарзда амалга оширишда Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “фуқаролик”ка оид нормалари муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг мазмун-моҳияти ва

* Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетини профессорлари юридик фанлар доктори, профессор isomiddinosmoilov@gmail.com

¹ Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <https://lex.uz/docs/6445145>

талаблари жамиятда “фуқаролик институти”нинг ҳам назарий ҳам амалий жиҳатдан ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Фуқаролик тушунчасини таҳлил қилишда аввалом бор ушбу сўзни этимологик нуқтаи назардан ўрганиш зарур. Адабиётларда “фуқаролик” тушунчаси лотинча — “civitas”; инглизча — “citizenship”; немисча — “burger” сўзлари негизда пайдо бўлганлиги, фуқаролик тушунчасининг муқобили сифатида: а) Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларида “citizenship”; б) Ғарбий Европада “nationality” атамалари қўлланилади.

Бундан ташқари “nationality” атамаси давлатга мансублик маъносини англатиб, тўғридан тўғри таржима қилинганда, “миллат”, “халқ” деган мазмунни беради. Шунинг учун халқаро адабиётлар ва қонунчиликда “citizenship” («гражданство») расмий термини қўлланилади¹.

Асли “фуқаро” атамаси – араб тилидан олинган “фақир” сўзи негизда шакллланганлиги, “бирор мамлакатнинг доимий аҳолиси” деган маънони англатиши изоҳли луғатда қайд этилган², ислом энциклопедиясида эса “фақир” сўзи — камбағал, қашшоқ, муҳтож маъноларига эга эканлиги, моддий жиҳатдан ночор одам, муҳтож одамга нисбатан қўлланилиши айtilган³.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг “Фуқаролик” деб номланган VI бобида (22-24-моддалар) фуқароликка оид асосий қоидалар белгиланган бўлиб, уларни амалга ошириш механизмлари “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Мазкур бобдаги конституциявий нормалар бевосита янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг 20-моддасида белгиланган: “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир”⁴ деган норма талабларига мувофиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасида “*Ўзбекистон Республикасида фуқаролик шахсининг давлат билан ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги йигиндисидан ифодаланадиган ҳамда инсон қадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиши ҳамда ҳурмат қилишга асосланадиган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди*”⁵ деб мустаҳкамлаб қўйилган.

¹ Қаранг: Юлдашев Дж.Х. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини ҳуқуқий тартибга солиш муаммолари: Монография. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2022., 24-б.

² Ўзбек тилининг изоҳли луғати. — Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. — Б. 369.

³ Ислом. Энциклопедия: А–Х / Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. — Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2017. — Б. 509.

⁴ Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси <https://lex.uz/docs/6445145>

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 13.03.2020 йилдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги ЎРҚ-610-сон Қонуни <https://lex.uz/docs/4761984>

Фуқаролик атамасини бошқа яқин тушунчалардан унинг асосий белгилари ажратиб туради. Фуқароликнинг асосий белгилари: *биринчидан*, жисмоний шахс ва давлат ўзаро бир-бири билан ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар орқали домий боғлиқ; *иккинчидан*, мазкур боғлиқлик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда аниқ белгиланган бўлади; *учинчидан*, ушбу ҳуқуқий боғлиқлик ўзгарувчан ва барқарорликни талаб қилади.

Жисмоний шахс ва давлат ўзаро бир-бири билан ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлар орқали домий боғлиқлигини, ўзаро боғлиқлик қонунларда белгиланишини қуйидаги мисолда яққол кўришимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Конституциясининг 50-моддасида бир томондан ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланган бўлса, иккинчи томондан давлатнинг: а) узликсиз таълим тизимини, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат ташкилотлари ривожланишини таъминлаш; б) мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; в) бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлаш; г) мактабгача таълим ва тарбия, умумий ўрта таълимни давлат назоратини таъминлаш; д) таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбияни таъминлаш мажбуриятлари кўрсатилган.

Фуқаронинг таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунига мувофиқ: мактабгача таълим ва тарбия; умумий ўрта ва ўрта махсус таълим; профессионал таълим; олий таълим; олий таълимдан кейинги таълим; кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; мактабдан ташқари таълим турлари ҳаётга жорий этилган.

Фуқароларнинг таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида чекловларга, тўсиқларга ёки бузилишларга йўл қўйиладиган бўлса давлатнинг ваколатли органларига унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбурияти юклатилган. Ушбу ҳолатда фуқаро ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш механизми сифатида, *бир томондан* фуқароларга давлатнинг ваколатли органларига мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган бўлса, *иккинчи томондан* давлатнинг тегишли суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш мажбурияти юклатилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқаро ўзининг таълим олиш ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида Конституция ва қонунларда белгиланган бурчларини бажариши, шунингдек ўрнатилган тартиб ва қоидаларига риоя этишлари шарт.

Юқоридаги мисолдан кўриниб турибдики, ҳар кимнинг “фуқаролик” мақомига эга бўлиши: *биринчидан* бутун ҳаёти давомида давлат билан ўзаро

ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги билан боғлиқ бўлишни; *иккинчидан*, давлат томонидан унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларининг амалга оширилиши ва ҳимоя қилинишининг таъминланишини; *учинчидан*, фуқаро томонидан Конституция ва қонунларда белгиланган бурчларини бажаришларини ҳамда уларнинг қоидаларини ҳурмат қилиши ва риоя этишини талаб қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “фуқаролик” қонунда белгиланганидек, жисмоний шахснинг давлат билан ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги йиғиндисидан ифодаланадиган ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, шаъни ва қадр-қимматини эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланадиган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқаси сифатида миллий ҳуқуқ тизимининг алоҳида “институти” ҳисобланади. Унинг миллий ҳуқуқ тизимининг алоҳида институти эканлиги қуйидагилар билан асосланади:

биринчидан, “фуқаролик” билан боғлиқ асосий қоидалар Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида алоҳида бобда мустаҳкамланган;

иккинчидан, давлатнинг фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини амалга ошириш кафолатларини таъминлаш, уларни ҳурмат қилиш ва уларга қатъий риоя этиш, шунингдек ҳар қандай таҳдид ҳамда тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятлари Конституция ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган;

учинчидан, давлат ўзининг фуқаролар олдидаги мажбуриятларини Конституция ва қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ваколат (ҳуқуқ ва мажбурият)ларга эга бўлган институционал тузилмалари орқали амалга оширишни таъминлайди;

тўртинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатлари ҳамда бурчлари, шунингдек уларни амалга ошириш тартиби, механизмлари ва уларга риоя этиш талаблари Конституция ҳамда қонунчилик ҳужжатларида аниқ белгиланган.

Юқорида кўрсатилган йўналишлардаги муносабатлар жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида вужудга келади, улар жуда ҳам кенг ва ранг баранг бўлиб, уларни тартибга солиш ҳуқуқ тизимининг турли соҳаларига оид бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинганлиги сабабли ҳам “фуқаролик” институти ўта мураккаб ва муҳим аҳамиятга эгадир.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддасининг 1- қисми ва Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасининг 2-қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди учун ягона фуқаролик ўрнатилади.

Мазкур қоида миллий ҳуқуқ тизимида “фуқаролик” институтининг ўзига хос хусусиятга эгаллигини намоён этади. Унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароси бир вақтнинг ўзида бошқа давлатнинг фуқароси бўлиши мумкин эмас, яъни Ўзбекистонда кўшфуқароликка ёки кўпфуқароликка йўл қўйилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди учун ягона фуқаролик ўрнатилиши Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуни нормаларига асосан қуйидагилар орқали таъминланганмоқда:

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни белгилаш;

иккинчидан, фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатларни бериш;

тўртинчидан, никоҳдан ўтишда ва уни бекор қилишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиш;

бешинчидан, хорижда яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг сақлаб қолиниши;

олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлат фуқаролигига мансублигини тан олмаслик;

еттинчидан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш асослари ва тартиби;

саккизинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва уни тиклаш асослари ҳамда тартиби;

тўққизинчидан, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тугатиш асослари ва тартиби;

ўнинчидан, ота-онасининг фуқаролиги ўзгарган тақдирда ва фарзандликка олинганда боланинг фуқаролигини аниқлаш тартиби.

Юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги билан боғлиқ масалаларга оид тартиб қоидаларига риоя этилиши, шунингдек уларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда ягона фуқаролик принципини таъминлаш механизмлари ҳисобланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ёки ундан чиқиш чоғида ҳужжатларни тайёрлаш тартибига оид қоидаларнинг амалга оширилиши ҳам ягона фуқароликни таъминлашга хизмат қилади.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси ва фуқароликни

расмийлаштириш учун масъул бўлган ваколатли давлат органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари Ўзбекистонда ягона фуқаролик принципига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш субъектлари ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддаси иккинчи қисми ва Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасининг 3-қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, у қандай асосларда олинганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, у қандай асосларда олинганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенг эканлиги Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг:

биринчидан, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар;

иккинчидан, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий кадрият ҳисобланади, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади;

учинчидан, Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинши;

тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади;

бешинчидан, давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритиши;

олтинчидан, Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланиши ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шартлиги;

еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди деган нормалари қоидаларининг ҳаётда тўлиқ амалга оширилиши ва уларга риоя этилиши орқали таъминланади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддаси учинчи қисми ва Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунининг 4-моддасининг 2-қисмига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айни бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айна бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланиши янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қуйидаги қоидаларига тўлиқ мос келади:

а) Суверен Қорақалпоғистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси таркибига киради ва унинг суверенитети Ўзбекистон томонидан муҳофаза этилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ўз Конституциясига эга ва у Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига зид бўлиши мумкин эмас;

в) Ўзбекистон Республикаси қонунлари Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида ҳам мажбурийдир;

г) Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикасининг ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси доирасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинади.

Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айна бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланиши қуйидагиларни назарда тутлади:

биринчидан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар (25-35-моддалар), сиёсий (36-40-моддалар), иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик (41-53-моддалар) ҳуқуқлари Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаросига ҳам тўлиқ тааллуқлидир;

иккинчидан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган инсон ҳамда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари (54-58-моддалар) Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаросига ҳам тўлиқ тегишлидир;

учинчидан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг бурчлари (59-64-моддалар) Қорақалпоғистон Республикасининг фуқаросининг ҳам бурчлари ҳисобланади ва уларни тўлиқ бажаришга мужбурдир;

тўртинчидан, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Конституциясининг “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир” (20-модда) деган нормаси мазмун-моҳияти Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси ва Ўзбекистон Республикаси, яъни давлат бир-бирига ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан боғлиқлигини ҳам билдиради.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига

эга бўлиш ва уни йўқотиш асослари ҳамда тартиби қонун билан, яъни Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонуни билан белгиланади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида”ги қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига эга бўлиш:

- а) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублигини аниқлаш;
- б) фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш;
- в) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш;
- г) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш;
- д) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига тиклаш орқали таъминланмоқда.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш жоизки, шахс Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини қандай асосларда олинганлигидан қатъи назар бир томондан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси белгиланган барча ҳуқуқлари ва эркинликларига эга бўлади, иккинчи томондан уларнинг барча мажбуриятлари ҳам зиммасига юклатилади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари, хусусан унинг фуқароликка оид қоидалари талабларининг миллий қонунчилик соҳаларига синдирилиши ва уларнинг амалда таъминланиши бевосита миллий ҳуқуқ тизимида “фуқаролик”нинг алоҳида институт сифатида ривожланишига хизмат қилади.

*У.Э. Расулев**
*А.Б. Кулахметов**

Фуқароларни одам савдосидан ҳимоя қилишнинг конституциявий- ҳуқуқий кафолатлари

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш – халқимиз учун фаровон ҳамда муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезони ва олий қадриятидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам, “Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларнинг талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам

* ИИВ Малака ошириш институти бошлиғининг биринчи ўринбосари, полковник

* ИИВ 1-сон Тошкент Академик лицей "Ҳуқуқий ва ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедраси доценти, ю.ф.н., доцент

фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.... Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечирishi, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз....”, деб таъкидлаган¹.

2022 - 2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”нинг биринчи муҳим устувор йўналиши “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” деб белгиланиши ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига нечоғлик даражада аҳамият берилаётганлигидан далолат беради².

Зеро, жамоат хавфсизлиги тушунчасининг тағ замирида эса жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди.

Йигирма биринчи аср тараққиёт асри бўлиши билан бир қаторда, жиддий глобал муаммолари билан инсониятни хавотирга солаётганлиги ҳам ҳеч кимга сир эмас. Инсоният ҳаётига жиддий хавф солиб турган глобал муаммолар орасида одам савдосидек жирканч иллат ҳам борлиги ачинарли ҳолатдир.

Бугунги кунга келиб асримизнинг жиддий глобал муаммосига айланган одам савдосига қарши кураш халқаро, минтақавий, кўп ва икки томонлама муносабатларни талаб этмоқда.

Одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки улардан шахвоний фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эркисиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Афсуски, дунё бўйлаб беқиёс кенг қамровли фаолият, тегишли тарғибот-ташвиқотлар олиб борилишига қарамай, ҳар йили миллионлаб инсонлар «замонавий қуллик», яъни одам савдоси қурбонига айланмоқ қолмоқда. Улар орасида айниқса аёллар, кексалар, ҳатто ёш болалар, гудаклар(чақалоқлар) ҳам борлиги ачинарлидир.

¹ Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини катъий давом эттирамиз//<https://president.uz/uz/lists/view/4743>.

² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

Ўтган асрдан йигирма биринчи асрга трансмиллий ташкилий жиноятчиликнинг учта энг хавфли тури «мерос» бўлиб ўтди десак муболаға бўлмайди. Уларнинг биринчиси – халқаро терроризм ва дин ниқоби остидаги зўравонлик руҳи, куч ишлатиш, яъни экстремистик, фундаменталистик, сепаратистик хуружлар, иккинчиси – наркобизнес ёки нарко-траффик билан шуғулланаётган жиноий уюшмалар, учинчиси – одам савдоси билан шуғулланувчи йирик-йирик жиноятчи ташкилотларнинг йилдан-йилга кучаяётганидир.

Ушбу жиноятларнинг асосий сабаби *бир томондан*, маънавий қашшоқлик, тубанлик, очкўзлик, енгил ҳаёт таризини ўзига касб қилиш, дунёга ҳаддан ташқари ҳирс кўйиш ва нафсига қул бўлишдир. *Иккинчи томондан* эса, фуқароларнинг соддалиги, илмсизлиги, ишонувчанлиги ва бошқа давлатларнинг қонунчилигини яхши билмаслиги ҳам сабаб бўлмоқда.

“Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш Маркази томонидан ўтказилган социологик тадқиқотга натижаларига кўра фуқароларнинг одам савдоси каби жиноятлардан умумий хабардорлиги 14%га ошган: 78,9% сўров иштирокчилари одам савдоси каби ижтимоий муаммо ҳақида тўлиқ хабардор бўлиб, баъзи фуқаролар кўпинча катта миқдорда пул топишни истаган ҳолда чет элда ишга жойлашиш учун нолегал йўл билан ёлланиб, жиноятчилар учун осон ўлжага айланиб қолишади, деб ҳисоблайдилар.

Сўров натижалари шуни кўрсатдики, респондентларнинг мутлақ кўпчилиги (88,2%) одам савдоси муаммоси ва у билан боғлиқ жиноятлар ҳамда фуқаролар учун оқибатларни жамият ва умуман давлат учун жиддий хавф туғдирувчи миллий миқёсдаги муаммо, деб ҳисоблайдилар. Таъкидлаш жоизки, ушбу кўрсаткич жорий давр мобайнида: 2020 йилдаги 83,8%дан 2021 йилда 88,2%гача ошди.

Тадқиқотда фуқароларнинг меҳнат қуллигига тушиб қолишига хизмат қилувчи сабаблар аниқланди. 27,9% сўров иштирокчиларининг фикрига кўра, одамларнинг меҳнат қуллигига тушиб қолишининг асосий сабаби – ишсизликдир. Аҳолининг бир қисми ўз яшаш жойида ишга жойлаша олмайди ва бошқа минтақага/мамлакатга ишлашга бориб, у ерда бир қатор объектив ва субъектив сабабларга кўра қул савдогарларининг "ўлжасига" айланади.

Сўралганлардан бир қисмининг таъкидлашича, тез пул топишга интилиш ва паст ҳуқуқий саводхонлик туфайли баъзи фуқаролар меҳнат қуллигига тушиб қолишади ва бунда ёрдам сўраб қаерга мурожаат қилишни, ўз ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилиш мумкинлигини, чет элга ишлаш учун кетишда меҳнат қарамлигига тушиб қолмаслик учун нима қилиш кераклигини билишмайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига биноан “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.”[\[1\]](#).

Шахс дахлсизлиги табиий ҳуқуқлар сирасига кириб, ҳеч ким зўрлик билан инсоннинг эркинлигини чеклашга, шахсни камситувчи хатти-ҳаракатлар содир этишга ҳақли эмас.

Фуқароларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, хусусан одам савдосидан ҳимоялаш бўйича бир қатор халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуддир. Жумладан, "Одам савдосига ва учинчи шахслар томонидан танфурушликдан фойдаланишга қарши кураш тўғрисида"ги Конвенция (1949), "Қуллик ва қул савдосини, қулликка ўхшаш институтлар ва одатларни бекор қилиш тўғрисида"ги қўшимча Конвенция (1956), "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақида"ги Конвенцияни тўлдирувчи "Одамлар, айниқса, аёллар ва болалар савдосини тўхтатиш, олдини олиш ва унинг учун жазо тўғрисида"ги баённома (2000) бу борада дастурий ҳужжат вазифасини ўтамоқда.

Одам савдосига қарши курашиш юзасидан давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида 2005 йили МДҲ доирасида "Одам савдосига қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида"ги келишув, 2006 йилда саккиз аъзо мамлакат доирасида "Одам савдосига қарши курашнинг 2007–2010 йилларга мўлжалланган дастури" қабул қилинган эди.

Афсуски, дунё бўйлаб шунча кенг қамровли фаолият, тегишли тарғибот-ташвиқот олиб борилишига қарамай, ҳар йили миллионлаб инсонлар "замонавий қуллик", яъни одам савдоси қурбонига айланмоқда. Улар орасида аёллар, кексалар, ҳатто ёш болалар ҳам борлиги ачинарли. Ушбу жиноятнинг ривожланишига туртки бўлаётган асосий омиллардан бири одамларнинг чет элга бориш ва ишга жойлашиш ҳақида етарли маълумотга эга эмаслигидир. Ачинарлиси, ўзга давлат, бегона бир муҳитга тушиб қолганлар мўмай даромад илинжида оғир жисмоний меҳнатга ёлланмоқда, аёллар эса тубан ва фаҳш ишларга мажбур этилмоқда.

БМТ маълумотида кўра, дунёда ҳар йили тахминан 2 миллион 700 минг киши одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, ушбу жиноятчилик натижасида олинаётган йиллик даромад миқдори 7 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетган. Ташвишланарлиси, одам савдоси жиноятдан жабрланганларнинг 80 фоизи аёл ва болалардир. Ҳар йили дунё бўйича 600–800 минг нафар аёл ва болалар алдов йўли билан хорижий мамлакатларга олиб кетилиб, сотиб юборилмоқда.

Бугунги кунда дунёда одам савдосини учта кенг турқалган тури мавжуд бўлиб, булар: жинсий эксплуатация (фохишабозлик), мажбурий меҳнат ва одам аъзоларини сотишдир.

Жинсий эксплуатация учун асосан аёллар (шу жумладан қизлар) сотилади. Маълумотларга кўра, аёлларнинг 72 фоизи шу мақсадда сотилар экан.

Мажбурий меҳнатга жалб қилинганларнинг асосий қисмини эса эркаклар ташкил қилар экан. Бу кўрсаткич 85,7 фоизни ташкил қилиши одам савдосидан жабр кўрган эркакларнинг аксарияти мажбурий меҳнат орқали амалга оширилишини кўриш мумкин.

Одам аъзоларини сотиш жинояти эса жуда ҳам кўзга ташланмайдиган одам савдосини тури бўлиб, одам савдоси “товарлари” умумий сонининг 1 фоиздан кўп бўлмаган қисмини ташкил қилар экан. Бу турдаги “товарлар”нинг йиллик савдоси 1 млрд. доллардан ортиқ миқдорни ташкил қилиши жиноятнинг мазкур тоифаси ҳам жиддий муаммо эканлигини тасдиқлайди.

БМТнинг статистик маълумотларига кўра, одамлар камида **127** мамлакатдан сотувга чиқмоқда ва улар **137** давлатда эксплуатация қилинмоқда. Ҳар йили турли ҳисоб-китобларга кўра, **20-40 миллион киши** кулдорликнинг замонавий шакли қурбонига айланяпти.

Мазкур муаммонинг аниқ кўламини билиш жуда ҳам қийин, зеро, жиноий фаолият яширин содир этилади. Аниқ статистика мавжуд эмас, буни юритиб ҳам бўлмайди. Халқаро даражада одам савдоси қурбонларининг **атиғи 0,04 фоизигина** аниқланган.

Одам савдоси нафақат Ўзбекистоннинг миллий қонунчилик ҳужжатлари ёки халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар билан, ҳаттоки мусулмон ҳуқуқи манбалари билан ҳам таъқиқланганлиги, бу каби жирканч иллат нафақат оғир жиноят, балки оғир гуноҳ сифатида ҳам тавсифланади.

Хусусан, Пайғамбаримиз (с.а.в.) **“Ким бир мўмин қулни озод қилса, Аллоҳ таоло унинг ҳар бир аъзоси учун бунинг аъзоларини дўзахдан озод қилади”**, деб марҳамат қилдилар. Бу ҳадисда Расулуллоҳ (с.а.в.) қул озод қилишнинг фазилатини баён қилдилар чунки бу амал билан дўзахдан қутилиш ва жаннатга кириш мумкин экан.

Пайғамбаримиз (с.а.в.) қудсий ҳадисларида:

“Аллоҳ таоло: “Уч киши борки, мен уларга қиёмат куни хусуматчиман. Менинг номимдан (аҳд) берадиган ва кейин хиёнат қиладиган киши. Ҳур кишини сотиб пулини ейдиган киши. Мардикор ёллаб, уни ишлатиб ва ҳаққини бермаган киши”, деди” *(Имом Бухорий ривояти)*.

Яна бир ҳадиси шарифда:

“Аллоҳ таоло қиёмат кунда уч кишига қарамайди. Хурни сотган киши, ўзини ўзи сотган киши ва мардикорнинг тери қотгандан кейин унинг ҳаққини бекор қилган кишини”, дейилади.

Бу ҳадис ҳам юқоридаги ҳадисни тўлдириб келади. Қиёмат куни аҳволи оғир бўладиган кишилардан яна бири ўзини сотган киши экан. Инсон била туриб, ўзини қулликка солиши улуг гуноҳлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар натижасида фуқароларимизнинг турмуш шароити узлуксиз юксалиб бормоқда, ҳуқуқ ҳамда эркинликлари тўла рўёбга чиқарилиши учун қулай ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар юзага келмоқда.

Буларнинг барчаси шахс эрки, унинг ҳаёти, саломатлиги ва шахсий ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш, фуқаролар ҳуқуқий муҳофазаси самарадорлигини ошириш, шахс-давлат муносабатларида шахс манфаатлари устуворлиги тамойилига оғишмасдан амал қилиш эҳтиёжини янада кучайтирмоқда.

Шахс эрки ва қонуний манфаатларини таъминлаш ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида олиб борилаётган тадбирлар орқали амалга ошириб келинмоқда.

Бугунги кунда аҳоли миграцияси, шу жумладан, мамлакат ташқарисида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш мақсадидаги миграция жаҳон кўламидаги воқелик бўлиб, ўзининг кўпгина ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Бу салбий ҳодиса глобал жараён сифатида бизнинг мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмаяпти. Афсуски, фуқароларимиз ҳам одам савдоси қурбонларига айланмоқда. Буларнинг барчаси давлатимиз ва жамиятимиз томонидан ушбу иллатга қарши қатъий чоралар кўришни, одам савдосига жалб этилган ва ундан жабр кўрган ҳамюртларимизни муҳофаза этишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар тўғрисида"ги қарори билан одам савдосига оид ноқонуний ҳаракатларга қарши тадбирлар, давлат ва жамоа органлари томонидан бажариладиган энг муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Давлатимиз раҳбарининг ушбу қарори фуқароларимиз ҳаёти ва саломатлиги, шаъни, қадр-қимматини жинойтчиларнинг тажовузларидан ҳимоялаб, инсон ва унинг ҳуқуқлари, манфаатлари энг олий қадрият, деган улуг ғояни рўёбга чиқаришга қаратилгани билан диққатга сазовордир. Одам савдоси қурбонларига айланган шахсларни ҳуқуқий ҳимоялаш, уларни ижтимоий, иқтисодий ва тиббий-руҳий жиҳатдан реабилитация қилиш давлатимиз ва жамиятимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, одам савдосининг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш халқаро ва минтақавий даражада жиддий ёндашув ва ўзаро ҳамкорликка асослансагина яхши самара бериши мумкин.

Зеро, одам савдоси, унинг инсоний ҳуқуқ ва эркинликларини ғайриқонуний ва ғайри ахлоқий равишда айнан инсон томонидан камситилиши, йўққа чиқарилиши – кечириб бўлмас жиноятдир.

*Б.А. Улугбеков**
*Ш.Н. Вахабова**

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш – Ўзбекистондаги конституциявий ислоҳотларнинг бош мезони

Конституция лотинча “constitution” сўздан олинган бўлиб, “тузилиш”, “ўрнатиш” маъноларини англатади. Қомус алоҳида юридик хусусиятга эга ягона сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат сифатида шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатнинг асосий тамойилини ўрнатади, давлат ҳокимиятининг тузилиши, субъектини, ҳокимиятни амалга ошириш механизмини белгилайди, жамият, инсон, фуқароларнинг давлат томонидан кўриқланадиган ҳуқуқи ва эркинлигини мустаҳкамлайди.

Конституциянинг мамлакат ҳаётидаги аҳамиятига тўхталар эканмиз, аввало, қомусимиз моҳиятини англаб етиш зарур. Ҳар бир мамлакат ҳуқуқ тизимида муҳим аҳамиятга эга мазкур асосий қонун олий юридик кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади. Муайян давлатдаги ҳеч бир қонун ҳужжати меъёри Қомусда қайд этилган нормага зид келиши мумкин эмас. Конституцияда давлат тузилиши, шунингдек қонун чиқарувчи, ижро этувчи органлар ва суд ҳокимияти ваколати, сайлов тизими, фуқаронинг ҳуқуқи, бурчи ва мажбурияти, жамият ва шахс, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатга доир энг муҳим жиҳатлар қатъий белгилаб қўйилади.

Ҳаётимиз қомуси – Конституциямиз мустақиллик даврида эришган барча ютуқ ва марраларимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келаётганини ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси негизида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси ўтган қисқа муддатда давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичига асос солди. Ҳозир Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида кенг кўламли, улкан ислоҳотлар олиб бориляпти. Ушбу стратегияни амалга

* ИИВ Малака ошириш институти бошлиғининг ўринбосари, полковник

* ИИВ МОИ Ўқув-услубий бўлими катта ўқитувчи методисти, подполковник

оширишда Бош Қомусимиз беқиёс аҳамият касб этади. Сабаби, Янги Ўзбекистон стратегиясининг барча етти йўналишининг амалиётга жорий этилиши қомусимиз билан чамбарчас боғлиқ. Хусусан, стратегиянинг иккинчи йўналиши адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган бўлиб, ушбу жиҳат халқчил давлат қуриш, инсон кадр-қимматини таъминлашнинг асосий ва зарур шarti сифатида айтиб ўтилган.

Янги Ўзбекистонни барпо этишдек олий мақсад сари қадам қўйиш жараёни, албатта, Асосий қонунимизни янгилаш зарурлигини тақозо этади. Қонун, аввало, Конституция демак.

Юртимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси иштирок этган фуқароларнинг 90,21 фоизи томонидан ёқлаб овоз бериш орқали қабул қилинганлиги унда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганлигидан далолат бермоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Референдум қўп миллатли буюк халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжиҳатлиги, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуришга қатъий қарор қилганлигининг ишончли ифодаси бўлди.

Хусусан, Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади – ижтимоий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

Мустақил демократик йўлдан дадил одимлаётган Ўзбекистоннинг энг улуғ мақсади аввало, халқимиз манфаатлари кўзланган ислохотларни амалга оширишга қаратилгани билан эътиборлидир. Бу жиҳатлар Конституциямизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Жумладан, Бош Қомусимизнинг II-боб 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”.

Конституцияга мувофиқ ҳаракат қилиш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини адолатли ҳамда тенг асосда ҳимоя қилишни англатади. Мансабдор шахслар Конституцияга зид хатти-ҳаракатлари учун жавобгарликка тортилиши керак. Конституция одамлар фаровонлиги ва уларнинг

манфаатларининг энг олий ҳуқуқий кафолати ҳисобланиб, жамият ҳаётини шакллантириш ва давлатни ташкил этишнинг асосий воситаларидан бири саналади.

Инсон ҳуқуқлари замонавий давлатнинг конституциясида марказий ўринни эгаллайди ҳамда жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни белгилайди. Шу боис, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги нормалар замонавий Конституция лойиҳасининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари ва демократик конституциявий тузум ўртасидаги боғлиқлик Конституция қабул қилинишига ёки конституциявий ислоҳотга олиб келадиган жараёндан бошланади. Бундай жараён жамиятнинг барча соҳалари вакилларининг кенг иштирокига асосланган бўлса, муваффақиятли натижаларга олиб келади. Конституциявий ислоҳотларни амалга ошириш фақат сиёсий арбобларга топширилмаслиги керак, чунки бу жараённинг биргаликдаги муаллифлиги катта аҳамиятга эга. Бунда иштирокчилар ўз фикрларини эркин билдириши ва ҳеч қандай тўсиқларсиз ҳокимият вакиллари билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлишлари мумкин.

Таъкидлаш лозимки, юртимизда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларда давлат ва жамиятнинг барча вакиллари иштирок этишлари учун кенг имкониятлар яратилди. Фуқаролар ҳам ўз сиёсий фаолликларини намойиш этиб, Конституцияни такомиллаштириш бўйича Конституциявий комиссияга 60 мингдан ортиқ таклифлар билдиришди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Конституцияни такомиллаштиришда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласи асосий ўринни эгаллаши лозим. Шу муносабат билан, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази Конституциянинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бағишланган нормаларни такомиллаштириш, уларни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномлар ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига мувофиқлаштириш ҳамда Конституцияда акс эттириш бўйича ўзининг бир қатор таклифларини Конституциявий комиссияга йўллади.

Амалдаги Конституция хорижий илғор тажриба ҳамда халқаро стандарт ва талабларга ҳар томонлама мос келади. Лекин, ундаги баъзи нормаларни такомиллаштириш, бугунги кун талабларига мослаштиришни замон тақозо этмоқда. Юқоридагилардан келиб чиқиб бир қатор Конституциявий комиссияга тақдим этилган қуйидаги таклифлар инобатга олинди:

Биринчидан, Конституциянинг 1-моддасида Ўзбекистоннинг **ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат** эканлигини белгиловчи қўшимча. Мазкур норма дунёнинг кўплаб давлатлари конституцияларида мавжуд. Шунингдек, уларда давлат тузилиш шакли ҳам белгиланадиган ҳоллар кўплаб учрайди.

Иккинчидан, Конституциянинг ҳуқуқий мақомини унинг ўзида белгилаш. Яъни, Конституциянинг 15-моддаси “ Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади” деган норма билан тўлдирилди. Амалдаги қонунчиликда бу Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган. Хорижий давлатлар тажрибасида (Россия, Белорус ва бошқалар) Конституциянинг мақомини унинг ўзида белгилаш тажрибаси мавжуд.

Учинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмас.

Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилади деган норма билан тўлдирилди. Конституциянинг 23-моддасига қўшимча сифатида киритилган.

Шунингдек, бир қатор долзарб масалалар ҳам борки, уларни Конституцияга киритиш унда инсон ҳуқуқлари янада кафолатланишини ҳамда демократик бўлишини таъминлайди.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қоидалар демократик конституцияларнинг асосини ташкил этади. Конституциявий ислоҳотларнинг муваффақияти унда турли қатлам вакиллариининг манфаатлари инобатга олинганлиги ҳамда улар томонидан қўллаб-қувватланишига боғлиқ бўлади. Бу эса, Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг қай даражада кафолатланганлигига боғлиқ бўлади. Шу сабабли, Конституцияга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги лойиҳада юқоридаги таклифларнинг инобатга олиниши катта аҳамиятга эга.

Қ.К. Атабаев*
А.А. Абдибоситов*

Янги Конституция - ушлаб турилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати сифатида

Жиноят-процессда процессуал мажбурлов чоралари бевосита инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилувчи ушлаб туриш, эҳтиёт чоралари,

* ИИВ Малака ошириш институти бошлиғининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник
* ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси, катта лейтенант

паспортнинг амал қилинишини тўхтатиб туриш, лавозимдан четлаштириш, мажбурий келтириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш каби чораларни қўллаш билан боғлиқ бўлиб, ушбу чоралар жиноятларни муваффақиятли очиш ва айбдорларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш учун зарурдир.

Юқорида келтирилган мажбурлов чораларининг ичида ушлаб туриш терговга қадар текширув ва дастлабки тергов даврида гумон қилинаётган шахнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларига энг кўп даражада дахл қилиши боис уларни қўллашда ҳуқуқни маҳофаза қилувчи органлардан ишни қонуний, ҳар томонлама синчковлик ҳамда холисона кўриб чиқишни талаб қилади. Зеро Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддасида ҳар кимнинг эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи мустаҳкамланган бўлиб, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас. Агар бу ҳуқуқлар бузилса, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларида белгилаб қўйилган чоралар билан ҳимоя қилинади.¹

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Жамиятимизда қонун устуворлиги, тартиб-интизом, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашимиз зарур. Барчамизга маълумки, Ислом Абдуганиевич Каримов «Одамлар ҳамма нарсага чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди», деб кўп таъкидлар эдилар. Биз барпо этаётган ҳуқуқий давлатда адолатсизликнинг ҳеч қандай шаклда устун бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур. Бу ҳокимиятнинг барча тармоқлари, энг аввало, давлат бошқаруви органларининг, ва айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биринчи даражали вазифасидир. Биз халқимизнинг, бугунги замоннинг ана шу муҳим талаби сўзсиз бажарилишини таъминлашимиз шарт.”²

Давлатимизнинг асосий Қонунида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг деярли барча принциплал қоидалари ўз аксини топган бўлиб, айниқса, инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари алоҳида тартибда белгиланиши жамият ҳуқуқий тизимининг етуқлигининг ифодаси сифатида намоён бўлади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 3-моддасида ҳар бир инсоннинг яшаш, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари мустаҳкамланган. Шунингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 6-моддасида “Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Бу ҳуқуқ

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - «Халқ сўзи» газетаси, 1992 йил 15 декабрь, 243 (494)-сон; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.09.2019 й., 03/19/563/3685-сон

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз.- Тошкент - «Ўзбекистон»,- 2017. – Б.11

қонун билан ҳимояланади. Ҳеч ким ўзбошимчалик билан инсонни яшашдан маҳрум қила олмайди” дейилган.¹

Ўзбекистонда ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниш ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас.

Эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи конституциявий ҳуқуқлардан бўлиб, инсоннинг туғилиши билан қўлга киритилади, ўз ўрнида ушбу ҳуқуқлар давлат ва унинг ҳокимият тузилмалари томонидан таъминланади.

Юқоридагиларнинг исботи сифатида шахсий эркинлик ва дахлсизлик тўғрисидаги конституциявий меъёрлар жиноят-процессуал қонунчилигида ривожлантирилганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, Жиноят–процессуал Кодексининг 18-моддаси 2-қисмида: ҳеч ким суд қарорига асосланмай ёки прокурор санкциясиз ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас, деб белгиланган. Ушбу модданинг 3-қисмида эса судья ва прокурор қонунга хилоф равишда озодликдан маҳрум этилган ёки қонун ёхуд суд ҳукмида назарда тутилганидан ортиқ муддат ҳибсда ушлаб турилган ёки қамоқда сақланган ҳар қандай шахснинг дарҳол озод қилиниши шартлиги қатъий белгиланган.²

Шахс эркинлигини таъминлашнинг кафолатларидан яна бири Жиноят Кодекси 234-моддасида кўзда тутилган, қонунга хилоф равишда ушлаб туриш ёки ҳибсга олиш учун жиноий жавобгарликнинг белгиланганлигидир.³ Шунингдек, ҳуқуқий асоссиз, яъни била туриб, қонунга хилоф равишда ҳибсга олиш ёки ҳибсда сақлаш учун ҳам жиноий жазо белгиланган.

Шу билан бирга Жиноят-процессуал Кодексининг 220-моддасида қонуний ушлаб туришнинг мақсади белгиланган бўлиб, унга кўра ушлаб туриш жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсни унинг жиноий фаолият билан шуғулланишига барҳам бериш, қочиб кетиши, далилларни яшириши ёки йўқ қилиб юборишининг олдини олиш мақсадида, қисқа муддатга озодликдан маҳрум қилишдан иборатдир.⁴

Ушлаб туриш жиноят иши кўзғатилгунга қадар ҳам, иш кўзғатилгандан кейин ҳам фақат жиноятни содир этишда гумон қилинаётган шахсга нисбатан амалга оширилади. Бу эса жиноят-процессуал ушлаб туришнинг асосий мақсади ва унинг моҳияти эркинликни чеклашнинг вақтинчалигидир.

¹ Инсон ҳуқуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидаги таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. — Б. 219.

² Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси. –Тошкент: Адолат, 2023. – 9-б.

³ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. –Тошкент: Адолат, 2023. - 192-б.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси. –Тошкент: Адолат, 2023. – 133-б.

Эркинликни қисқа вақтга чеклаш, ушланган шахснинг жиноятга ҳақиқатдан ҳам алоқадорлиги ёки йўқлигини аниқлаб олиш учун амалга оширилади.

Жиноят-процессуал Кодекси 221-моддасида жиноятни содир этишда гумон қилинган шахсни ушлаб туриш учун асослар санаб ўтилган:

1) шахс жиноят устида ёки бевосита уни содир этгандан кейин қўлга тушса;

2) жиноят шохидлари, шу жумладан, жабрланувчилар уни жиноят содир этган шахс тариқасида тўғридан-тўғри кўрсатсалар;

3) унинг ўзида ёки кийимида, ёнида ёки уйида содир этилган жиноятнинг яққол излари топилса;

4) шахсни жиноят содир этишда гумон қилиш учун асос бўладиган маълумотлар мавжуд бўлиб, у қочмоқчи бўлса ёки доимий яшайдиган жойи йўқ ёхуд шахси аниқланмаган бўлса.¹

Ушбу модданинг тўртинчи бандидан шундай хулосага келиш мумкинки қочиб кетишга ҳаракат, доимий яшаш жойининг йўқлиги, шахсининг аниқланмаганлиги жиноят содир этганлик фактини тўғридан тўғри тасдиқламайдиган, шунингдек, шахсни жиноят содир қилишда гумон қилиш учун бошқа асос бўлмаган тақдирдагина ушлаб туриш учун асос бўла олмайди.

Ушлаб туриш асосларининг қатъий тартибда белгилаб қўйилиши ҳозирги замон қонунчилигида устувор бўлиб, шахснинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларининг яна бир кафолатланиши ҳисобланади.

Шунинг учун жиноят-процессуал қонунчилигининг асосий вазифаларидан бири жиноятни тезлик билан ва тўла очиш ҳамда айбдорларни аниқлаш ҳисобланади. Ушбу вазифа ҳеч қачон шахс ҳуқуқлари ва дахлсизлигининг бузилишига олиб келмаслиги керак.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш кўп жиҳатдан мамлакатда инсон ва фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини муваффақиятли амалга оширилишига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида мамлакат қонунчилигининг қай даражада мустаҳкамланганлигига боғлиқ бўлади. Ушлаб туриш асосларининг қонунда аниқ белгиланиши ягона мақсадни, яъни шахснинг ноқонуний равишда ушланишининг олдини олишни кўзлайди. Инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлигининг бузилиши эса ҳар бир шахснинг судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва унинг талабларини қондириш ҳуқуқини келтириб чиқаради.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал Кодекси. – Тошкент: Адолат, 2023. – 133-б.

Конституция ва қонуннинг устунлиги – ҳуқуқий давлатнинг муҳим мезони ва ажралмас белгиси

Мамлакатимизда 2023 йилнинг 30 апрель куни бўлиб ўтган умумхалқ референдумида Ўзбекистон халқи томонидан янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиниши том маънода халқимиз ҳаёти ва миллий давлатчилигимиз тараққиётида, айниқса ҳуқуқий тизимнинг ривожланишида оламшумул аҳамиятга эга бўлган тарихий воқеа бўлди.

Бунга бир неча асослар мавжуд. Биринчи асос, янгиланган мазкур Конституция ижодкори ва муаллифи ҳам, уни қабул қилинишини ирода қилган ҳам халқимизнинг ўзи бўлди (масалан, унда ёқлаб овоз берган фуқаролар улуши 90,21 % ташкил этди). Иккинчи асосимиз, ушбу конституциявий ислохотлар мазмунида муносабатлар ва устуворликларнинг янгиланган “инсон – жамият – давлат” конституциявий модели асосида демократик давлат, очик ва адолатли жамият барпо этишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди. Учинчи асос, инсон ҳуқуқларига оид жаҳон конституциявий амалиётида мавжуд бўлган 100 га яқин энг муҳим нормалар янгиланган Конституциямизда ўз аксини топди. Бу уни чинакам “Инсонпарвар Конституция” дейиш учун асос бўлди.

Бугун Ўзбекистон барча соҳаларда жадал ривожланмоқда. Жамиятнинг сиёсий фаоллиги ҳар қачонгидан юксалган. Мамлакатнинг янги қиёфасини шакллантириш бўйича ишлаб чиқилган “Стратегик дастур”лар ва “Йўл харита”лари асосида демократик ислохотлар изчил амалга оширилмоқда. Асосий мақсад – “Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун” деган оддий ва аниқ-равшан тамойил устувор аҳамиятга эга бўлган давлат ва адолатли жамият барпо этишга астойдил киришилган¹.

“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойили асосида муҳим дастуриламал ҳужжат – “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” шаклланди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Маълумки, Конституция бошқа ҳуқуқ манбаларидан фарқли равишда ижтимоий муносабатларни фундаментал жиҳатдан тартибга солиш хусусияти билан ажралиб туради. У давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий тизимлари асосларини, қиёфасини белгилаб беради.

Конференция номи нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, мустақиллик арафасидаги конституциявий ислохотлар 1992 йил Ўзбекистон Республикаси

* Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси, юридик фанлар номзоди

¹ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. 2017 йил 20 сентябрь. // <https://president.uz/uz/lists/view/1063>

Конституцияси қабул қилинишига сиёсий-ҳуқуқий асос яратган бўлса, ўз навбатида, Конституция фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатни барпо этишга йўналтирилган ислоҳотларга ҳуқуқий пойдевор бўлиб келди.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Президент Шавкат Мирзиёев бошлаган кенг қамровли ислоҳотлар, белгиланган юксак марралар, халқимиз кутаётган аниқ натижалар, инсонлар онгидаги туб ўзгаришлар, нафақат ўзимизни, дунёқарашимизни, муносабатларимизни, балки Конституциянинг ўзини ҳам ислоҳотлар объекти бўлишини кун тартибига қўйди. Давлат раҳбари бу заруратини ўз вақтида пайқаб, уни кун тартибига чиқарди.

Сўнги 25 йил ичида 100 дан ортиқ давлатларда конституциявий ислоҳотлар амалга оширилди. XXI аср бошидан 57 давлатда янги Конституция қабул қилинди ёки янгиланди. Ҳозир бирор бир давлатда ўзгартириш киритилмаган, асл ҳолидаги Конституцияни топиш амри маҳол.

Янги таҳрирдаги “Конституциямизда илк бор, Ўзбекистон Республикасига ҳуқуқий давлат деган таъриф берилди. Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат деб белгилаб қўйилди (1-модда).

Айтиш керакки, 1-моддада мустақамланган мазкур қоидалар ўз моҳиятига кўра Ўзбекистонда амалга оширилаётган конституциявий ислоҳотларнинг асосий мақсади бўлиб, киритилган барча янги нормалар давлатнинг энг муҳим белгиларини амалда таъминлашга қаратилган.

Бунда Конституциянинг ушбу қоидалари қайта кўриб чиқилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Бу юқорида санаб ўтилган давлат белгиларини барқарор ва ўзгармаслигининг кафолати ҳисобланади (154-модда).

Бошқача қилиб айтганда, Асосий қонунда конституциявий тузумнинг ўзига хос барқарор ва таркибий тизимлари ўзаро мантиқий боғланган замонавий конституциявий модели шакллантирилганидан далолат беради.

Адабиётларда кенг тарқалган қарашларга асосан, ҳуқуқий давлат – қонун устуворлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлган, фаолияти ва тузилиши халқ иродасига мос келадиган, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлайдиган давлат шакли ҳисобланади¹.

Соддароқ айтганда, ҳуқуқий давлат бу бутун вужуди билан ҳуқуққа, қонунга сўзсиз бўйсунган давлат ҳисобланади. Унда қонун барча учун тенг, қонун олдида ҳам барча тенгдир. Фуқаролар, давлат органлари, мансабдор шахслар ҳам қонун олдида бирдек жавобгар бўлган, ҳокимиятлар бўлиниши принципи ва бирини бири тийиб туриш механизми амалда мавжуд давлатдир. Айни пайтда, қонуннинг ўзи ҳам халқчил ва адолатли бўлиши керак. Яна бир

¹ Мамадалиев У. Ҳуқуқий давлат ва унинг ўзига хос хусусиятлари // file:///C:/Users/user/Downloads/u-u-iy-davlat-va-uning-ziga-hos-hususiyatlari%20(6).pdf

муҳим жиҳат, қонунлар нафақат бир бирига зид бўлмаслиги, айниқса Конституция руҳига тўлиқ мос ва мувофиқ бўлиши шарт. Ва яна бир муҳим омил – бу инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатланиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим шартларидан биридир.

Ана шу маънода, янги таҳрирдаги Конституцияда давлат ҳокимияти ўз фаолиятида қонун билан чекланишини, суверен халқ иродасига бўйсунини, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашини назарда тутувчи ҳуқуқий давлатнинг барча белгилари ўзининг яққол ифодасини топди. Жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоясининг энг муҳим кафолатлари сифатида Конституция ва қонун устунлигини таъминлашнинг конституциявий механизмлари сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Биринчидан, Асосий қонун мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади (15-модда);

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади (16-модда);

Учинчидан, фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан бевосита Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига мурожаат қилиш ҳуқуқи белгиланди (133-модда).

Бу жиҳатга бироз кенгроқ тўхташ лозим. Конституцияда қарорлари яқуний ва шикоят қилинмайдиган Конституциявий судга фуқароларнинг бевосита мурожаат қилиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг энг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституцияга амал қилишининг кафили сифатида қонун устуворлигини таъминлашда, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ўрни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоблайман.

Давлат суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини муҳофаза қилиш, давлат органларининг ўз вазифаларини бажариши ва мувофиқлашган ҳамкорлигини таъминлаш, конституциявий тузумни мустаҳкамлаш бўйича барча шароитларни яратиш учун зарур чора-тадбирларни кўради, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига баҳо беради.

Ўз вақтида, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз “**Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби**

йўқолади”, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади”¹.

Ҳуқуқий давлатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг энг асосий ва самарали воситаси ҳуқуқ ва эркинликларнинг суд томонидан таъминланишидир. Ҳар қандай кишини айбдор деб топишнинг фақат суд органлари ваколатига берилиши демократик ҳуқуқий давлатга хос хусусият бўлиб, бу шахсни ҳимоялашнинг муҳим воситасидир.

Хусусан, 2017 йилда бошланган конституциявий ислохотларга мувофиқ: Судьялар олий кенгаши ташкил этилди; Олий суд ва Олий хўжалик суди негизида фуқаролик, жиноий, маъмурий ва хўжалик судлов соҳасидаги ягона олий суд ҳокимияти органи – Олий суд ташкил этилди; маъмурий, иқтисодий судлар ташкил этилди; Конституциявий суднинг мустақиллиги мустаҳкамланди, ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Янгиланган Конституцияда унинг мантикий давоми сифатида судьялар мустақиллиги, одил судлов тизимини демократлаштиришнинг конституциявий асослари Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг шартлари сифатида сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Биринчиси, Судьялар олий кенгашининг конституциявий асослари мустаҳкамланди. У судьялар корпусининг шакллантирилишини, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципга риоя этилишини таъминлайдиган судьялар ҳамжамиятининг мустақил органи ҳисобланади (135-модда);

иккинчиси, судьялар дахлсиз ва муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги, давлат судьянинг ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлиги таъминланиши белгиланди (136-модда);

учинчиси, судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат Давлат бюджетидан амалга оширилиши ҳамда у одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши кераклиги тўғрисидаги норма (140-модда) ва бошқалар мустаҳкамланди.

Яна бир жиҳат, бу – Конституциявий суднинг ваколатига тааллуқли масалалар доираси кенгайтирилгани ҳамда аниқлаштирилганидир. Жумладан:

а) Конституциявий суд (133-модда): ратификация қилиш тўғрисидаги қонунлар Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар – Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди. Аввалги тартибда Конституциявий суд томонидан фақатгина Ўзбекистон Республикаси халқаро

¹ Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. 2019 йил 7 декабрь. // <https://president.uz/uz/lists/view/3119>

шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонунларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлашни назарда тутар эди;

б) Референдумга чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса бериш киритилди. Конституциявий суднинг бу каби ваколатлари Беларусь, Россия ва бошқа мамлакатлар конституцияларида ҳам мавжуд;

в) Конституциявий суднинг судьялари қайта сайланиш ҳуқуқисиз ўн йиллик муддатга сайланади (132-модда). Конституциявий суд судьясининг қайта сайланиш имкониятисиз давомий ваколат муддати қатор хорижий мамлакатлар конституцияларида мустаҳкамланган. Масалан, 9 йиллик муддатлар: Болгария, Франция, Италия, Литва (ваколат муддати тугаганидан кейинги танаффусдан сўнг қайта сайланиш имконияти билан), Польша, Португалия, Руминия, Словения, Украина; 10 йиллик муддат: Грузия; 12 йиллик муддат: Германия, Россия.

Шуни алоҳида таъкидлаш керак – ҳуқуқий демократик давлатнинг шаклланиши фуқаролик жамиятининг ривожланиши билан боғлиқ. Ҳуқуқий давлат – давлат тузилиши ва фаолиятининг ҳуқуққа асосланганлиги. Ҳуқуқий давлатнинг фаолиятининг асосий шартлари: халқ суверенитети; шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳеч ким, шу жумладан, давлат томонидан ҳам ҳар қандай ҳолда бузилмаслиги; Конституция ва қонуннинг устунлиги; ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилига амал қилиш; судларнинг мустақиллиги, халқаро ҳуқуқ нормалари ва миллий ҳуқуқ нормалари нисбати кабилар.

Ҳуқуқий давлатда энг олий қадрият бу инсон ҳисобланади. Давлат фақат ҳуқуқ нормаларини яратиб қолмай, ўзи ҳам уларга амал қилиши Ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим хусусияти ва ҳуқуқий давлат демократиянинг ажралмас белгисидир. Ҳуқуқий давлат – бу демократик тамойиллар асосида қабул қилинган қонунлар олдида барча тенг ва ҳисобдор бўлган, ҳеч ким қонундан устун турмайдиган давлат. Қолаверса, қонунларнинг бутун давлат ҳудудидаги устуворлиги, ҳокимиятлар ваколатининг бўлиниши, шахс ва давлатнинг ўзаро маъсуллиги, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимояланишидир.

Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди. Янгиланган Конституцияни ҳаётга жорий этиш, ижросини таъминлаш учун унинг мазмун-моҳиятини халқимиз ўртасида кенг тарғиб қилиш бўйича олдимизда аниқ вазифалар турипти.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳуқуқий давлатда энг олий қадрият бу инсон ҳисобланади. Ҳуқуқий демократик давлатнинг шаклланиши фуқаролик жамиятининг ривожланиши билан боғлиқ.

Демак, “мамлакат тараққийетини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди”. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, “Янгиланган Конституциямизда муҳрланган устувор мақсад ва вазифаларни амалга ошириш келгуси фаолиятимизнинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади” . Бу ҳуқуқий давлат қуриш учун зарур муҳим талаблардан биридир.

Буларнинг барчаси ҳуқуқий давлат принципи асосида инсон қадрини улуғлаш сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга чиқариш учун ҳуқуқий, ташкилий, ижтимоий-иқтисодий пойдевор яратди. Конституция, айниқса, унинг тўғридан-тўғри қўлланиладиган ҳуқуқий ҳужжат сифатида қабул қилиниши барчамизнинг масъулиятимизни янада оширади.

Ўз вақтида, Соҳибқирон Амир Темури бобомиз “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади” .

Янгиланган Конституциянинг нормалари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, кафолатларини кучайтириш ғояси билан сингдирилгани бутун давлат фаолиятини, қонунчилик фалсафасини тубдан ўзгартиради. Янги Ўзбекистонда қарор топаётган “инсон – жамият – давлат” постулати инсон қадрини улуғлаш сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга чиқаришга хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т.: Ўқитувчи, 2023 йил.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 8 майдаги Президент Фармони. “Халқ сўзи”, 2023 йил 9 май.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2022 йил 21 июнь.
4. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. 2017 йил 20 сентябрь. // <https://president.uz/uz/lists/view/1063>

5. Конституция ва қонун устуворлиги – ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. 2019 йил 7 декабрь. // <https://president.uz/uz/lists/view/3119>

6. Мамадалиев У. Ҳуқуқий давлат ва унинг ўзига хос хусусиятлари // [file:///C:/Users/user/Downloads/u-u-iy-davlat-va-uning-ziga-hos-hususiyatlari%20\(6\).pdf](file:///C:/Users/user/Downloads/u-u-iy-davlat-va-uning-ziga-hos-hususiyatlari%20(6).pdf)

*Г.Р.Маликова**

Свободное развитие гражданских институтов в контексте предмета конституционного регулирования

Введение

По прошествии более тридцати лет со времени принятия Конституции суверенного Узбекистана 1992 года вопрос о результатах и перспективах конституционной трансформации нашел своё отражение в новой редакции Конституции Республики Узбекистан. Конституция суверенного Узбекистана действительно сыграла переломную роль в развитии нашей страны, заложив основные принципы гражданского общества и правового государства и в этом отношении сохраняет непреходящее значение. Но это не означало, что она не должна быть совершенно недоступна для изменений, особенно с учетом истекшего времени и текущих задач демократии. Суть необходимых изменений – это наличие четкого и понятного общественного запроса. И в этом ракурсе блок новелл в новой редакции Конституции Республики Узбекистан касательно институтов гражданского общества имеет прямую корреляцию с блоком основных принципов. Остановимся на них подробнее.

Теория и история вопроса

В современной действительности «правовое государство» и «гражданское общество» не только являются составными частями одного целого, но и обуславливают взаимное развитие. Взаимодействие «правового государства» и «гражданского общества» происходит в соответствии с действием всеобщей категории «содержания и формы». Правовое государство в данном случае выступает в качестве «формы», внешней оболочки, в рамках которой в качестве «содержания», внутреннего наполнения существует гражданское общество. Расчленив и разъединить эти понятия практически невозможно. Отрадно, что Конституция в новой редакции заполнила существующий пробел относительно их взаимодействия, объявив наше государство не только демократическим,

* Доктор юридических наук, профессор, главный специалист, Института законодательства и правовой политики при Президенте Республики Узбекистан

социальным и светским, но и правовым (ст.1). Тем самым установив между «формой и содержанием» должную взаимосвязь.

Несмотря на то, что понятие «гражданское общество» такое же древнее, как и «государство», оно почему-то не вошло в текст Конституции Республики Узбекистан 1992 года. Хотя эти два явления существуют и взаимодействуют более двух тысячелетий. Одним из первых ученых, выдвинувших тезис о том, что граждане, проживающие в государстве, составляют гражданское общество, был Аристотель. Он писал, что «перед тем, как определить, что есть государство, должно выяснить понятие о гражданине, ибо государство есть не что иное, как совокупность граждан, гражданское общество».

Гражданское общество не сразу начало заявлять о себе как о высокоразвитой системе, оно постепенно начало вырастать из местных сообществ. Ещё Фараби (873-950 гг.) в своём произведении «Раздумья о населении идеального города», раскрывая идею потребности к людским общинам писал: «каждый человек от природы устроен так, что на пути к стремлению жить и совершенствоваться он нуждается во многих вещах, однако он один не в силах ими овладеть, чтобы этого достичь появляется потребность в людской общине».

В последствии развивая эту мысль в своем трактате «О домашнем хозяйстве» Абу Али ибн Сина (Авиценна) (980-1037) говорил: «...для того, чтобы люди жили в совместном обществе им нужно постоянно общаться и быть в различных взаимоотношениях, чтобы приносить взаимную пользу и выполнять потребности друг-друга им необходимы общие стремления и цели».

По мнению Абу Райхана Беруни (973-1048) в основе возникновения общества лежат материальные потребности людей. “Наличие множества потребностей... вынуждает человека объединиться в общество себе подобных, чтобы оказывать содействие друг-другу”. Таким образом, был заложен фундамент институтов гражданского общества.

На Востоке классическим примером становления и развития гражданского общества является махалля, которая возникала не только как территориальное объединение, но и как объединение людей одного рода деятельности (ткачей, шелководов, красильщиков, маляров, гончаров, ювелиров, столяров, мыловаров, кустарей, сапожников и т.д.). В результате, с одной стороны, произошло становление как бы цеховой организации людей определенной деятельности, а с другой, образовались компактные однородные группы.

Общество начало разделяться на государственную и негосударственную сферу человеческой деятельности. Оно коренилось в свойстве их объединения профессиональными связями. Со временем развитие данных направлений

переросло в различные институты гражданского общества, включая политические партии и национально освободительные движения, которые функционировали в Туркестанском крае.

Восстановление пробелов

Приобретенный нашей страной опыт за годы независимости позволил учесть некоторые упущенные исторические факты, и Конституция Республики Узбекистан в новой редакции восполнила их. Поэтому в Преамбуле обозначила, что народ Узбекистана опирается на более чем трехтысячелетний исторический опыт развития нашей государственности, а также научное, культурное и духовное наследие великих предков, внесших бесценный вклад в мировую цивилизацию. Логическим продолжением этого служит введение главы 13 “Институты гражданского общества”. Которая, во-первых, вооружила будущих специалистов в области государственного управления (и не только!) навыками анализа и прогноза тенденций исторического развития нашей национальной государственности, во-вторых, это послужило заполнению существующего пробела.

Для чего это было необходимо законодателю?

Современная демократическая цивилизация обеспокоена своим развитием и сохранением общественных ценностей. Обеспечение общественного согласия, достигаемое в государственной сфере, а также в сфере гражданского общества, базируется на результатах устойчивых гармоничных отношений между различными социальными группами.

Социальный прогресс зависит не только от зрелости государственных институтов власти, но и от институтов гражданского общества, в котором они складываются и функционируют. Общество таково, каким мы делаем его сами – сообща и каждый на своём месте. Авторы законопроекта раскрыли и передали суть, выявив смысл и содержание государственной политики, как искусства жить вместе, раскрыв ее внутреннюю логику.

Согласно ст.69 Конституции РУз институтами гражданского общества являются: общественные объединения, негосударственные некоммерческие организации, органы самоуправления граждан, средства массовой информации. Законодатель, наконец, структурировал элементы гражданского общества на правовом уровне. А поскольку конституция – это программный документ, данная норма перед исследователями ставит задачу произвести структурный анализ гражданского общества, поскольку оно предстает перед нами как сложное образование.

Логическим продолжением этого являются обозначение элементов гражданского общества. Это: общественные объединения, включая профессиональные союзы, политические партии, общества ученых, женские

организации, организации ветеранов, молодежи и лиц с инвалидностью, творческие союзы, массовые движения, религиозные организации. По сути дела, конкретное государственное общественно-политическое образование складывается из двух главных элементов – из государства и гражданского общества. Оба этих элемента составляют единую систему, и каждый из них выполняет важные функции.

Современное состояние

В Узбекистане за годы реформ создан ряд союзов и ассоциаций различного уровня, которые позволяют не только учитывать интересы населения, но и формулировать их претензии и доводить до органов власти различного уровня. В составе действующих неправительственных организаций есть немало добровольцев, выполняющих социально значимую работу.

За последние годы в Узбекистане принят серьёзный массив НПА в сфере развития институтов гражданского общества, принято около 20 законов, актов Президента Республики Узбекистан и решений Правительства. Среди них отдельного внимания заслуживают Указы Президента Республики Узбекистан Об утверждении Концепции развития гражданского общества в 2021-2025 годах, а также О создании Общественной палаты при Президенте Республики Узбекистан.

В чем заключается их миссия? Прежде всего в расширении масштаба участия населения в управлении делами государства и общества; достижении Целей устойчивого развития ООН; усилении общественного контроля за деятельностью государственных органов и учреждений.

Как это будет работать?

Во-первых, при Законодательной палате Олий Мажлиса будет функционировать постоянный представитель ННО, который не просто будет принимать участие на ее заседаниях, а заниматься внедрением социального партнерства, действенных механизмов общественного контроля во время обсуждения проектов законов, а также их правильном применении на практике;

во-вторых, увеличение объема государственной поддержки ННО и других институтов гражданского общества в виде субсидий, грантов и социальных заказов;

в-третьих, введение индекса открытости деятельности ННО;

в-четвертых, создание аналитических лабораторий (мозговых центров) для научно-теоретического изучения гражданского общества, постоянного анализа его развития и т.д.

К каким выводам мы пришли?

В жизни нет ничего второстепенного: экономика и политика, право и духовность, история и психология будут давать результат тогда, когда мы выстроим системный подход. Для успешного функционирования гражданского общества необходимо создание определенных предпосылок в экономической, политической и духовной сфере. Они проявляются в следующих позициях: существование различных форм собственности и их равенство перед законом, многопартийность, наличие оппозиции, независимых СМИ, общественных объединений и организаций, высокий уровень общественного сознания и культуры. Важнейшей, системообразующей предпосылкой формирования гражданского общества является наличие гражданина с развитым чувством гражданского долга и ответственности перед обществом. Субъект гражданского процесса должен обладать определенными духовно-нравственными качествами, которые детерминируют эффективную работу общественных структур гражданского общества.

Перед нами объективно стоит сложная и долгосрочная задача построения социальной демократии, путь к которой неизбежно лежит через формирование сильного современного гражданского общества. Пожелаю каждому, кто избрал целью внести свой вклад в развитие этой деятельности – успехов в нелегком, но благородном деле – служении Отчизне!

*А.А. Дадашева**

Конституциявий ислохотларда инсон кадри ва ҳуқуқларининг устуворлиги

Янги тахрирдаги Конституция Ўзбекистон жамиятининг эволюцион ривожланишидан келиб чиқаётган ҳаётий зарурат бўлиб, бу иш мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишимиз учун ғоят аҳамиятли масала, адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан қадамдир.

Сўнги йилларда эришган ютуқларимизни, хусусан, иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз ва эътиқод эркинлиги, ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги юзлаб чекловларнинг олиб ташлангани, нақд пул, валюта, кредит масалаларидаги муаммолар ҳал қилингани, қўшниларимиз билан орамиздаги “музлар эригани” ва бошқа ижобий ҳаракатлар ортга қайтмаслигининг конституциявий ҳимоясини таъминлаш зарур. Бу ютуқлар, ҳуқуқ ва эркинликлардан нафақат ҳозирги, балки келажак авлодларимиз ҳам эмин-эркин

* Тошкент далаат транспорт университети Халқаро оммавий ҳуқуқ кафедраси мудири, юридик фанлари доктори, профессор

фойдаланиши учун, уларни, албатта, Конституцияда муҳрлаб қўйиш талаб этилди.

Ҳаммамиз гувоҳи бўлаяпмизки, дунёда ҳар куни кутилмаган хавф-хатар ва таҳдидлар юзага чиқяпти. Бугунги зиддиятли жараёнлар, иқтисодий қарама-қаршилиқлар қачон ва нима билан тугабини башорат қилиб бўлмайди. Ҳатто, айрим давлатларнинг дунё харитасида қолиш-қолмаслиги савол остида қолаётгани ҳам сир эмас. Жаҳондаги қарийб 100 миллион одам ўз ҳаётини сақлаш учун бошқа юртларда бошпана излаб юргани, озиқ-овқат етишмаслиги, энергия ресурслари тақчиллиги, пандемия, ичимлик сув таҳчилиги каби глобал муаммолар ривожланган давлатлар аҳолисини ҳам жиддий ўйлантирмоқдаки, буларнинг бари бизга ҳам таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас.

Қолаверса, минтақамиздаги вазият ҳам бизни жиддий ташвишга солмай қўймайди: ёнгинамизда қарийб 50 йиллик нотинчлик давом этапти.

Эътибор берсак, мамлакатимиз ҳар жиҳатдан катта давлатга айланмоқда. Аҳолимиз 2040 йилга бориб 50 миллионга етади, жамиятнинг ярмидан кўпини ёшлар ташкил қилади. Уларга муносиб ҳаёт шароити яратиш учун эса барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим.

Булар ва бошқа кўпдан-кўп муаммолар ечими мустаҳкам ҳуқуқий пойдеворни – Ўзбекистоннинг янги таҳрирдаги Конституциясини тақозо этади.

Бир нарсани алоҳида айтиш керакки, Конституциянинг бу матни олим-у мутахассислар томонидан фақат кабинетларда яратилмади. Балки, даставвал икки босқичда халқимизнинг фикри, таклифлари ўрганилди, шундан сўнггина Конституция лойиҳаси тайёрланди. Авваллари эса Конституция қабул қилишда дастлаб лойиҳа ишлаб чиқилиб, кейин халқ муҳокамасига қўйиларди.

- биринчи босқичда Конституция лойиҳасини шакллантириш учун фуқароларимиз 60 мингдан зиёд таклиф беришди. Уларнинг тахминан ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олди;

- иккинчи босқичда Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоқлари орқали лойиҳа билан 5 миллион аҳоли танишиб, 150 мингдан ортиқ таклиф ва мулоҳазалар айтилди.

Шу билан бирга, меҳнат жамоалари, олийгоҳлар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган муҳокамаларда ҳам яна қарийб 10 мингта қўшимча таклиф келиб тушди. Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва 190 дан ортиқ давлатлар тажрибаси ўрганилди, лойиҳа 6 турдаги экспертизадан ўтказилди.

Буларнинг ҳаммаси янги таҳрирдаги Конституцияда жамиятнинг барча қатламлари манфаатлари инобатга олингани, Янги Ўзбекистонни куриш ғояси

атрофида бутун жамият жипслашгани, Бош Қомусимиз том маънода халқ Конституцияси бўлаётганидан далолат беради.

Конституция моддалар сони 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ошди. Яъни, Асосий қонунимиз матни қарийб 65 фоизга ортди ва халқимиз таклифлари асосида янгиланди.

Конституцияда Ўзбекистон – суверен, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди.

Кучли ижтимоий ҳимоя ва муҳтожларга ғамхўрлик – давлат сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади

Тарихимизда илк бора Ўзбекистон – ижтимоий давлат, деб белгиланмоқда. Яъни, инсонга эътибор ҳамда ғамхўрлик – давлат ва жамиятнинг энг асосий бурчи экани мустаҳкамланаяпти.

Конституцияда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши белгиланди. Умуман давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ Конституциядаги нормалар 3 баробар кўпайтирилди.

Хусусан, Конституцияда ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди. Ушбу норманинг амал қилиши ҳар бир фуқаро, жумладан, ёш оилаларнинг ўз бошпанасига эга бўлишини таъминлаб, кишиларнинг ҳаётдан розилик даражасини оширади.

Маълумот учун: ўтган йили мамлакатимизда 50 минг оила учун янги квартиралар олишга шароит яратиб берилган бўлса, бу йил 90 минг оилани уй-жойли қилиш марраси олинган. Яқин 2-3 йилда эса бу рақамни 200 мингга етказиш устида ишланмоқда.

Бундан ташқари, ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда (бозор қийматида) қопланиши таъминланиши кафолатланди.

Аҳоли кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиши ҳам киритилди. Умуман, аҳоли саломатлигини асраш билан боғлиқ нормалар 4 баробар кўпайтирилди. Бу аҳоли соғлиғини ишончли муҳофаза этиш ҳамда оналар ва болалар ўлими, юқумли касалликлар таҳдидини бартараф этишда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Маълумот учун: жорий йилда “Кафолатланган хизматлар пакети” қайта кўриб чиқилиб, унда 20 турдаги касалликлар бўйича диагностика, даволаш ва профилактика хизматлари ҳажми тўлиқ қамраб олинади.

Кўп учрайдиган 20 турдаги касалликлар бўйича бирламчи бўгиндаги бепул анализ турлари – 15 тадан 25 тагача, текиширувлар – 10 тадан 20 тагача, дорилар – 64 тадан 90 тага оширилади.

Давлат бебаҳо табиий бойликларимизни кўпайтириш, асраб-авайлаш ва атроф-муҳит мусоффолигини сақлаш чораларини кўради

Аҳоли ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарурий шарти сифатида Конституцияда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чоралар белгиланди.

Сўнгги уч йилда қурилишлардан норози бўлиб, аҳолидан 15 мингта мурожаат келиб тушган, судлар томонидан биргина Тошкент шаҳрида 200 дан ортиқ қурилишлар тўхтатиб қўйилган, автомобиллар сони 1,3 миллионга кўпайиб, 3,6 миллионга етган, ҳар йили атмосфера ҳавосига 2,2 миллион тонна саноат ва транспорт ташланмалари чиқарилаётгани ҳам ушбу масала тобора долзарб аҳамият касб этаётганлигидан далолат бермоқда.

Шу муносабат билан, давлат атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чораларни амалга оширилди, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади, деган норма мустаҳкамланди.

Шаҳарларнинг бош режаларини жамоатчилик муҳокамасидан мажбурий ўтказилиши шартлиги ҳақидаги конституциявий қоида ҳозирги шароитда тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган шаҳарсозликка оид масалаларни халқимиз билан бамаслаҳат ечилиши учун имконият яратилди.

Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланди. Аҳолимиз ва келажак авлод учун экологик тоза ҳудудни сақлаб қолишнинг конституциявий кафолатлари яратилди.

Таълим олиш ҳуқуқи ва имконияти кенгайтирилади, ўқитувчилар конституциявий мақомга эга бўлади

Ижтимоий давлатга хос ёндашувлар таълим соҳасига оид кўплаб модда ва нормаларда ҳам ўз ифодасини топди. Таълим ва илм-фанга оид нормалар қарийб 2 баробарга ошди.

Жумладан, фуқароларнинг олий таълим муассасаларида давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқи катъий белгилаб қўйилди.

Маълумот тариқасида айтиш мумкинки, 2017 йилгача олийгоҳларда ўқиш учун давлат грантлари сони фақат қисқариб келган бўлса, охириги олти йилда бу борадаги аҳвол бутунлай ўзгарди. Грантлар сони 2 баравар кўпайиб, 40 мингтага етди. Магистратура учун эса 5 баравар кўпайди.

Асосий қонунда фуқароларнинг бепул бошланғич касб-ҳунарга ўқитилиши ҳам белгиланди.

Ногиронлиги бор болажонларимизга ўз тенгдошлари билан бир хил таълим олиши учун барча шароитларни яратиш кўзда тутилди. Шунинг учун, бундай имкониятлар инклюзив таълим сифатида Конституцияга киритилинди. Бу шундай нуқсонларга эга болаларимизнинг яққаланиб қолмаслиги, жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида шаклланиши ва камол топиши учун муҳим қафолатдир.

Конституцияда давлатнинг ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбурияти кучайтирилди. Бу қоидалар мамлакатимиздаги 685 минг нафардан ортиқ ўқитувчиларнинг профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиши уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми, обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Олий таълим ташкилотларига академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи тақдим этилди. Конституциямизга ушбу норманинг киритилиши профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг ўқув жараёнидаги мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.

Жумладан, охириги йилларда кўплаб нодавлат олий ўқув юртлари очилди, хорижий университетлар филиаллари сони ортмоқда, 41 та давлат олий ўқув юртига академик ва молиявий мустақиллик берилди.

Яна бир муҳим янгилик – давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши конституциявий мустаҳкамланди. Ушбу норманинг киритилиши жамиятимизда оила мустаҳкамлиги ва мўътабарлигини барқарор таъминлашга хизмат қилади.

Энди фарзандлар тарбияси, уларга таълим бериш, баркамол вояга етказиш ҳам ота-она мажбурияти сифатида белгиланмоқда. Боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш эса давлатнинг бурчи сифатида белгиланди.

Конституцияда ҳар кимнинг меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи қафолатланди. Мазкур норманинг Конституцияда белгиланиши фуқароларнинг иш ҳақлари миқдори шунчаки эмас, айнан уларнинг муносиб турмуш кечиришини таъминлашда, пировард натижада аҳоли турмуш даражасини яхшилашда ва мамлакатимизда ижтимоий адолатни устувор қадриятга айлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Конституциямизда ҳомиладорлиги ёки боласи борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра аёлларни ишга қабул қилишни рад этиш, ишдан бўшатиш ва уларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланиши белгиланди, булар давлатимизда гендер тенглиги принциплари тўлақонли амал қилишига келажакда олиб келиши тайин.

Бундан ташқари, давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек, камбағалликни қисқартириш чораларини кўриши ҳам мустаҳкамланди.

Қолаверса, давлат фуқароларнинг касбий тайёргарлигини ва қайта тайёрланишини ташкил этиши ҳамда рағбатлантириши қайд қилинди. Бу янги норма иш билан таъминланмаган фуқароларни камбағаллик ҳолатига тушиб қолишининг олди олишга ёки камбағаллик тоифасига кириб қолган фуқароларни ундан чиқариш бўйича давлат томонидан тегишли чоралар кўрилишига конституциявий кафолат сифатида хизмат қилиши қонуний кафолатланди.

Конституцияда болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланиши белгиланмди. Шукрки, бугунги Ўзбекистонда узоқ йиллар юртимизнинг халқаро имиджига салбий таъсир қилиб келган мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилди.

Конституцияда ҳар ким ишсизликда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамланди. Пенсия, нафақа ва бошқа ижтимоий ёрдамлар миқдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилмоқда. (2025 йил 1 мартдан фуқароларга **ёшга доир пенсияларни** «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунда белгиланган ёшга тўлиши муносабати билан **алоҳида мурожаат талаб этмаган ҳолда проактив шаклда тайинлаш тартиби** жорий этилади)

Конституция лойиҳасида Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат, деб белгиланмоқда.

Жумладан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади, дея эълон қилинар экан, унда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан ортиққа ошмоқда.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларимизнинг, ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятининг мазмунига айланиши қатъий талаб сифатида белгиланди, бу ҳол давлат органлари ҳамда мансабдор шахсларнинг фақат ва фақат фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолият кўрсатишига асос бўлади.

Бинобарин, қонунлардаги зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлиши шарт ва зарур. Бунга кўра, инсон ва давлат ўртасида

муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликдаги ноаниқликлар, турли тушунмовчиликлар бартараф этилади, фуқароларнинг ортиқча оворагарчиликлари олди олади.

Конституцияда давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги мустаҳкамланди. Қонунчиликда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммасига ўз розилигисиз юклатилиши мумкин эмаслиги қайд этилди.

Ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистондан ташқарига мажбурий чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга бериб юборилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Бу норма фуқароларимизнинг доимий равишда давлат ҳимоясида эканлигига ишончини мустаҳкамлашга, ўз юртидан чиқариб юборилиши ёки бошқа давлатга берилиши каби ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларнинг сақлаб қолиниши ҳамда ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши таъкидланган. Ушбу норма чет элларда яшаётган, ишлаётган, таълим олаётган ватандошларимизни Ватани билан доимий алоқада бўлишига, тили, маданиятини сақлаб қолиш ҳамда ривожлантиришига, она юрти – Ўзбекистоннинг обрўсини янада оширишга ўз хиссасини қўшишига хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари сезиларли даражада кучайтирилди

Хусусан, Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланди.(2008 йилда кучга кирган лекин буни бош қомусимизга киритилиши муҳим жиҳатлардан бири) Ўлим жазосини тақиқлашни конституциявий даражада белгиланиши инсонни ҳаётдан ҳатто давлат ҳам маҳрум этишга ҳақли эмаслигини кафолатлайди.

Бундан ташқари, шахс суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги белгиланди. Яъни, шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракат фақатгина суд қарори асосида амалга оширилиши шарт. Ушбу қоида тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асоссиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўймасликка қаратилган. Бу орқали халқаро эътироф этилган “Хабеас корпус” институтини қўлланиш кўлами янада кенгайди.

Илк бор шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шартлиги, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик (халқаро эътироф этилган “Миранда қоидаси”), сукут сақлаш ҳуқуқи берилмоқда.

Ҳар кимнинг ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланди. Бундай ҳуқуқларнинг чекланишига ёки уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилиши белгилаб қўйилди.

Ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақлилиги белгиланди. Ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти шундаки, фуқаролар ўз бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини, ўзгалар ҳуқуқларини бузмаган ҳолда, мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ягона шарт – бу фуқаролар томонидан ўзини ҳимоя қилишда қўлланиладиган усуллар ёки чораларнинг қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бўлишидир.

Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар доираси кенгайди

Биринчи маротаба ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли эканлиги мустаҳкамланди. Бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси нафақат миллий қонунчиликда белгиланган нормалар, балки халқаро ҳуқуқ асосида ҳам ҳимояланишини таъминлайди.

Булардан ташқари, ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эгаллиги қайд этилди.

Конституцияда айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги қайд этилди. Мазкур норма тўғридан-тўғри амал қилувчи қоида бўлиб, тергов ва суд жараёнида фақат ишончли ва қонуний далиллардан фойдаланишни таъминлайди ҳамда шахсни асоссиз равишда жавобгарликка тортилишдан ҳимоя қилади.

Қолаверса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги мустаҳкамланди, ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги белгиланди. Бу қоидаларнинг Конституцияда белгиланиши жиноий таъқиб остидаги ҳар қандай шахсга ёки унинг яқин қариндошларига руҳий босим ва турли таҳдидлар ўтказиш, унинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш каби бошқа ноқонуний усуллар қўлланишини олдини олишга хизмат қилади.

Яна бир муҳим норма – агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги кафолатланди. Бу ҳол жиноят бўйича ҳақиқатни аниқлаш,

шунингдек, айбсиз инсонларнинг жавобгарликка тортилишини олдини олишга, айти пайтда, жиноят содир этган ҳақиқий айбдор шахс ёки шахсларни аниқлашга хизмат қилади.

Озодликдан маҳрум этилган шахслар ўзига нисбатан инсоний муомалада бўлиниши ҳамда инсон шахсига хос бўлган шаъни ва кадр-қиммати ҳурмат қилиниши ҳуқуқига эгаллиги ҳам тарихда илк бор конституциявий мустаҳкамланди.

Қолаверса, шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди, буларнинг ҳаммаси мустабид тузумдан қолган иллатга, қанча ёшларимизни ўз орзу-умидларидан воз кечишга мажбур қилган ноинсоний тақиқларга чек қўйди.

Конституцияда ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланди.

Қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгаллиги, ҳар ким Ўзбекистондан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистонга тўсқинликсиз қайтиш ҳуқуқига эгаллиги белгиланди. Эндиликда мазкур конституциявий қоида киритилиши билан эркин ҳаракатланиш қадрият даражасида олий ҳуқуқий норма сифатида мустаҳкамланганлиги, бу “прописка” тизими муаммосига ҳам барҳам беради.

Конституцияда давлатнинг фуқароларга Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши кафолатланди. Зеро, Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар сони 2016 йилда 12,1 млн бўлган бўлса, 2022 йилга келиб икки баробарга, яъни 24 млндан ошди, шунингдек, мамлакатимиз аҳоли яшаш масканлари ҳудудининг Интернет тармоғи билан қамрови 2016 йилдаги 28% дан 2022 йилда 98% га етган.

Ёшлар ҳуқуқлари ҳимояланиши ва уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирокини рағбатлантириши кафолатланди.

Жумладан, давлат:

- ёшлар ҳуқуқлари ҳимояланиши ва уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирокини рағбатлантиришни кафолатланди;

- ёшларда миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, халқнинг бой маданий меросидан фахрланиш, ватанпарварлик туйғуларини шаклланишига ғамхўрлик қилиши белгиланди.

Бундан ташқари, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилинди. Давлат шу орқали ўз зиммасига муҳим мажбуриятларни олмоқдаки, мазкур нормалар, нафақат ёшлар манфаати, балки бутун жамиятимиз ва мамлакатимизнинг келгуси тақдири учун муҳимдир.

Рақобатбардош миллий иқтисодиёт, хусусий тадбиркорлик ва мулк ҳуқуқи кафолатлари мустаҳкамланди.

Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларида тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланиши қатъий белгиланди. Бу фуқаролар фаровонлигини оширишга йўналтирилган Ўзбекистон иқтисодиётининг ривожланиши, мулкдорлар қатламини кенгайтишига хизмат қилади.

Давлат қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминланиши бўйича қоида мустаҳкамланди. Мазкур норма мамлакат иқтисодиётига тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга, инвесторларнинг ишончини мустаҳкамлашга, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Тадбиркорларнинг қонунчиликка мувофиқ ҳар қандай фаолиятни амалга оширишга ва ўз фаолияти йўналишларини мустақил равишда танлашга ҳақли эканлиги белгиланди. Конституцияга киритилинган мазкур қўшимчалар эркин бозор иқтисодиётининг энг муҳим талабини ўзида ифода этиб, тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни асосий мезонларини конституциявий даражада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида иқтисодий макон бирлиги, товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланиши мустаҳкамланди. Бу ҳол товарлар ва хизматларнинг эркин ҳаракатланиши ва реализация қилинишини ноқонуний чеклашни олдини олишга ва меҳнат ресурсларининг эркин ҳаракатига замин яратди.

Монопол фаолият қонун билан тартибга солиниши ва чекланиши мустаҳкамланди. Конституцияга ушбу норманинг киритилиши товар ва хизматлар бозорининг барча иштирокчилари учун тенг иқтисодий-ҳуқуқий имкониятлар яратиш орқали тадбиркорлар ўртасида ҳалол рақобатни ривожлантиришга ҳамда ишлаб чиқаришга янгиликларни тезкор жорий этиш орқали самарадорликни юксалтиришга хизмат қилади.

Конституцияда илк мартаба ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги назарда тутилган. Ушбу норма янги таҳрирдаги Конституциямиздаги ҳақиқий

инкилобий янгиликлардан бири сифатида мулкчилик муносабатларидаги бўшлиқни тўлдирди.

Янги тахрирдаги Конституция халқпарвар давлат куриш мақсадида кучли парламент, ихчам ва масъулиятли ҳукумат, мустақил ва адолатли суд тизимини барпо этишга эътибор берилди.

Парламент палаталарининг ваколатлари қайта кўриб чиқилди. Унга кўра, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгаймоқда, икки палата ишидаги такрорланишлар бартараф этилиб, ҳар бирининг масъулият соҳаси аниқ белгиланди.

Хусусан, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса, 14 тадан 18 тага кўпайди.

Ҳукуматни шакллантириш ва унинг фаолиятини назорат қилиш, Давлат бюджети ижросига оид масалалар Қонунчилик палатасининг ваколатига, ҳудудлар манфаати ва уларни ривожлантириш, янги вазирликлар ташкил қилиш тўғрисидаги фармонларни тасдиқлаш масалалари эса Сенат ваколатлари доирасига тааллуқли эканлиги мустаҳкамланиши шулар жумласидандир.

Сенат олдига қўйилаётган янги вазифалардан келиб чиқиб, уни ихчам, халқчил ва ҳудудлар манфаатини ифода этадиган идорага айлантириш бўйича нормалар Конституцияда кўзда тутилди. Хусусан, сенаторлар сонини ҳозирги 100 нафардан 65 нафарга тушириш, бунда ҳар бир ҳудуддан тенг равишда 4 тадан сенатор сайланиши, Президент томонидан тайинланадиган сенаторлар сони эса 16 тадан 9 тага камайтирилиши белгиланди.

Парламентнинг қуйи палатаси томонидан киритилган қонунлар Сенатда 60 кун ичида кўриб чиқилиши, муддат ўтиб кетса, ушбу қонун маъқулланган деб ҳисобланиши ва имзолаш учун Президентга юбориш бўйича норма киритилди.

Парламентнинг суд ва назорат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар фаолияти устидан назорат функциялари кучайтирилди

Янги Конституцияда Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси раҳбарлигига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинланиши, шунингдек, республика коррупцияга қарши курашиш органи ва республика монополияга қарши органи раҳбарлари Сенат томонидан сайланиши амалиётини жорий этилди.

Махсус хизматлар фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлигига номзод Сенат билан маслаҳатлашувлардан сўнг Президент томонидан лавозимга тайинланиши белгиланди.

Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари ҳам кучайтирилиб, парламент назоратининг муҳим шакли бўлган парламент текшируви институти Конституцияда алоҳида мустаҳкамлаб қўйилди.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими киритилди.

Айрим олий мансабдор шахсларнинг лавозимга сайланиш ёки тайинланиш муддатлари бўйича чекловлар белгиланди.

Сенат Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери, Олий суд ва Судьялар олий кенгаши раислари, уларнинг ўринбосарлари, Бош прокурор, Марказий сайлов комиссияси раиси, ҳокимларни лавозимга икки муддатдан ортиқ сайлаш ёки тайинлашга чеклов киритилди.

Конституциявий суд судьяларини қайта сайланиш ҳуқуқисиз 10 йилга сайлаш тартиби белгиланди (*ҳозирда биринчи марта 5 йилга, кейин яна 10 йилга сайланади*).

Конституцияга адвокатура институтига бағишланган ва адвокатлар фаолиятининг кафолатларини мустаҳкамловчи алоҳида боб киритилди. Адвокат, унинг шаъни, қадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимояси бўлиши ва қонун билан муҳофаза қилиниши мустаҳкамланди.

Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари ва функциялари, унинг жавобгарлиги сезиларли даражада кенгайтирилди. Хусусан, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, қулай инвестиция муҳитини яратиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, аҳолини, шу жумладан, ногиронлиги бор шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий бойликлар ҳамда биологик хилма-хилликни сақлаш ва бошқа соҳаларда ўз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун масъуллиги кенгайтирилди. Бундан ташқари, Ҳукумат зиммасига ижро этувчи ҳокимият органларининг ишида очиқлик ва шаффофликни, қонунийлик ва самарадорликни таъминлаш, давлат хизматларининг сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш вазифалари юклатилди.

Ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш институти босқичма-босқич бекор қилинади

Маҳаллий ижро этувчи ва вакиллик ҳокимиятининг бўлиниши мамлакатда бутун давлат бошқаруви тизимини чуқур ислоҳ қилиш учун асос бўлади. Шу асосда, маҳаллий Кенгаш раиси билан ҳоким лавозимини бир-биридан ажратиш амалга оширилади.

Барча масалалар ечими чинакам халқ овози бўлган маҳалла даражасига туширилади

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмаслиги белгилаб қўйилди. Конституциямизда мазкур кафолатнинг белгиланиши маҳаллаларга ўз ҳудудини мустақил бошқариш, аҳоли манфаатларидан келиб чиқиб давлат билан шериклик асосида муаммоларни ҳал этиб бориш, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга муҳим имкониятларни тақдим этади.

Оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўлиши учун кенг имконият ва кучли ҳимоя тақдим этилди

Хусусан, оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланди. Ушбу норма журналистларнинг эркин, турли маъмурий босимлардан қўрқмасдан фаолият юритишини таъминлайди ҳамда мамлакатимизда ахборот эркинлигини янада юксалишига, жамиятда очиқлик ва ошкоралик, қонунийлик муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Пировардида, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлашга, кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга ва сўз эркинлигини таъминлашга кафолатланади.

Шунингдек, Конституцияда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари кафолатланмоқда.

Конституциямизга илк мартаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилиши ва улар фаолияти кафолатларининг белгиланиши жамиятда очиқлик, ошкоралик ва қонунийлик муҳитини, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш ҳамда кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди.

Ш.Н. Бердияров*

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва уни амалга ошириш истиқболлари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрири 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга кирди. 1992 йилдан буён конституциямизга жами 15 марта ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган. Бу сафар эса ўзгаришлар

* Юридик фанлар доктори, профессор

кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди. Умуман, мутахассисларнинг фикрига кўра, конституция 65 фоизга янгиланган.

Мана шу янгиланган Конституциянинг энг муҳим ўзгаришлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин.

- **Биринчи муҳим ўзгариш** Конституциянинг 1-моддасидаги “Ўзбекистон – суверен демократик республика” жумласи, Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида ўзгартирилди. Бу ерда асосий киритилаётган янгиликлар “бошқарувнинг республика шакли”, “ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” эканлигидадир.

Бошқарувнинг республика шакли – давлат ҳокимиятининг олий органлари халқ томонидан муайян муддатга сайланишини англатади.

Ҳуқуқий давлатда Конституция ва қонун устувор бўлади.

Ижтимоий давлат деганимизда ҳар бир фуқарога муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратилган мавжуд ресурслар ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимланган, жамиятда кучли табақаланишга йўл қўйилмаган, сифатли таълим ва тиббиёт кафолатланган давлат тушунилади.

Дунёвий давлатда – давлат ва дин бир-биридан ажратилган бўлади. Давлат диний эътиқодидан қатъи назар барчага бир хил ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди.

Иккинчи муҳим ўзгариш. Конституциянинг 15-моддасига киритилган қўшимча билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Бу ерда асосий янгилик Конституциянинг тўғридан тўғри амал қилиши бўлиб, фуқароларга нафақат қонунлар, балки бевосита конституциядаги нормаларга ҳам асосланган ҳолда иш олиб боришга, хусусан судга мурожаат қилишга имкон беради.

Учинчи муҳим ўзгариш “Имтиёзлар фақат қонунга мувофиқ белгиланади ва ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт” деб белгиланди. Эски таҳрирда “Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт” деб белгиланган эди.

Бу билан конституциянинг амалда ишламай келган нормаларидан бири реал воқеликка мослаштирилмоқда. Амалиёт шундайки, турли жабҳалардаги имтиёз ва преференциялар нафақат қонунлар асосида, балки кўп ҳолатларда қонун ости ҳужжатлар – қарор ва фармонлар асосида бериб келинмоқда.

Тўртинчи муҳим ўзгариш инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

Ижтимоий муносабатлар чексиз шаклларга эга, уларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўлиқ кодификация қилиб чиқиш амалда имконсиз.

Эндиликда, қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмаган масалаларда зиддият юзага келса, масала давлат эмас, инсон фойдасига ҳал этилади.

Бундан ташқари, турли ҳужжатларни юритишда давлат органлари томонидан хато-камчиликка йўл қўйилган тақдирда, масала фуқаро фойдасига ҳал этилиши керак.

Бешинчи муҳим ўзгариш инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин. Бу ўринда жамоат хавфсизлиги муҳим масала эканлигига урғу берилди.

Олтинчи муҳим ўзгариш янги Конституциямизда ўқитувчилар алоҳида эътироф этилди, яъни ўқитувчилар ҳақида қуйидаги икки банддан иборат модда кўшилди:

➤ Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

➤ Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади дейилди.

Шу тариқа, устозлар ҳуқуқ ёки давлат бошқарув соҳаси вакили бўлмаган, лекин олий қонунда алоҳида тилга олинган касб эгаларига айланди. Конституцияда номи келтирилган ўқитувчилардан бошқа касб эгаларининг барчаси – ҳуқуқ соҳаси вакиллари (судьялар, прокурорлар ва адвокатлар) ёки бошқарув ҳокимиятининг олий органларининг вакиллари дир. Бошқа ҳолатларда касб эгалари эмас, соҳалар ҳақида гап кетган (масалан, оммавий ахборот воситалари, турли жамоат бирлашмалари).

Еттинчи муҳим ўзгариш эндиликда ер хусусий мулк бўлиши мумкин. Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин.

Саккизинчи муҳим ўзгариш оммавий ахборот воситаларининг фаолиятига тўсқинлик қилиш жавобгарликка сабаб бўлади.

Аввалги конституциянинг “Оммавий ахборот воситалари” номли боби битта моддадан иборат эди.

Янги конституцияга кўра, бу боб иккита моддадан иборат бўлди, асосий янгилик – ОАВ фаолиятига тўсқинлик учун жавобгарлик конституция даражасида белгиланди. Эндиликда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексларига тегишли жавобгарликни назарда тутувчи қўшимчаларни киритиш лозим бўлади.

Тўққизинчи муҳим ўзгариш давлат бошқарувидаги қуйидаги ўзгаришлар ҳисобланади:

- **Президентнинг ваколат муддати 7 йил бўлди.**

- **Эндиликда бош вазир номзодини президент тақдим этади.** Президент бош вазир номзодини тақдим этишдан олдин парламентга кирган барча партияларнинг фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказиши белгиланди. Қонунчилик палатаси президент тақдим этган номзодни кўриб чиқади, агар депутатларнинг ярмидан кўпи маъқулласа, бош вазир лавозимга тасдиқланади. Агар депутатлар номзодни уч марта рад этса, президент бош вазирни тайинлаб, Қонунчилик палатасини тарқатиб юборишга ҳақли. Аввалги тартибга кўра, бош вазир номзодини Қонунчилик палатасида энг кўп ўринни эгаллаган партия таклиф қилар, президент маъқуллагач, номзод икки палата томонидан тасдиқланиши талаб этилади.

- **Сенаторлар сони 100 нафардан 65 нафарга камайтирилди.** 14 та ҳудуддан 6 нафардан эмас, 4 нафардан сенатор сайланади, президент томонидан тайинланадиган сенаторлар сони 16 нафардан 9 нафарга қисқаради. Бу ўзгариш 2024 йилда бўладиган парламент сайлови вақтида кучга киради. Қонунчилик палатаси депутатлари сони 150 нафар ҳолатида ўзгаришсиз қолдирилди.

- **Бош вазирни тайинлаш ва унга ишончсизлик вотуми билдиришда Сенатнинг иштироки бекор қилинди.** Эндиликда бунинг учун депутатлар умумий сонининг учдан икки қисми овоз бериши етарли. Бош вазир ва ҳукумат аъзоларининг ҳисоботларини эшитиш ҳам қуйи палатанинг ваколатига ўтказилди. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси ҳукумат аъзоларини истеъфога чиқариш тўғрисида президентга таклиф киритиш ваколатига эга бўлди.

- **Коррупцияга ва монополияга қарши курашиш органлари раҳбарларини президент тақдимида биноан сайлаш Сенатнинг ваколатига киритилди.** Сенат, шунингдек, энг юқори рангдаги суд мансабдорларини сайлайди, бош прокурор ва Ҳисоб палатаси раислигига номзодларни кўриб чиқиб маъқуллайди, ДХХ раислигига номзод бўйича президент билан маслаҳатлашув ўтказади, Марказий банк раисини тайинлайди ва лавозимидан

озод этади, хориждаги асосий дипломатларни тайинлайди ва лавозимидан озод этади (буларнинг барчаси президент тақдимига биноан амалга оширилади). Бундан ташқари, Сенат маҳаллий кенгашларнинг қонунга зид қарорларини бекор қилиш ваколатига эга бўлди.

- **Президент муддатидан илгари президент сайловини тайинлашга ҳақли экани белгиланди.** Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси ва Сенатга ўзини ўзи тарқатиб юбориш ваколати берилди (палата аъзоларининг камида учдан икки қисмининг овози талаб этилади). Шунингдек, жиддий воқеалар рўй берганида, икки палата қўшма қарор қабул қилган ҳолда парламент текшируви ўтказиши мумкинлиги ёзиб қўйилди.

- **Судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмайдиган бўлди.**

- **Конституциявий суд судьялари 10 йил муддатга сайланади** ва қайта сайланиши мумкин бўлмайди. Аввалги тартибга кўра, бу муддат биринчи марта сайланганида 5 йил, кейингисида 10 йил эди.

Айни бир шахс сурункасига икки мартадан ортиқ битта лавозимни эгаллаши мумкин эмаслиги ҳақидаги қоида, президентдан ташқари, Сенат раиси, Қонунчилик палатаси спикери, Олий суд раиси ва ўринбосари, Судьялар олий кенгашининг раиси ва ўринбосари, Марказий сайлов комиссияси раиси, бош прокурор, ҳокимлар ва кенгашлар раисларига нисбатан ҳам татбиқ этиладиган бўлди.

Ўнинчи муҳим ўзгариш сифатида маҳаллий давлат ҳокимиятидаги ўзгаришларни айтиш мумкин. Хусусан, эндиликда ҳокимлар кенгаш раиси бўла олмайди, яъни Маҳаллий давлат бошқарувида вакиллик ва ижро этувчи органлар бир-биридан ажратилмоқда. Бу борадаги ҳозирги тартиб ҳокимиятнинг бўлиниш ва ҳокимият бўғинларининг ўзаро тийиб туриш принципига бироз зид эди. Бош қомуснинг янги таҳририга асосан, бунга барҳам берилиб, маҳаллий кенгашлар сайланадиган вакиллик органлари, ҳокимликлар эса ижро органлари деб белгиланмоқда.

Шунга мувофиқ, қуйидаги саналардан бошлаб, ҳокимларнинг кенгашларда раислик қилишига барҳам берилади:

- вилоятларда ва Тошкент шаҳрида 2024 йилги депутатлик сайловлари яқунлари бўйича;

- туман ва шаҳарларда 2026 йил 1 январдан бошлаб.

Маҳаллий кенгашлар раислари кенгаш депутатлари орасидан 5 йил муддатга сайланади. Ҳокимлар эса 5 йил муддатга тайинланади, тайинланган ҳокимни кенгашлар тасдиқлайди.

Юқоридагилардан ташқари, конституцияга бошқа кўплаб нормалар ҳам қўшилган, жумладан:

- Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланиши.

- Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги.

- Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги.

- Ҳар ким ўз шахсига доир нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмаётган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эгалиги.

- Адвокатларнинг мақоми ва фаолият кўрсатиши белгиланганлиги;

Давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиши ва бошқалар.

Кўриб турганимиздек, Конституциямизда жуда ҳам кўплаб янги ижобий ўзгаришлар бўлди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки ҳар қандай қонунчилик ҳужжатини қабул қилиш бу ишнинг яrimi холос. Қолган яrimi эса унинг самарали ижроси билан боғлиқдир.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги ПФ–67-сон “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Мазкур ҳужжатда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни Янги Ўзбекистон улуғвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш назарда тутилган.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи навбатдаги устувор вазифаси этиб белгиланган.

Фармон билан:

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланган;

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг устувор ғояларини рўёбга чиқариш ва нормаларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича Давлат комиссияси ташкил этилган;

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги юқорида кўриб чиқан суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат принципларини изчил амалга ошириш бўйича экспертлик кенгашларининг таркибилари тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш жараёнини ахборот-таҳлилий, илмий ва экспертлик жиҳатдан таъминлаш учун масъул этиб белгиланиб, унинг зиммасига:

янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқ ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини илмий экспертизадан ўтказиш;

давлат органлари, айниқса, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида янги таҳрирдаги Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри қўлланиши ҳолатини мониторинг қилиб бориш;

янги таҳрирдаги Конституция асосида янги ўқув дастурлари, дарсликлар ва бошқа қўлланмаларни тайёрлаш бўйича илмий-методик чора-тадбирларни мувофиқлаштириш вазифалари юкланган.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 32-моддасида белгиланган мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқи тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида:

«Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинмиши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Қонунни ўз кучини йўқотган деб топиш бўйича қонун лойиҳасини киритиш;

фуқароларни яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда хабардор қилиш тартибини жорий этишга қаратилган мутлақо янги механизмларни жорий этиш белгиланган.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 78-моддасининг талабларига мувофиқ 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб республика фуқароси ҳисобланган ва 18 ёшгача бўлган болаларнинг маданий мерос объектларига, жумладан кўргазмалар, тарихий обидалар ва зиёратгоҳлар, шунингдек, давлат музейларига тўловсиз кириш тартиби жорий этиш назарда тутилган.

Конституциянинг 50-моддаси талабларига мувофиқ 2023 йил 1 августдан бошлаб солиқ тўловчилар томонидан ёшидан қатъи назар фарзандларининг Ўзбекистон Республикаси таълим ташкилотларида таълим олишлари учун йўналтириладиган тўловлар солиқ солинмайдиган даромадлар тоифасига киритиш вазифаси белигланган.

Конституциянинг 41, 65 — 67-моддалари талабларидан келиб чиқиб, 2023 йил 1 июндан бошлаб:

тўлов хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмалари амалга оширилганда, уларга кўрсатилган хизматлар учун электрон ҳисобварақ-фактуралар тақдим этиш ва расмийлаштириш тартиби;

чакана савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг фаолият кўрсатиш вақтига нисбатан чекловлар бекор қилинган.

Конституциянинг 55-моддасига мувофиқ, 2024 йил 1 январдан бошлаб, маъмурий судларга шикоят қилишда фуқаро ва тадбиркорлик субъектларидан давлат божини ундирмаслик, бунда давлат божини ишни кўриб чиқиш натижаси бўйича айбдор тарафдан ундириш тартиби жорий этилиши белгиланган.

Конституциянинг 21-моддасига мувофиқ, белгиланган ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашда мутаносиблик принципини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчиликда шартномавий ва бошқа фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган жавобгарлик чораларини бекор қилиш назарда тутилган.

Янги таҳрирдаги Конституция 142-моддаси талабларидан келиб чиқиб:

а) жиноят процессида ҳимоячининг мақомини кучайтириш мақсадида, унга қуйидаги қўшимча ҳуқуқ ва ваколатлар бериш:

суриштирув ва дастлабки терговда ҳимоячи томонидан исталган вақтда жиноят ишини қўзғатиш ва тугатиш ҳақидаги қарорлардан нусха олиш;

кўрсатмаларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) учун судга тўғридан-тўғри илтимоснома киритиш;

терговга қадар текширув ўтказилаётган шахсларга малакали юридик ёрдамдан фойдаланиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида терговга қадар текширув жараёнида ҳимоячи мақомида иштирок этиш;

иш бўйича шартнома асосида суд экспертизалари ўтказилишини ва зарур билимга эга мутахассислар жалб қилинишини ташкиллаштириш;

жиноят иши бўйича маълумотларга эга шахсларни сўровдан ўтказишда уларнинг розилиги билан махсус техника воситаларидан фойдаланиш;

б) адвокатура соҳасига ёш кадрларни фаол жалб қилиш мақсадида 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим ташкилотлари юриспруденция йўналишида таҳсил олаётган битирувчи курс талабаларига адвокатлик тузилмаларида меҳнат қонунчилигига мувофиқ ўқишдан бўш вақтда адвокат ёрдамчиси сифатида иш фаолиятини олиб боришга рухсат бериш.

2023/2024 ўқув йили бошлангунига қадар:

барча таълим турлари ва босқичларидаги Конституцияни ўрганиш бўйича ўқув режалари ва таълим дастурларини қайта кўриб чиқиш ва уларни янги таҳрирдаги Конституция норма ва қоидаларига мослаштириш;

ўқувчиларга, ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, янги таҳрирдаги Конституцияни ўргатиш бўйича замонавий методика асосида дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва махсус адабиётларни яратиш чораларини кўриш.

2023-2024 йилларда янги таҳрирдаги Конституция бўйича давлат фуқаролик хизматчилари ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларини ўқитиш режасини тасдиқлаш вазифаси белгиланган.

Олий Мажлис палаталари, Конституциявий суд, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказнинг янги таҳрирдаги Конституциянинг модда-модда илмий-амалий шарҳини тайёрлаш вазифаси белгиланган бўлиб, ишчи орган этиб Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти белгиланган.

*Ш. Зулфиқоров**

Янгиланган Конституция мамлакат тараққиётининг таянч устуни!

Ҳар бир мамлакатда фуқаролар олиб борилаётган конституциявий ҳуқуқий ислохотларга ўз қарашларини, фикр ва мулоҳазаларини эркин билдиришлари табиий. Қайд этиш лозимки, конституциявий янгиланишларга ҳамма ҳам бирдайин муносабатда бўлишмайди, баъзилар хайрихоҳ, баъзилар эса эътирозли фикрларини илгари суришмоқчи бўлишади. Дарҳақиқат, ҳар кимнинг зикри, фикри ўзгача. Ҳозирги куннинг долзарб масаласи ҳам янги таҳрирдаги конституциянинг келгусидаги амалда ижроси қандай бўлар экан, деган турли фикрлар майдони билан бойиган десак янгиланишмаган бўламиз. Конституция нима учун керак, табиий савол туғилади? Конституция орқали давлат ўз бошқарувини енгиллаштиради, яъниким инсон, жамият, давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар умумлашади ҳамда ҳуқуқий тартибга солинади.

Назаримизда, Конституция доимий ўзгаришда, янгиланишда бўлиши лозим. Агарда у ҳаётий муносабатлардан ортда қоладиган бўлса, ўзининг юридик кучи ва таъсирини ҳам йўқотади. Дарҳақиқат, ҳар бир фуқаромиз билиши лозимки конституция унинг ҳаётида тўсиқ бўладиган муаммоларни тўғридан - тўғри ҳал қиладиган, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб берадиган, унинг ҳақиқий маънода ҳуқуқий ҳимоячиси бўладиган Асосий қонун эканлигини англашлари лозим. Конституциядан энг аввало, ҳар бир фуқаронинг ўзи бевосита манфаатдор эканлиги, унинг ҳар бир қонунини билиши ва тушуниши келажакда ҳар қандай юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларни енгиб чиқишида асосий кўмакчи бўлишини ҳис қилишлари лозим.

* Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети кафедра бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор

Эътибор қаратадиган бўлсак, дунё Конституциялари доимий янгиланишлар мавжида ривожланиб боради, муҳим ҳаётий муносабатларни, инсонларнинг янги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизгинини тартиб солиб боради. Шу ўринда, АҚШ Мустақиллик декларацияси асосчиларидан бири Томас Джефферсоннинг қизиқ бир мулоҳазаси диққатимизни эътиборга тортади, яъни унинг тахминича ҳар 19 йилда конституциялар ўзгариши керак, негаки шу вақт орасида қарийб аҳолининг ярим қисми янгиланади ва амалдаги конституция унинг қизиқишларини тўлиқ қамраб ололмайди. Нима дея баҳолайсиз, хулоса чиқариш ўзингиздан!

Таҳлиллар шуни кўрсатяптики, доимий тарзда кўплаб давлатлар конституцияларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб борилмоқда. Буларга: Мексика, Янги Зеландия, Бразилия, Швейцария, Австрия, Исроил, Чили, Колумбия, Грузия, Ҳиндистон каби давлатларни мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Деярли, ҳозирги кунда конституцияси ўзгармай қолган давлатлар деярли учрамайди.

Таъкидлаш жоизки, Конституциямиз 1992 йилда қабул қилинганидан буён унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг қарийб барчаси асосан **давлат ва жамият қурилиши**, жумладан Парламент, Президент, Ҳукумат фаолияти, сайлов тизими, маҳаллий бошқарув, суд ва бошқа органлар фаолиятига тааллуқли бўлган.

Қайд этиш лозимки, жорий йилнинг 30 апрель санасида янги таҳрирдаги Конституция Ўзбекистон тарихида илк бора референдум йўли билан қабул қилинди. Яъниким, демократиянинг энг юқори кўриниши бўлмиш референдумда халқ ўз хоҳиш иродасини ўзининг овозини бериш орқали намоён этди. Дарҳақиқат, Конституциянинг моддалари амалдаги 128 тадан 155 тага кўпайиб, нормалари 275 тадан 434 тага ошгани, яъни, Асосий қонунимизнинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгилангани, Конституциямизни янги таҳрирдаги Конституция сифатида қабул қилинганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтишимиз лозим деб ўйлайман.

Ўз навбатида, янги таҳрирдаги Конституцияга киритилган **нормаларнинг ярмидан кўпи инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини** ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш ва механизмларини мустаҳкамлашга қаратилганлигини, давлатнинг халқимиз олдидаги мажбурияти 3 баробарга ошганлигини эътироф этиш зарур ҳисобланади.

Давлатнинг асосий ўз олдига қўйилган мақсадларидан бири ҳам ҳуқуқий моҳиятни мақсадга сингдиришдир!

Алоҳида таъкидлаш лозимки, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ишончли ҳимоясининг энг муҳим кафолатлари сифатида **Конституция**

ва қонун устуворлигини таъминлашнинг конституциявий механизмлари сезиларли даражада мустаҳкамланди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг **1-моддасида**, давлатнинг асосий мақсадий йўналишини кўрсатиб берадиган норма келтирилди, яъни давлатнинг **ҳуқуқий давлат** эканлиги¹. **Ҳуқуқий давлат** дегани бу – Конституция ва қонун устуворлигига асосланган давлатдир. Ҳуқуқий давлатда мансабдор шахслар ҳокимиятни хоҳлаганича ўзлаштира олмайди, ўзи билганича қарорлар қабул қила олмайди. Бунда барча давлат органлари фақат қонунда белгиланган ваколатлардан келиб чиқиб ҳаракатланади.

Ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги таъминланади. Кўплаб хорижий мамлакатлар конституцияларида ҳуқуқий давлат тушунчасининг бевосита мустаҳкамланганини кузатишимиз мумкин. **Хусусан, Россия, Озарбайжон, Португалия, Қозоғистон, Франция, Туркия** каби давлатлар конституцияларида ҳуқуқий давлат, қонун устуворлигига риоя этиш каби қоидалар бевосита мустаҳкамланган.

Ҳуқуқий давлатнинг шаклланганини қуйидаги белгилар билан изоҳлашимиз мумкин:

биринчидан, конституция ва қонуннинг устунлиги; **иккинчидан**, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, уларни ҳимоя қилиш ва таъминлаш; **учинчидан**, фуқаро ва давлатнинг ўзаро масъуллиги; **тўртинчидан**, амалда ҳокимиятлар бўлиниш принципининг таъминланиши; **бешинчидан**, судларнинг мустақиллиги; **олтинчидан**, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг юқори даражада экани ва бошқа белгиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Бизнинг назаримизда, янги таҳрирдаги Конституциянинг 15-моддасида белгиланган, Конституциянинг олий юридик кучга эга бўлиб, тўғридан-тўғри амал қилиши ва мамлакатнинг бутун ҳудудида қўлланилиши нормаси ҳуқуқий давлатнинг муҳим ва асосий кўринишларидан бири десак, хато қилмаган бўламиз. Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри ишлаши масаласи конституциявий ислохотларнинг энг муҳим ва долзарб вазифаси ҳисобланади. Негаки, конституцияда мавжуд бўлган нормалар жамиятдаги муҳим муаммоларни тўғридан-тўғри тартибга солсагина, инсон манфаатларига хизмат қилсагина, унинг юридик кучи, таъсири сезилади ва эътироф этилади. Конституциявий ислохотларнинг энг муҳим мақсадларидан бири ҳам халқнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023 й. – Б.4.

конституцияга бўлган ишончини кучайтириш ҳамда конституциявий йўл билан уларнинг ҳаётий масалаю, муаммоларини ҳал этишдир.

Конституциянинг мамлакат ҳаётида бевосита амал қилишини урта хусусиятга қараб баҳолашимиз мумкин. **Биринчидан**, фуқаронинг конституцияда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларидан тўғридан - тўғри фойдаланиши; **иккинчидан**, барча субъектларнинг конституцияда белгиланган талаб ва мажбуриятларга риоя қилиши; **учинчидан**, ваколатли давлат органларининг конституциявий нормаларини қўллаши ва ижросини таъминлаши лозим, айниқса суд органларининг роли кескин кучайиши лозим.

Бу эса, фуқароларимиз учун ўз ҳуқуқларини бевосита ҳимоя қилиш имкониятини беради; судлар инсон ҳуқуқларини ҳимоясига оид муайян ишларни кўраётганда Конституциядаги инсон ҳуқуқларига оид нормаларни тўғридан-тўғри қўллаш имкониятини яратади; барча даражадаги давлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ўз фаолиятида инсон ҳуқуқларига бевосита амал қилиши қондасига риоя қилиш шартлиги масъулиятини ҳис қилади.

Янгиланган Конституциянинг 20-моддасида, фуқаро ва давлат ўртасидаги ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилаш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларининг бевосита амал қилиши, ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши, қонунчиликдаги ноаниқлар инсон фойдасига ҳал этилиши каби муҳим қоидалар тизимлаштирилган ҳолда белгиланди. Бу ниҳоятда муҳим қоидалар ҳисобланади, яъни инсон ҳуқуқ ва эркинликларнинг тўғридан-тўғри амал қилиши, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдорлар шахслар томонидан ўз фаолиятида инсон ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилиш ва уни ҳимоя қилиш олий мақсадга кўчаётганлиги, сўзимизнинг айни исботи бўлаётганлигидан далолат беради.

Мисол тариқасида, Германия Конституциясининг 1-моддасида айтиладигани, қуйида, яъни кейинги моддаларда санаб ўтиладиган асосий ҳуқуқлар қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти учун бевосита амал қиладиган ҳуқуқ сифатида мажбурийдир, деб белгилаб қўйилган. Яъни, фуқароларнинг асосий шахсий, сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини назарда тутди¹.

Мазкур моддаги янги нормалар давлат органлари, мансабдор шахслар қарорлари ва фаолиятида қўлланилган ҳуқуқий таъсир чоралари кўзланган қонуний мақсадга эришиш учун мос ва етарли бўлиши ҳамда манфаатдор шахсларга имкон қадар қийинчилик туғдирмаслиги, кимгадир ортиқча

¹ Германия Конституцияси.[https:// legalans.com](https://legalans.com)> конституция – германини.

мажбурият ёки харажат юклаши мумкин эмаслиги, инсонларга моддий ва маънавий зиён етказилмаслигини олдини олишга хизмат қилади

Хуқуқий давлатда барча муносабатлар аниқ қоидалар билан тартибга солинган бўлиши керак. Аммо ҳаётда шундай вазиятлар ёки ҳолатлар вужудга келиши мумкинки, давлат ва инсон ўртасидаги айрим муносабатларнинг ечими қонунчиликда кўрсатилмаган ёки ноаниқликларга сабаб бўлиши аниқ. Мана шундай ҳолатларда муаммо кимнинг фойдасига ва қандай тартибда ҳал этилиши муҳим аҳамият касб этади. Бундай ҳолатда **Янгиланаётган Конституциянинг 20-моддаси**да белгиланганидек, “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилинади”.

Дейлик, Солиқ кодексининг ўзида муайян бир масала юзасидан турлича норма белгиланган бўлиши ёки тадбиркорликка оид битта қонунда бошқа норма, иккинчи қонунда бошқача норма белгиланган бўлиши мумкин. Бундай номувофиқликни, табиийки, солиқ органи давлат фойдасига, фуқаро эса ўз фойдасига талқин қилинишини хоҳлайди. Конституцияга киритилаётган норма эса шундай номувофиқликлар давлат эмас, инсон фойдасига ҳал этилади, деган қатъий нормани аниқ-равшан мустаҳкамламоқда.

Илгариги таҳрирдаги Конституциямиз нормаларига эътиборимизни қаратсак, кўп қоидалар умумий тарзда ифодаланганлигини кўрамиз. Яъни, фуқароларнинг ўз ҳуқуқларини амалга оширишда, ҳимоялашда аниқ белгиланган қоидаларни камроқ учратиш мумкин. Шу мақсадда ҳам, янги таҳрирдаги Конституцияга тегишли нормаларни киритишнинг ҳаётий зарурати пайдо бўлди. Мисол тариқасида, Ўзбекистонда ўлим жазосини тақиқлаш; “Миранда қоидаси”ни қўллаш, яъни, шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтирилиши шартлиги; шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан қирқ саккиз соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги; инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши; мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш каби янги нормаларни кўрсатиб ўтиш лозим. Бу нормалар сўзсиз, фуқаронинг кунлик ҳаётида дуч келадиган муаммоларни тўғридан-тўғри тартибга солишга қаратилгандир. Шу мақсадда ҳам мазкур муаммоларнинг ечимини конституция даражада мустаҳкамлаб қўйилиши, ниҳоятда долзарб вазифа ҳисобланади.

Бугунги кунда судланганлик факти нафақат унга, балки унинг оила аъзолари, қариндошлари ҳаётига салбий таъсир кўрсатиш ҳолатлари баъзан учраб келмоқда эди. Ҳеч бир ҳолатда инсон ўзининг яқинлари йўл қўйган хатолар учун жавоб бериши мантиқан оқлаб бўлмайдиган ҳолатдир! Шу

мақсадда ҳам мазкур салбий иллатнинг олдини олиш мақсадида, янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг 28-моддасида, шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлмаслиги кераклиги, қатъий белгилаб қўйилди.

Ёки бўлмаса, илгари прописка деганда қўпчилигимизнинг ёдимизга иш топа олмаган ва чет элга кетган минглаб малакали кадрлар, ўз уйларини бошқа одамларнинг номларига расмийлаштирган фуқаролар, прописка учун тузилган сохта никоҳлар, қонунни четлаб ўтиш билан боғлиқ коррупция ҳодисалари келади. Бунинг орқасида қанчадан қанча иқтидорли кадрлар ўз қобилиятини кўрсатолмай, ўз касбий хоҳиш истагидан четда қолиб кетган. Шу мақсадда ҳам мазкур иллатлар умуман бўлмаслигини кафолатлаш мақсадида ҳам янги таҳрирдаги Конституциянинг 32-моддасига, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосларда бўлиб турган ҳар бир шахс республика ҳудуди бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эгаллиги белгилаб қўйилди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 47-моддаси иккинчи қисми билан уй-жой мулкдорларига нисбатан 2 турдаги муҳим конституциявий кафолат белгиланди: суд кафолати ва уй-жойдан маҳрум этилганда тенг қийматда компенсация олиш кафолати. Суд кафолати уй-жойга нисбатан мулк ҳуқуқи суд қарорисиз маҳрум этилишига йўл қўйилмаслигини англатади. Тенг қийматда компенсация олиш деганда мулкдорга олиб қўйилган мол-мулкка тенг қийматли мол-мулк берилиши ва унинг кўрган бошқа зарарлари тўланиши ёки мулк ҳуқуқи бекор қилиниши билан етказилган зарар тўла ҳажмда қопланишини тушунишимиз зарур. Демак, энди давлат исталган тадбиркор ёки фуқаронинг мулкини “снос” баҳонасида бузишига йўл қўйилмайди. Давлат эҳтиёжи учун олиниши кўзда тутилган ҳудудлар эса мулк эгаси рози бўлган ва компенсация тўлиқ қоплаб берилгандан кейингина бузилиши белгиланди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг бешинчи бўлимида ҳам янги нормалар билан уйғунлашган ўзгаришлар амалга оширилмоқда:

Таъкидлаш лозимки, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан қўплаб нормалар мустаҳкамлаш мумкиндир, аммо мазкур ҳуқуқларни таъминлаш ҳамда кафолатлаш албатта давлат оргаларининг зиммасига катта масъулият ва жавобгарликни юклайди. Шу мақсадда, шунга мос тарзда давлат органларининг ваколат ва функцияларини мувофиқлаштириш, кенгайтириш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бу ўзгаришларни қўйидагиларда кўришимиз мумкин:

Биринчидан, Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган маъмурий ислохотларнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқиб, парламентнинг юқори

палатаси – **Сенат модернизация** қилинмоқда, шунингдек парламентнинг қўйи палатаси – **Қонунчилик палатасининг** ваколатлари кучайтирилмоқда. Таъкидлаш лозимки, бу нормалар, Қонунчилик палатаси ва Сенатининг масъулияти соҳаларини ажратиш, уларнинг фаолиятидаги параллелликни ва бир-бирини такрорлашни истисно этиш мақсадида киритилди. Амалдаги Конституцияда Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари **5** та ваколатдан иборат бўлса, янги таҳрирдаги тузатишларга кўра уларнинг сони **12** тага ошди. Сенатнинг мутлақ ваколатлари амалдаги **14** тадан **18** тага кўпайди. Мазкур ўзгаришларни қўйидаги баъзи бир мисолларда кўриб ўтишимиз мумкин:

Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколоти сифатида мустаҳкамланди; Давлат бюджети ижросини назорат қилиш; Вазирлар Маҳкамасининг ҳар йилги маърузасини эшитиш; Бош вазирнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш тўғрисидаги ҳисоботини эшитиш ва бошқа ваколатлар **Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари** сифатида белгиланди. **Сенатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, махсус хизматлар фаолияти устидан** назорат функцияси кучайтирилди. Хусусан, Бош прокурор ва Ҳисоб палатаси раиси **Сенат маъқуллаганидан кейин**, Давлат хавфсизлик хизмати раиси эса, **Сенат билан маслаҳатлашилгандан кейингина** Президент томонидан тайинланиш тартиби белгиланди.

Эндиликда, **Сенат аъзолари сони 100** нафардан **65** нафаргача оптималлаштирилиб, улар **14** та ҳудуддан тенг миқдорда **4 нафардан** Жўқорги Кенгес ва маҳаллий Кенгашлар мажлисларида депутатлар орасидан сайланади, Сенатнинг **9 та аъзоси** бевосита **Президент томонидан тайинланиши ва** бошқа янги қоидалар шулар жумласидандир.

Иккинчидан, Ҳукуматнинг **Олий Мажлис ва Президент** олдидаги масъулиятини кучайтириш ҳисобига Вазирлар Маҳкамасининг масъулият ва жавобгарлиги сезиларли даражада кучайтирилди, Ҳукуматнинг мақоми ўзгарди, парламент қўйи палатасининг Ҳукуматни шакллантиришдаги иштироқи кенгайтирилди. Эндиликда, **Бош вазир номзоди** Президент кўриб чиқиши учун парламентга сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия томонидан таклиф этилиши тўғрисидаги конституциявий норма бекор қилинди ҳамда мазкур қоида ўрнига илғор хорижий амалиётни инобатга олган ҳолда, Бош вазир ва Ҳукумат аъзоларини Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин Президент томонидан тайинлаш тартиби ўрнатилди.

Бу ерда, Бош вазир номзоди Президент томонидан қўйи палатадаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг таклиф этилиши белгиланди. Шунингдек, Ҳукумат зиммасига **ижро этувчи ҳокимият органлари** ишида **очиқлик ва шаффофликни**, қонунийлик

ва самарадорликни таъминлаш, давлат хизматларининг сифати ва қулайлигини ошириш, аҳолини, шу жумладан ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш вазифалари конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланди.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Конституциявий ислохотларда муҳим бир концептуал ўзгаришга эътиборимизни қаратадиган бўлсак, эндиликда **вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги** тўғрисидаги норма қатъий белгилаб қўйилди. Эндиликда, маҳаллий ҳудудларда иккита алоҳида мустақил тузилмага битта шахснинг раҳбарлик қилишига конституциявий жиҳатдан чек қўйилмоқда.

Учинчидан, янги таҳрирдаги Конституциянинг 136-моддасида, судьялар мустақиллиги, одил судлов тизимини демократлаштиришнинг конституциявий асослари Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим шартлари сифатида сезиларли даражада **мустаҳкамланди**. Судьялар дахлсиз ва муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги, давлат судьянинг ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлиги таъминланиши белгиланди.

Алоҳида қайд этиш лозимки судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат давлат **бюджетидан амалга оширилиши** ҳамда у одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши кераклиги тўғрисидаги норма мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, Конституциявий судга **референдумга чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги** тўғрисида хулоса бериши ваколати белгиланди. Бу албатта, Конституциявий суд фаолиятидаги масъулиятнинг ошаётганлигидан далолат беради.

Тўртинчидан, Таъкидлаш зарурки, янгиланган Конституцияга - **адвокатура институтига бағишланган ва адвокатлар фаолиятининг кафолатларини** мустаҳкамловчи алоҳида **XXIV боб** боб киритилди. Бу эса, келгусида адвокатлар фаолиятини мустақил ва эркин тарзда фаолият олиб боришини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қолаверса, адвокат ўз касбий вазифаларини амалга ошираётганда унинг **фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги**; адвокатга ўз ҳимоясидаги шахс билан монеликсиз ва холи учрашиш, маслаҳатлар бериш учун шарт-шароитлар таъминланиши; адвокат, унинг шаъни, кадр-қиммати ва касбий фаолияти давлат ҳимоясида бўлади ва қонун билан муҳофаза қилиниши каби муҳим қоидалар мустаҳкамлаб қўйилди. Албатта, мазкур янги кафолатловчи нормалар адвокатлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқади десак, янгилишмаган бўламиз.

Шуни алоҳида қайд этишимиз лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги ПФ-67-сон Фармонида, янгиланган Конституциямизнинг барча вазирлик ва идоралар фаолиятида сўзсиз ижросини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди¹.

Бу Фармон асосида, давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ижросини ўз вақтида таъминлаш учун шахсан жавобгарлиги, янги таҳрирдаги Конституция давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланиши, янги таҳрирдаги Конституция нормаларини уларни амалга ошириш учун бошқа қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги ёки қонунчиликка Конституцияга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаганлиги важи билан қўллашни рад этиш қатъиян тақиқланиши белгилаб қўйилди. Албатта мазкур вазифа ва талабларнинг қўйилиши Конституциянинг бевосита сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий муносабатларни тартибга солишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этишидан далолат беради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бу конституциявий ўзгаришлар олиб борилаётган ислоҳотларнинг бошланиши, энг муҳими бу янги қоидалар инсон, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга солишда ўз кучи ва салмоғини кўрсатиши лозим бўлади. Қолаверса, халқимизнинг конституциявий ислоҳотларга бўлган ишончини янада орттириб бориш зарур. Демакки, конституциямизнинг тегишли нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши, бу конституциямизнинг мажозий маънода кучсизланишига эмас, аксинча, конституциямизнинг янада такомиллашувига, халқ манфаатларининг кафолатланишига ҳамда инсонларнинг ҳаётий зарурати акс этишига хизмат қилади.

*Ш. Қобилов**

Янгиланган Конституция суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этишнинг кафолати

Дунё конституциялари доимий янгиланишлар бағрида ривожланиб, муҳим ҳаётий муносабатларни, инсонларнинг янги ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизгинини тартибга солиб боради.

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.05.2023 й., 06/23/67/0269 -сон.

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси профессори, полковник

Бошлаган ислохотларимиз ортга қайтмас тус олишини кафолатлаш мақсадида 2023 йилнинг 30 апрель куни мамлакатимизнинг конституциявий ривожланишида ғоят муҳим давр бўлди — умумхалқ референдуми асосида янги таҳрирдаги Конституциямиз қабул қилинди.

Тан олиб айтиш керакки, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз йиллар давомидаги қадимчилик (консерватизм)дан, ўрнашиб қолган маъмурий-буйруқбозлик усулларида ҳали воз кечилмаган даврда қабул қилинган. Мустақилликка эришганимиздан сўнг ўз Конституциямизни қабул қилишда дастлаб лойиҳа ишлаб чиқилиб, кейин халқ муҳокамасига қўйилган эди.

Бу сафар янгича йўлдан борилиб, аввал халқимиз фикри, таклифлари ўрганилди, шундан сўнг Конституция лойиҳаси тайёрланди. Бошқача айтганда, таклифларни халқдан олдик, умумхалқ муҳокамасига чиқардик, халқ вакиллари — депутат ва сенаторлар учдан икки қисм овоз билан референдумга қўйишга овоз берди, охириги сўзни ҳам халқ айтди, токи барчанинг овози, у ким бўлишидан қатъи назар, эркин, очиқ жараёнда намоён бўлди. Шу тариқа, янгиланган Конституция Ўзбекистон тарихида ягона муаллифи ва манбаи бевосита халқ бўлган, халқнинг ўзи имзо чеккан Асосий қонунга айланди. Боиси, унда болалар, ёшлар, хотин-қизлар, кексалар, ўқитувчилар, жисмоний имконияти чекланганлар, хориждаги ватандошларимиз, маҳкумлар, судланган шахслар, бир сўз билан айтганда, аҳолининг барча қатлами ҳуқуқ ва манфаатлари ҳисобга олинди.¹

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасида: **“Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”**², деб белгилаб қўйилган. Бу давлат миқёсида олий ҳокимиятга эгалликни, ташқи ва ички сиёсатни олиб боришдаги тўла мустақилликни англатади. Айнан суверенитет муайян давлат мустақиллигининг бирламчи шarti ва белгисидир. Суверенитет давлатнинг бошқа давлатларга тобе қарам бўлмай яшашини, ўзга кучлар томонидан бошқарилмай, бировларнинг иродасига бўйсунмай, мустақил ҳаёт кечиришни англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз 31 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида: **“Ҳеч шубҳасиз, том маънода халқчил қомус бўлган Асосий қонунимиз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотларимиз ортга қайтмаслигининг мустаҳкам ҳуқуқий**

¹ *Мироқилов М.* Халқимиз “таржимаи ҳоли” у миллий ғоя ва қадриятлар бардавомлиги билан ҳаётийдир. – Янги Ўзбекистон газетаси. 2023 йил 6 декабрь.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., “Ozbekiston” 2023. – 4-б.

кафолати бўлиб хизмат қилади”,¹ деб таъкидладилар.

Янги Ўзбекистон эндиликда заиф бир мамлакат эмас, балки замонавий воқеликларга босиқлик билан ёндашадиган, ўз имконият ва камчиликларини холис баҳолай оладиган ҳамда устувор йўналишлари ва стратегик мақсадларини мустақил белгилашга қодир бўлган етук давлатга айланди.

Янги Ўзбекистонни эркин ва бахтли одамлар яшайдиган қудратли ва салоҳиятли давлатга айлантириш, бу борада **мамлакатимизнинг дунёдаги 50 та ривожланган, иқтисодиёти барқарор ўсаётган, инсон капитали юқори бўлган рақобатбардош демократик давлатлар қаторига киришини таъминлашга** интилоқда.

2023 йилнинг 30 август куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Кўксаройда давлат мукофотларини топшириш маросимида: “Халқ манфаатини таъминлаш, инсон қадрини улуғлашга қаратилган ҳаракатларни давом эттириш мақсадида “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини ишлаб чиқдик. Унинг лойиҳасини муҳокамага қўйганимизда 1 миллиондан кўп таклифлар келиб тушди. Бу нимадан далолат? Халқимиз бефарқ эмас. Йўналишларимизни, камчиликларимизни кўрсатиб беряпти. Бу биз учун “йўл харитаси”. Давлатга энг катта ҳакам – халқ.

Бу муҳим ҳужжатда Ватанимиз мустақиллигини ва тинчлигини асраш, кучли иқтисодиётни шакллантириш, халқимиз ҳаётини обод ва фаровон қилиш, фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялаш вазифалари белгиланган. Содда қилиб айтганда, **бизнинг мақсадимиз битта: у ҳам бўлса, Янги Ўзбекистонда халқимиз яйраб ишлайдиган, ҳаётдан рози бўлиб, яйраб яшайдиган давлат қуришдан иборат**”², деганларида “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг магистрал йўналиши “аввал инсон –кейин давлат” эзгу ғояси эканлигини англайсиз.

Ўзбекистон — суверен давлат. Бу давлат миқёсида олий ҳокимиятга эгаликни, ташқи ва ички сиёсатни олиб боришдаги тўла мустақилликни англатади. Айнан суверенитет муайян давлат мустақиллигининг бирламчи шarti ва белгисидир. Суверенитет давлатнинг бошқа давлатларга тобе қарам бўлмай яшашини, ўзга кучлар томонидан бошқарилмай, бировларнинг иродасига бўйсунмай, мустақил ҳаёт кечиришни англатади.

Маълумки, мустақилликнинг икки жиҳати бир-бири билан узвий боғланган. Сиёсий мустақиллик иқтисодий мустақиллик учун шароит

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциянинг 31 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табриги. – “Халқ сўзи” газетаси. 2023 йил 7 декабрь.

² 2023 йилнинг 30 август куни давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Кўксаройда давлат мукофотларини топшириш маросимидаги нутқидан.

ҳозирлайди, иқтисодий мустақиллик ўз навбатида сиёсий ҳурриятнинг моддий негизи бўлиб хизмат қилади.

Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегиясининг ҳуқуқий заминини Янги Ўзбекистоннинг Конституцияси ташкил этади. Янги Ўзбекистоннинг Конституциясининг XII –боби “**Жамиятнинг иқтисодий негизлари**”, деб номланади ва 65-68 моддаларни ўз таркибига олади.

Демак, Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий стратегияси иқтисодий суверенитетни мустаҳкамлаш мақсадини кўзлайди.

Иқтисодий суверенитетнинг ўз мезонлари бор. Булардан энг муҳими: моддий, маданий ва табиий бойликларни миллий мулкка айлантириш; миллий манфаатга мос келувчи ишлаб чиқариш структурасига эга бўлиш; ўз миллий валютаси, хазинаси, конвертирланган валюта захираси, кредит-банк тизимига таяниш; жаҳон бозорига эркин чиқа билиш; ўз ихтиёри билан қарз олиш ва қарз бериш; валюта-кредит операцияларини мустақил бажариш; миллий даромадни ўз хоҳишига кўра тақсимлаш ва ишлатиш; ўз маҳсулотига нарх қўйиш.

Конституциявий тузум – маълум давлатнинг Конституция ва бошқа конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан ўрнатиладиган ва муҳофаза қилинадиган ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий муносабатлар тизимидир.¹

Давлат ўз фаолиятини жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида амалга оширади, деб белгиланишида ижтимоий давлат гоёси ўз ифодасини топаётганини кўриш мумкин.

Мамлакатимиз иқтисодий кудратини ошириш, фаровонликни таъминлаш, инсон кадрини улуғлашга қаратилган ортга қайтмас ислоҳотларнинг ҳаётбахш мақсадларидан келиб чиқиб, барча соҳалар қатори иқтисодий соҳада ҳам ўта муҳим вазифаларни ислоҳотлар олиб бориляпти. Иқтисодий тизим тўлиқ қайтадан такомиллаштирилди, янгича бозор механизмлари амалиётга жорий этила бошланди. Халқимиз тўла қўллаб-қувватлаган Конституциямизга ҳам барча мулк шакллариининг тенглиги ва уни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш, бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шароит яратиш, инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш бўйича қатор нормалар киритилди.

Ижтимоий ҳаётнинг бирламчи негизини ташкил этадиган “иқтисодиёт ва унинг ҳуқуқий негизи” бир неча ўн йиллар мобайнида ҳаддан ташқари мафқуралаштирилган, халқаро меъёрлар ва қоидаларнинг талабларини инкор этар эди. Ҳатто ҳуқуқий жиҳатдан биз социалистик лагерь доирасига ўралашиб қолган эдик ва амалда жаҳон ҳамжамиятига эркин чиқа олмас, халқаро ҳуқуқнинг ҳамма қатори тенг субъекти бўла олмас эдик. Ўзбекистон давлати дунёнинг ижтимоий-сиёсий харитасида кўрсатилмаган.

¹Қаранг: Юридик энциклопедия. – Т., 2001. – “Шарқ” – 245-б.

Ўзбекистон — ижтимоий давлат. Ижтимоий давлат эса ҳар бир фуқарога муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиш мажбуриятини зиммасига олади. Бу мавжуд ресурсларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, жамиятда кучли табақаланиш авж олишига йўл қўймаслик, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт кафолатланиши, самарали ижтимоий ҳимоя дастурлари ишлаши, имконияти чекланган ва қўлловга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, адолатли меҳнат қонунчилиги ва пенсия тизими кабиларни англатади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида: **“Барча орзу-ниятларимиз, интилишимиз, эзгу амалларимиз, машаққатли меҳнатимиз, кечани-кеча, кундузни-кундуз демасдан амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз – ҳамма-ҳаммаси бизга катта умид билан боқиб турган халқимиз учундир. Бу борада ижтимоий йўналишдаги ислохотларимиз алоҳида аҳамиятга эга, албатта.**

Биз ушбу йўналишдаги эзгу ишларимизни давом эттириб, ижтимоий адолат тамойили асосидаги барқарор ривожланиш стратегиямизни ишлаб чиқдик ва мазкур соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича фаолиятимизни давлат сиёсати даражасига кўтардик. Ўзбекистон тарихида ижтимоий соҳа бўйича бундай кенг қўламли ишлар илгари ҳеч қачон бўлмаган”¹.

Янгиланган Конституцияда “Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деган тамойилининг мустаҳкамланди. Конституциямиз ва “Ўзбекистон – 2030” стратегияси ижтимоий давлатни барпо этишга қаратилган.

Миллий давлатчилигимиз тарихини ўрганганишда ҳам “ижтимоий давлат” тушунчаси шунга ўхшаш номларда кўплаб учрашига гувоҳ бўламиз.

Масалан, IX-X асрларда яшаб ижод қилган Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида фозил шаҳар ҳақида билдирилган фикрлар айнан “ижтимоий давлат” тамойилининг мазмун-моҳияти ҳисобланади.

Шунга ўхшаш фикрларни Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Аҳмад Дониш каби буюк аждодларимиз асарларида ҳам учратиш мумкин.

Ижтимоий давлат – умумий тамойиллари дунёнинг иқтисодий ривожланган аксарият мамлакатларида амалга оширилган модел саналади.

Ижтимоий давлат модели Буюк Британия, Франция, Швеция, Италия, Бельгия, Дания, Финдландия, Германия, Португалия, Испания, Австрия,

¹Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистоннинг стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2021. – 198- б.

Греция, Япония, Нидерландия, Швейцария, АҚШ каби давлатларда қўлланилмоқда.

Ижтимоий давлат – бу сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, муҳтожларни уй-жой билан таъминлаш, бандлигини таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган давлат моделидир.

Профессор А. Мавруловнинг таъкидлашича, ижтимоий давлат жамият аъзоларининг мунтазам равишда ўсиб борадиган соғлом ижтимоий эҳтиёжларини қондириб борадиган, аҳоли турли қатламларининг мамлакат равнақи йўлидаги ижтимоий мўлжалларини қувватлайдиган, жамиятда барқарор ижтимоий-маънавий муҳитни таъминлаган давлатдир¹.

“Ижтимоий давлат” тушунчаси “Инсон қадри” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу ғоянинг туб негизиди, аввало, инсон қадрини улуғлаш, аҳолига хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам.

Ижтимоий давлатнинг ўзига хос функциялари мавжуд бўлиб, олимларнинг аксарияти уларнинг асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатади:

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш;
- коррупция, қашшоқлик ва ишсизликка қарши кураш;
- камбағалликни қисқартириш;
- ёш тадбиркорларга ёрдам бериш;
- аҳоли бандлиги ва даромадлари доимий ўсишини таъминлаш;
- жамиятнинг барча аъзоларини ижтимоий суғурта билан таъминлаш;
- таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маданий ривожланишнинг қулайлигини таъминлаш;
- эҳтиёжманд шахсларни моддий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш;
- жамиятдаги ижтимоий ва иқтисодий тенгсизликни камайтириш, имтиёзларни қайта тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитларини яратиш;
- ижтимоий хизматлар кўрсатиш.

Бир сўз билан айтганда, Конституциямизга муҳраб қўйилган **ижтимоий давлатда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди.**

Ўзбекистон – дунёвий давлат. Дунёвий давлат – бу давлат ҳокимияти ва бошқарувдан дин ажратилган, бошқарув диний қоидалар билан эмас, балки

¹ Маврулов А. Ижтимоий давлат ва янги маънавий макон. – Янги Ўзбекистон газетаси, 2021 йил 28 декабрь сони.

фуқаролик қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинадиган, қарорлар қабул қилишда диний асосларга таянилмайдиган давлатдир. Шунингдек, ҳеч қандай дин ва мафкура давлатнинг мажбурлов кучи билан ўрнатилмаслигини, уларнинг давлатдан айри эканлигини тавсифлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, дунёвий давлатда дин давлатдан ва сиёсатдан ажратилса-да, жамиятдан ажратилмайди.

Дунёвий давлатда диний эътиқодидан қатъи назар, давлат барча инсонларга бир хил муносабатда бўлади, диний эътиқодга қараб чекловлар ўрнатилишига ёки имтиёзлар берилишига йўл қўйилмайди.

Ўзбекистонни дунёвий давлат сифатида белгилаш – дунёвий тараққиёт, турли дин ва маҳзаблар ўртасида бағрикенглик ва тотувликни мустаҳкамлашга, дин ва виждон, эътиқод эркинлигини таъминлашга хизмат қилади. Бугун Ўзбекистонда 16 та диний кнфессияга мансуб 2300 дан ортиқ диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон — ҳуқуқий давлат. Ҳуқуқий давлатда барча жараёнлар қонуний асослар устига қурилади, давлат хизматчиларидан ҳуқуқ доирасида фикрлаш, барча масалаларга ҳуқуқий кўз билан қараш талаб этилади.

Ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам қонунларга бўйсунди ва қонунларнинг муқаррар ижросини таъминлайди.

Ҳуқуқий давлат барча муносабатлар аниқ қоидалар билан тартибга солинишини талаб этади. **Янги Ўзбекистон - “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак”** деган ҳал қилувчи тамойил амалда ўз тасдиғини топаётган мамлакат. **...Қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш - Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг энг муҳим шартидир.**¹

Асосий Қонунимизнинг III боби: **“Конституция ва қонуннинг устунлиги”**, деб номланади.²

15-модда. Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир.

¹ Мирзиёев Ш. М.. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Т., – 2021. – 27, 48-б.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., “Ozbekiston” 2023. – 7-б.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади.

Давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон ҳуқуқий давлат экани белгиланди. Олимларимизнинг ушбу моддага асосланиб таъкидлашича янги Ўзбекистон: “Конституция ва қонун устуворлигига асосланган давлат, деганидир. Бундай давлатда мансабдор шахслар ҳокимиятни хоҳлаганича ўзлаштира олмайди, ўзи билганича қарорлар қабул қилмайди. Барча давлат органлари фақат қонунда белгиланган ваколатлардан келиб чиқиб ҳаракатланади”.¹ Ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги таъминланади.

Ҳуқуқий давлат кўринишларини қатор тамойиллар билан изоҳланади:² *Биринчидан*, Конституция ва қонун устуворлиги, *иккинчидан*, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этиш, уларни ҳимоялаш ва таъминлаш, *учинчидан*, фуқаро ва давлатнинг ўзаро масъуллиги, *тўртинчидан*, амалда ҳокимиятлар бўлиниши принципи таъминланиши, *бешинчидан*, суд мустақиллиги, *олтинчидан*, ҳуқуқий онг ва маданиятнинг юқори даражада экани.

Дарҳақиқат, Конституциямизнинг олий юридик кучга эга бўлиб, тўғридан-тўғри амал қилиши ва мамлакатимизнинг бутун ҳудудида қўлланиши ҳуқуқий давлатнинг муҳим ва асосий кўринишларидан бири саналади. Боиси, Конституция нормаларининг тўғридан-тўғри ишлаши конституциявий ислохотларнинг муҳим ва долзарб эканидан далолат беради. Негаки, Бош қонун нормалари жамиятдаги муҳим муаммоларни тўғридан-тўғри тартибга солса, инсон манфаатларига хизмат қилсагина, унинг юридик кучи, таъсири сезилади ва эътироф этилади.

Янгиланган Конституциямиз Ўзбекистоннинг ҳеч қачон демократиядан воз кечмаслиги, ҳуқуқий давлатчиликка содиқлиги кафолати ҳамдир. Унга асосан, юқорида қайд этганимиздек, эндиликда инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча

¹ Зулфиқоров Ш. Халқни ҳимояловчи мустаҳкам кўрғон. – “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2023 йил 5 декабрь.

² Зулфиқоров Ш. Халқни ҳимояловчи мустаҳкам кўрғон. – “Янги Ўзбекистон” газетаси. 2023 йил 5 декабрь.

зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади. Бу шуни англатадики, қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмаган масалаларда зиддият юзага келса, масала давлат манфаатига эмас, инсон фойдасига ҳал этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциямиз 31 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқига йўллаган байрам табригида: **“Ҳеч шубҳасиз, том маънода халқчил қомус бўлган Асосий қонунимиз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг кўламли ислохотларимиз ортга қайтмаслигининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.**

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистоннинг беш устунни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди, унинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди”, деганларида янгиланган ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради.

*Ф. Закирова**

Янгиланган Конституция ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар

Конституцияда “Ўзбекистон — бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”¹ экани белгиланиши айнан халқ иродасининг ифодасидир.

Эътибор берадиган бўлсак, янги таҳрирдаги Конституциямиз моддалари амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалари эса 275 тадан 434 тага кўпайди. Асосий қонунимизнинг 65 фоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгиланди. Агар йўналишлар кесимида қарасак, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар борасидаги нормалар қарийб 3 баробар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатлари 3,5 баробардан кўпроққа, оилага бағишлангани эса 2 баробар ортди. Учта янги боб (амалдаги Оила бобига қўшимча болалар ва ёшлар, Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар бобига қўшимча маданий ва экологик ҳуқуқлар, алоҳида адвокатура боби) қўшилди. Конституциянинг 15 та нормасида давлат шарт-шароитлар яратиши, 16 та

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Марказий поликлиникаси бошлиғи, олий тоифадаги шифокор, полковник

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т., “Ozbekiston” 2023. – 4-б.

нормасида давлат кафолатлаши, 4 та нормада давлат қайғуриши алоҳида кўрсатиб ўтилганининг ўзиёқ давлатнинг мақсади инсон ҳуқуқларини таъминлаш эканини яққол кўрсатиб турибди.

Янгиланган Конституциямизда инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3,5 баробардан зиёд ошди.

Ижтимоий давлат эса ҳар бир фуқарога муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиш мажбуриятини зиммасига олади. Бу мавжуд ресурсларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, жамиятда кучли табақаланиш авж олишига йўл қўймаслик, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт кафолатланиши, самарали ижтимоий ҳимоя дастурлари ишлаши, имконияти чекланган ва қўлловга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, адолатли меҳнат қонунчилиги ва пенсия тизими кабиларни англатади.

Оддийроқ айтганда, энг камбағал оиланинг болаларида ҳам соғ-саломат ўсиб-улғайиб, яхши таълим олиб, фаровонликка эришиш имконияти бўлиши керак. Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг ғоят муҳим йўналиши бўлган ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурлар ижроси ҳам босқичма-босқич таъминланмоқда. Ижтимоий соҳалар, айниқса, одамларда энг кўп эътироз уйғотаётган соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, табиий газ ва электр энергияси, ичимлик суви таъминоти, коммунал хизмат, йўл қурилиши соҳаларида мавжуд аҳволни ижобий томонга ўзгартириш ишлари фаоллашди.

Мамлакатимизда дастлабки кунлардан иккита энг устувор масалага – жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш ҳамда аҳоли соғлиғини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Чунки тинчлик ва соғлиқ – бу ҳар бир инсон, бутун халқимиз учун ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бебаҳо неъматдир.

Бинобарин, Юртбошимиз таъкидлаганидек, **“Халқимиз Яратгандан, аввало, тинчлик-хотиржамликни сўрайди. Шундан сўнг, ўз уйим, бошпанам бўлса, оилам, бола-чақам билан соғ-саломат яшасам, дейди. Биз халқимизнинг ана шундай орзу-ниятларини рўёбга чиқариш учун иккита масалага, яъни ички ишлар ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга катта эътибор қаратяпмиз”**.

Шунингдек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” (2021) китобининг алоҳида ва муҳим фасли “Адолатли ижтимоий сиёсат” деб номланади ва ўз таркибига долзарб ижтимоий муаммолар қаторида:

Соғлиқни сақлаш: муаммолар ва ечимлар;

Соғлом турмуш тарзи маданияти: жисмоний тарбия ва спорт кабиларни¹ киритган.

Соғлом турмуш тарзи деганда аввало жисмонан саломатлик ва узок умр кўришни таъминлайдиган, одамлар ўз соғлиғи ҳақида қайғурадиган ҳолат тушинилади.

Машҳур юнон табиби Гиппократнинг **“Табобат -- барча илму ҳунарлар орасидаги энг буюк илм ва эзгу касбдир”**, деган сўзлари соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг машаққатли ва шарафли фаолиятига берилган ҳаққоний баҳодир.

Юртимиз худудида қадимдан кўплаб шифо масканлари, тиббий мадрасалар фаолият юритгани, Абу Али ибн Сино каби мутафаккир боболаримиз яратган бебаҳо асарлар, уларнинг дори-дармон тайёрлаш ва даволаш усуллари бутун жаҳонда машҳур бўлгани аجدодларимизнинг бу соҳа ривожига қандай катта эътибор қаратганидан далолат беради.

Маълумки, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш оила учун ҳам, давлат учун ҳам самарали ва фойдалидир. Шу боис мамлакатимизда профилактик тиббиёт ривожига устувор аҳамият қаратилмоқда. Буюк аждодимиз **Имом Мотуридий** ҳазратларининг **“Тириклик ҳикматини соғлиқда, деб билгин”**, деган чуқур маъноли сўзлари нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи бугун қайта- қайта исботламоқда.

Шу боис мавжуд имконият ва салоҳиятимиз, пандемия даврида орттирган тажрибамиз ҳамда хориждаги илғор ютуқлардан фойдаланиб, аҳоли саломатлигини асрашва мустаҳкамлаш борасидаги туб ислоҳотларимизни янги босқичга кўтаришимиз зарур. Бунда аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш - энгустувор йўналишлардан бири бўлиши лозим.

Барча учун сифатли ва профессионал тиббиётни яратиш – Янги Ўзбекистоннинг тараққиё стратегияларининг муҳим йўналишидир.

Шу боис ҳам Янгиланган Конституциямизнинг **48-моддасида “Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини, унинг давлат ва нодавлат шакллари, тиббий суғуртанинг ҳар хил турларини ривожлантириш,

¹ Мирзиёев Ш. М. Янги Ўзбекистоннинг стратегияси. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2021. – 197- б.

аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш чораларини кўради.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратди¹, деган мазмундаги ҳаётий норма мустаҳкамлаб қўйилди.

Таъкидлаш керакки, соғлиқни сақлаш хизмати даражаси аниқланганда, болалар орасидаги ўлим, бола туғиш пайтида оналарга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати, болаларнинг эмланиши, ҳар минг нафар аҳолига ҳисобланган врачлар сони, касалхоналарда ўринлар сони ва даволаниш даражаси кабилар инобатга олинади. Ижтимоий фаровонликни аҳолининг тоза ичимлик суви ва замонавий канализациядан фойдаланиши ҳам белгилайди.

Маълумот учун: Мамлакатимизда 2017-2022 йилларда соғлиқни сақлаш соҳасида бюджетдан ажратилган маблағлар **7,3 трлн. сўмдан 24,7 трлн. сўмга етказилди.** Шифокор ва ҳамшираларнинг маоши сезиларли даражада оширилди, тиббиёт соҳасидаги ОТМлари сони **7 тадан 9 тага**, хусусий тиббиёт ташкилотлари сони **4 000 тадан 7 049 тага** етказилди.

Она ва бола соғлиғига эътибор - жамиятга, келажакка эътибордир.

Шу мақсадда 2021 йилдан бошлаб 15 ёшгача бўлган болалар ва ҳомиладор аёлларга 7 турдаги витаминлар, болалар учун паразитар касалликларга қарши дори воситалари бепул тарқатилмоқда. Бу жараён билан 2021 йилда – 11 миллион нафар, 2022 йилда - 17 миллион нафар аҳоли қамраб олинди.

Аёллар ва болаларни йод, темир, фолий кислотаси, витаминлар ва паразитларга қарши дорилар билан бепул таъминлаш орқали аҳоли ўртасида камқонлик 25 фоизга камайтирилади.

Оналар ва болалар, репродуктив ёшдаги аёллар саломатлигини таъминлаш учун зарур дори ва тиббиёт воситалари (С витамин, сурфактант ва бошқалар) билан қўшимча таъминлаш учун давлат бюджетидан 2021 йилда 26 миллиард сўм ажратилди, 2022 йилдан бошлаб эса ушбу харажатлар учун зарур маблағларни давлат бюджети параметрларида амалга оширилмоқда.

Қайд этиш керакки, тиббиётнинг бирламчи бўғини кучайтирилмоқда, айниқса, қишлоқ ва маҳаллаларда тиббий хизматни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ишлари жадаллашди.

Янги Конституциямизнинг “Ҳар ким соғлиғини сақлаш ва малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., “Ozbekiston” 2023. – 20-21-б.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли” 48-моддасига кўра:

Биринчидан, илк марта фуқароларнинг соғлиғини сақлаш ҳуқуқи Конституция даражасида белгиланди. Бу норма **Италия, Болгария, Чехия, Латвия ва Литва** каби давлатлар конституцияларига киритилган.

Иккинчидан, фуқароларга тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан кўрсатилиши аҳоли саломатлиги учун муҳим ижтимоий кўмак ҳисобланади. **2021 йилда бирламчи бўғинда аҳолини 66 турдаги, 2022 йилда эса 120 турдаги дори воситаси ва тиббий буюмлар билан бепул таъминлаш йўлга қўйилди.**

Айнан Янги таҳрирдаги Конституциямиз талабларидан келиб чиқиб, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида тиббиёт соҳасида ҳам улкан ўзгаришларни амалга ошириш режа қилинган, жумладан, “аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлигини 78 ёшга етказиш, бунинг учун тиббиётга йўналтириладиган маблағлар ҳажмини 2 баробар ошириш, онкология, юрак-қон томир, диабет ва нафас йўллари касалликлари бўйича эрта ўлимни 2,5 баробар камайтириш, Ўзбекистонни сил хасталигидан холи мамлакатга айлантириш”¹ устувор вазифа этиб белгиланди.

Белгилаб олинган вазифалар туб моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, бугун тиббиётда амалга оширилаётган ислоҳотлар аввало халқ саломатлигига қаратилганлигини кўрамиз. Хусусан, Давлат бюджетидан дори воситалари ва тиббий буюмларга ажратилган маблағларнинг 3 баробарга оширилиши бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан кўрсатилаётган бепул тиббий хизматлар кўлами ва сифати ошишига хизмат қилмоқда.

Давлат жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратади”, деган мазмундаги ҳаётий норма ҳам Янги Конституциямизда мустаҳкамлаб қўйилди.

Бугун тиббиёт ходимларининг мақоми ва ҳимояси давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Президентимиз 2022 йил 18 март куни соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан ўтказган очиқ мулоқотида шифокор касбининг мақоми ва нуфузини ошириш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш вазифасини қўйган эди.

¹ Батафсил қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон – 2030 стратегияси” тўғрисидаги ПФ-158 фармони. www.uza.uz.

Шундан келиб чиқиб, тиббиёт ходимлари фаолиятига тўсқинлик қилиш ва уларга нисбатан зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида “Тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақидаги”ги қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун билан “тиббий фаолият”, “тиббий ёрдам”, “тиббий хизмат” каби тушунчалар мазмун-моҳияти очиб берилди. Шунингдек, тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ ҳолатларда жавобгарликни, мазкур ишнинг тааллуқлилиги ва уни кўриб чиқиш муддатларини белгилаш назарда тутилди.

Шунингдек, ушбу ҳужжатда тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш билан боғлиқ ҳолатларда жавобгарлик, мазкур ишнинг тааллуқлилиги ва уни кўриб чиқиш муддатлари ўз аксини топган.

Хусусан, тиббиёт ходимининг қонуний тиббий фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки шу мақсадда тиббиёт ходимига турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш учун маъмурий жавобгарлик фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 5 бараваридан 7 бараваригача, мансабдор шахсларга эса 7 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга ёки 15 суткагача муддатга маъмурий қамоққа олиш белгиланди.

Мазкур қонун албатта тиббиёт ходимлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг касбий фаолиятига турлича аралашувларнинг олдини олиш, шифокор касбининг мақоми ва нуфузини ошириш, фуқароларга ўз вақтида сифатли тиббий ёрдам кўрсатилишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Янги Ўзбекистонда сифатли ва профессионал тиббиётни яратиш соҳада малакали кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ. Соҳада малакали кадрларни тайёрлаш борасида ҳам салмоқли ишлар қилинмоқда. Хусусан, юртимизда олий тиббий таълим муассасалари сони 11 тага етди. Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали, Фарғона жамоат саломатлиги тиббиёт институти ва Қорақалпоқ тиббиёт институти ташкил этилди.

Шу билан бирга, Тошкент, Сирдарё, Жиззах Навоий, Қашқадарё ва Наманган вилоятлари олий таълим муассасаларида 6 та тиббиёт факультети ташкил этилди.

Эътиборлиси, Россия, Корея, Германия, Туркия, Ҳиндистон, Италия, Хитой, Польша давлатларининг 22 та университети билан 12 та бакалавриат таълим йўналиши, 10 та магистратура, 8 та клиник ординатура мутахассисликлари бўйича халқаро қўшма таълим дастурлари асосида кадрларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Бакалавриятда 4 та янги таълим йўналиши очилиб қабул квоталари 2,4 бароварга, магистратурада 14 та янги мутахассислик очилиб квоталар 3 бароварга, клиник ординатурада 6 та янги мутахассислик очилиб квоталар 2 баробарга оширилди. Интернатура жорий этилиб, 19 та йўналишда йилига 500 нафар тор мутахассис тайёрланмоқда.

Шу билан бирга, ўқув режаларидаги номутахассис фанлар улуши 2 баробарга қисқартирилди. Бу каби омиллар малакали мутахассисларни кўпайтириш, тиббиёт ходимларининг салоҳиятини янада ошириш имконини бермоқда.

Ички ишлар органлари ходимларининг хизмати ностандарт вазиятларда кечади. Шу боис, Ички ишлар органлари ходимлари орасида касбий саломатлик кейинги йилларда мутахассисларнинг кўпроқ эътиборини ўзига қаратаётган энг муҳим жараёнлардан бири бўлиб, ноқулай меҳнат шароити (зўриқишлар, ортиқча юкламалар, руҳий жароҳатловчи омиллар) ходимларнинг касбий деформациясини, касбга оид касалликларни, ҳатто касбни ўзгартириш ёки умуман касбий фаолиятини бошқа йўналишга ўзгартириш ҳолатларини келтириб чиқараётганлиги ҳам бор ҳақиқат.

Қолаверса хизмат фаолиятларини бажариш вақтидаги визиятлар ҳамма вақтда ҳам уларнинг ўзларига боғлиқ ҳолда кечмагани сабабли, ҳамини ҳам рисоладагидек соғлом турмуш тарзи қоидаларига риоя қилишлари қийин кечади ва уларнинг маълум даражадаги саломатлик ҳолатлари уларга кўрсатилаётган малакали ва ихтисослаштирилган тиббий-профилактик хизматнинг даражасига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ички ишлар органларида хизмат қилувчи ходимлар аксарият ҳолларда меъеридан ортиқ иш юкмаси ва фавқулотда ҳолат тизимида юрадилар, бу ўз навбатида уларнинг саломатлигини, баъзида эса ҳаётини йўқотиш хавфи билан кечади. Руҳий жароҳат берувчи ҳолатлар биринчи галда ҳар хил даражадаги ижтимоий дезадаптацияга ва бу жараён ўз навбатида кўпгина касалликларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабаб бўлади.

Ички ишлар органлари ходимларининг саломатлиги маълум даражада уларга ташкил этилган тиббий хизматга, амалга оширилаётган профилактик чора-тадбирлар ва реабилитация, санаторий-курортларда соғломлаштириш тадбирлари даражасига ҳам боғлиқ бўлишини инобатга олиб, уларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш, уларнинг саломатлигини тиклаш масаласи доимий эътиборимизда.

Позитив ҳуқуқ ва унинг фалсафий талқини

Креативлик яратувчанликка қаратилган фаолликни, ижтимоий тараққиёт манфаатларини назарда тутган изланишларни англатади. Бу креативлик бошқарув институтининг тўлақонли ва самарали фаолият олиб бораётганини ифодалайди. Аслида ҳуқуқнинг позитивлиги ҳам кишиларнинг, жамиятнинг тўлақонли, самарали ва креатив яшаётганида намоён бўлади. Буни ҳуқуқшунослар ҳуқуқнинг регулятив функцияси деб баҳолайдилар. Ҳа, ҳуқуқнинг регулятив функцияси давлат ва ҳар қандай институтларга бошқарув механизмларининг оператив ва самарали ишлашига ёрдам беради, буни инкор қилиб бўлмайди. Лекин бошқарув фаолиятининг самарали кечиши фақат ҳуқуқ регулятив функциясининг маҳсули, натижаси эмас. Ҳатто субординация ҳам ҳуқуқнинг регулятив аралашishi билан чекланиб қолмайди, унда бошқаришнинг барча воситалари ва механизмлари қатнашади.

Позитив ҳуқуқ ва унинг бошқарув фаолиятига таъсири устида гап кетганда шахснинг жамият, кишилар, меҳнат жамоаси олдидаги масъуллиги, бу масъулликнинг ирода, эрк ва қизиқишлар билан боғлиқлиги алоҳида таъкидланиши зарур. Ҳуқуқнинг регулятив функцияси шахс масъуллигини белгилашга муҳим эътибор қаратади. Масъулликсиз бошқарув йўқ, шахснинг жамоадаги ўрни унга юклатилган масъуллик ҳажми орқали белгиланади. Позитив ҳуқуқ ушбу масъуллик ҳажмини, унинг доираларини ва механизмларини белгилаб беради. Бошқарув ишларида масъуллик ҳажми барчада бир хил, баробар бўлолмайди, кимгадир улар кўпроқ берилади, кимлардир уларнинг амалий ижроси билан шуғулланади. Масъуллик ҳажми қарор қабул қилувчида кенгроқ, кўпроқ бўлади. Бу ҳаётий, табиий ҳол. Шу билан бирга масъулликнинг айрим бир кишиларга тўла берилиши бошқаришни махсус ҳуқуқ (масалан, маъмурий ҳуқуқ)га тааллуқли воқеликка айлантиради. Демак, позитив ҳуқуқ масъуллик элементи орқали махсус ҳуқуққа айланади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, позитив ҳуқуқ ижтимоий ҳаётнинг ўзидан келиб чиқадиган, урф-одатлар, ахлоқий императивлар билан белгиланадиган табиий ҳуқуқдан фарқ қилади, у махсус институтлар ва давлат томонидан ижтимоий зарур ва фойдали норма сифатида қабул қилинади, кишилар ҳаётига, муносабатларига, социумга жорий этилади¹. Шунинг учун мазкур нормативларда, қонунларда маълум бир камчиликлар, такомилени топмаган

* Сиёсий фанлар доктори(DSc)

¹Қаранг: Алексеев С.С. Право: азбука теория философия: Опыт комплексного исследования. -Москва: Статут, 1999. - С. 31-32.

қоидалар бўлсада, улар жамият томонидан ижобий нарса сифатида қабул қилинади.

Агар жамият, давлат томонидан қабул қилинадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни позитив воқелик деб атасак, мазкур ҳужжатлар келтириб чиқарадиган натижалар ҳам позитив бўлиши даркор. Боис (ҳужжат, қонун) билан натижа (ютуқ, хулқ-атвор) моҳиятан айнан, яъни ижобий нарсадир. Минг афсуски, реал ҳаётда улар мудом айнан бўлавермайди. Ҳужжатлар қанчалик позитив аҳамият касб этмасин, уларнинг тўла амал қилишига халақит берадиган объектив ва субъектив тўсиқлар пайдо бўлаверади.

Бирорта қонун тўла-тўқис амал қилган, мутлақ позитив натижаларга олиб келган эмас, бундай ҳужжат бўлганини жамиятлар билмайди. Агар биз қонунларни, ҳужжатларни натижаларига қараб баҳолайдиган бўлсак, боис функцияларини бажарувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга ижтимоий-ҳуқуқий борлиқ нуқтаи назаридан бир қатор талаблар қўйишимиз зарур бўлади. Чунки бундай ҳужжатлар шунчаки эрмак учун қабул қилинмайди, улар кишилар ва социум ҳаётидан жой олиши, реал воқеликка айланиши керак. Бу талабларга, бизнинг фикримизча, қуйидагиларни киритиш мумкин:

- объективлик;
- долзарблик;
- реаллик;
- зарур механизмлар билан таъминланганлик;
- конструктивлик;
- креативлик;
- ижобийлик;
- узлуксизлик;
- рад этилиш.

Объективлик ҳуқуққа қўйиладиган бош талабдир. “Ҳуқуқ анатомияси” (С.С.Алексеев) ушбу талабга қурилади ва унинг хусусиятларига мувофиқ амал қилади. Шу билан бирга, объективлик ҳуқуқ таянадиган, барча талабларида ундан келиб чиқадиган, базавий аҳамиятга эга реалликдир. Ҳуқуқ феноменининг қандай бўлишини, ҳужжатларнинг қандай ифодада келишини, норматив талабларнинг қандай механизмлар воситасида бажарилишини ана шу реаллик белгилаб беради. Бу реаллик жамият барқарорлиги, давлат эҳтиёжлари, тараққиёт талаблари, бошқарув хусусиятлари кабилардан иборат. Демак, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонунлар кимнингдир субъектив хоҳиши, эгоистик иродаси билан қабул қилинмайди, улар юқоридаги талаблар ифодаси сифатида келганидагина керакли натижалар беради.

Шу билан бирга, бу ўринда етакчининг, раҳбарнинг роли масаласи ўртага чиқади. Унинг роли, масъуллиги, етакчилик хусусиятлари қаерга кетади,

ҳақиқатан ҳам, унинг фаолияти объективлик талабларига мувофиқ келадими, деган саволлар уйғонади. Жамият, давлат, социумдаги муносабатлар маълум бир барқарор бошқариш тизимларини тақозо этади. Бу тизим бошқариш учун масъулликни ўз устига олган раҳбарсиз, ташкилотчилик салоҳиятига эга етакчисиз бўлиши мумкин эмас¹. Бошқаришдаги зиддиятлар кўпинча жамоа билан етакчи, раҳбар муносабатларига, симпатия ва антипатияларга бориб тақалади. Уларни ҳар доим ҳам меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан регуляция қилиб бўлмайди, бу ўринда жамиятда амал қиладиган ва объектив нормаларга айланган ахлоқий императивлар, урф-одатлар, бурч ҳақидаги тасаввурлар муҳим роль ўйнайди. Ҳуқуқшуносликда “табiiй ҳуқуқ” деб аталадиган ушбу нормалар объективликнинг энг таъсирчан механизмларга эга эканини кўрсатади.

Объективлик кўпинча ижтимоий тараққиёт қонунларининг ифодаси сифатида келади. Бу қонунлар халқ манфаатлари, ижтимоий муносабатлар динамикаси, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, турли эҳтиёж ва талабларнинг мажмуаси, ижтимоий онгдаги ўзгаришлар, силжишлар кабиларда намоён бўлади². Объектив ҳаёт ва субъектив омиллар уйғунлиги, уларнинг ранг-баранг вазиятларда ўзгариб, эврилиб, гоҳо тўхтаб, ҳатто орқага қайтиб туриши меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга таъсир этса-да, улардаги барқарорликни йўқ қилолмайди. Қонунлар барқарорлиги билан объектив борлиқ талабларига жавоб бера олади, тинмай ўзгарадиган ҳужжатлар жамиятда, ижтимоий муносабатларда бошбошдоқликни, хаосни келтириб чиқаради. Объектив ҳаётда шундай барқарор нарсалар, қадриятлар мавжудки, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар уларни ҳисобга олишга мажбур.

Долзарблик ижтимоий ҳаётнинг динамик хусусиятларидан, борлиқни ўзгартиришга, такомиллаштиришга бўлган интилишлардан келиб чиқади, жамиятдаги трансформацияга мойиллик, янги-янги нарсаларнинг яратилиши, бошқариш усуллари ва механизмларининг мураккаблашуви каби омиллар уни, яъни долзарблиқни зарурият сифатида қабул қилишга ундайди.

Долзарблик ҳаёт кун тартибига кўяётган муаммога муносабат, унинг ечимларини излашдир. Муаммога муносабат субъектнинг фуқаролик позициясини, муаммони тушуниш ва унга ечим топиш қобилиятини ифода этади. Муаммони англаш бошқа, унга креатив муносабат бошқа. Метафизик талқинда муаммога муносабатни субъектив баҳолаш, фикрлаш ва мушоҳадаларга йўйиш мумкин, ушбу имкониятнинг киши миясида, онгида акс этиши мудом нафақат мия тузилишига, шунингдек шахсий ҳаётий тажрибага, бу тажрибани гносеологик синтездан ўтказишга боғлиқ бўлади.

¹ Қаранг: Политическая психология. - Москва: Академ. проект Екатеринбург: Деловая книга, 2003. - С. 406-410.

² Қаранг: Ҳайдаров Х. Ислохотлар қонунияти. - Тошкент: Ўзбекистон, 2010. - 17-21 б.

Бу ўринда, бизнинг фикримизча, рус файласуфи И.А.Ильиннинг метафизик мушоҳадаларининг шахсий ҳаётий тажриба билан боғлиқлиги ёки объект билан субъектнинг яқинлиги ҳақидаги фикрларини келтириш мумкин. У ёзади: “Фалсафа ҳақида мулоҳаза юритиш учун у билан яшамоқ зарур; ким фалсафа предмети билан яшай олмас ёки яшашни истамаса, фалсафанинг ўзи ҳақида ҳам, унинг предмети ҳақида ҳам хулоса чиқаришдан ўзини тийиши шарт. Демак, фалсафа, ўз моҳияти бўйича, нафақат ҳаётга бегона, балки ўз предмети ва манбаи орқали у билан боғлиқ. Фалсафа қандай англамасин, у мудом билим бўлади. Аммо билим объект ва субъект ўртасидаги учрашув ёки яқинлик, ёинки, бирикиш шаклида келишидан бошқача бўлиши мумкин эмас”¹.

Гап фалсафанинг шахсий ҳаётий тажриба билан боғлиқлиги устида кетаётган бўлса-да, уни ҳар қандай метафизик, шу жумладан, ҳуқуқ ҳақидаги метафизик мулоҳазаларга ҳам тааллуқли дейиш мумкин. Ҳатто ҳуқуқ ҳақидаги метафизик мушоҳадаларнинг ҳаётий тажриба билан узвий боғлиқлиги илмий фалсафадагидан ҳам кўпроқдир. И.А.Ильин назарда тутган шахсий ҳаётий тажриба фалсафа предметини мудом реал ҳаёт, у кун тартибига қўяётган долзарб муаммолар билан боғлиқлигини мутлақ зарурий шарт қилиб қўяди, бу билан у ҳар қандай спекулятив, спиритуалистик ва трансцендентал ёндашишларга жой қолдирмайди.

Шу тариқа долзарблик предмет ва тажриба билан боғлиқликни ҳар қандай метафизик мушоҳадаларга мажбурий қилиб қўяди. Долзарблик, предмет ва тажриба билан боғлиқ бўлгани учун бирламчидир, ҳуқуқ ҳақидаги метафизик мулоҳазалар эса унинг инъикоси, иккиламчидир. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, нормаларнинг реал ҳаётдан жой олиши уларнинг долзарбликка мувофиқ келиши, долзарб муаммони ечишга йўл топиши билан боғлиқдир. Самарали қонунлар ишлаб чиқмоқчимисиз, уларни долзарб муаммоларга йўналтиринг!

Реаллик долзарблик эмас, аммо долзарблик мудом реаллик билан боғлиқ. Реаллик— жамиятнинг стратегик мақсади, давлат дастурлари, бошқарув институтларининг ўз олдига қўйган вазифалари, шахс интилаётган ва бажаришни мўлжаллаётган режалар кабиларда намоён бўлади. Реаллик мавҳумликнинг акси, у мудом аниқ мақсад ва вазифаларга қаратилади. Шунинг учун ҳам файласуфлар реалликни мудом жамиятнинг аниқ мақсадлари, ҳаётининг аниқ кўринишлари, томонлари билан боғлиқ ўрганадилар. Бу реалликни Универсум, Борлиқ маъносида ташқи объектларда кўриш мумкин, инсон яратган реаллик эса ижтимоий борлиқдир. Ҳуқуқнинг самара бериши мазкур ижтимоий борлиқнинг эҳтиёжларини қондиришидир. Агар тадқиқотимиз мақсадидан келиб чиқсак, бошқарув институтларининг фаолияти:

¹ Ильин И.А. Фалсафа ва ҳаёт // Тафаккур, 2018, №4. - 24 б.

1) меҳнат жамоасини буюртмачиларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларини тўла қондириш учун уюштириш, йўналтириш ва ташкил этиш;

2) ички резервлар ва инвестициялардан унумли фойдаланган ҳолда хизмат доирасини кенгайтириш;

3) бошқарув механизмларини такомиллаштириб бориш;

4) бозор конъюктурасини ўрганиб, фаолият йўналишларини унга мувофиқлаштириш;

5) фаолиятни қайта қуриш, янгилашга тайёр туриш ва бошқалар¹ кабилар ва уларнинг ҳуқуқий механизмлар билан таъминланганлигига боғлиқдир. Бу ўриндаги реаллик бошқарув институтининг буюртмачилар эҳтиёжига хизмат қилишидадир. Мазкур эҳтиёж бошқарув институти фаолиятининг барча томонларига таъсир этади, ҳатто уни ўз фаолияти турини мутлақ ўзгартиришга ёки ундан воз кечишга олиб келиши мумкин. Банкротлик борасида амал қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бунга имкон беради ва аҳоли эҳтиёжларига талаб бермайдиган, самарасиз ишлаётган корхоналарни беркитишга ундайди. Реалликнинг ижтимоий борлиқ билан боғлиқлиги бошқарув институтлари фаолиятини ўз манфаатлари билан жамият манфаатлари ўртасида мутаносиблик бўлишини шарт қилиб қўяди. Кейинги йилларда “корпоратив эгоизм” кенг тарқалмоқда, бу ҳол бошқарув институти фаолияти билан аҳоли эҳтиёжлари ўртасида номувофиқликларни, ҳатто меҳнат шартномасига оид низоларни келтириб чиқармоқда². Бу ўринда реаллик–меҳнат шартномасига оид низоларда. Меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур низоларни прогноз қилиш ва рационал ҳал этиш имкониятларини яратиб беради. Шундай имконият беролмайдиган, яъни низоларни ҳал этолмайдиган қонунлар тўлдирилишни, янгиланишни тақозо этади. Бу вазифани бошқарув институтлари ҳал қилади. Шу нуқтаи назардан, бошқарув мудом реалликни бошқариш, реалликдан келиб чиқиб бошқаришдир, дейиш мумкин.

Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий ҳаётга, бошқарув институтлари фаолиятига ва мақсадга етиш жараёнларида қўлланиладиган усулларга таъсир этиш кучига эга. Бундай таъсир этиш механизмларига қарор, буйруқ, рағбатлантириш, ҳайфсан эълон қилиш, вазифадан четлаштириш, имтиёзлардан маҳрум қилиш, жазолаш кабилар киради. Ҳуқуқ шундай механизмлардан фойдаланиш имконини беради, аммо у улардан фойдаланишда ўзбошимчаликка, вазифасини суистеъмол қилишга олиб келмаслиги зарур.

¹ Қаранг: Менежмент асослари.–Тошкент: Иқтисод-Молия, 1999; Абдукаримов И.Т.Молиявий ҳисоботни ўқиш ва таҳлил қилиш йўллари.–Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1998; Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. М.Қ.Пардаев, А.Х.Шоалимов, И.Р.Пардаев, Ж.И.Исроилов; М.Қ.Пардаев таҳрири остида.–Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2005.

² Қаранг: Рўзиев Р. Меҳнат шартномалари.-Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашр., 2009. 4-6 б.

Масалан, ҳар қандай хато ёки меҳнат интизомини бузиш ходимга вазифасидан четлатишни ёки жазога тортишни қўллашга асос бўлолмайди.

Бошқарув ишлари мураккаб, ички зиддиятларга тўла, гоҳо прогнозлаш қийин фаолият турларидандир. У мудом ҳуқуқий механизмлар билангина олиб борилавермайди¹. Маънавий-ахлоқий ва психологик омилларга таянмай, бирор бошқарув иши йўлга қўйилган эмас. Демак, бошқарувда бир-бирига диалектик боғлиқ, бир-бирини тўлдириб келадиган икки омиллардан, механизмлардан фойдаланилади: биринчиси–ташкилий ҳуқуқий (маъмурий-ҳуқуқий), иккинчиси–маънавий-ахлоқий (ижтимоий психологик).

Бугун ҳуқуқ феноменига катта эътибор берилаётганида унинг имкониятларидан тўла фойдаланишга даъватлар янграши табиий ҳолдир. Демократик ҳуқуқий давлат икки феноменга, яъни демократик кадриятларга ва ҳуқуққа таянади. Демократия плюрализмга, ҳуқуқ унификациялашувга урғу беради. Плюрализм ва унификациялашув туб моҳиятига кўра икки, қарама-қарши кутбдир. Ҳуқуқда ранг-барангликни бир норматив меъёрларга, тартибга бўйсунтириб, ҳаётни унификациялаштириш хавфи мажуд. Ундаги жазолаш имкони бу унификациялаштиришни зўрлаб жамиятга сингдириши мумкин. Демократия эса унификациялаштиришни ёқтирмайди, у ранг-барангликни, плюрализмни қўллаб-қувватлайди.

Аммо улар демократия ёки демократик бошқарув билан ҳуқуқ ёки ҳуқуқий бошқарув ўртасидаги тафовутларни, зиддиятларни тўла-тўқис ҳал этолмайди. Мазкур муаммо ҳар бир ижтимоий-тарихий босқичда янги-янги кўринишда, жиҳатларда пайдо бўлаверади. Демак, биз демократиянинг плюралиزمни билан ҳуқуқнинг унификациялаштиришга интилиши ўртасида яшашга мажбурмиз. Ижтимоий тараққиёт ва бошқарув фаолияти эса уларни мутаносиблаштиришни, уйғунлаштиришни тақозо этади.

¹Қаранг: Крамник В.В. Социально психологический механизм политической власти.–Ленинград, ЛГУ, 1991; Московичи С. Машина, творящая богов.–Москва: Лидер М., 1998;Блондель Ж. Политическое лидерство. Путь к всеобъемлющему анализу.–Москва: Рипор, 1992.

Дастлабки тергов жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг конституциявий кафолатлари

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш – халқимиз учун фаровон ҳамда муносиб турмуш шароитини яратиб беришга қаратилган демократик ислохотларнинг бош мезони ва олий қадриятидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам, “Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларнинг талабларини сўзсиз бажариш, “Инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади... Инсон қадри деганда, биз ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз ҳаёт кечиришини, унинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни назарда тутамиз...”, деб таъкидлаган¹.

2022 - 2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси”нинг биринчи муҳим устувор йўналиши “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” деб белгиланиши ҳам мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига нечоғлик даражада аҳамият берилаётганлигидан далолат беради².

Айбсизлик презумпцияси – бу инсоният цивилизацияси тарихидаги шахс ҳуқуқларига оид энг буюк кафолатдир. Сабаби, айнан ушбу принципга мувофиқ, шахс унинг айби суднинг ҳукми билан аниқлангунига қадар айбсиз ҳисобланади! Яъни, жамият учун шахснинг шаъни ва кадр-қиммати унинг айби исботидан кўра муҳимроқ.

Тергов ўзининг функциясидан келиб чиқиб, судга мазкур шахс жиноят содир этганлиги ҳақида ўзининг версиясинигина тақдим қилади, бироқ ушбу шахс ҳатто жиноят содир этганида ушланган бўлса ҳам, унинг айби суднинг ҳукми билан аниқлангунига қадар у айбсиздир!

Бу норма ҳозир ҳам қонунларимизда бор, лекин амалиётда ҳар доим ҳам амал қилинавермайди. Яъни ишламайди. Айби ҳали далиллар билан исботланмаган бўлса-да, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, хусусан, терговчи гумонланувчига аксарият ҳолатларда жиноятчидек муносабат бўлишади, терговчи айблов нуқтаи назаридан ҳолатга қарайди ва ҳуқуқий баҳо бериш йўналишидан кетади, бу тенденция Ўзбекистон тергов амалиётида доимий равишда кузатилади.

* ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси бошлиғи ю.ф.н., доцент, полковник

* ИИВ Академияси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” кафедраси кабинет бошлиғи, майор

¹ Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини катъий давом эттирамиз//<https://president.uz/uz/lists/view/4743>.

² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон

Амалиётда муаммолар борлиги рост. Аслида қонун ҳимоячиси бўлиши керак бўлган шахсларнинг айримлари томонидан қонунларга номувофик муносабати туфайли жиноят ва уни тергови ҳақида сўз борганда одамларимиз ичида шундай стереотип фикрлаш кенг тарқалган: “Тергов органларига қунинг тушмасин, тушса тамом, қутула олмайсан, тергов нима деса шуни қилишга мажбур бўласан”.

Энди эса тасаввур қилинг, жиноятда гумонланаётган ёки айбланаётган шахс терговчига қараб “Айбдор ёки айбсизлигимни исботлашга мажбур эмасман, бу сизнинг мажбуриятингиз!” деб турса. Тан олайлик, бундай вазиятни ҳатто тасаввур қилишимиз ҳам қийин. Аслида эса айбсизлик презумпцияси ҳар бир шахсга айнан шундай дадил позицияда бўлишни кафолатлайди!

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб беришга мажбур эмас. Яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексининг 46,48-моддаларида гумонланувчи, айбланувчи ва судланувчи ўзини айбдорлигини исботлаб беришга мажбур эмас деган қоида мустаҳкамланган. Терговда шахсга айблов терговчи томонидан эълон қилинади, суд муҳокамасида айбловни давлат айбловчиси қўллаб-қувватлайди. Айнан шунинг учун шахснинг айбли ёки айбсизлигини исботлаш мазкур мансабдор шахслар зиммасида. Гумон қилинувчи, айбланувчи исботлаш жараёнида иштирок этишга умуман мажбур эмас. Агар истаса, ушланган вақтдан то ҳукм чиқарилгунга қадар сукут сақлаши мумкин.

Конституцияга киритилган ўзгаришлардан бири 28-модда 3-қисмида белгилаб қўйилган бўлиб, бу ҳам айбсизлик презумпцияси билан узвий боғлиқ. Ушбу норма гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб беришга мажбур эмаслигини англатади ва улар исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин бўлади.

Кўз олдингизга келтиринг, одатда шахсга нисбатан жиноят иши бошланганда у оғир руҳий ҳолатга тушади, ўзини йўқотиб қўяди, айнан ана шу пайтда у ўз ҳуқуқларини тўлиқ англай олмайди. Ва айнан шундай руҳий ҳолатда оддий инсон айбдорлигини исботлаш унинг эмас, тергов органларининг вазифаси эканлигини тушунмасдан ўзига қарши кўрсатмалар бериши афсуски, ҳаётимизда кенг тарқалган амалиёт.

Шахс ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлиги қоидасининг конституциявий даражада мустаҳкамланиши тергов органлари томонидан шахсни мажбурлаш ёки унга ҳар қандай босим ўтказиш каби салбий ҳолатларидан ҳимоя қилади.

Айбдорликка оид барча шубҳалар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозим. Қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши керак. Нима учун шахс ҳуқуқининг мазкур кафолати муҳим?

Айтайлик, шахс жиноят содир этганликда гумон қилинди, лекин буни бевосита исботлашнинг имкони бўлмади: унинг айблилигига кўрсатувчи билвосита далиллар бор, лекин тўғридан тўғри айбини исботловчи далиллар мавжуд эмас. Шундай вазиятда қонун айбдорликка оид барча шубҳалар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилинишини кафолатлайди. Яъни, “исботланмаган айб – исботланган айбсизликка тенг” деган ҳалқаро стандарт амал қилади.

Агарда тергов органлари кўрқитиб, зўрлик ишлатиб ёки бошқача усулда босим ёхуд куч қўллаб, гумонланувчидан иқрорнома ёздириб олса, судда бу иқрор инобатга олинмайди, яъни номақбул далил деб эътироф этилади, бу ҳам конституциянинг 29-моддасида “Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди” деб белгилаб қўйилган.

Айнан жиноят процессида шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш масаласи жуда муҳим. Сабаби, айнан жиноят процессида инсонга асоссиз жисмоний ёки руҳий тазйиқ ўтказиш хавфи катта. Шу сабабдан ҳам, қонун кимгадир эмас, айнан мансабдор шахсларга жиноят процесси иштирокчилари билан ҳар қандай нопроцессуал усулда мулоқот қилишни, яъни ўз ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилишни қатъиян тақиқлайди.

Айтиш керакки, тергов вақтида қўлланиладиган ғайриқонуний ҳаракатлар нафақат қийноқ ва бошқа зўрлик усулларидан иборат, яъни, жиноий таъқиб остидаги шахсга нисбатан босим нафақат жисмоний, балки руҳий ҳам бўлиши мумкин. Лекин бундай ноқонуний усулларни қўллаб олинган ҳар қандай далиллардан фойдаланиш тақиқланади.

Сиз таъкидлаган иқрорлик кўрсатмалари ҳам босим остида олинган бўлса, номақбул далил ҳисобланади ва улардан судда фойдаланиш мумкин эмас. Бундан ташқари, қонунда шундай процессуал талаб амал қиладики, унга биноан агар суд мажлисида масалан, судланувчи терговда унга нисбатан руҳсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаат қилса, судья бу мурожаатни суд-тиббий экспертизаси ёки бошқа экспертиза ўтказган ҳолда мажбурий текшириши зарур.

Айнан ана шу кафолатнинг Конституцияда мустаҳкамланиши ҳар қандай бу каби номақбул далиллардан фойдаланишга чек қўяди. Муҳим жиҳати, бунда нафақат ноқонуний усулда олинган иқрорлик кўрсатмалари, балки уларнинг

асосида айбланувчи иштирокида ўтказилган бошқа тергов ҳаракатлари ва уларнинг натижасида олинган далиллар ҳам ўз юридик кучини йўқотади. Жиноят процессуал кодексининг 95¹-моддасида номақбул далил сифатида унинг ҳуқуқий оқибатлари кўрсатиб ўтилган.

Конституциядаги яна бир тергов жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида янгилик бу 28-модданинг 4-қисми бўлиб, унда “Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмас” деб белгиланган, холбуки бу норма муқаддам ЖПКнинг 116-моддасида белгилаб берилган бўлсада, аммо бу масалга конституция даражасида эътибор қаратилди. Негаки, сўнгги йилларда мамлакатда суд ва тергов жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш йўналишида муҳим ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, 2018 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Жабрланувчиларни, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси” китобида шахсий ва сиёсий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган муҳим ислоҳотлар қаторида “жиноят процессида жабрланувчи ва гувоҳларнинг ҳуқуқлари ва хавфсизлигини таъминлаш механизмини такомиллаштириш” масаласига ҳам алоҳида тўхталиб ўтган. Шахс ўзига ва ўз яқин қариндошларига қарши гувоҳлик қилишга мажбур этилиши мумкин эмаслиги қондасини қатъийлаштириш, унинг аҳамиятини ошириш биринчи навбатда, давлат раҳбари томонидан эътироф этилган ана шу масалани таъминлашга қаратилган.

Шахс ўзига қарши кўрсатма бермаслиги ҳуқуқи ҳам айнан айбсизлик презумпцияси принципи қоидаларидан келиб чиқадиган кафолат ҳисобланади. Жумладан, айбсизлик презумпциясига биноан, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.

Мазкур талаб БМТнинг 1966 йил 16 декабрдаги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пакт 14-моддаси талабларидан ҳам келиб чиқади. Унга асосан ўзига ўзи қарши кўрсатув беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур қилинмаслик кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси мазкур Пактга 1995 йилда қўшилган.

Бу халқаро стандартнинг асосий мақсади – ҳуқуқ тартибот органлари томонидан жинойат таъқиб остидаги шахсни мажбурлаш ёки унга ҳар қандай босим ўтказиш йўли билан унинг иродасига қарши олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўймасликдир. Мазкур кафолатдаги ўз-ўзини айбламаслик

ҳуқуқи фақатгина жиноят содир этишда иқроор бўлишга мажбурлаш тақиқи билан чекланиб қолмайди.

Ўзига ёки яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбурлаш мумкин эмаслиги қондаси кейинчалик жиноят ишида фойдаланиш мумкин бўлган фактлар тўғрисидаги ҳар қандай маълумотларни тақдим қилишга мажбурлаш ҳам мумкин эмаслигини назарда тутати. Ушбу қоида суд ва ҳуқуқ-тартибот органлари сўроқ қилишдан олдин шахс ўзига ва яқин қариндошларига қарши кўрсатма бермаслик ҳуқуқи тўғрисида огоҳлантириши лозимлигини ҳам англатади.

Бу норма миллий қонунчилигимизда акс эттирилган ва у ишлаётган бўлса, уни мамлакат бош қонунида акс эттиришга қандай зарурат бор эди деган савол туғилиши мумкин.

Албатта, ҳозирда ҳам Жиноят-процессуал кодексида шахснинг ўз қариндошларига қарши кўрсатма бериш эркинлиги белгиланган. Жумладан, мазкур кодекснинг 116-моддасига кўра, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари гумон қилинувчига, айбланувчига тааллуқли ҳолатлар ҳақида гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан сўроқ қилинишлари мумкин.

Лекин шу билан бирга, афсуски, суд тергов амалиётида шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, айрим тергов ходимлари фуқароларимиз ўзининг бундай ҳуқуқи борлигини англамаслигидан фойдаланиб, ўз қариндошига нисбатан гувоҳлик бериш-бермаслик шахснинг мутлақо эркинлиги эканлиги ва бу каби гувоҳлик беришдан бош тортиш учун жиноий жавобгарлик мавжуд эмаслигини тўлиқ тушунтирмайдилар. Натижада инсонларнинг мазкур ҳуқуқдан амалда реал фойдаланишида муаммолар юзага келади.

Шахснинг ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик бермаслик ҳуқуқи ҳар қандай турдаги қийноқлар, таҳдидлар ва мажбурлов чораларини қўллашни чекловчи инструмент бўлиб хизмат қилади. Мазкур қонданинг Конституция даражасида белгиланиши эса шахсга кимнингдир хоҳиш-иродаси объекти сифатида муносабатда бўлишга йўл қўйилмаслигини, унинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги эса чинакам конституциявий кафолат эканлигини мустаҳкамлайди. Янги нормалар тергов идораларига иши тушган фуқароларнинг ҳуқуқ-манфаатлари таъминланишига хизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтиш мумкинки, юқорида қайд этилган, Конституцияга киритилган Хабеас корпус институти, Миранда қоидалари, жумладан фуқарони сукут сақлаш ҳуқуқи ва айбсизлик презумпцияси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал қонунчилигида ва бошқа миллий қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бўлсада, нима учун яна тақроран янги конституцияга янги модда ёки янги норма сифатида киритилганлиги асосий

сабаблари, биринчидан фуқароларнинг тергов ва суд жараёнидаги ҳуқуқларини таъминлаш фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи эканлиги учун Конституция даражасида ҳимояланганлиги деб тушунсак, иккинчидан Жиноят процессуал қонуни, яъни кодексдаги модда ва қоидалар асосан ҳуқуқшунос-юрист ва ҳуқуқ соҳасининг вакиллари учун кўпроқ тушунарли бўлади ва оддий фуқаролар биринчидан уларнинг мазмун моҳиятини тўлиқ аглаб етмайди, иккинчидан эса ҳамма фуқаролар ҳам кодексларни варақлаб ўқимайди. Конституция эса ҳамма учун тушунарли оддий сўзлар билан ёзилган бўлади, учинчидан эса Конституцияни ҳар бир фуқаро сотиб олиб ўқиши мумкин, кодексларни эса ҳамма ҳам сотиб олиб ўқийвермайди.

Фуқароларнинг дастлабки тергов жараёнидаги ҳуқуқларини конституция даражасида мустаҳкамланиши фақат ижобий ҳолат деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир ва зарурият ҳисобланади ҳамда ҳозирги давр тақозосидир.

*Ж.Т.Холмўминов**

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг юридик табиати

Бугунги кунда экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш табиатни, ер-сув, ўрмон, ер ости бойликларини, биохилмахилликни, асраш ва атмосфера ҳавосини мусаффолигини таъминлаш энг долзарб масалалардан биридир. Чунки бутун дунёда экологик муаммолар энг глобал даражага етиб, ўз навбатида, инсон саломатлиги ва генофондига ҳам салбий таъсир кўрсатиб, экологик инқирозни келтириб чиқармоқда.

Жумладан минтақамизда, экологик вазиятнинг тобора ёмонлашиб бораётгани ва иқлим ўзгаришларини салбий таъсири барчамизни жиддий ташвишга солмоқда. Айниқса, Орол денгизи ҳалокати оқибатида юзага келган экологик фожиалар таъсирини юмшатиш, барқарор тараққиёт ва экологик хавфсизликни таъминлаш энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқида, “Ҳозирги вақтда дунёда кескин экологик вазият кузатилмоқда. Сайёрамиз миқёсида учта инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши кучаймоқда. Ана шундай мураккаб шароитда Орол денгизи фожиасига қарши курашни давом эттираётган Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдида энг заиф минтақалардан бирига айланмоқда. Глобал муаммо бўлган Орол фожиаси оқибатларини

* Термиз давлат университети Юридик факультети декани юридик фанлар доктори, профессор

бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилмоқда. Сўнгги йилларда Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар майдонда қурғоқчиликка чидамли ўсимликлардан иборат яшил ҳудудлар барпо этилди. Бу саъй-ҳаракатларимизни давом эттириш учун халқаро ҳамжамиятнинг кўллаб-қувватлаши жуда муҳим. Кейинги 30 йилда минтақамизда ҳаво ҳарорати бир ярим градусга кўтарилди. Бу-дунёдаги ўртача исидан икки карра кўпдир. Оқибатда музликлар умумий майдонининг қарийб учдан бир қисми йўқолиб кетди. Ушбу тенденция сақланиб қолса, яқин йигирма йилда минтақамиздаги иккита йирик дарё-Амударё ва Сирдарё оқими 15 фоизга қисқариши мумкин. Жон бошига сув билан таъминланиш даражаси 25 фоизга, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги эса 40 фоизга камайиши кутилмоқда. Агар ўз вақтида таъсирчан чораларни кўрмасак, ушбу муаммолар оқибатлари минтақамиздаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликка жиддий путур етказди”¹, - деб таъкидлаган эди.

Зеро, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияда табиат ресурсларидан самарали фойдаланиш ва уларни муҳофаза этилишининг асосий қоидалари ўз аксини топган ҳамда давлатимизда яшаётган барча фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар учун умуммажбурий бўлган конституциявий қоида ўрнатилганлиги ўта муҳим аҳамият касб этади. Айнан Бахтимиз қомусида давлат ҳокимияти органлари ва жамоат бирлашмаларининг экологик фаолиятини шакллантириш бўйича асосий принциплари мустаҳкамланади, фуқароларнинг экологик ҳуқуқ ва бурчлари ҳамда, жамиятнинг экологик барқарор ривожланишининг устувор йўналишлари белгиланади.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасида мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини кўпайтиришга ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлашга ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга астойдил аҳд қилиб, ушбу Конституцияни қабул қилиниши алоҳида кўрсатиб ўтилди².

Асосий қонунимизни **49-моддасида** “Ҳар ким қулай атроф-муҳитга, унинг ҳолати тўғрисидаги ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқига эга. Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Шаҳарсозлик ҳужжатларининг лойиҳалари қонунда белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилади. Давлат барқарор

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 78-сессиясидаги нутқи. https://uza.uz/uz/posts/uzbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-birlashgan-millatlar-tashkiloti-bosh-assambleyasining-78-sessiyasidagi-nutqi_521613

²Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган. <https://lex.uz/docs/6445145>

ривожланиш принципига мувофиқ, атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Давлат Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ҳамда тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш юзасидан чоралар кўради”,-деб таъкидланганлиги ўта муҳим аҳамият касб этади.

Алоҳида эътироф этиш жоизки, юртимизда табиий ҳудудларни сақлаб қолиш, уларни қайта тиклаш, экологик муҳитни яхшилаш, ўсимлик дунёсини кўпайтириш ва ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг тегишли фармони билан бутун мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилди. Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилишига муддатсиз даврга мораторий эълон қилинди ҳамда уларни ноқонуний кесганлик юзасидан таъсирчан чоралар белгиланди.

Бу борада янги таҳрирдаги Конституциямизнинг **62-моддасида** ҳам фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканликлари мустаҳкамлаб қўйилди. Дарҳақиқат, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, экологияга зиён етказмаслик ҳар бир инсоннинг она табиат олдидаги бурчи ва вазифасидир. Маълумки, бутун Ер юзида, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам аҳоли сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу эса инсониятнинг атроф табиий муҳитга, табиатга, ер ва тупроққа бўлган муносабатини янада яхшилашни тақозо этади. Зеро, ҳар бир инсон ўзи яшаётган ҳудуднинг, ҳовлиси, маҳалласи, кўча-кўй, ишхонаси, йўл атрофлари ва бошқа жойларнинг тозалиги, ободонлигига беътибор бўлмаса, яшилликни асраб-авайласа, чиқиндиларни ён-атрофга ташлаб юбормаса, атроф муҳитнинг табиийлигини сақлашга ҳисса қўшган бўлади.

Айниқса, янги таҳрирдаги Конституциянинг **66-моддасидаги**, “Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгаллик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мол-мулкдан фойдаланиш атроф-муҳитга зарар етказмаслиги, бошқа шахсларнинг, жамият ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини бузмаслиги керак”,-деб кўрсатилиши табиат ресурсларига нисбатан мулк ҳуқуқини белгиланишини ўзида ифода этади.

Бахтимиз қомусининг **68-моддасида**, “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир. Ер қонунда назарда тутилган ҳамда ундан оқилона фойдаланишни ва уни умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкин”,- деб эътироф этилиши эса, **биринчидан**, мустақиллигимизни моддий асосини ташкил

этувчи табиий бойликларининг халқимизнинг бойлиги, мулки эканлиги, **иккинчидан**, табиий ресурслардан фақат оқилона фойдаланиш зарурлиги, **учинчидан**, республикамиз табиати давлат муҳофазасига олинганлиги, яъни экологик-ҳуқуқий муносабатларни давлат томонидан кафолатланиши, **тўртинчидан**, ер умуммиллий бойлик сифатида муҳофаза қилишни таъминловчи шартлар асосида ва тартибда хусусий мулк бўлиши мумкинлиги каби муҳим тамойилларни мустаҳкамлайди.

Хорижий мамлакатларнинг Конституцияларини қиёслайдиган бўлсак, норма сифатида Германия, Болгария, Италия, АҚШ, Япония, Бразилия каби давлатларнинг Конституциялари ёки Конституциявий норматив ҳуқуқий ҳужжатларида атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш, иқтисодий, ижтимоий, мулкчилик ва экология масалаларига алоҳида эътибор берилганлигини кўришимиз мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш тўғрисидаги қонунчиликка амал қилиш, экологик ҳуқуқларни тўла амалга оширишни таъминлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, бу борада фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ҳар доим маъсулдирлар.

Масалан: ГФР, Болгария Конституцияларида, табиатни муҳофаза қилиш ва табиат ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқ нормалар мустаҳкамланган (ГФР Конституциясининг 15-моддаси, Болгария Конституциясининг 31-моддаси). Айрим мамлакатларнинг Конституцияларида табиий ресурсларга нисбатан давлатнинг мутлақ мулк ҳуқуқи белгилаб берилган (Венгрия Конституциясининг 8-моддаси ва Руминия Конституциясининг 18-моддаси).

Аянчли томони шундаки, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгаришлари вазирлигининг маълумотларига кўра, 2022 йилнинг олти ойлигида браконьерлик бўйича 5 994 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланган. Айбдорларга нисбатан жами 8,2 миллиард сўм жарима ва 7,9 миллиард сўм табиатга етказилган зарар ҳисобланган. 9 ойда 358 877 туп дарахт ва буталарни кесиш, кўчириб ўтказиш, буташ бўйича 5 806 та мурожаат келиб тушган. Шундан 2 321 та мурожаатда 52 мингдан зиёд дарахтни кесишга ва 2 108 та мурожаатда 134 мингдан зиёд дарахтни кесишга рад жавоби берилиб, қарийб 307 минг туп дарахт сақлаб қолинган. Қайд этилишича, атмосфера ҳавосига умумий ташланмаларнинг 1,295 миллион тоннаси (58,8 фоиз) транспорт воситалари ҳамда 909 минг тоннаси (41,2 фоиз) саноат ва ишлаб чиқариш корхоналари ҳиссасига тўғри келмоқда. 42 та ишлаб чиқариш ва саноат корхонасида жами 165 та чанг-газларни тутиб қолиш ускуналарини таъмирлаш ва янгиларига алмаштириш ишлари амалга оширилган. Санитар тозалаш

корхоналари тасарруфида 4 162 та махсус техника воситаси, 4 142 та чиқинди йиғиш майдончаси, 18 899 та чиқинди контейнери, 195 та қаттиқ маиший чиқинди полигони мавжуд. Давлат томонидан тадбиркорларга битимлар асосида 1 339 та махсус техника, 61 та полигон, 670 та чиқинди тўплаш шохобчаси, 50 та автотураргоҳ, 4 648 та контейнер бириктириб берилган¹.

Статистик маълумотларга кўра, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги хузуридаги ташкилотлар томонидан 2022 йилда иқтисодий судга атроф табиий муҳитни ифлослантириш ва чиқиндилар жойлаштирилганлиги учун 38.2 млрд. сўмдан зиёд компенсация тўлови ундириш билан боғлиқ 92 та даъво аризалари киритилган бўлиб, уларнинг 64 таси ўз тасдиғини топганлиги сабабли қаноатлантирилиб, 22.5 млрд. сўмдан ортиқ компенсация тўловлари ундириб берилганлиги маълум бўлди.

Мазкур туркумдаги ишлар 2023 йилнинг 9 ойи давомида бирмунча ошган бўлиб, 82 млрд. сўмдан зиёд компенсация тўлови ундириш билан боғлиқ жами 389 та даъво аризаси судга киритилган, уларнинг 265 таси асосли деб топилиб, 29 млрд. сўмдан ортиқ компенсация тўловлари ундириб берилган².

Юқоридаги мисоллар шуни кўрсатмоқдаким, экология ва ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш долзарб муаммолар мавжуд бўлиб, уларни ечимини топиш табиатга етказилган зарарларни олдини олиш ва уни қоплашни ўз вақтида таъминлаш ҳамда Конституциявий талабларни малга ошириш учун:

биринчидан, бу масаладаги экологик қонун талабларини аҳоли ўртасида кенгрок тарғиб қилиш ва профилактик тадбирларни ўтказиш;

иккинчидан, табиатга етказилган зарарни олдини олиш ва уни қоплаш билан боғлиқ қонунларни суд амалиётида тўғри қўллаш;

учинчидан, амалиёт шуни кўрсатмоқдаким бу соҳадаги ишларни Прокуратура, ИИО, Миллий гвардия, Адлия ва судлар томонидан кенгрок ўрганиш ва хорижий тажрибалар асосида қўллаш ва амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бир қаторда, бу соҳадаги илм-фанни ривожлантириш борасида эса, қуйидагиларга эътибор бериш;

биринчидан, ушбу соҳада ўқитилаётган бир қатор дарсликларни: “Аграр ҳуқуқ”, “Экология ҳуқуқи”, “Ер ҳуқуқи” фанларини янгилаш ва уларга халқаро талаблар асосида замонавий долзарб мавзуларни киритиш;

иккинчидан, экология ва аграр соҳага оид мавжуд қонунларни кейинги талаблар асосида кодификация қилиш ва такомиллаштириш;

¹Ўзбекистонда 9 ойда браконьерлик бўйича қарийб 6 мингта ҳуқуқбузарлик аниқланди. <https://daryo.uz/k/2022/10/10/ozbekistonda-9-oyda-brakonyerlik-boyicha-qariyb-6-mingta-huquqbuzarlik-aniqlandi?ysclid=lnfvm1z9e6606634529>

²Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологияга оид қонунчиликка риоя қилиш масалалари муҳокама қилинди. <https://uztrend.uz/wordpress/archives/4011>

учинчидан, экология соҳаси билан шуғуллунувчи давлат органларининг ўзаро ҳамкорлик фаолиятини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш;

тўртинчидан, экология ва атроф муҳит соҳасини ҳуқуқий тартибга солишга оид амалий ва фундаментал грант лойиҳаларини кўпайтириш ва ушбу фаолиятни халқаро андозалар асосида ташкил этиш;

бешинчидан, экология ва аграр ҳуқуқ соҳасида қабул тизимини такомиллаштириш ҳамда таълим сифатини ошириб, магистратура йўналишига қабул қилиш ва уларни талаб асосида ўқитишни замонавий усулига ўтиш;

олтинчидан, экология ва аграр ҳуқуқ соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан хорижий мамлакатларнинг экология ва аграр ҳуқуқи фанларини ўқитиш тажрибасидан кенгроқ фойдаланиш, ўрганиш марказларини ташкил этиш (Масалан: АҚШ, Буюк Британия, Япония, Франция, Хитой, Шведцария, Германия, Жанубий Корея, Россия, Қозоғистон) мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, экология ва атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш борасидаги конституциявий ҳуқуқ ва бурчларимиз ҳаётимиз давомида кўз олдимизда гавдаланиши, онгимизда, қалбимизда, амалга оширилиши лозим. Она табиатга, экологияга нисбатан ҳамиша меҳр кўзи билан қараш, борлиқни бор ҳолича асраб-авайлаш ва келажак авлодга безавол етказиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Хуллас, янги таҳрирдаги Конституция талаблари асосида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун илм-фан ютуқлари ва талабларига таяниш, уларни ечимини топиш учун эса халқаро андозалардан кенг фойдаланиш, табиатга етказилган зарарларни олдини олиш, экологик қонунларни тарғиб қилиш ва профилактик тадбирларни доимий олиб бориш экология соҳасидаги янги нормаларни қўллашга ёрдам беради.

*А.Қ. Худойбердиев**

Янги Конституция - инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳуқуқий асоси

Ўзбекистонда қисқа тарихий муддат ичида миллий давлатчиликни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мамлакатимиз барча ривожланган ҳуқуқий давлатлардаги каби уч ҳокимиятга, яъни қонун

* ИИВ 1-сонли Тошкент академик лицейи ҳуқуқий ва ижтимоий гуманитар фанлар кафедраси бошлиғи ю.ф.д., профессор

чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига тақсимланди. Халқ фаровонлиги йўлида кучли ҳуқуқий давлатдан фуқаролик жамияти сари илдам қадам қўйиш мақсадида эркин бозор муносабатларига асосланган кучли иқтисодий барпо этилди. Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва бу ҳуқуқларнинг муҳофаза қилишнинг муҳим қомуси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари мустақамлайдиган ўта муҳим мафкуравий ақидалардан бири бу инсоннинг улуғланиши ва унинг демократия шароитида яшашга мансублигидир. Мустақиллигимизнинг илк йилларида Ўзбекистон халқи миллий тараққиёт йўлининг бош ғояси – “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш” деб белгиланди.

Айни бугунги кунда юртимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев бошчилигида Янги Ўзбекистонни барпо этиш билан боғлиқ ислохотларда **“инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари, айниқса, қадри – энг муҳим қадрият”** деган тамойил муҳим ўринларга қўйилмоқда. Шу муносабат билан йиллар давомида амал қилиб келган **“давлат – жамият – инсон”** тамойили Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида **“инсон – жамият – давлат”** тамойилига ўзгартирилди.

Буларнинг барчаси, ўз навбатида, таълимнинг ўзига хос соҳаси ҳисобланувчи **инсон ҳуқуқлари бўйича таълимни** изчил ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Бундай таълим барчанинг инсон ҳуқуқларига нисбатан ҳурматини рағбатлантириш ва унга ҳар томонлама риоя этилишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимнинг мақсади инсон ҳуқуқлари маданияти дунёсини яратишга йўналтирилган бўлиб, бу ҳар бир инсоннинг ҳуқуқи ва ана шу ҳуқуқларнинг ўзи ҳам ҳурмат қилинишини назарда тутати. Одамлар ўзларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини билиши билан бир қаторда бошқаларнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишлари ҳам талаб қилинади. Инсон ҳуқуқлари, шунингдек, миллий тил ва удумларни, санъатни, ўз ватанига садоқатни ҳурмат қилиш демакдир.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим инсонларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик жабҳаларда, умуман, ўз ҳаётига дахлдор бўлган қарорларни қабул қилишнинг барча жараёнларида тўлақонли иштирокини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликлар, зўравонлик ва низоларнинг олдини олишда ҳам муҳим ўрин тутати.

Давлат раҳбари Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган 2022 йил 22 декабрь кунидаги Мурожаатномасида таълим, соғлиқни сақлаш, электр-энергия, газ, суд-ҳуқуқ, хуллас аҳолини қийнаб келаётган

масалаларнинг барчаси ушбу Мурожаатномадан ўрин олди. Аҳамиятлиси, муаммолар аниқ кўрсатилди, таклифлар ҳам аниқ илгари сурилди. Давлат раҳбари, энг аввало, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам берилиши, бунинг учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ҳам, масъулияти ҳам оширилишини қайд этди. Инсон ҳуқуқларини юксак ўринда таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Мирзиёев Шавкат Миромоновичнинг 2022 йил 28 ноябрдаги ПФ-257-сонли «Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида» фармони¹га мувофиқ Бош прокуратура Академияси негизда Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси ташкил этилди. Академия Бош прокуратура ташкилий тузилмасига кирувчи, юридик шахс мақомига эга, ихтисослаштирилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланади. Ушбу Академияда 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб тергов фаолияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятининг бошқа соҳаларида олий таълимнинг икки босқичли тизими – бакалаврият ва магистратура бўйича тўлақонли ўқув жараёни ташкил этилади. Бу Академиянинг ташкил этилиши фуқароларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш борасида ишларни олиб бораётган терговчи кадрларни айнан шу Академия орқали тайёрлаш механизми жорий этилди. Ушбу Академияда терговчилар айнан ўзларининг мутахассисликлари бўйича таълим олишиб, етарлича билим ва кўникмаларга эга бўлишади. **“Ҳеч кимнинг унутишга ҳаққи йўқ – қонун талаблари ва инсон ҳуқуқлари – биз учун олий қадрият”²**. Президентнинг ушбу сўзлари Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида қайд этилди. Ўйлаймизки, 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да халқ манфаати йўлида хизмат қилиш бурчини елкасига олган ҳар бир шахс ушбу ғояга ҳамоҳанг ҳолда фаолият юритса мамлакатда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашнинг 46-сессиясида БМТ шафелигида ёшлар ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон конференциясини ўтказиш ташаббуси асосида 2022 йил 5-6 декабрда “Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим” глобал форуми ўтказилиб, анжуманда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни ривожлантириш бўйича Самарқанд ҳаракатлар режаси (2023-2025 йиллар) қабул қилинди.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Жиноятларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида» фармони. 28.11.2022 йил ПФ-257-сонли

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. 20 декабрь 2022 йил.

Шу ўринда, инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 07 февраль кундаги ПҚ-46-сон "Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори¹ қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, БМТ умумжаҳон дастурининг тўртинчи босқичи (2020-2024 йиллар) давом этмоқда. Бу босқичда асосий эътибор ёшларга таълим беришда тенглик, инсон ҳуқуқларини амалга ошириш, камситмасликка эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, дастурга мувофиқ 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб касбий ва умумий таълим тизимида "Инсон ҳуқуқлари", "Хотин-қизлар ҳуқуқлари", "Бола ҳуқуқлари" бўйича таълим бериш юзасидан махсус курслар ташкил этилади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълим билим бериш билан бир қаторда бу ҳуқуқлар қандай қафолатланиши ва ҳимоя қилинишини ҳам кўзда тутади. Шунингдек, бу таълим инсон ҳуқуқларининг кадриятлари, фуқароларнинг эркинликлари, уларнинг ўз фикрларини билдириш ҳуқуқларини ҳам қамраб олган. У шунингдек, таълим олувчиларни инсон ҳуқуқлари кадриятларини эъзозлаш ва ҳимоя қилишга ўргатади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги таълимни амалга оширишнинг воситалари жуда кўп, бунда одамлар дунёни турлича тасаввур этишлари, ўқитувчилар эса турли ташкилотларда турли вазиятларда иш олиб боришларини ҳисобга олади. Шу билан бир қаторда инсон ҳуқуқлари барча мамлакатлардаги ҳамма учун бир хил эканлигини ҳам ёддан чиқармаслик керак. Улар ажралмас, бўлинмас, ўзаро боғлиқ ҳолда муҳимдир.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълимни такомиллаштириш бўйича муҳим чоралар кўрилмоқда. Жумладан, инсон ҳуқуқлари бўйича магистрлар дастурини амалга ошириш учун ҳуқуқшунослик мактабларининг уюшмаси ташкил этилди. Уюшмага Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг академияси, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети кирган. Инсон ҳуқуқлари соҳасида юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш мақсадларида ушбу йўналишда "Инсон ҳуқуқлари" ихтисослиги бўйича олий таълимдан кейинги таълим институти ҳам ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурининг асосий мақсади — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги Декларацияси қоидалари ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Жаҳон таълим дастурининг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2023 йилдаги ПҚ-46-сон "Ўзбекистон Республикасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори

тўртинчи босқичини амалга ошириш, шунингдек, аҳоли барча қатламларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисидаги миллий ва халқаро стандартлар тўғрисида хабардорлигини, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини янада оширишдан иборатдир. Миллий таълим дастурининг асосий вазифалари ёшларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги хабардорлигини ошириш; давлат органлари ходимларининг инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик соҳасидаги билим ва кўникмаларини ошириш; инсон ҳуқуқлари соҳасида педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш; аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг инсон ҳуқуқлари соҳасида хабардорлигини ошириш; инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини ошириш; замонавий технологиялар, бадиий асарлар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тизимининг самарадорлигини ошириш; инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида болалар алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эга эканликлари мустаҳкамлаб қўйилган. БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясида боланинг шахси соғлом ва ҳар томонлама уйғунлашган ҳолда камол топиши, у оила ғамхўрлигида, бахт, меҳр-муҳаббат ва онгли тушуниш вазиятида ўсиши зарурлиги кўрсатилган.

Ўзбеклар - болажон халқ. Инсонпарварликнинг олий кўриниши бўлган ушбу анъана асрлар давомида халқимизга мерос бўлиб келаётган қадриятдир. Ҳозирги даврда халқаро миқёсда эътироф этилаётган ушбу олий қадрият юртимизда қадим-қадимдан шаклланган. Шунинг учун Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг ратификация қилинган дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан бири - Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси бўлган эди. 1992 йил 9 декабрда давлатимиз томонидан ратификация қилинган ушбу Конвенциянинг қоидалари асосида Ўзбекистон бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга доир қатор мажбуриятларни ўз зиммасига олди.

Умуман, Ўзбекистон ёшлар давлат ҳисобланиб, аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган бола ва ўсмирлар ташкил этади. Шунинг учун бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар ва кафолатлар яратиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига мувофиқ ўз зиммасига бола ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича муайян халқаро мажбуриятларни олган.

Ўзбекистонда халқаро шартномаларда кўзда тутилган бола ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга йўналтирилган 100 дан зиёд қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг ташаббуси ва бевосита иштирокида 2007 йилда “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун ҳам қабул қилинди. Ушбу Қонунда болаларнинг қуйидаги ҳуқуқлари кафолатланган:

-яшаш ҳуқуқи, у ҳар бир боланинг узвий ҳуқуқидир;

-туғилган пайдан эътиборан фамилия, исм, ота исми олиш, миллати ва фуқаролигига эга бўлиш, шунингдек уларни сақлаб қолиш;

-эркинлик, шахсий дахлсизлик, турар жойи дахлсизлиги ва хат-хабарларини сир тутиш;

-оилада яшаш ва тарбияланиш;

-ўз фикрини ифода этиш;

-ўзининг соғлиғи, ахлоқий ва маънавий камол топишига зиён етказмайдиган ахборотни олиш;

-фикрлаш, сўз, виждон ва эътиқод эркинлиги;

-қонунда белгиланган тартибда хусусий мулкка эга бўлиш;

-турар жойли бўлиш ва бошқалар.

Бундан ташқари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия тўғрисидаги Декларацияси қоидалари қўлланилиши ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Жаҳон таълим дастурининг тўртинчи босқичи амалга оширилишига кўмаклашилади; инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида халқаро ва минтақавий тузилмалар билан ҳамкорликни янги босқичга кўтариш орқали мамлакатнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасидаги халқаро рейтинглар ва индекслар бўйича кўрсаткичлари яхшиланади.

Аҳоли ўртасида умуминсоний кадриятлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга амал этиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий ахборотдан фойдаланишларини таъминлаш мақсадида давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва таълим муассасаларини жалб этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фуқаролик жамияти институтлари, давлат органлари ва ташкилотларининг фаол вакилларини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун” кўкрак нишони таъсис этилди. У ҳар йили Халқаро инсон ҳуқуқлари куни – 10 декабрда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги хизматлар учун берилади.

Умуман, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва уларга амал этиш масалалари давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги Миллий таълим дастури ва “Йўл харитаси” тасдиқланган. Дастур доирасида ёшларнинг, давлат органлари ходимларининг, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари соҳасида хабардорлигини, фуқаролик жамияти институтларининг фаоллигини, замонавий технологиялар, бадий асарлар, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим ва тарбия бериш тизимининг самарадорлигини ошириш, педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилмоқда.

*М.М. Инагамова**

Янги Ўзбекистон Конституциясида аёл ҳуқуқлари ҳимоясининг айрим жиҳатлари

Янги Ўзбекистон Конституцияда хотин-қизлар ва эркаклар тенг ҳуқуқлиги, давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлаши мустаҳкамланган.

Халқ фаровонлиги, тинчлиги ҳамда иқтисодий барқарорликда эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги муҳим ўрин тутишини эътиборга олсак, гендер тенгликни таъминлаш вазифасининг давлат зиммасига юклатилиши барқарор ривожланишнинг зарур талабидир. 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясига кўра, гендер тенглик бу – сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт ва бошқа соҳаларда хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини таъминлашдир. Шу каби нормалар Германия, Ирландия, Италия каби давлатлар конституцияларида ҳам мавжуд.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда гендер тенгликнинг таъминланиши хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, қонунлар ва турли қарорлар қабул қилинишида иштирокини янада кенгайтириш имкониятини беради. Масалан, мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини хотин-қизлар ташкил этилади. Жумладан, уларнинг 29 фоизи 14 ёшгача бўлган қизлар, 28 фоизи 15-30 ёшлилар, 21 фоизи 31-45 ёшлилар, 15 фоизи 46-60 ёшлилар, 7 фоизи эса 60 ёшдан ошган хотин-қизлардир.

*Тошкент давлат транспорт университети доценти, (ПхД), доцент

Ҳозирда бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 33 фоизни, Олий Мажлисида эса 32 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, гендер тенглик таълим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик, ижод қилиш, маданият соҳаларида ҳам таъминланиши хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширади. Айни вақтда ҳам хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоизни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, саноатда 38 фоизни, тадбиркорликда 35 фоизни, олий таълимда 46 фоизни ташкил этиши ҳам соҳалар ривожига эгаллаган муносиб ўрнидан далолатдир.

Кейинги йилларда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган 20 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди.

“Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонунда барча соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари назарда тутилди.

Хусусан, давлат хизматида хизматчиларнинг лавозим тоифаларини ҳисобга олган ҳолда, бир жинсдаги ходимларнинг лавозимларни эгаллаши учун квоталаш тизимини белгилашни назарда тутувчи гендер сиёсатининг амалга оширилишини таъминлашга доир вақтинчалик махсус чораларни қўллашга рухсат берилди. Давлат органлари раҳбарлари лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигига риоя этилиши зарурлиги каби талаблар белгиланди.

Масалан, сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар таъминланади. Сайлов кодексига мувофиқ, аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши кераклиги (70-модда) ва аёлларнинг сони сиёсий партиядан кўрсатилган маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши (91-модда) белгилаб қўйилди.

Яна бир муҳим масала, Меҳнат кодексига мувофиқ ҳомиладорлиги ёки фарзанди борлиги билан боғлиқ сабабларга кўра ишга қабул қилишни рад этиш ёки меҳнатга ҳақ тўлаш миқдорини камайтириш тақиқланиши (392-модда), иш берувчи ҳомиладор аёлларга бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида антенатал парваришlash учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда қўшимча бўш кунлар бериши шартлиги (396-модда), ёхуд ҳомиладор аёллар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга йўл қўйилмаслиги (408-модда) каби бир қатор аёллар ҳуқуқлари мустаҳкамлашга доир нормалар алоҳида эътиборга моликдир.

Аёллар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги нормалар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Хусусан, Оилавий (маиший) зўравонлик, яъни аёлнинг таълим олиш, мол-мулкка ва шахсий ашёларга қасддан зиён етказиш, меҳнатга оид ҳуқуқни амалга оширишга тўсқинлик қилиш, уларни кўрқитиш, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини қасддан таҳқирлаш, Яқин қариндошларидан ажратиб қўйиш (59² – модда), Икки ёки ундан ортиқ хотин билан эр-хотин бўлиб яшашни тарғиб қилиш (47⁸-модда), Никоҳ ёши тўғрисидаги қонунчиликни ёки никоҳ тузиш тартибини бузиш (47³-модда), Жинс бўйича камситишни тарғиб қилиш (189²-модда) каби ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланганлиги аёлларга нисбатан қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдирилишига сабаб бўлди.

Хуллас, айтиш мумкинки, сиёсат ва бошқарув соҳасида аёлларимиз эркалар билан ёнма-ён туриб, мамлакатимизнинг эртанги кунини учун хизмат қилмоқда.

Биргина мисол бугунги кунда давлат ва жамоат ташкилотлари тизимида 1 минг 400 га яқин аёллар республика ва вилоятлар, 43 мингдан зиёди туман ва шаҳарлар даражасидаги раҳбарлик лавозимларида ишлаб келмоқда.

Иқтисодий соҳада ҳам хотин-қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар кафолатлари мавжуд. Давлат органлари ва мулк шаклидан қатъи назар, ташкилот раҳбарлари жамиятнинг ресурсларидан тенг фойдаланишини таъминлаши шарт ҳисобланади. Давлат хотин-қизлар ва эркаларга тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди.

Бундан ташқари, тадбиркорлик билан шуғулланиш истагини билдирган аёлларни марказларга жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида 2019 йилда нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган “Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари” ташкил этилди.

Бугунги кунда 400 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилоти аёлларни касбга ўқитиш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича яхши тажриба яратган. Шу боис, қишлоқ жойларида бундай лойиҳаларни амалга ошириш учун нодавлат ташкилотларга 2 миллиард сўмгача грантлар ажратилади.

“Аёллар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш учун, кўшимча шарт-шароитлар яратамиз”, дейди Президент Ш.Мирзиёев. Бунинг учун тадбиркор аёллар улушини ҳозирги 25 фоиздан 40 фоизга етказиш бўйича 2022-2024 йиллар учун “Бизнес аёллар” дастури қабул қилинади. Ушбу дастур ижросига жами 8 триллион сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилди.

Шунингдек, хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, ҳуқуқлари,

эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор янги тузилмалар ташкил этилди.

Хусусан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида Аёлларни реабилитатсия қилиш ва мослаштириш бўйича республика маркази ва унинг жойларда 28 та ҳудудий ҳамда туманлараро марказлари ташкил этилди. Оила институтини илмий-услубий ва ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминлаш мақсадида Маҳалла ва оила илмий-тадқиқот институти фаолият йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Президентимиз таълим тизимида хотин-қизлар учун бир қатор кенг имкониятлар йўлга қўйилишини қайд этди. Жумладан, 2022-2023 ўқув йилидан бошлаб магистратурада ўқиётган қизларнинг контракт пуллари тўлиқ бюджетдан қоплаб берилиши (23 минг нафар қизларга 200 миллиард сўм), ҳар йили 50 нафар қизлар нуфузли хорижий олийгоҳларга бакалавр ва 10 нафари магистратурага юборилиши, ёш фарзанди бор талаба-қизларга масофавий ўқишга шароит яратилиши каби ва бошқа имтиёзлар белгиланди.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини, гендер тенгликни таъминлаш, аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, улар учун янги иш ўринлари яратиш, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Натижада ҳар бир соҳада аёллар фаоллиги ортиб, жамият ҳаётидаги иштироки йил сайин кенгайиб бормоқда.

*А.Э. Имамов**

Социально - общественные аспекты норм правовой культуры и правосознания сотрудников органов внутренних дел

Введение. Афоризм Г.В. Лейбниц: математики оперируют цифрами, а юристы - понятиями. Юридические понятия не есть оторванные от жизни пустые абстракции, они в сжатом виде выражают реальность, конкретные общественные отношения. Подобно тому, как в математике невозможно произвести какие-либо расчеты без знания таблицы умножения, так нельзя изучить и политико-правовую жизнь, не владея основными юридическими понятиями.

Качественное знание исходных понятий теории государства и права позволит обучаемым на практике, верно квалифицировать политические и

* Старший преподаватель кафедры Государственно-правовых дисциплин и обеспечения прав человека Академии МВД РУз.

правовые ситуации, с научных позиций давать правильную оценку сложным государственно-правовым явлениям общественной жизни, вскрывать их подлинную сущность, понимать их социальное назначение. Таким образом, эта наука непосредственно участвует в формировании профессиональных качеств будущих юристов.

Правовая культура - обусловленное все социальным, духовным, политическим и экономическим строем качественное состояние правовой жизни общества, выражающееся в достигнутом уровне развития правовой деятельности, юридических актов, правосознания и в целом в уровне правового развития субъекта (человека, различных групп, всего населения), а также степени гарантированности государством и гражданским обществом свобод и прав человека. Правовая культура это не просто отношение к праву, а уважительное отношение к нему.

Социально - общественные аспекты норм правовой культуры.

Групповая - правовая культура отдельных социальных групп, подвергается воздействию индивидуальной и общественной правовой культуры.

Общественная - правовая культура общества, это составная часть созданных им духовных ценностей.

Поступательное движение общества по пути демократии и успех демократических реформ во многом зависят от уровня правосознания и правовой культуры людей. Высокая правовая культура – основа демократического общества и показатель зрелости правовой система.

В этой связи с учетом современных политико-правовых реалий важно обеспечить создание целевой комплексной программы мер, направленной на кардинальное улучшение правового образования и просвещения в стране.

Социально- общественные аспекты норм правовой культуры и правосознания органов внутренних дел и их сотрудников.

Ответственной задачей органов внутренних дел и всех их сотрудников постоянно работать над совершенствованием своего правосознания и правовой культуры. Этот процесс, однако, требует от них постоянного самосовершенства и самообразования в сочетании с официальными и регулярными формами образования.

Правовая культура - это сочетания духовной, юридической, политической, педагогической и много других видов культуры человека, постоянное совершенство которой особенно необходима сотруднику органов внутренних дел, поскольку он несет ответственность за проявление не только своей правовой культуры, но и окружающих его людей. Столь сложная и ответственная задача требует более детального изучения и усвоения основных

научных социально-общественных аспектов всесторонних норм правовой культуры и правосознания.

Понятия правовой культуры личности и его анализ показывает её теснейшую связь с правовым сознанием и правовым поведением. Правосознание представляет собой форму общественного сознания, включающую совокупность правовых знаний и правовых ценностей, которые служат мотивационными факторами поведения индивида.

Изучение правовой культуры предполагает рассматривать ее в качестве социального феномена с определенными отличительными принципами и подходами праведческой и философско-правовой методологической направленностью.

Исследования правовой культуры должны затрагивать такие важные предметные области, как проблемы социальной детерминации культурно-правовых явлений, этнопсихологические аспекты правового менталитета и правовой культуры.

Под правовым поведением понимают социально значимое поведение индивидуальных и групповых субъектов. Определение правовой культуры позволяет отдельно рассматривать её от других форм и областей права и областей культуры.

Базовой основой правовой культуры является учет национальных особенностей, религиозных и культурных традиций.

К некоторым формам кризисных явлений в правовой культуре общества в наше время следует отнести: правовой нигилизм, социальную **аномию**, общее снижение ценностного статуса морали, нравственности, непонимания происходящего.

Понятие аномии выражает собой политико-экономический обусловленный процесс разрушения базовых элементов культуры, прежде всего в аспекте этических норм

Распространение неправовых практик и противоправного поведения является следствием трансформационных процессов в обществе, а также отчуждения права.

В обществе сегодня, бесспорно, прослеживается ситуация, где число девиантных форм поведения людей чрезвычайно высока. Настораживает не только значительное число фактов девиантного поведения (особенно в системе дорожного движения), но и тенденции его изменения в худшую сторону.

Вопрос о соотношении правовой личности и права сотрудника органов внутренних дел - один из фундаментальных философско-правовых и социально-правовых вопросов.

Девия́нтное поведение (*лат. deviation — отклонение*) устойчивое поведение личности, отклоняющееся от общепринятых, наиболее распространённых и устоявшихся общественных норм.

Девииантное поведение может быть как негативным, так и позитивным. Негативное девиантное поведение приводит к применению обществом определённых формальных и неформальных санкций (изоляция, лечение, исправление или наказание нарушителя).

Девииантность как социальное явление и реакция общества на неё изучается социологией, а индивидуальные девиации — психологией

Девииантное поведение может противоречить благополучию окружающих или правовым нормам, в таком случае его называют **делинквентным**

В настоящее время начался процесс становления особой правовой личности 21 века, связанный, прежде всего, всеобщей информатизацией общества, широкой доступностью любых информации как хороших, так и плохих (их гораздо больше), как полезных, так социально опасных.

Сотрудник органов внутренних дел как правовая личность представляет собой личность, обладающая особыми типологическими и поведенческими характеристиками, как будто эта социальная личность, находящаяся в абсолютно гражданском обществе и абсолютно правовом государстве. При этом от остальных типов личности правовая личность отличается степенью правомерности и активности поведения.

Сознательное выполнение правовых предписаний, активная защита, как своих прав, так и прав третьих лиц, активное участие в правотворческой деятельности органов государства, участие в право-воспитательной деятельности определяют содержание современной правовой личности.

Сотрудник органов внутренних дел может и не быть правовой личностью, но его трудовая деятельность наравне с лицами правовой личностью позволяет допустить возможность выделения их в отдельную группу людей. Эта группа лиц другого уровня лояльности и правосознания, но работающие совместно в тесном соприкосновении с ними и обеспечивающую устойчивость правового

государства как системы – эта категория лиц с лояльностью правосознания, находящейся на уровне пассивного, либо конформного позитивизма.

Среди основных причин, влияющих на ограниченные перспективы развития правовой культуры в обществе, следует называть:

- проблему обеспечения общественной безопасности;
- несформированности институтов гражданского общества;
- непонимания идей правового плюрализма и, как следствие, политизированность правового сознания.

Говоря о тенденциях и перспективах развития правовой культуры необходимо отметить, что в обществе сегодня прослеживается тенденция формирования антропо-центристской правовой культуры, что находит некоторое отражение в изменении государственного, гражданского, уголовного, процессуального законодательства.

***Антропоцентризм** — это научно-философская познавательная установка, в которой утверждается наличие человеческого измерения в любом знании о бытии, природе, когда во всем (и в хорошем, и плохом) ответственность ложится на человека*

Применительно к состоянию современного общества, все чаще используется понятие аномии. Аномии выражает собой:

- политико-экономический обусловленный процесс разрушения базовых элементов культуры;
- отсутствие четкой системы социальных норм;
- разрушение единства культуры, приводящее к возникновению противоречия между нормами, целями культуры и существующими институтами.

В аномии отсутствуют санкционированные средства достижения каких-либо целей, вызывающее особое нравственно-психологическое состояние индивидуального и общественного сознания, характеризующее разложение системы моральных ценностей и вакуумом идеалов.

В современных условиях этот процесс приводит к формированию особого типа правовой культуры, в которой доминируют правовой нигилизм и скептицизм.

Накопленный за последние годы исследовательский материал в области изучения историко-социокультурной специфики и институциональных трансформаций, позволяет рассматривать феномен правовой культуры на качественно новом уровне концептуального синтеза.

Проблемам правовой культуры посвящено множество исследований, производившихся с разных позиций, в разных целях. Долгое время от Аристотеля до Гегеля право осмыслялось в контексте общей социальной или цивилизационной, а не собственно культурной проблематики. При этом речь шла о правовых отношениях и правовом сознании. С середины XIX века вопросы общей культуры, проблема её общественной ценности стали предметом специального рассмотрения через призму права.

Уже в те времена были актуальны темы о кризисных факторах в правовой культуре и правосознании, о негативной ситуации в сфере правоотношений и правовой регуляции. Считалось необходимым проведение глубоких исследований влияния социальных трансформаций на характер правовой культуры общества.

Анализируя современный этап фундаментальных исследований проблем правовой культуры, направленных на формирование правовой культуры и правовой культуры вообще, необходимо отметить, что обстоятельно уже рассмотрены многие прикладные аспекты проблемы правовой культуры общества в целом и отдельных категорий людей (отдельных личностей, круг общих проблем профессиональной правовой культуры, правовая культура сотрудников органов внутренних дел и др.).

В контексте современных процессов модернизации государственности (например, программа развития Нового Узбекистана, референдум по Новой конституции Республики Узбекистан и его принятие и др.) активно начались работы по формированию *соответствующей* правовой культуры и правосознания в стране. В новых условиях эту деятельность необходимо начинать с сотрудниками органов внутренних дел, которые, в первую очередь, должны разобраться с социально-философским поэтапным осмыслением специфики самого понятия новой правовой культуры. Особенно эффективно формирование правовой культуры и правосознания можно достигнуть вразличного рода образовательных процессах становления профессиональной личности или на курсах повышения квалификации.

Отметим, что эффективный процесс роста правовой культуры и правосознания будет достигнут, если он будет сопровождаться:

- осуществлением формирования концептуального понятия «правовая культура общества» на основе правовой реальности современного общества;
- выделением особой значимости составляющих компонент правовой культуры, такие как: правосознание, правовые отношения, правомерную деятельность субъектов, государственно-правовые институты и юридические акты;

- установлением базовых основ национальных аспектов правовой культуры, учета особенностей национального правового менталитета и морали;
- выявлением роли правовой культуры в современном обществе, в основе которого лежит комплекс как исторически сложившихся предпосылок и причин разного содержания и уровня, так и система факторов, вызванных пореформенным развитием независимого национального государства;
- утверждением того факта, что правовая культура, определяет тип правоотношений в рамках жизненного пространства личности;
- установлением основных тенденций и перспектив развития правовой культуры в современном мире, то есть формирование мантропо-центристской правовой культуры, ростом доверия к правоохранительным органам, рационализм и, в целом, - рост правосознания граждан.

Основные идеи отмеченные в данной статье были в той или иной мере отражены в публикациях автора [1-4].

Литература

1. А.Е.Imamov, X.N.Karimov, E.Z.Imamov, /Development of creative thinking in higher education.// Science and innovation» international scientific journal. (ISSN: 2181-3337) 2023. №3. -С. 359-361
2. А.Е.Imamov,E.Z.Imamov, Kh.N.Karimov, S.S.Xalilov // The future belongs to learning with an active process of self-education of students // //«Science and innovation» international scientific journal. Volume 1 Issue 5. 2022. -С. 479-482.
3. Сравнительное конституционное право. Учебное пособие Х.Т.Одилкорьева, Е.А.Курбановой. Четверг, 2015. С. 147
4. Э.З.Имамов, А.Э.Имамов. //Взгляд на систему образования// Монография, “Fan va texnologiyalar Markazining bosmoxonasi”. Ташкент.2016. - С. 96.

*И.Х. Атамирзаев**
*А.А. Фаффаров**

Янгиланган Конституция ва гендер тенглиги

Мухтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига йўллаган Мурожаатномаларида “Давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш – ислохотларимизнинг энг устувор йўналишларидан биридир[1]” дея алоҳида таъкидладилар. Бугунги кунда мазкур устивор вазифаларни амалга ошириш борасида кенг қўламли ишлар амалга

* Наманган давлат университети Юридик факультети декан ўринбосари
* Юриспруденция таълим йўналиши 1-босқич талабаси

оширилмоқда. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ўзининг устувор йўналишларини белгилаб, жамиятда хотин-қизлар мавқеини ошириш ва оилаларни мустаҳкамлаш борасида келгусида амалга ошириладиган ишлар белгиланди.

Мазкур вазифалар қаторида оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва бу борада жамоат ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириш борасидаги масалалар ҳам ўрин олган.

Барчамизга аёнки, кейинги пайтларда оила муаммолари ва оилада тарбия ҳамда аёллар масалаларининг ўрганилишига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилмоқда.

Бугунги кунда дунё ҳамжамияти хотин-қизларнинг инсоният тараққиётида ўрнини тўғри англаган ҳолда халқаро механизмларни яратишга ҳам ҳаракат қилмоқда. БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 18 декабрда “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида”ги конвенциянинг қабул қилингани фикримизнинг далилидир. Мазкур конвенция хотин қизлар ва эркакларнинг амалдаги тенглигига эришиш, яъни гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизлар томонидан ўз ҳуқуқларидан амалда фойдаланиш масалаларига боғлиқ бўлган муаммоларни аниқ-равшан белгилаган асосий ҳужжатдир.

Конвенцияда белгиланган муаммолар кўп қирралилиги билан ажралиб туради. Унда турли шаклда намоён бўладиган камситишларга барҳам бериш муаммоларининг долзарблиги аниқлаб берилиши билан бирга, хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли инсон сифатида мавқеини ошириш, унинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳуқуқлари, эркак билан тенг ҳуқуқлиги, оналик лаёқати билан боғлиқ муҳим қоидалар акс эттирилган.

Мамлакатимизда гендер тенгликни таъминлашга оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни миллий қонунчиликка уйғунлаштириш орқали мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилмоқда. Хотин-қизларнинг эркаклар билан бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлишининг, оналик ва болалик билан боғлиқ давлат сиёсати юритилаётгани, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини кучайтириш, сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ олиб борилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

Жамият ва давлат ҳаётида хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигини, шунингдек, хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг муҳим йўналишларидан бирига айланди.

Шу боис янги таҳрирдаги Конституциямизда 58-моддасида “Давлат хотин-қизлар ва эркакларга жамият ҳамда давлат ишларини бошқаришда, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг бошқа соҳаларида тенг ҳуқуқ ва имкониятларни таъминлайди”, деган норма мустаҳкамланди.

Халқ фаровонлиги, тинчлиги ҳамда иқтисодий барқарорликда эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги муҳим ўрин тутишини эътиборга олсак, гендер тенгликни таъминлаш вазифасининг давлат зиммасига юклатилиши барқарор ривожланишнинг зарур талабидир.

Шу каби нормалар Германия, Ирландия, Италия каби давлатлар конституцияларида ҳам мавжуд.

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегиясига кўра, гендер тенглик бу – сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт ва бошқа соҳаларда хотин-қизлар ва эркакларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг тенглигини таъминлашдир.

Жамият ва давлат ишларини бошқаришда гендер тенгликнинг таъминланиши хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, қонунлар ва турли қарорлар қабул қилинишида иштирокини янада кенгайтириш имкониятини беради.

Масалан, ҳозирда бошқарув лавозимидаги хотин-қизлар улуши 33 фоизни, Олий Мажлисда эса 32 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, гендер тенглик таълим олиш, меҳнат қилиш, тадбиркорлик, ижод қилиш, маданият соҳаларида ҳам таъминланиши хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини оширади. Айни вақтда ҳам хотин-қизларнинг улуши соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида 82 фоизни, илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида 72 фоизни, саноатда 38 фоизни, тадбиркорликда 35 фоизни, олий таълимда 46 фоизни ташкил этиши ҳам соҳалар ривожига эгаллаган муносиб ўрнидан далолатдир.

Ҳар қандай халқнинг етуклик даражасини, аввало, аёлларнинг илмий-маданий камолоти белгилаб беради. Шу боис уларнинг таълим олишлари, илм-фан билан шуғулланишлари учун шароит яратиш давлатнинг алоҳида вазифасига айланди.

Натижада, биргина 2022 йилда олий ўқув юртларига қабул қилинган талабаларнинг 49,9 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Мазкур норманинг киритилиши хотин-қизларни кўллабқувватлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, давлат ҳокимиятидаги лавозимларга кенгроқ жалб этиш имкониятини яратади.

Халқ фаровонлиги, жамият тинчлиги ҳамда иқтисодий барқарорликда эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлилиги муҳим ўрин тутишини эътиборга олсак,

гендер тенгликни таъминлаш вазифасининг давлат зиммасига юклатилиши барқарор ривожланишнинг зарур талабидир.

Бош қомусимизга киритилган мазкур норманинг икки муҳим жиҳати билан ажралиб туради. Биринчидан, оиланинг жамият олдидаги асосий бўғин сифатидаги вазифаларига эга эканлиги;

Иккинчидан, оиланинг жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги ифодаланган.

Янгиланаётган Ўзбекистонда кучли ва адолатли фуқаролик жамияти куриш йўлида мамлакатимизда оилавий тарбиянинг аҳамияти ҳамда оилада аёлларнинг ҳуқуқ манфаатларини янада мустаҳкамлаш масаласига катта эътибор қаратилаётгани қувонарлидир.

Оила - ўзининг ижтимоий-маданий ривожланиш жараёнида ўз аждодларининг миллий қадриятларини сақловчи макондир. Бу маконда аёлнинг ўз ўрни ҳамда муҳим вазифалари бор. Ўзининг ана шундай инсоний бурчларининг ҳар бир оила ҳамда аёллар томонидан мукамал бажарилиши миллий маънавиятни бойитади. Ана шу нуқтаи назардан ҳар бир оила ўзида тарихий, ижтимоий, маданий, миллий тарбия маданиятини мужассамлаштирувчи ижтимоий институтдир.

Шу ўринда оиладаги муҳит ҳамда аёлларнинг хулқ-атвори ва уларнинг оилада вазифаларини тўлиқ адо этишларида миллий тарбиявий масалалар ҳамда уларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашуви муҳим ҳисобланади. Чунки, боларнинг тарбиявий таъсирни қабул қилиш жараёни ва ота-оналарнинг феъл-атворлари орасида изчил алоқа мавжуд. Айниқса оилада аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида авлоддан иккинчи авлодга ўтиб келувчи анъаналар, маросим, удум, ишлаб чиқариш ва ҳаётий малакалар, афсоналар, хулқ-атвор шакллари, болаларга, ўсмирларга қарияларга муносабатларнинг ўзига хослиги ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ота-оналар ўзлари қанчалик ҳаётга тайёр бўлиб, фарзанд тарбиясига жиддий эътибор қаратса, фарзандлар тарбияси шунчалик мукамал бўлиши шубҳасиз. Оиладаги тарбиянинг самарадорлиги аввало ҳар бир оиланинг ўзи учун, қолаверса ҳар бир жамият тараққиёти учун ҳам манфаатли эканлигини унутмаслик лозим.

Тарбиянинг миллий хусусияти унда одоб-ахлоқ қоидалари, ҳуқуқий меъёрлар қатъий белгилаб қўйилиши ва бунинг ота-она ёки бола муносабатларида ҳам намоён бўлишидадир. Тарбия ёрдамида авлодларнинг синалган, энг маъқул, тараққийпарвар тажрибаси ўзлаштирилади, ва янги авлодга етказилади, одамларнинг онги ва хулқига, ҳуқуқий тарбиясига шу жамиятда қабул қилинган ахлоқ меъёрлари сингдирилади, ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти ривожланади.

Демак, ота-оналар томонидан маълум мақсадга йўналтирилувчи, ташкил қилинувчи ва бошқарилувчи тарбиявий жараён ҳам сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги миллийликка асосланиши керак. Шунда миллий кадриятларнинг ёш авлодга узатилиши, улар томонидан ўзлаштирилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаоллашуви, жамият ҳаётининг турли соҳаларида уларнинг иштирок этиши олдинги даврларга нисбатан сезиларли ошди. Айнан шулар аёлларни ижтимоий ҳаётга, иқтисодий ишлаб чиқаришга, қолаверса, сиёсий соҳалардаги барча жараёнларга иштирок этишларининг ортишига олиб келди.

Мазкур ҳолатларнинг ечими ва уларни бундай салбий ҳаракатлардан олдини олишда албатта аёлдан ҳуқуқий ижтимоийлашув талаб этилади. Аёлларнинг ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш орқали ижтимоийлашиб бориши ниҳоятда мураккаб жараёндир. Бунда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий тафаккур, билим, ҳуқуқий маданият, тарбия, юридик тажриба каби махсус ҳодисалар намоён бўлади. Бу жараёнда ҳуқуқий руҳият, ҳуқуқий маънавият муайян ўрин тутиши табиий. Аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувида ҳуқуқий таълим ва тарбия, тарғибот ва ташвиқот, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, миллий кадриятлар, урф-одат, анъаналар алоҳида аҳамият касб этади. Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашув атамасига қуйидагича таъриф берамиз: «Аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашув – аёлларнинг жамиятдаги ҳуқуққа оид намунали хулқли бўлиши, ижтимоий-ҳуқуқий норма, ҳуқуқий-руҳий механизм ва ҳуқуқий кадриятларни ўзлаштириш, оилада фарзандлар тарбиясида ҳуқуқий меъёрларга амал қилиш жараёни ҳисобланади».

Аёллар томонидан ҳуқуқий маданият андозалари, ҳуқуқий кадриятлар ва қоидаларнинг ўзлаштирилиши, ҳуқуқий меъёрлар, принципларнинг идрок этилиши унда амалдаги ҳуқуқий тизимга мослашиш ва муайян функцияларни бажариш имконини берувчи сифатларнинг шаклланишига олиб келади. Мазкур ҳолат муайян ҳуқуқий меъёрларни, ҳуқуқ ва бурчларни адо этадилар, ҳуқуқий анъана ва қадриятларни ўзлаштирадилар. Шу тариқа уларда муайян ҳуқуқий билим, тажриба, ҳуқуқий онг ва маданият шаклланади. Яъни, аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашув ҳуқуқий соҳада бажариши лозим бўлган ролларга ўргатиш жараёнидир[3].

Аёлларнинг ҳуқуқий ижтимоийлашувда яна бир муҳим жараён ҳуқуқий кадриятларни ўзлаштиришда ўз ифодасини топади. Маълумки, «ҳуқуқий кадриятлар – бу инсонлар, жамият ва давлат ўртасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишда фуқаролар томонидан эъзозланадиган, қадрланадиган, уларнинг манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий:

нормалар, ғоялар, қарашлар, институтлар, тамой-иллар ва ҳодисалардир». Уларни ўзлаштириш орқали субъект мукамал даражада ҳуқуқий ижтимоийлашувга эришади.

Ҳар бир оилада болаларнинг ахлоқий, ақлий ва руҳий қобилиятларини эркин ривожлантиришлари учун барча имкониятларга эга бўлишлари, жамият бунда масъул эканлигини инобатга олиб, оилавий муносабатлар билан боғлиқ давлат миқёсидаги режалар ишлаб чиқишимиз лозим.

Хулоса қилиб айтганда, оилада ота-оналар ва болаларни бир- бирлари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларининг даражаси шу оилада яшовчи ҳар бир шахснинг индивидуал дунёқараши ва ахлоқий етуклиги билан боғлиқдир. Оилавий муносабатларни амалга оширишнинг мавжуд усуллари турли-туманлиги билан фарқланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2020 йил 29 декабрь 19-20 бетлар.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил Тошкент

3. Одилқориев Х.Т. Конституция ва баркамол авлод тарбияси. –Т.: Ҳуқуқ ва бурч. 2010. №1. –Б. 44.

4. Якубов Ш.У. Ўзбекистон ҳуқуқий тизимида ҳуқуқий кадрият ва тамойилларнинг шаклланиши. Автореферат ю.ф.н. илмий даражаси-ни олиш учун. –Тошкент. 2008. –Б. 12.

*Х.А.Тураббаев**

Янги Ўзбекистон шароитида жиноятчиликни олдини олишга қаратилган назарияларнинг ўзига хос жиҳатлари

Янги Ўзбекистонни барпо этиш – бу шунчаки хоҳиш-истак, субъектив ҳодиса эмас, балки туб тарихий асосларга эга бўлган, мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий вазиятнинг ўзи тақозо этаётган, халқимизнинг асрий интилишларига мос, унинг миллий манфаатларига тўла жавоб берадиган объектив заруратдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси негизида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегияси ўтган қисқа даврда давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичига асос солди. Бу муҳим ҳужжат том

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси доценти ю.ф.н., доцент.

маънода янги Ўзбекистонни бунёд этишнинг мустақил ҳуқуқий пойдевори эканини амалда намоён этиб улгурди.

Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясини такомиллаштириш учун асос бўлди. Бунда Конституциямиз Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган демократик ислохотларни амалга оширишнинг асоси сифатида хизмат қилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистонимиз Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеа бўлди”. Конституция ва миллий тикланиш, маънавият ва маърифат, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, миллий ўзлик ва азалий қадриятлар, бу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат ва одиллик, иймон ва олижаноблик, бағрикенглик ва мардлик, инсонпарварлик ва тантлиқ каби улуғ хислатлар Конституциядан муносиб ўрин олган.

Хусусан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ вазифалар белгиланган бўлиб, мазкур чора-тадбирлар ҳар йили қабул қилинаётган Давлат дастурларида ўз аксини топмоқда ҳамда уларнинг ижроси изчил таъминланмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўзининг ҳар бир чиқишларида соҳага масъул бўлган идораларнинг асосий вазифаси жиноятчини топиш ва жазолаш эмас, балки жиноят содир этилишига шароит яратиб берган

ҳолатларни аниқлаш, айниқса тизимли муаммолар билан ишлашга алоҳида урғу қаратишни кўп бора таъкидлаб ўтган.

Жаҳонда ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олишнинг таъсирчан тизимини яратиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, фуқароларга қонунга ҳурмат ва қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишига муросасизлик муносабатини сингдириш, профилактик ишларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг замонавий ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш бўйича қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб ҳисобланади.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт - шароитларини бартараф этиш тизимини такомиллаштириш истикболларини тадқиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган давр мобайнида республикамизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича комплекс чоратадбирлар амалга оширилиб, бу борадаги ижтимоий муносабатларни

тартибга солувчи яхлит норматив-ҳуқуқий база шаклланди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг самарали фаолияти натижасида мамлакатда ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамланиб, криминоген вазият сезиларли даражада яхшиланди. Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ташкил этиш услубларини тубдан ўзгартириш, қонун бузилиши ҳолатларини фож этиш ва чоралар кўриш эмас, балки мазкур ҳолатларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикасини таъминлашни, ушбу идораларнинг энг асосий вазифасига айлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларининг самарали тизимини жорий этиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

2021 йилнинг 26 март куни қабул қилинган “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони¹ мазкур вазифалар ижросида муҳим аҳамиятга эга.

Жиноятчиликка қарши курашиш муаммолари ҳар доим ўзига хос тарзда жамият ва давлат олдида турган муҳим долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланган. Жамиятда доимо унга қарши курашиш учун турли усул ва воситалар орқали курашишга ҳаракат қилинган. Бугунги кунга қадар мазкур соҳада катта билим ва тажриба тўплаган. Замонавий криминология ва социология фанлари жиноятчиликни олдини олишга қаратилган ўнлаб асосли назариялар, концепциялар ва доктриналарни ишлаб чиқишга мувофиқ бўлган. Бизнингча, ушбу бой назарий тажрибадан Ўзбекистонда жиноятчиликни олдини олишга қаратилган сиёсатни ривожлантиришда самарали чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Чунки, ушбу илмий жиҳатдан асосланган назарияларсиз жиноятчиликка самарали қарши курашиш мушкулдир.

Ижтимоий ўрганиш назарияси - (Social learning theory) илк бор олимлар Р. Буржес ва Р.Акерслар томонидан таклиф этилган бўлиб², шахс хулқ-атворининг жамиятда ўзаро муносабатлар доирасида ўзгариши, девиант ва жиний хулқ - атворнинг жамиятдаги умумий жараёнлардан ўрганиб, келиб чиқиб шаклланиши ҳақидаги ғояларни ўз ичига олади. Ушбу назария асосан шахс нега девиант ҳаркатлар (жиноят) содир этади ёки содир этмайди деган саволга жавоб қидиради. Шу сабабли ҳам назария психология, социология,

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон;

² Burgess, R. L., & Akers, R. L. A differential association-reinforcement theory of criminal behavior. *Social Problems*. 1966. Б – 128–147;

криминология фанлари механизмларига, айниқса психолог олим Скиннернинг машҳур оперант шароитдаги хулқ-атвор назариясига¹ таянади.

Ижтимоий ўрганиш назариясининг асосий компонентлари – концепциялари қуйидагилардир: дифференциал алоқа (differential association), тушунчалар (definitions), дифференциал жиҳатдан кучайтириш (differential reinforcement), имитация (imitation)². Дифференциал алоқа концепцияси шахснинг жамиятдаги алоқалари, масалан оила, дўстлар, яқинлар билан турли шаклдаги алоқалар, шунингдек у ўрганадиган манбалар (китоблар, интернет, телевидение) унинг жиноий хулқ - атвори шаклланишининг асоси деган мазмунни илгари суради. Кейинги компонент – тушунчалар эса муайян шахснинг хулқ-атворга боғланувчи эътиқоди ва қарашларини ўз ичига олади. Яъни, шахс ўз тушунчаси орқали муайян вазият ва ҳодисаларни, шунингдек унга ўзига хос хулқ - атворини ҳам ўша тушунчалар (ғоя, эътиқод, ишонч, қараш, қадрият)га кўра йўналтиради ҳамда рационаллаштиради унга кўра, ўз ҳаракатларини яхши ёки ёмон сифатида баҳолайди. Бунга диний эътиқод мисол бўла олади. Зеро, эътиқод шахсга нима яхши ва нима ёмонлигини, вазиятга қандай баҳо беришни ўргатади.

Кейинги концепция дифференциал жиҳатдан кучайтириш эса, шахснинг ўз хулқ-атворини унинг натижасида бўладиган рағбат ёки жазога қараб шакллантиришини назарда тутаяди. Бу фикр Скиннернинг оперант шартли хулқ-атвор назариясига таянади: Хулқ - атвор позитив ва негатив рағбатга ёки позитив ва негатив жазога қараб шаклланади. Масалан, жиноят учун жазонинг қаттиқ ва муқаррарлиги шахсни жиноят содир этишдан тийиши, аксинча муайян ҳаракатни қилмаганлик учун жазо мавжудлиги эса, ўша ҳаракатни қилишга олиб бориши мумкин. Лекин, позитив рағбат хулқатворни кўпроқ ўзгартиришини таъкидлаб ўтиш лозим.

Имитация концепцияси шахснинг хулқ-атвори бошқаларнинг хулқ-атвор моделини кузатиш ва ўрганиш ҳамда уларга ўхшашга интилишни англатади. Масалан, шахс жиноят ҳодисаси содир бўлишини кўради (жиноий ҳаракатдан олинган бойлик, куч, рағбат, обрў ва ҳ.к.), ўрганади ва такрорлайди. Бундай хулқ-атвор айниқса ёшларда кўпроқ учрайди. Имитация нафақат ўзи гувоҳ бўлган жиноий ҳаракатлардан, балки медиа орқали ҳам ўрганиб амалга оширилиши мумкин. Муайян девиант ёки жиноий хулқ-атвор моделларининг такрорланиши ёки рағбатлантириш оқибатлари унга тақлид орқали жиноятчилик кўпайишига олиб келади.

¹ Skinner, B. F. Sciences and human behavior. New York: MacMillan. 1953. Б. 42;

² Brent Teasdale • Mindy S. Bradley. Preventing Crime and Violence. Springer International Publishing Switzerland 2017. Б. 13

Умумий босим назарияси (General Strain Theory) - кўра жамиятдаги умумий зўриқиш ва босим омиллари, масалан иқтисодий муаммолар, жисмоний ва руҳий босимлар жиноят содир этилиши эҳтимолини оширади¹. Бу назарияга кўра, жамиятдаги зўриқишлар натижасида шахсларда пайдо бўлган ғазаб, тушкунлик ва бошқа салбий ҳиссиётлар уларни ундовчи ҳаракатларга айланишига сабаб бўлади: Етишмовчилик ўғрилиқ ва талончиликка, руҳий ёки жисмоний босим қасос олиш учун зўравонликка, кучли тушкунлик ва ночорлик эса, наркотик моддалар истеъмолига шароит яратади. Олимлар мазкур босимларни турли мезонларга кўра, классификация қилишади. Масалан, Б.Тиздейлга² кўра босимнинг асосий турлари қуйидагилар: а) жамиятдаги асосий мақсадларга эриша олмаслик (бу иқтисодий босим бўлиши мумкин, масалан етарли маблағи йўқлиги учун уй-жой ёки яхши шароитларга эга бўла олмаслик); б) позитив рағбатни йўқотиш (масалан, оиласидан ажралиш, иш жойини йўқотиш); в) негатив рағбатлар (масалан, жисмоний ёки руҳий зўравонлик қурбони бўлиш). Бу босимлар шахсларни жиноят содир этишга ундаши мумкин. Ушбу назария ҳам жиноятчилик сабабларини ўрганган ҳолда, уни олдини олишга қаратилган илмий таклифлар бера олади.

Ижтимоий назорат назарияси (Social Control Theory) – Травис Хиршининг³ 1969 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар сабаблари” (Causes of delinquency) асарида илгари сурилган ғояларга асосланади. Бу назариянинг асосий ғояси шуки, шахс жамиятга киришиб мослашиб кетмаса, жамият билан алоқалари заиф бўлса, унинг ҳуқуқбузарликлар содир этиш эҳтимоли кўпроқ бўлади. Яъни, ҳуқуқбузарликлар сабаби бу шахс ва жамиятнинг ўзаро алоқалари, шахснинг жамиятга интеграцияси сифатига боғлиқ бўлади. Хирши фикрича, бизнинг жамият билан боғлаб турувчи ришталар бизнинг ушбу жамиятдаги қоидалар (ҳуқуқ) қанчалик мувофиқлигимизни билдиради, ришталар заифлиги ҳуқуқнинг бузилишига сабаб бўлади.

Шахс ва жамият ўртасидаги боғлиқлик 4 асосий элементдан ташкил топади: боғлиқлик, интилиш (мажбурият олиш), иштирок этиш ва эътиқод (ишонч). Назария асосчиларига кўра, масалан ота-оналари, ўқитувчилар ва бошқа яқинларга кўпроқ боғлиқ ёшлар жиноят содир этишга камроқ мойил бўлишади. Ўзбекистонда шахсларнинг жамиятга, ота-онаси ва яқинларига боғлиқлиги жиноятчиликнинг анчагина жиловланиши сабаби эканлиги ҳам ўз тасдиғини топган. Ота-она, болачақа каби ришталар кўплаб инсонларни ҳуқуқбузарлик содир этишдан тийиб турувчи омиллардан бири ҳисобланади. Жиноятларни олдини олишга қаратилган миллий сиёсатда ота-оналар, таълим

¹ Brent Teasdale • Mindy S. Bradley. Preventing Crime and Violence. Springer International Publishing Switzerland 2017. Б. 21

² Ўша жойда. Б. 21

³ Hirschi, T. Causes of delinquency. Berkeley University of California Press. 1969;

муассаларига катта эътибор берилади. Албатта, тўғри йўналтирилган, бошқалар ҳуқуқларига зарар етказмаган ҳолда, олиб борилган ижтимоий назорат чоралари яхши натижа беради.

Бу назария асосида кўплаб фойдали чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мумкин. Масалан, мактабларда ҳуқуқбузарликларни олдини олишга қаратилган дарслар ёки қисқа курслар олиб бориш, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ота - оналарига бу ҳақида хабар бериш орқали уларнинг назоратини кучайтириш мақсадга мувофиқ.¹ Бироқ, бундай жараённи тўғри ташкил этиш, таълим жараёни ва ўқитувчиларга ортиқча юклама юкламаслик керак. Қолаверса, вояга етган шахслар бўйича олий таълим муассаларига бундай чоралар натижа бермаслигини ҳам инобатга олиш лозим.

Таълим олишда юқори муваффақиятларга интилган ёшларда жиноят содир этишга мойиллик паст бўлиши таъкидланади². Ўқиш, илм олишга интилган, таълим орқали жамиятда белгиланган мақсадлари (яхши яшаш шароитлари, оила ва ҳ.к.)га етишига ишонган ёшлар кўпроқ ижтимоий назорат доирасида бўлади ва жиноят содир этиш эҳтимоли анча паст бўлади.

Умумий жиноят назарияси (General Theory of Crime) ёки ўзини назорат қилиш назарияси (Self-control Theory) – умумий жиноят назарияси классик криминологик назария бўлиб, унга кўра шахс бирор бир шаклда роҳат олиш ёки оғриқ (босим, нафрат)дан қочиш учун жиноят содир этади. Масалан, осонроқ (меҳнат қилмасдан, қийналмасдан, умуман олганда роҳат олиш) пул топиш учун ўғрилик (фирибгарлик, талончилик, пора олиш ва ҳк) қилади, роҳат олиш учун наркотик истеъмол қилади ёки оғриқ ёхуд қийинчиликдан қочиш учун амалга оширилади. *Масалан*, кимдир уни ғазабини келтирса, унга тан жароҳати етказди. Аксинча, ўзига зарар етказмаслиги учун бошқага жароҳат етказиши ёки ўлдириш ҳолатигача бориши мумкин. Мазкур назарияга кўра, шахслар ўзини назорат қила олиш (ўз ҳиссётларини бошқариш, бошқарларга ва ўзига зарар етказадиган ҳаракатларни, гарчи у роҳат ёки завқ бағишласа ҳам қилишдан тийилиш ва ҳк.) даржасига кўра, жиноят содир этишга мойилликда бир-бирларидан фарқ қилади. Тадқиқотчилар шахснинг ўзини назорат қилиши асосларини унинг болалик давридан қидиришади. Чунки, бу назорат болалиқдан шаклланади. Ўзини унча назорат қилолмайдиган шахсларда турли девиант ва жинойий хулқ-атворга мойиллик юқори бўлиши кўплаб тадқиқотларда ўз тасдиғини топган. Тадқиқотлар ўзини назорат қила олиш

¹ Brent Teasdale • Mindy S. Bradley. Preventing Crime and Violence. Springer International Publishing Switzerland 2017. Б. 34

² Hoffmann, J. P., Erickson, L. D., & Spence, K. R. Modeling the association between academic achievement and delinquency: An application of interactional theory. *Criminology*, 51(3). 2013. Б. 629–660;

даражаси орқали шахснинг жиноят содир этишини олдиндан аниқлаш мумкинлигини ҳам кўрсатади¹.

Ушбу назарияга таянган ҳолда шахсларни болалиқдан интизом ва ҳурматга, ўзини назорат қилишга ўргатиш келажақда уларнинг жиноят содир этишлари эҳтимолини пасайтиради. Бу мактабларда, мактабгача таълимда турли дастурлар (қисқа курслар, бутун таълимдаги умумий интизом ва бошқаларни ҳурмат қилишга чорловчи чора-тадбирлар ва ҳ.к.) ва чора - тадбирлар орқали шакллантирилиши зарур.

Ижтимоий бузғунчилик назарияси (Social Disorganization Theory) – 1942 йилда Америкалик олимлар С.Шоу ва Х.МакКай Чикаго шахрининг ҳудудлари (туманлари) кесимида жиноятчилик бўйича тадқиқотлар ўтказди ва аниқлашадиги, жииноятчилик бутун шаҳар бўйича эмас, айнан муайян бир туманда, яъни аҳоли жуда мобил, кўчиб келиш ва кўчиб кетиш кўпроқ бўлган, аҳоли бирбирларини унчалик яхши билмайдиган туманларда бошқа жойларга нисбатан анча кўп содир этиларкан². Бундай мобиль ва бир-бирни яхши билмайдиган жамоатчилик ҳудудларида жамоатчилик жиноят ва ҳуқуқбузарлик устидан норасмий тартиботларни ўз ичига олувчи ижтимоий муносабатларни ўрната олмайди. Натижада эса жамият босими ва тартиботини ҳис қилмайдиган ва худдики бу жамоага бегона каби муносабатда бўлган шахслар жиноятга кўпроқ мойиллаша боради. Жамоа уни назорат қилолмайди ва тартибга чақириш учун норасмий босим имкониятига эга эмас.

Кейинчалик ўтказилган кўплаб тадқиқотлар ҳам муайян ҳудуд (махалла, туман)даги ижтимоий алоқалар, норасмий ижтимоий назорат ҳамда жиноятчилик ўртасида кучли боғлиқлик борлигини кўрсатган. Мазкур ижтимоий бузғунчилик назарияси ва унинг замонавий талқинлари бизнинг жиноятнинг муҳитга боғлиқ омиллари ҳақидаги билимларимизни бойитди. Ва бу назарияга таянган ҳолда жиноятчиликни олдини олишга қаратилган кўплаб дастур ва чора- тадбирлар яратилган. Ушбу назария миллий превентив сиёсатда ҳам қўлланилади. *Масалан* маҳалла институтининг жиноятчиликни олдини олишдаги ролини ҳам ушбу назариянинг исботи сифтаида қабул қилиш мумкин. Демак ушбу назария механизмларини тўлиқ ўрганган ҳолда миллий превентив сиёсатни такомиллаштириш, жиноятчилик сабабларин тушуниш ва самарали чоралар ишлаб чиқиш мумкин.

Мунтазам фаолият назарияси (Routine Activity Theory) – ушбу қизик социологик назария шахсларнинг камчиликларини тадқиқ қилувчи юқоридаги

¹ Agnew, R. General strain theory: Current status and directions for further research. In F. T. Cullen, J. P. Wright, & K. R. Blevins (Eds.), *Taking stock: The status of criminological theory* (Vol. 5, pp. 101–123). New Brunswick: Transaction Publishers. 2008. Б. 118

² Shaw, C. R., & McKay, H. D. *Juvenile delinquency and urban areas* (rev ed.). Chicago: University of Chicago Press. 1942. Б. 92

назариялардан фарқли ўлароқ, жамиятдаги муайян жараён ёки ҳолатнинг криминоген жиҳатларига ва доимий иш билан банд бўлган жамиятдаги виктимизацияга эътибор қаратади. Замонавий жамиятда инсон фаолияти мунтазам бир кундалик тартибга тушган, иш кунлари жамиятнинг кўпчилик қисми бир хил вақтда ишга бориб бир вақтда қайтади, муайян кунлари эса дам олади. Ушбу мунтазам ҳолат (routine) жиноятлар ҳам айна муайян вақт ва маконда содир бўлиши мумкинлигини асослайди *масалан*, (тунги дам олиш масканларида доимий зўравонлик, ичкилик, эрталабда иш вақти бўлгани учун бундай ҳолат жуда кам юз беради).

Мазкур назария асосчилари Л.Коҳен ва М.Фелзонга кўар жиноят бу жиноятчига фақатгина жиноятчига фойда келтирувчи оппортунистик (вазиятга қараб оғиб турадиган) фаолиятдир ва у жамиятдаги қонуний фаолият ва технологияларга нисбатан салбий характерга эга ¹. Назария шахснинг нима учун содир этганини эмас, балки қандай ҳолат, шароит, вазият унга жиноят содир этишга имконият яратганини ўрганади.

Назария доирасида бир қанча концепциялар мавжуд: қиймат *масалан*, (ўғри қимматроқ ва қадрлироқ нарсани ўғирлашга ҳаракат қилади), инерция (содир этишга етарли куч, имконият бўлиши, *масалан*, зўравонлик жиноятларида жиноятчи асосан жабрланувчи ожиз ва кучсиз бўлганда кўпроқ содир этишга иштиёқли бўлади), кўзга кўриниб туриш (яъни, жиноятлар кўзга кўриниб турган қурбон ёки ашёларга нисбатан содир этилиши кўп учрайди), қулай имкониятлилик *масалан*, (уй қулфланмаган бўлса ўғрилик содир этиш имконияти очилади).

Ушбу назария жиноятларни олдини олишда жазолаш ва тушунтириш ишларини кучайтиришни эмас, балки жинят содир этишга жозибали бўлган, унга имконият яратадиган, содир этилишини осонлаштирадиган аниқ фундаментал ҳолатларни бартараф этишни таклиф этади. Ушбу назариялар ва улар доирасида ишлаб чиқилган фундаментал ғоялар тизимли асосда ўрганилиб мамлакатимизда жиноятчиликни олдини олиш чораларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши самарали бўлади. Бу ғоя ва назариялар кўплаб тадқиқотларда тасдиқланган бўлиб, унинг асосий қоидаларини миллий сиёсатда қўллаш эҳтиёжи мавжуд. *Масалан*, бугун жуда авж олган фирибгарлик жиноятининг асосий қисми автомобиль сотиб олиш, ер ва кўчмас мулк сотиб олиш, чет элда ишлаш ҳуқуқига эга бўлиш кабилар билан боғлиқ вазиятларда содир этилмоқда. Фирибгарларни жазолаш, эҳтимолий жабрланувчиларга етарли тушунтириш ва ҳуқуқий хизматлар етарли самара бераётгани йўқ. Бу ўринда юқоридаги назариялар ва фундаментал социологик тадқиқотлар асосида

¹ Cohen, L. E., & Felson, M. Social change and crime rate trends: A routine activity approach. *American Sociological Review*, 44. 1979. Б. 588–608.

фирибгарлик ва виктимизация асосларини, унга шароит яратган ҳолатларни бартаараф этиш зарурати бор.

Хулоса қилиб айтганда, жойларда ёшларни соғлом ва комил инсон қилиб ўстириш ва тарбиялаш, уларнинг спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланиши учун барча шароитни яратиб бериш, бўш вақтларидан унумли фойдаланиши учун кутубхоналар ташкил этиш борасида турли жамоат ва давлат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари билан ҳамкорликда самарали иш олиб борсак, ҳар томонлама билимли, юксак манаъвиятли ёшларимиз яқин ва узоқ истиқболда мамлакат ва халқимиз ҳаётининг ривожланиши учун бор куч-ғайрат ва салоҳиятини аямайди.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тизимли ислоҳотлар халқимизнинг тинч ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2021 й., 06/21/6196/0240-сон;
2. Burgess, R. L., & Akers, R. L. A differential association-reinforcement theory of criminal behavior. *Social Problems*. 1966. Б – 128–147;
3. Skinner, B. F. *Sciences and human behavior*. New York: MacMillan. 1953. Б. 42;
4. Brent Teasdale • Mindy S. Bradley. *Preventing Crime and Violence*. Springer International Publishing Switzerland 2017. Б. 13;
5. Brent Teasdale • Mindy S. Bradley. *Preventing Crime and Violence*. Springer International Publishing Switzerland 2017. Б. 21;
6. Ўша жойда. Б. 21;
7. Hirschi, T. *Causes of delinquency*. Berkeley University of California Press. 1969;
8. Brent Teasdale • Mindy S. Bradley. *Preventing Crime and Violence*. Springer International Publishing Switzerland 2017. Б. 34;
9. Hoffmann, J. P., Erickson, L. D., & Spence, K. R. Modeling the association between academic achievement and delinquency: An application of interactional theory. *Criminology*, 51(3). 2013. Б. 629–660;
10. Agnew, R. General strain theory: Current status and directions for further research. In F. T. Cullen, J. P. Wright, & K. R. Blevins (Eds.), *Taking stock: The status of criminological theory* (Vol. 5, pp. 101–123). New Brunswick: Transaction Publishers. 2008. Б. 118;

11. Shaw, C. R., & McKay, H. D. Juvenile delinquency and urban areas (rev ed.). Chicago: University of Chicago Press. 1942. Б. 92;
12. Cohen, L. E., & Felson, M. Social change and crime rate trends: A routine activity approach. American Sociological Review, 44. 1979. Б. 588–608.

*Ж.С. Мухторов**

Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси – инсон ҳамда фуқароларнинг янги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати

Ҳар қандай суверен демократик давлатнинг барча давлат ва нодавлат ташкилотлари мамлакатнинг бош қомуси Конституция талабларидан келиб чиқиб, унга таянган ҳолда ўз фаолиятини олиб боради. Маълумки, демократик давлатда инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари юқори қадрланади ва таъминланади. Зеро, бугунги тахликали замон, дунёда содир бўлаётган қуролли тўқнашувлар, минтақалардаги зиддият ва қарама-қаршилиқлар инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш ва кафолатлашни талаб этмоқда.

Ҳолбуки, Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатдир¹. Шундан келиб чиқиб, яъни инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва кадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очик ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни англаган ҳолда янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда **Ўзбекистоннинг беш устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат** экани қатъий белгилаб қўйилди, унинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди². Аввал халқимизнинг фикри, таклифлари **2 босқичда** ўрганилди, шундан сўнг Конституция лойиҳаси тайёрланди. Биринчи босқичда **60 мингдан** зиёд, иккинчи босқичда **150 мингдан** ортиқ таклифлар ўрганилди. Оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари орқали лойиҳа билан **5 миллион** аҳолимиз танишиб чиқди. Шу билан бирга **10 мингта** қўшимча таклиф, Халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар ва **190 дан** ортиқ давлатлар

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти Юридик тайёргарлик кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди, доцент

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1-модда. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан байрам табриги. 2023 йил 07 декабрь.

тажрибаси ўрганилди, лойиҳа 6 турдаги экспертизадан ўтказилди. Асосий қонунимизнинг 65 ғоиз матни халқимиз таклифлари асосида янгиланди.

Мазкур Конституциямиз асосида инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қуйидагилар орқали кафолатланади:

биринчидан, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади (4-модда);

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади (13-модда);

учинчидан, Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади (19-модда);

тўртинчидан, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади (20-модда);

бешинчидан, ҳар бир инсон ўз шахсини эркин камол топтириш ҳуқуқига эга. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас (21-модда);

олтинчидан, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди (23-модда);

еттинчидан, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (55-модда) ва ҳ.к.лар.

Шунингдек, юқорида таъкидлаганимиздек Ўзбекистон – ижтимоий давлат. Унда:

- ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланади;
- ҳеч ким уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмас;
- кафолатланган ҳажмда давлат ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатилади;
- ҳар ким қулай атроф-муҳитга эга бўлади;
- таълимга эътибор ва кафолатлар кенгайтирилади;
- Давлат олийгоҳларида давлат ҳисобидан ўқиш белгиланади;
- бепул бошланғич профессионал таълим берилади;

- инклюзив таълим Конституцияга киритилди;
- ўқитувчиларнинг кадр-қиммати ҳимоя қилинади;
- тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқи берилади;
- Оила ривожланиши учун шарт-шароитлар яратилади;
- фарзандлар таълим олиши ота-она мажбуриятига кирмоқда;
- ҳар ким адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи кафолатланади;
- инсоннинг муносиб турмуш даражаси таъминланади;
- аёлларнинг иш ҳақини камайтириш тақиқланади;
- Давлат камбағалликни қисқартириш чораларини кўради;
- болалар меҳнати тақиқланади;
- пенсиялар оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланди;
- ижтимоий таъминот олиш кафолатланади.

Конституцияда Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат деб белгиланиши билан

Давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлайди, ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал этилади, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади, қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралар етарли бўлиши керак, инсонга мажбурият юклатиш мумкин эмас, Ўзбекистон фуқароси доимий равишда давлат ҳимоясида, хориждаги ватандошларга ғамхўрлик қилинади, Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади, ҳеч ким суд қарорисиз **48 соатдан** ортиқ ушлаб турилмайди, етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланади, айбсиз инсонлар жазога тортилиши мумкин эмаслиги кафолатланмоқда.

Бундан ташқари, **инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги масаласида:**

1. Судланганлик қариндошларга таъсир қилмайди;
2. Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларни ҳимоя қилади;
3. “Прописка” тизими муаммосига барҳам берилади;
4. Давлат Интернетдан фойдаланиш учун шароит яратади.

Янги Конституцияда **18 миллиондан ортиқ ёшлар** масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилди. **Ёшлар ва ногиронлар ҳуқуқлари ҳимояланиши кафолатланмоқда.** Жумладан: **биринчидан**, ёшларнинг таълим олиши, ижтимоий ва тиббий ҳимояси, уй-жойли бўлиши, бандлиги учун шарт-шароитлар яратиш – давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида киритилди; **иккинчидан**, меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгиланди; **учинчидан**, аҳолига имтиёзли уйлар бериш, бепул тиббий жиҳозлар, протез-ортопедия буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, етим болалар учун олий таълимда бепул ўқиш имкониятини яратиш ва бошқалар.

Янги Ўзбекистонда мол-мулк суднинг қарорисиз маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, ишбилармонлик муҳити таъминланиши, монополистик фаолият қонун билан тартибга солиниши, ҳақиқий инқилобий янгиликларидан бири сифатида ер хусусий мулк бўлиши мумкинлиги **тадбиркорнинг эркин фаолияти ва хусусий мулк ҳимояси кучайтирилганидан** далолат беради.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, Янги Конституция жамиятдаги барча муносабатларни ижтимоий адолат ва инсонпарварлик принципларига асосланган ҳолда тартибга солиш билан бирга, ҳар қандай ҳуқуққа хилоф, шу жумладан жиноий қилмишларнинг олдини олишни ҳам таъминлайди. Жумладан, янги Конституциядаги бир қатор қоидалари ўз навбатида бевосита ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хусусиятга эга бўлиб, фуқароларни ҳар хил турдаги жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни кафолатлайди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи мазкур конституциявий қоидалар, Янги Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимида *биринчидан*, ушбу конституциявий қоидаларнинг бузилишининг олдини олишни, *иккинчидан*, бундай қоидаларни бузишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатлар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш мажбуриятларини юклайди.

Зеро, Конституция миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз, шу кунга қадар эришган барча ютуқ ва марраларимиз, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади¹.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда “Биз инсон кадр-қиммати ва манфаатларини таъминлаш бўйича бошлаган ислохотларимизни янги конституциявий маконда янада қатъий давом эттираемиз. Халқимизнинг хоҳиш-иродасига биноан Асосий қонунимизда ўз аксини топган тамойилларни тўлиқ рўёбга чиқаришимиз ва ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айлантиришимиз лозим”².

Хулоса қилиб айтганда, Янги Конституция – Янги Ўзбекистонни қуриш ғояси атрофида бутун жамиятимизни жипслаштириш йўлида хизмат қилувчи асосий манбаа бўлиб хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституция кунини муносабати билан байрам табриги. 2023 йил 07 декабрь.

² Ўша манбаа.

Янги тахрирдаги Конституция – миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси

Мана ўттиз бир йилдирки, Конституциямиз тенг ҳуқуқлигимиз ва эркинлигимиз қомуси бўлиб келмоқда. Ушбу шонли йиллар мобайнида Асосий қонунимиз демократик ҳуқуқий давлатчилик ҳамда адолатли фуқаролик жамияти қарор топишининг, мазкур мақсад йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда.

Юксак ифтихор билан эътироф этиш лозимки, Конституция – халқимиз ижодининг маҳсули, ижтимоий турмушимиз мезонлари сифатида демократик тараққиёт йўлини белгилаб бермоқда.

Конституция мамлакат тарихида, узоқ, давомли мақсад ва вазифаларимизни аниқ белгилаб беришда ўзининг пухта ўйланган тамойил ва қоидалари билан ишончли ва ҳал қилувчи омил сифатида майдонга чиқди.

Конституциямиз негизига қўйилган талаб ва қоидаларга тўлиқ мос келадиган, дунё ҳамжамиятида “Ўзбек модели” деб ном қозонган, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўли нақадар тўғри эканини бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ушбу моделнинг мазмун-моҳияти машҳур беш тамойилда мужассам топгани барчамизга яхши маълум. Бу тамойиллар иқтисодиётни мафкурадан холи қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги бошқарувчилик ролини тан олиш, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, шунингдек, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга оширишдан иборат экани билан алоҳида ажралиб туради.

Демократик жараёнларни сунъий равишда тезлаштириш, шошма-шошарлик, турли инқилобий тўнтаришлар йўли қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини ҳаётнинг ўзи барча мисолларда тасдиқлаб бераётгани бугун ҳаммамизга аён.

Фақатгина биз танлаган босқичма-босқич, тадрижий ривожланиш йўли халқимиз кўзлаган эзгу ниятларга эришишга, замонавий демократик талабларга жавоб берадиган давлат, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган, қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этишга олиб келиши муқаррар. Буни ҳаётимизнинг ўзи бугун исботлаб бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаганидек: “Конституциямизнинг қоида ва тамойилларидан келиб чиқиб, биз бундан тўрт йил олдин Ҳаракатлар стратегиясини қабул қилдик ҳамда кенг

* ИИВ 1-сонли академик лицейи директори

қўламли ва шиддатли демократик ислохотларни бошладик. Уларнинг ҳуқуқий асосини Конституциямизга 7 марта киритилган ўзгартиришлар, қабул қилинган 5 та кодекс ва 250 га яқин қонунлар ташкил этмоқда. Бундан ташқари, Конституциямиз бўйича 2023 йил 30 апрел куни ўтказилган умумхалқ референдумида Ўзбекистон халқи ўзининг миллий ҳуқуқий асосини тасдиқлади. Ушбу Конституция Ўзбекистон фуқаролари фикри билан деярли 65 фоизга янгиланди.

Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради”¹.

Шу нуқтаи назардан мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий ислохотлар негизида турган демократик давлат қуришнинг асосий талаби бўлмиш ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, улар ўртасидаги муносабатларда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини таъминлайдиган тизим барпо этилгани алоҳида эътиборга сазовордир.

Республика иқтисодиётида туб демократик ва бозор ислохотларининг амалга оширилаётгани, хусусий мулкка кенг йўл очиб бериш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерликни ривожлантириш учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, кластер тизимини жорий этиш, хусусий мулк ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича кўплаб қонун ҳужжатлари қабул қилингани муҳим принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Бу ўринда жамиятни эркинлаштириш, бизнес юритиш учун ҳуқуқий ва қонунчилик базаси ҳамда зарур шароитларнинг яратилгани, мунтазам равишда такомиллаштириб борилгани иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантиришда, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини юксалтиришда катта ўрин тутганини қайд этиш лозим.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг тараққиёти, хусусий мулкнинг жадал ривожини учун ғоят қулай ва устувор шароитлар яратиб берилар экан, аввало, шуларнинг ҳисобидан иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини тезлаштириш, аҳолининг иш билан банд бўлиши ва даромад топиши билан бир қаторда, биз учун янги бўлган, демократик ислохотларнинг асосий таянчи ва ҳаракатлантирувчи кучи – ўрта синфни шакллантирилиб борилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигини йигирма саккиз йиллигига бағишланган тантанали маърузаси. “Янги Ўзбекистон” газетаси 2020 йил 9 декабрь

Ўз-ўзидан аёнки, тобора чуқурлашиб бораётган ислохотлар натижасида эришиладиган ўта муҳим ўзгаришлар ҳеч қачон бир кунда, кимнингдир буйруғи ёки хоҳиши ҳисобидан бўлмайдди. Бунинг учун албатта вақт керак, энг асосийси – бу ислохотларнинг мазмуни ва мақсадларини жамиятимиз, халқимиз чуқур англаб олиши ва қўллаб-қувватлаши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, фақатгина халқимизнинг қўллаб-қувватлаши мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар қандай ислохотларга куч беради.

Жамиятини ислоҳ қилиш борасидаги мақсад ва вазифаларнинг маъно-моҳиятини ана шундай тушунишдан келиб чиқиб баён этилган “Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун”, “Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг” деган машҳур шиорлар эл-юртимиз ўртасида кенг ёйилиб, қўллаб-қувватланаётгани бежиз эмас, албатта.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг нуфузи йиллар ўтгани сайин юксалиб бораверади. У суверен давлатчилигимиз натижаси, жамият тараққиёти эҳтиёжларининг муносиб жавоби сифатида вужудга келди. Унинг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнидаги муҳим қадамдир. Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди. “Конституция биз учун ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларимиз мажмуасигина эмас, балки, ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, жамиятда қонун ва адолат устуворлигини ўрнатишнинг ҳаётбахш манбаидир”.

Конституциямизнинг энг муҳим хусусияти шундаки, унда инсонни улуғлаш, унинг эркин камол топиши учун реал шароитлар яратиш ўз аксини топган. Конституцияда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиб, улар давлат томонидан кафолатланади. Дарҳақиқат, Конституция Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун демократик маърифий давлат фуқаролари эга бўлиши лозим бўлган барча иқтисодий, сиёсий ҳамда ижтимоий-маданий ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлаб берган. Эътироф этиш жоизки, Асосий Қонунимиз «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг барча муҳим қоидалари ва нормаларини ўз мазмунига тўла сингдирган.

Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқий ҳолатини белгилашда Конституция инсон ҳуқуқлари устуворлиги, давлат билан фуқаронинг ўзаро сиёсий-ҳуқуқий алоқадорлиги ҳамда масъуллиги принципларига асосланувчи тамомила янги қоидага таянгандир. Айни вақтда, инсон ҳуқуқлари устуворлиги принципининг конституциявий даражада мустаҳкамланганлиги давлатимиз моҳияти тубдан

ўзгариб, чинакам демократик мазмунга эга бўлабораётганлигидан далолат беради.

Аслида Конституциямиз инсон учун яратилди ва унинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Унда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган ғоя илгари сурилган. «Давлат органлари ва мансабдор шахслар, – дейилади Асосий Қонунимизда, – жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар». Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун билан ҳимояланади.

Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда ... жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи – инсон деган фикр илгари сурилган ва шу асосда «фуқаро – жамият – давлат» ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилган. Бундан кўриниб турибдики, ижтимоий-сиёсий ҳамда давлат-ҳуқуқий ҳаётда инсон (фуқаро) ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатлари устувор мавқега эга бўлади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади (Конституциянинг 14-моддаси).

Ўзбекистон Конституцияси инсон ҳуқуқлари ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурмат қилиш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларини тан олиш, мамлакат фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, шунингдек, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлайди.

Ўтган мустақил тараққиёт йўлига назар ташласак, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси ўз кучига, ақл-заковатига, миллий урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларига таянган ҳолда эришган ютуқларида Конституциянинг роли ва аҳамияти катта эканлигининг гувоҳи бўламиз. Конституция инсон (фуқаро) билан давлатнинг ўзаро муносабатлари кўламини, ижтимоий ҳаёт асосий соҳаларига давлат аралашувининг чегараси ва характерини белгилаб берди. Энг муҳими Конституция инсоннинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларига олий юридик мақом бахш этди. Давлат ҳокимияти ўз фаолиятини шундай ташкил этиши белгиланганки, унга кўра инсон давлат механизмининг оддийгина унсиз мурвати эмас, балки сиёсий ҳаётнинг фаол иштирокчиси, ижтимоий тараққиётнинг бош мақсади, жамиятнинг эзгу тилаги ва олий қадриятдир.

Конституциямиз ҳамда унинг узвий қоидалари амал қилиши натижасида Ўзбекистонда демократик талабларга жавоб берадиган конституциявий тузум қарор топди. Конституциявий тузум – Конституцияда ифодаланган жамият ва давлат миқёсида қарор топган ҳаёт тарзи сифатида эътироф этилади. Мазкур

тузум давлатнинг Конституцияси ва конституциявий қонунлари билан ўрнатилган ҳамда тартибга солинадиган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими демакдир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданок мамлакатимиздаги демократик ислохотлар йўлини ёритувчи, янги ҳаёт ва адолатли жамият яратишнинг ишончли асоси бўлиб хизмат қилмоқда. У Ўзбекистон давлати суверенлигининг ва эркин тараққий этишининг яққол тимсоли сифатида гавдаланмоқда. Реал ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг ўзи Конституциямизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятига эга эканлигини исботлаб турибди.

*Р.Н. Отажанов**

Янги Конституцияси – Ўзбекистонда ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этишнинг ҳуқуқий асоси

Ўзбекистон Конституцияси ўзининг ўн йилликлари давомида ўзгариб бораётган ижтимоий-иқтисодий вазият ва жамият эҳтиёжларини акс эттирувчи бир неча бор ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди. Бу ўзгаришлар албатта демократик институтларни мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқларини яхшилашга қаратилган.

Жамият доимий равишда ривожланиб боради. Бу жараёнлар айниқса юртимизда барча жабҳаларда ўтказилаётган ислохотларни тезлаштириб юборди. Бу эса ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришларни изчил давом эттириш, ҳуқуқ тизимини янада адолатли, самарали ва замонавий стандартларга мувофиқ такомиллаштириш, демократик институтларини мустаҳкамлаш, оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш талаб этилади. Бу каби омиллар Юртимизда янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилишга эҳтиёж ҳосил қилди.

Юртимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси иштирок этган фуқароларнинг 90,2 фоизи томонидан ёқлаб овоз бериш орқали қабул қилинганлиги унда халқимизнинг Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича орзу-умидлари ва интилишлари ўз аксини топганлигидан далолат бермоқда.

Бунга қадар 1992 йилдан буён конституцияга жами 15 марта ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент академик лицейи директори

сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди. Умуман, расмийларга кўра, конституция 65 фоизга янгиланган.

Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

Референдум кўп миллатли буюк халқимизнинг бирдамлиги ва ҳамжихатлиги, суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат қуришга қатъий қарор қилганлигининг ишончли ифодаси бўлди.

Эслатиб ўтиш жоизки, президент Шавкат Мирзиёев конституция ислоҳоти ҳақида 2021 йил 6 ноябр куни, иккинчи президентлик муддатига киришиши юзасидан инаугурация маросимидаги нутқида биринчи марта [айтиб ўтган](#) эди. Давлат раҳбари ўша йили декабр ойида, конституция байрами арафасида халққа йўллаган табригида: “конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда етти марта эмас, етмиш марта ўйлаш” зарурлигини [таъкидлаган эди](#).

Конституцияда давлат қурилишининг янги стратегик мақсади — ижтимоий давлат қуриш эканлиги белгилаб берилди, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

Ҳокимиятлар бўлиниши принципи ҳамда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимининг замонавий концепциясини ҳисобга олган ҳолда, Олий Мажлис, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати ўртасида ваколатлар қайта тақсимланди. Жойларда ҳокимлар ва халқ депутатлари Кенгашлари ваколатлари тақсимланишига асосланган давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг янги модели назарда тутилди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш, унда мустаҳкамланган устувор принципларни Янги Ўзбекистон улуғвор ғоясига ҳамоҳанг тарзда рўёбга чиқариш, давлат органларининг фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитларда йўлга қўйиш, фуқаролар ўз ҳаётида халқ Конституцияси руҳини яққол ҳис этиб туришини таъминлаш мақсадида:

Янги таҳрирдаги Конституцияни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи навбатдаги устувор вазифаси этиб қуйидагилар белгиланди:

-давлат органлари ва ташкилотларининг раҳбарлари янги таҳрирдаги Конституцияни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар ижросини ўз вақтида таъминлаш учун шахсан жавобгар ҳисобланади;

-янги таҳрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилади;

-янги таҳрирдаги Конституция нормаларини уларни амалга ошириш учун бошқа қонунчилик ҳужжатларининг мавжуд эмаслиги ёки қонунчиликка Конституцияга мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмаганлиги важи билан қўллашни рад этиш қатъиян тақиқланади.

Мана қарийб етти йилдирки юртимизда «Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халққа хизмат қилиши керак» деган асосий тамойилга таянган ҳолда одамларнинг дардини эшитиш, улар билан очиқ мулоқотда бўлиш, оғирини енгил қилиш тамойили асосида халқ билан мулоқотнинг янгича тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси негизида яратилган Ҳаракатлар стратегияси ўтган қисқа даврда давлат ва жамиятни ривожлантиришнинг мутлақо янги босқичига асос солди. Давлат раҳбари ташаббуси билан Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида кенг кўламли ва улкан ислохотлар олиб борилмоқда.

Мазкур стратегиянинг адолат ва қонун устуворлиги таъминлашга қаратилган йўналиши халқчил давлат қуриш ва инсон қадр-қимматини таъминлашнинг энг асосий ва зарур шарти сифатида амалга оширилди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси давлатчилик, ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларини бундан кейин ҳам барқарор ривожлантириш учун мустаҳкам замин яратди.

Янги таҳрирдаги конституцияда Ўзбекистон – ижтимоий давлат сифатида давлатнинг ижтимоий соҳадаги мажбуриятлари билан боғлиқ нормалар 3 баробарга кўпайтирилди.

Жумладан,

ҳар кимнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи белгиланди;

ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга номувофиқ ҳолда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги белгиланди;

фуқароларнинг олийгоҳларга давлат гранти ҳисобидан ўқиш ҳуқуқи.

бепул бошланғич касб-ҳунарга ўқитилиши;

инклюзив таълим олиш имконияти;

оиланинг ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратилиши;

ёшлар масалалари бўйича алоҳида боб киритилганлигини ва бошқаларни келтиришимиз мумкин.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 бараварга ортди.
Хусусан:

– қонунлардаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлиши шарт ва зарур;

– инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланади;

– қонунчиликда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммасига ўз розилигисиз юклатилиши мумкин эмаслиги;

одил судлов соҳасида эса:

– ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш билан боғлиқ барча ҳаракатларга, фақат ва фақат суд қарори асосида йўл қўйилади;

– айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи;

– шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда ўз ҳуқуқлари ва ушлаб турилиш асослари тушунтирилиши кераклиги белгиланди.

Янги таҳрирдаги Конституция ҳокимиятни турли институтлар ўртасида тақсимлайди ва ҳокимиятнинг ижро этувчи, қонун чиқарувчи ва суд тармоқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга хизмат қилади.

Фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини янада мустаҳкамлаб, инсон қадр-қиммати, сўз эркинлиги ва бошқа асосий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратади.

Юқоридагилардан ташқари, конституцияга бошқа кўплаб нормалар ҳам қўшилган, жумладан:

– Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади.

– Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

– Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

– Ҳар ким ўз шахсига доир нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмайд қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

– Давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойили асосида амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий замини бўлиб хизмат қилиши айтиш ҳақиқатдир. Шунингдек мазкур Конституциянинг мазмун ва моҳиятини тушинтириш борасида тарғибот ишларини амалга ошириш ҳар бир раҳбар ходимнинг масъулиятли вазифаси деб ҳисоблаш ҳозирги давр талаби десак мақсадга мувофиқ бўлади.

Ёшларнинг конституциявий ҳуқуқий саводхонлигини ошириш - Ўзбекистонда ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этишнинг кафили

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий маърифий тадбирлар ва учрашувларни кенгайтириш, халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ёш авлод онгида шакллантириш орқали ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш каби долзарб вазифалар турган бир пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармонининг қабул қилиниши айни муддаодир.

Мазкур Фармонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаётганлиги, узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаганлигини, ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмаганлиги ҳамда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатаётганлиги айтиб ўтилган. Шу ўринда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ўзи нима деган саволга ойдинлик киритиб ўтамиз.

Ҳуқуқий онг – қисқача қилиб айтганда ҳуқуқ ва қонунчиликка оид одамларнинг тасаввурлари, уларнинг ҳис-туйғулари, амалий тажрибалар таъсирида пайдо бўлган ҳуқуққа нисбатан муносабатини ифодалайди. Ҳуқуқий маданият эса – фуқароларнинг давлат ва ҳуқуқ ҳақидаги муҳим билимларни

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Сирдарё академик лицейи директори

эгаллаб олиши, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақидаги тушунчаларини талқин қила олиши ҳамда улардан тўғри фойдалана олишидир.

Бугунги кунда юртимизда барча жабҳаларда туб ўзгаришлар юз бераётган масъулиятли паллада ҳуқуқий тарбиянинг барча шакл ва усулларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этишини ёдимиздан чиқармаслигимиз лозим. Шу сабабли ҳуқуқий маданиятимиз даражасига танқидий баҳо бериб, муаммоларимиз сабабини чуқур ўрганишимиз керак. Бироқ фақатгина қонунларни ўргатиш ва жавобгарлик билан кўрқитиш орқали қонун устуворлигига ва тараққиётга эриша олмаймиз. Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларидан, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланмаётганлигимиз юқоридаги фикрларимиз исботидир. Фармон асосида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усулларини жорий этиш, шунингдек, аҳолини, айниқса, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадида Адлия вазирлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида мувофиқлаштирувчи давлат органи этиб белгиланган.

Бундан ташқари, аҳолининг ҳуқуқий билимлари етарли эмаслиги, давлат органларининг қонунга хилоф қарорлари устидан судга шикоят қилиш имкониятидан деярли фойдаланмаслиги мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳолатларининг вужудга келишига сабаб бўлаётганлигини инобатга олиб, тегишли давлат органларига аниқ вазифалар юклатилган. Шунингдек, фармон билан “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш” концепцияси қабул қилиниб, унинг асосий вазифа ва мақсадлари, асосий йўналишлари кўрсатилган ва Концепцияни самарали амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. “Йўл харитаси”га 88 та банд киритилган бўлиб, барча соҳаларда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган ҳамда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шахс - оила - маҳалла - таълим муассасаси - ташкилот - жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши назарда тутилган. Ислоҳотлар ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси ИИВ Сирдарё вилояти академик лицейида ҳам бир қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, лицей ўқувчиларининг янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун ва моҳиятини тушинтириш мақсадида бой амалий тажрибага эга

ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчи ходимлар таклиф қилинган ҳолда семинар-учрашувлар ташкил қилиниб, тингловчиларнинг ҳуқуқий билимлари оширилмоқда. Бундан кўзланган мақсад мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида ёшларнинг иштирокини янада фаоллаштириш, ёш авлод вакиллари қонунга ҳурмат руҳида тарбиялаш, турли зарарли иллат ва ёд ғоялар таъсиридан ҳимоялаш, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, билимлари ва масъулиятини мунтазам ошириш ҳамда вилоятнинг туман (шаҳар)ларида, айниқса чекка ҳудудларида истиқомат қиладиган кўп сонли уюшмаган ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборатдир.

Таълим даргоҳларида ёшлар билан учрашувлар ўтказиш билан бир қаторда, ўқувчиларни туман Адлия бўлим, суд идоралари ва ички ишлар бўлимларига олиб борган ҳолда, уларни суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлардан хабардор қилиб, қонунларга киритилаётган ўзгартириш ва янгиликлар ҳақида, шунингдек ёшларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини ошириш борасида кенг тушунчалар бериб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу кўзда тутилган мақсадли ишларни амалда ижро этилиши учун ҳар биримиз масъул эканлигимизни ҳис қилишимиз, шундагина фуқаролар, айниқса Ўзбекистон келажаги бўлган ёшлар, шу жумладан ички ишлар органларининг бўлажак ходимлари ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият юксалиб боради ва бунинг натижасида эса қонунлари устувор бўлган давлатнинг ривожланишига эришилади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ўзларини маърузаларида, давлат органлари раҳбарлари билан бўлган учрашув ва мулоқотларда асосан жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан биридир деб бежизга таъкидламаган.

Ҳақиқатдан ҳам жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражаси талаб даражасига кўтарилмаганлиги, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаётганлиги, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ва бошқа қатор муаммолар қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсири кўрсатиб келаётганлиги жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштиришга туртки бўлди.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 9-январ 2019 йилдаги **“Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ- 5618-сонли Фармони қабул қилинган бўлиб, мазкур Фармон эндиликда аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, қабул**

қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмун ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш-демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!”-деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлашга, ёш авлодни онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жихатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатишга ундамоқда.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш “шаҳс-оила-маҳалла-таълим муассасаси-ташкилот-жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилиши белгиланмоқда ҳамда бу борада ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси мазкур Фармоннинг 1-иловаси сифатида, шунингдек, 2019 йилга мўлжалланган “Йул харитаси” 2-иловага мувофиқ тасдиқланди ҳамда мазкур Концепциянинг асосий мақсади аҳолининг барча қатламлари ҳуқуқий саводхонликка эришиши, мустаҳкам иродали, ўз ҳуқуқларини билладиган ва қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳуқуқий билимларини кундалик ҳаётда қўллай оладиган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган ва ҳуқуқбузарликка нисбатан муросасиз муносабатда бўладиган фуқароларни тарбиялашнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдан иборатдир.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга муносиб хисса қўшган давлат органлари ва ташкилотлари ҳодимларига ҳуқуқий саводхонлигини оширишда кўрсатган ҳизматлари учун топшириладиган “Ҳуқуқий тарғибот ишлари аълочиси” кўкрак нишонини таъсис этилиши тўғрисидаги таклиф ҳам маъқулланди.

Бир сўз билан айтганда жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларни мазмун-моҳиятини аҳолига ўз вақтида ва сифатли етказишни тарғиб қилишда барча мансабдор шахслар энг аввало масъул эканликлари баробарида яқунда ўз меҳнатлари самараси учун ҳукуватимиз томонидан муносиб тақдирланадилар.

Бу борада эндиликда тарғибот ишларини юзаки, кўзбўямачилик билан эмас балки инновацион ривожланиш даврида бўлганимиз учун тарғиботни турли ҳил тадбирлар қўринишида иштирокчиларни рағбатлантириш, турли ҳил номинациялар асосида мукофотлаш, ахборот коммуникация технологиялари ёрдамида, ўзларининг (таълим муассасасининг) веб-сайтлари орқали ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилишликлари талаб этилади.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, асосий эътиборни эса ўсиб келаётган ёш авлодга қаратиш, уларни ҳуқуқий билими ва саводхонлигини, айниқса янги таҳрирда қабул қилинган Конституциядаги киритилган янги модда ва нормаларнинг моҳияти билан таништириш, ушбу модда ва нормаларнинг мазмунини оддий ва

содда тилда ёшларга тушинтириш орқали мамлакатимизда қонун устуворлигига, Бош Қомусимизда белгиланган **Ўзбекистонда ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этишдек буюк стратегик мақсадга эришишимиз учун замин бўлади десак муболаға бўлмайди.**

*А.С. Вахидов**

Ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларининг ҳуқуқий мақоми

Ўзбекистонда мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардан бошлаб жамиятда барқарорликни таъминлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва осойишталигини асраш устувор вазифалардан бирига айланди. Ана шундай юксак мақсад-муддаоларга эришиш учун истиқлол йилларида юртимизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг муҳим бўғини бўлган ички ишлар идоралари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди.

Ушбу ислоҳотлар жараёнида профилактика хизматларининг фаолиятини тартибга солувчи бир қатор меърий-ҳуқуқий шаклланди. Мазкур қонунлар жамият ҳаётининг турли соҳаларига таъаллуқли бўлиб, қонунлар ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ички ишлар идораларининг ҳуқуқий мақомини мустаҳкамланиши ҳамда ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилиб келмоқда.

Ҳозирги кунда ички ишлар органлари профилактика хизматларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини тартибга солувчи айрим қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари мавжуд бўлиб, улар юридик кучи ва мазмун-моҳияти жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Биз қуйида профилактика хизматлари фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва қонуности ҳужжатлар мавжуд. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бешта турга ажратилган. Жумладан:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари;
5. Ички ишлар вазирлигининг буйруқлари ҳисобланади.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қисқача маъзmun-моҳиятини ёритишга ҳаракат қиламиз. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари:

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституцияси профилактика хизматларининг фаолиятини тартибга солувчи асосий қонун ҳисобланади. Мазкур қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг дахлсизлиги, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз

* ИИВ МОИ КТФ Махсус фанлар цикли бошлиғи, подполковник

ҳуқуқларини ҳар-хил турдаги жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиши, инсон ҳаётига суиқасд қилиш оғир жиноятлиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоққа сақланиши мумкин эмаслиги, ҳар бир шахснинг ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлаши, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланиши, фарзандларнинг ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” деган талаб белгиланган. Мазкур талаб давлат органларида фаолият юритувчи хусусан ички ишлар органларининг профилактика хизматларининг ходимларига тўғридан-тўғри юклатилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонуннинг мақсади биринчидан, ёшларни ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва уни таъминлаш; иккинчидан, вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш; учинчидан, ёшларнинг таълим соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш; тўртинчидан, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш; бешинчидан, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш; олтинчидан, ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 27 октябрдаги «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида»ги қонуни профилактика хизматларининг ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка қарши кураш фаолиятини тартибга солади. Мазкур қонун талабларига асосан ўз хизмат ваколатлари доирасида наркологик ёрдам соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқишда ҳамда амалга оширишда иштирок этиши, наркологик ёрдам соҳасидаги тармоқ дастурларини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга ошириши, фуқароларнинг, аввало ёшларнинг психоактив моддаларни нотиббий равишда истеъмол қилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди ва бартараф этиши, психоактив моддаларни истеъмол қилувчи шахсларни аниқлайди ва уларни тиббий текширувдан ўтишга олиб бориши, соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг хулосалари асосида наркологик касалликларга чалинган шахсларни профилактик ҳисобга олишни амалга ошириши, наркологик касалликларга чалинган шахсларни мажбурий даволашга юбориш учун ҳужжатларнинг расмийлаштирилишини таъминлайди, шунингдек ушбу шахсларни суднинг қонуний кучга кирган қарори асосида наркология муассасаларига олиб боришга кўмаклашиши, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасига мувофиқ ўзига нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурият чоралари қўлланилган шахсларни жазони ижро этиш тизимининг ихтисослаштирилган муассасаларида мажбурий даволашни амалга ошириши, наркологик касалликларга чалинган, наркология

муассасаларида даволаниб чиққан, шу жумладан мажбурий тарзда даволаниб чиққан шахслар устидан кузатувни ташкил этади ҳамда уларни ишга жойлаштиришга ва уларнинг маиший мослашувига кўмаклашади, наркологик касалликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи ҳамда наркологик ёрдам кўрсатувчи бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик қилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 апрелдаги «Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган. Ушбу қонун жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларга яқка тартибда профилактик таъсир кўрсатишдан иборат бўлади.

Таъкидлаш керакки, қонуннинг 16, 17-моддаларида ички ишлар идоралари ходимларининг маъмурий назоратни амалга оширишдаги қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган:

Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

назорат остидаги шахснинг хулқ-атвори тўғрисида иш, ўқиш ёки хизмат жойи маъмуриятдан, жамоат бирлашмасидан, яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан, шунингдек фуқаролардан маълумотларни сўраш ва олиш;

назорат остидаги шахсга уй-жой бериш ва уни ишга жойлаштириш тўғрисида тегишли давлат органларига, бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга илтимосномалар юбориш;

профилактик суҳбат ўтказиш учун назорат остидаги шахсни унинг яшаш жойидаги ички ишлар органларига чақириш, назорат остидаги шахснинг талаби билан бундай суҳбатларни адвокат, жамоатчилик, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи вакиллари ёки яқин қариндошлари иштирокида ўтказиш;

назорат остидаги шахсдан ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиш ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ масалалар юзасидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар талаб қилиш.

Ички ишлар органлари маъмурий назоратни амалга ошириш бўйича алоҳида тадбирларни ўтказишда давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Маъмурий назоратни амалга оширишда ички ишлар органларининг мажбуриятлари:

назорат остидаги шахсга унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тушунтириши, шунингдек ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларни бузганлик ҳамда зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик тўғрисида огоҳлантириши;

маъмурий назорат муддати мобайнида назорат остидаги шахсларнинг ҳисобини юритиши;

назорат остидаги шахсларни ўзлари танлаган яшаш жойида прописка қилиш ва уларни ишга жойлаштириш юзасидан зарур чоралар кўриши;

маъмурий назорат остидаги шахснинг ўзига нисбатан белгиланган маъмурий чекловларга риоя этиши ва яшаш, иш, ўқиш ёки хизмат жойи бўйича зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажариши устидан тизимли равишда назоратни амалга ошириши;

назорат остидаги шахс билан унинг ҳуқуқбузарликлар содир этишининг олдини олишга қаратилган яқка тартибдаги профилактика ишларини олиб бориши;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганидан кейин яшаш жойларига белгиланган муддатда узрли сабабларсиз етиб келмаган, шунингдек яшаш жойларини ўзбошимчалик билан тарк этган ёки суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан рухсатномасиз чиқиб кетган назорат остидаги шахсларнинг кидирувини амалга ошириши шарт.

Маъмурий назоратни ўрнатиш ва амалга ошириш назорат остидаги шахснинг бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги, унинг шаъни ва кадр-қимматини камситмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни профилактика хизматларининг терроризмга қарши курашиш, хусусан унинг олдини олиш бўйича фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Профилактика хизматлари ушбу Қонун асосида фуқароларнинг соғлиғи, ҳаёти, мол-мулкани, уларнинг тинчлиги ва миллий тотувлигини, давлатнинг суверенитети ҳамда ҳудудий яхлитлигини терроризм хавфидан ҳимоя қилувчи субъект бўлиб ўз ваколатлари доирасида терроризмга қарши кураш бўйича вазифаларни амалга оширадилар (8-модда). Хусусан: террорчилик фаолиятининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш ҳамда унинг оқибатларини минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширадилар; алоҳида муҳим, категорияланган ва бошқа объектларнинг қўриқланиши ва хавфсизлигини таъминлайдилар; давлат ҳокимияти ва бошқарувнинг тегишли органларига террорчилик фаолиятига алоқадор шахслар, гуруҳлар ва ташкилотлар тўғрисида ахборот тақдим этадилар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бош ваколатларни амалга оширадилар (5,10, 15-моддалар).

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни янги тахрирда қабул қилинган. Ушбу қонунда ариза, таклиф ва шикоятнинг тушунчаси, шакллари, фуқаролар томонидан бериладиган ариза, таклиф ва шикоятларга қўйиладиган талаблар, уларни текшириш ва фуқароларга жавоб хатлари бериш тартиби ва муддатлари, шунингдек, ички ишлар органларининг фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича фаолиятининг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганлиги, биринчи томондан жамиятда болалар ҳуқуқларини кафолатларини таъминлаш тизимини белгилаб берса, иккинчидан, бола ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш орқали улар томонидан

хуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноятлар содир этилишининг олдини олишни таъминлайди.

Ушбу Қонуннинг 3-моддасида бола – ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахслиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар — юзага келган ҳолатлар сабабли оғир турмуш шароитида қолган, давлат ва жамият томонидан алоҳида ҳимоя қилишга ҳамда қўллаб-қувватлашга муҳтож болалар, шу жумладан: ногирон болалар; жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болалар; етим болалар; ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар; ихтисослаштирилган болалар муассасаларида тарбияланаётган болалар; муайян яшаш жойига эга бўлмаган болалар; кам таъминланган оилалардаги болалар; жиноий жавобгарликка тортилган ва жазони ижро этиш муассасаларида турган болалар; зўравонлик ва эксплуатация, қуролли можаролар ва табиий офатлар натижасида жабрланган болаларга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш белгилаб берилди.

Профилактика хизматлари, хусусан профилактика инспекторлари, вояга етмаганлар орасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича инспекторлар хизмат вазифаларини олиб бораётган маъмурий ҳудудда ушбу қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда болаларнинг яшаш ҳуқуқи кафолатларини таъминлаш, улар ҳаётига (8-модда), эркинлик, шахсий ва турар жойи дахлсизлик ҳуқуқига қилинган ҳар қандай тажовузнинг олдини олишни, шунингдек уларни эксплуатация қилишнинг барча шакллари, шу жумладан жисмоний, руҳий ва жинсий зўравонликдан, қийноққа солишлардан ёки шафқатсиз, қўпол ёхуд инсон кадр-қимматини камситувчи бошқа шаклдаги муомаладан, шаҳвоний шилқимликлардан, жиноий фаолиятга, фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этилишдан ҳимоя қилишни таъминлаш учун масъулдирлар (10-модда).

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади. Мазкур Қонуннинг 7-моддасида мустаҳкамланган қоидалар талабларидан келиб чиққан ҳолда профилактика хизматлари ўз ваколатлари доирасида: одам савдоси билан боғлиқ жиноятларни очиш бўйича тезкор-қидирув ҳамда жиноят ишлари бўйича суриштирув ва дастлабки терговда иштирок этадилар; одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмаларнинг фаолиятига чек қўйиш бўйича ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат ноижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни амалга оширадилар; юқори турувчи органларга одам савдосига қарши курашни кучайтириш юзасидан таклифлар киритадилар; одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмалар ҳақида тегишли давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига ахборот тақдим этадилар; оммавий ахборот воситаларини жалб этган ҳолда аҳоли ўртасида кенг миқёсда огоҳлантириш-профилактика ишларини ўтказадилар.

Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 30 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ҳисобланади. Мазкур Қонуннинг 3-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликларнинг профилактикаси, ижтимоий жиҳатдан хавfli аҳволда

бўлган вояга етмаган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оила, назоратсиз, якка тартибдаги профилактика иши, қаровсиз, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг тушунчаси қонун асосга эга бўлди.

Шунингдек, Қонуннинг 10-моддасида ички ишлар органлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини ўз ваколатлари доирасида амалга оширишлари, ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмаларидан ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларидан иборат эканлиги белгилаб берилган.

Қонунда ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўлинмалари ўз ваколатлари доирасида якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этишлари, вояга етмаганларнинг назоратсизлиги, қаровсизлиги, ҳуқуқбузарликлари ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлари фактлари, шунингдек уларга имкон бераётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда назоратсиз, қаровсиз қолган вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига жойлаштириш тартиби ва уларнинг ваколатлари аниқ кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни комплекс тартибга солгани билан бир қаторда бу борадаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди.

Қонун 7 та боб, 51 та моддадан иборат бўлиб, унда умумий қоидалар, ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифалари, асосий принциплари, турлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар, уларнинг ваколатлари, якуний қоидалар белгилаб берилган.

Қонуннинг 3-моддасида «ҳуқуқбузарлик», «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» каби бир қатор асосий тушунчаларга ҳуқуқий таъриф берилган бўлиб, бу келтирилган тушунчалар мазкур соҳадаги хилма-хил ёндашувларга чек қўйди.

Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий принциплари қонунийлик, инсонпарварлик, тизимлилик, ишонтириш усулининг устуворлиги, таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашишдан иборат эканлиги аниқ кўрсатиб берилган. Шунингдек, Қонунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилган.

Қонуннинг 9-моддасида белгиланганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизимида ички ишлар органлари; прокуратура органлари; миллий хавфсизлик хизмати органлари; адлия органлари; давлат божхона хизмати органлари; давлат солиқ хизмати органлари; меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари; таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим

муассасалари; давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари киради. Қонунда ушбу органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилди.

Шунингдек, 21-моддада фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлари ва фуқароларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки ҳам белгилаб берилган.

Қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги тўрт турини аниқ белгилаб берган:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

Шунингдек, Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ваколатлари ҳамда шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар фаолиятининг молиявий ва моддий-техник таъминоти ҳамда бошқа бир қатор масалалар ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган.

Ички ишлар органларининг профилактика хизмати фаолиятини тартибга солувчи, айниқса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, шунингдек ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар билан яқка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этиш каби вазифаларни амалга оширишни белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майдаги «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонуни талабларига асосан профилактика хизматлари давлат ва нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамият институтлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар)да ҳамкорлик қилади. Бундан ташқари мазкур қонунда назарда тутилган бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари:

2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сонли, 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш маҳалла институтини янада қўллаб

қувватлаш ҳамда оила ва хоти-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сонли, 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли ва 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон фармонлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари:

2017 йил 12 апрелдаги “Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2883-сонли, 2017 йил 14 мартдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2833-сонли, 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2896-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Ички ишлар органлари таянч пунктларининг профилактика инспекторларини хизмат уй-жойи билан таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2906-сонли, 2017 йил 11 августдаги “Ички ишлар органларининг озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлган жазоларни ижро этиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3200-сонли, 2018 йил 14 февралдаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибini сақлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-3528-сонли, 2018 йил 19 июндаги “Тошкент шаҳрида жамоат тартибini таъминлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3786-сонли, 2019 йил 29 майдаги “Тошкент вилоятида хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4343-сонли, 2019 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4602-сонли ва 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлиги таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли қарорлари.

Ички ишлар вазирлигининг буйруқлари:

2017 йил 12 июлдаги “Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги 151-сонли, 2017 йил 25 августдаги “Ички ишлар органлари томонидан хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги 191-сонли, 2017 йил 13 сентябрдаги “Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг хисоботини фуқаролар йигинларида эшитиш тартиби тугрисидаги низомни тасдиқлаш хақида”ги 193-сонли буйруқлари.

Юқорида келтириб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар профилактика (катта) инспекторларнинг ҳуқуқий жиҳатдан химоя қилиниши, уларнинг фаолиятини қонун ва қонуности нормалар билан тартибга солинганлигини далолат бермоқда.

*М.А. Тураев**

Конституция - Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имиджини мустаҳкамловчи ҳуқуқий асос

Ўзбекистон халқи учун мустақил тараққиёт йўлини белгилаб, демократик давлатчилик, янги ижтимоий-сиёсий тузум, адолатли фуқаролик жамияти куришнинг ҳуқуқий заминини яратиб берган Конституциямиз қабул қилинганига йигирма саккиз йил тўлди. Ўзбекистон халқининг эркин ва обод Ватан барпо этишида, буюк келажак сари қатъият билан тараққий этишида Конституциянинг ўрни ва аҳамияти беқиёс.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёев таъкидлаганидек, «Ўтган қисқа даврда жамиятимизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий қиёфаси, одамларимизнинг дунёқараши бутунлай ўзгаргани, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётгани Бош қомусимизнинг ҳаётбахш қудрати ва улкан салоҳиятидан далолат беради. **«Янги Ўзбекистон» деган ибора халқаро майдонда нафақат янги тушунча, балки реал ижтимоий ҳодиса сифатида қабул қилинмоқда»¹.**

Дарҳақиқат Ўзбекистон Республикасининг жаҳондаги обрў-эътибори юксалиб бораётганлиги, энг аввало, Конституция асосида амалга ошираётган кенг кўламли демократик ислохотлар натижасида қўлга киритилаётган улкан ижобий ўзгаришларда намоён бўлмоқда. Давлатимиз раҳбарининг минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслари ўзининг амалий самарасини бермоқда. Мамлакатимизнинг халқаро сиёсат майдонида олиб бораётган ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган, чуқур ўйланган фаол ташқи сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан юксак даражада эътироф этилмоқда. Ушбу эришаётган ютуқларимиз тағзамирида Асосий қонунимизнинг бунёдкор нормалари ётганлигини эътироф этиш жоиз. Конституциямизда давлатимизнинг ташқи сиёсатда амал қиладиган принциплари мустаҳкамлаб қўйилган. Бош қонуннинг 17-моддасида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсати давлатларнинг суверен

* ИИВ Малака ошириш институти цикл бошлиғи

¹ Президент Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги. URL: <https://president.uz/uz/lists/view/3990>.

тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади¹ - деб белгилаб қўйилган. Республикамиз бугунги кунда мазкур принципларга таянган ҳолда самарали ташқи сиёсат юритиб келмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ҳаракатлари 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси²да белгиланган энг муҳим соҳаларга қаратган.

Мазкур ҳужжат мамлакатнинг ташқи сиёсат соҳасида қуйидаги энг муҳим устувор йўналишларини белгилаб берди:

– давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатларнинг тўлақонли субъекти сифатида ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистон атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва дўстона қўшничилик муносабатлар минтақасини яратиш;

– Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, дунё ҳамжамиятига мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида объектив ахборотни етказиш;

– Ўзбекистон ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятининг меъёрий-ҳуқуқий базасини, шунингдек халқаро ҳамкорликнинг шартнома-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

– Ўзбекистон давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш масалаларини тартибга солиш.

Умуман, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари барқарор, адолатли ва демократик давлат куришга, мамлакатнинг ташқи ошкоралигини илгари суришга ҳамда регионал ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган³.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имиджини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини мустаҳкамлаш борасида тизимли ишлар амалга оширилиб, мазкур соҳада сўнгги йилларда 10 га яқин қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари қабул қилинди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. URL: <https://lex.uz/docs/35869>.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони. 2017 йил 7 февраль. ПФ-4947-сон. URL: <https://lex.uz/docs/3107036>.

³ Қодиров А. Янгиланаётган Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишлари. URL: <http://www.isrs.uz/uz/maqolalar/klucevye-prioritety-vnesnej-politiki-obnovlennogo-uzbekistana>.

Амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар натижасида Жаҳон банки, Бирлашган миллатлар ташкилоти, Бирлашган миллатлар ташкилотининг Тараққиёт дастури, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, Жаҳон иқтисодий форуми, Халқаро бюджет ҳамкорлиги, INSEAD халқаро бизнес-мактаби ва Economist Intelligence Unit каби халқаро рейтинг агентликлари ва ташкилотлари билан расмий алоқалар йўлга қўйилди.

Ўтган давр мобайнида халқаро рейтинг агентликларининг чоп этилган ҳисоботларига биноан республиканинг иқтисодий рейтинглардаги ўрни сезиларли даражада ўсди. Хусусан “Fitch Ratings” ва “S&P Global Ratings” халқаро рейтинг агентликларининг баҳосига кўра 2019 йилда мамлакатнинг суверен кредит рейтинги «BB–» барқарор даражада сақланиб қолмоқда.

Жаҳон банки «Бизнес юритиш 2020» янги йиллик ҳисоботида (Doing Business 2020) сўнгги бир йилда Ўзбекистон Республикаси бизнес ислоҳотини амалга оширишда энг катта ютуқларга эришган 20 та мамлакат қаторига киришга имкон берган тўртта ислоҳотни амалга оширгани тўғрисидаги ахборотни тарқатди. Шунингдек, 2019 йилда Ўзбекистон ушбу рейтинг ҳисоботида дунёнинг 190 мамлакати орасида 69-ўринни эгаллаб, 7 поғонага кўтарилди.

2019 йилнинг сентябрь ойида Жаҳон банкининг Бошқарув сифати индикаторларининг 2018 йил учун эълон қилган ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси бир қатор индикаторлардан яхшиланганлигини маълум бўлди. Хусусан, «Коррупцияни назорат қилиш» индексида 1 поғонага, «Ҳукумат самарадорлиги» индексида 3 поғонага, «Норматив сифат» индексида 7 поғонага, «Қонун устуворлиги» индексида 4 поғонага, «Сўз эркинлиги ва ҳисобдорлик» индексида 5 поғонага кўтарилди.

Сўнгги йиллар мобайнида мамлакатимиз Мерос жамғармасининг «Иқтисодий эркинлик» индексида 52 поғонага, Жаҳон банкининг «Логистика самарадорлиги» индексида 19 поғонага, «Бизнес юритиш» индексида 18 поғонага кўтарилди¹.

Ўзбекистоннинг амалга оширилаётган янги ташқи сиёсати халқаро ҳамжамият томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, АҚШдаги Гудзон институти Ҳарбий-сиёсий тадқиқотлар маркази директори Ричард Вайснинг фикрича, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий ташаббуслари бутун Марказий Осиё учун янги имкониятларни очмоқда. Республика мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш ғоясидан иборат кун тартибини илгари сурмоқда.

¹ Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашда парламент қандай йўл тутди? URL: <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekistonning-khalqaro-rejting-va-indekslardagi-ornini-yakhshilashda-parlament-qandaj-jol-tutadi>.

Рим геосийёсий тадқиқотлар институти (IsAG) Евросийё дастури илмий ходими Фабрисси Виелмини қайд этишича, узоқ вақт регионал жараёнлардан четда бўлган Ўзбекистон бугунги кунда янгича ҳаракат қилмоқда. Минтақа юраги ҳисобланган Тошкент Марказий Осиёда барқарорлаштирувчи давлат табиий ролини ўзига қайтариб олмоқда.

Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти катта илмий ходими Андрей Грозин ҳам ҳозирги пайтда Марказий Осиёда давлатлараро муносабатлар тизими шаклланаётганлигига эътибор қаратади. Унинг сўзларига қараганда, сўнгги вақтда Тошкент турли хил йўналишлар бўйича юқори фаолликни намоён қилди. Минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда сезиларли соғломлашиш белгилари яққол ифодаланмоқда¹.

Халқаро рейтингларда мамлакатнинг кўрсаткичлари сезиларли юқорилаганига қарамай халқаро ташкилотлар томонидан ўтказилаётган сўровларда аксарият ислохотлар ўз аксини топмаётганлиги оқибатида устувор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон қуйи поғоналарда қолмоқда. Бу йўналишдаги ишларимизни тизимли ташкил этиш мақсадида 2020 йил 2 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида» фармони² имзоланди. Ушбу Фармон билан мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро майдондаги имиджини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва ташкилотларида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг янги механизмларини жорий қилиш мақсадида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди. Сенат раиси Кенгашга раҳбарлик қилиши белгиланди.

Кенгашнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

– мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш, турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадларига хизмат қилишини таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш;

– Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш, илғор

¹ Қодиров А. Янгиланаётган Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишлари. URL: <http://www.isrs.uz/uz/maqolalar/klucevye-priority-vnesnej-politiki-obnovlennogo-uzbekistana>.

² Ўзбекистон республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида»ги фармони. 2020 йил 2 июнь. ПФ-6006-сон. URL:<https://lex.uz/docs/4838762>.

халқаро тажрибага асосланган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш бўйича ташаббусларни илгари суриш;

– давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслардаги мамлакатнинг ўрнига таъсири нуқтаи назаридан комплекс баҳолаб бориш¹.

Кенгаш ишчи органлари сифатида Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги белгиланган. Улар мос равишда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинглар бўйича иш олиб боришади.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги мавқени янада мустаҳкамлаш борасида қуйидаги таклифларни илгари сурмоқчимиз:

Биринчидан, узоқ муддатли стратегик мақсадлардан келиб чиққан ҳолда очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсатни инобатган ҳолда ташқи сиёсий фаолият концепциясини ҳаётга фаол тадбиқ этиш;

Иккинчидан, матбуотнинг эркин ва тезкор ишлаши ҳамда объектив маълумотларни олиш ва очик матбуотда тарқатишлари учун зарур шарт-шароит яратиш ва ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш;

Учинчидан, ҳуқуқий ислохотлар самарадорлиги ошириш, қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги талабларнинг амалга ошиш механизмларини такомиллаштириш;

Тўртинчидан, ташқи сиёсатда дунё мамлакатлари билан Ўзбекистон манфаатини инобатга олган ҳолда компромистик сиёсатни давом эттириш, Марказий Осиё давлатлари билан кўп асрлик дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш;

Бешинчидан, Мамлакатнинг Халқаро ташкилотлардаги иштирокини янада фаоллаштириш, ижобий ташаббусларни илгари суриш ҳамда Республикада амалга оширилаётган ислохотлардан халқаро ҳамжамиятни хабардор қилиб бориш.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имиджини ошириш мамлакатимиз иқтисодиётига ўзининг улкан ижобий таъсирини кўрсатади. Бу юртимизнинг улкан туристик салоҳиятидан унумли фойдаланиш имконини беради, чет эл инвестициялари кириб келишини рағбатлантиради ва Республика иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилишига кўмаклашади қолаверса хорижий давлатларнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини,

¹ Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилади. URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2020/06/03/rankings/>.

замонавий технологияларни ва бошқарув тажрибасини жалб этиш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш имкониятини туғдиради.

*А.А. Мўминов**

*Ж.Қ. Хамраев**

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигида суд ҳокимияти

“Конституциямиз ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ қафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланмоғи лозим”

Шавкат Мирзиёев

Дунёда суд ҳокимияти мустақиллиги ва одил судловга эришиш масаласи тобора глобаллашаётган даврда ушбу ҳокимиятнинг ташкил этилиши ва фаолиятнинг олиб борилиши билан боғлиқ тартиб-қоида қонун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ўргатиш асоий муаммо бўлиб қолмоқда. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг маълумотларига кўра, суд ҳокимияти мустақиллиги ва судьяларнинг ўз фаолиятларини эркин амалга ошириши бугунги кунда тўлиқ тартибга солинмаган. Янги Ўзбекистон Республикасида бу каби ҳолатларни олидини олиш мақсадида 30.04.2023 йилдаги Янги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси XXIII боб 130-140 моддалагача бўлган моддалардаги нормаларда Суд ҳокимиятининг конституциявий асослари кўрсатилган.

Хусусан: Конституциянинг 130-моддада “Ўзбекистон Республикасида одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятдан, сиёсий партиялардан, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан мустақил ҳолда иш юритади.” деб кўрсатилган. Бу нормалар одил судлов яъни қонун ҳужжатларига асосан жавобгарлик ёхуд бошқа низолар амалдаги қонун ҳужжатларига асосан ташкил этилган судлар томонидан кўриб чиқилиши, бошқа ҳеч бир ҳокимият органи низоларни ҳал этиш бўйича судлов ишларини олиб бориши мумкин эмаслиги ва уларнинг ишига аралашishi мумкин эмаслиги белгилаб берилган.

Суд ҳокимият амалдаги қонун ҳужжатларига асосан:

Ўзбекистон Республикасида суд тизими:

➤ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди;

* ИИВ Малака ошириш институти Ташкилий бўлим бошлиғи, подполковник

* ИИВ Малака ошириш институти Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси, капитан

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди;
- ҳарбий судлар;
- Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари;
- Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судлари;
- фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари;
- жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судлари;
- туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судлари;
- туманлараро маъмурий судлардан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси **Конституциявий суди**ни ташкил этиш ва фаолиятини татибга солиш 2021 йил 27 апрель куни “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги ЎРҚ-687-сон қонуни билан татибга солиниб унинг мақоми Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди доимий фаолият юритувчи суд ҳокимияти органи бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият ҳужжатларининг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги ишларни кўришдан иборатдир.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тавсия этган сиёсат ва ҳуқуқ соҳасидаги мутахассислар орасидан, Қорақалпоғистон Республикаси вакилини қўшган ҳолда сайланади.

Конституциявий суднинг судьялари қайта сайланиш ҳуқуқисиз ўн йиллик муддатга сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ўз таркибидан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раисини ва унинг ўринбосарини беш йиллик муддатга сайлайди.

Конституциявий суднинг ҳар бир судьяси яқка тартибда сайланади. Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилики овозини олган шахс сайланган ҳисобланади.

Конституциявий суд раис ва унинг ўринбосарини қўшган ҳолда Конституциявий суднинг тўққиз нафар судьясидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикаси **Олий суди** ва унинг қуйи тизимларини ташкил этиш 29.07.2021 йил “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703 сонли қонуни билан тартибга солиниб унинг мақоми фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қабул қилинган ҳужжатлар қатъий ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан беш йиллик муддатга сайланади. Айти бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, раис ўринбосари этиб сайланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раис, унинг биринчи ўринбосари — маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати раиси, ўринбосарлари — фуқаролик, жиноят ва иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатлари раислари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяларидан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қуйидаги таркибда иш юритади:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсати;

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати;

Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати;

Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати;

Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати.

Судлов ҳайъатларида ихтисослаштирилган судлов таркиблари тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяларининг сон жиҳатдан таркиби Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади.

Судьялик лавозимига тайинлаш ёки сайлашда қўйиладиган талаблар.

Ўттиз беш ёшга тўлган, олий юридик маълумотга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси судьялик лавозимига номзод бўлиши мумкин.

Қуйидагилар судьялик лавозимига номзод бўлиши мумкин эмас:

жиноят содир этганликда айбланаётган шахс;

илгари судланган ёки ўзига нисбатан жиноят иши реабилитация қилмайдиган асослар бўйича тугатилган шахс;

чет давлат фуқаролигига эга бўлган ёки чет давлат ҳудудида доимий яшаш ҳуқуқини тасдиқловчи яшаш гувоҳномасига ёхуд бошқа ҳужжатга эга бўлган шахс;

суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб эътироф этилган шахс;

психиатрия ёки наркологиya муассасаларида ҳисобда турган шахс;

судьянинг ваколатларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган бошқа касалликка чалинган шахс.

Ўзбекистон Республикаси **Судьялар олий кенгаши** судьялар ҳамжамиятининг мустақил органи бўлиб, у судьялар корпусининг шакллантирилишини, суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси ва унинг ўринбосари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан беш йиллик муддатга сайланади. Айтиб ўтиш керакки, бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг раиси, раис ўринбосари этиб сайланиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашини ташкил этиш ва унинг фаолияти тартиби 2017 йил 06 апрель “Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши тўғрисида”ги ЎРҚ-427-сон қонун билан белгиланади.

Ҳокимиятларнинг бўлиниш принципига асосан Ўзбекистон Республикасида ҳокимиятнинг энг асосий туридан бири су ҳокимияти бўлса ушбу ҳокимиятнинг ўзи икки асосий бўғиндан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонунчилига асосан:

1) Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

2) Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар — Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар — Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди;

3) референдумга чиқарилаётган масалаларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

4) Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради;

5) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради;

6) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг

Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган муурожаатини кўриб чиқади;

7) конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади;

8) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни кўриб чиқади.

Фуқаролар ва юридик шахслар, агар суд орқали ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда кўриб чиқилиши тугалланган муайян ишда суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисидаги шикоят билан Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига муурожаат қилишга ҳақли.

Конституциявий суднинг қарори расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Конституциявий суднинг қарори қатъий ва унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас.

➤ **Ўзбекистон Республикаси Олий суди** фуқаролик, жиноий, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг олий органидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қуйи судларнинг судлов фаолияти устидан назорат олиб бориш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

1) ўз ваколатлари доирасида ишларни биринчи, апелляция ва кассация инстанцияси суди сифатида, шу жумладан кассация инстанцияси судида такроран, шунингдек янги очилган ҳолатлар бўйича кўриб чиқади;

2) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумида суд амалиётининг долзарб масалаларини кўриб чиқади ва қонунчиликнинг қўлланилиши юзасидан тушунтиришлар беради;

3) ҳарбий судларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг, Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий судининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларининг, туманлараро, туман, шаҳар судларининг ташкилий фаолиятини ўрганади;

4) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

5) суд амалиёти ва суд статистикасининг тизимли таҳлилини амалга оширади;

б) судьяларнинг ва суд аппарати ходимларининг малакасини ошириш бўйича ишларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Судьялар мустақилдирлар, фақат Конституция ва қонунга бўйсундилар. Судьяларнинг одил судловни амалга оширишга доир фаолиятига ҳар қандай тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 236-моддасида кўрсатилган “Тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиш, яъни ишни ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона ўрганилишига тўсқинлик қилиш мақсадида суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга ёхуд адолатсиз ҳукм, ҳал қилув қарори, ажрим ёки қарор чиқарилишига эришиш мақсадида судьяга турли шаклда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш” уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланшига сабаб бўлади. Судьялар муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмайди.

Судьялар дахлсиздир.

Давлат судьянинг ва унинг оила аъзоларининг хавфсизлигини таъминлайди.

Судьяни муайян ишнинг муҳокамасидан четлаштиришга, унинг ваколатларини бекор қилишга ёки тўхтатиб туришга, бошқа лавозимга ўтказишга фақат қонунда белгиланган тартибда ва асосларга кўра йўл қўйилади. Суднинг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши судьяни лавозимидан озод этиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас.

Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиши мумкин эмас.

Ҳамма судларда ишлар очиқ кўрилади. Ишларни ёпиқ мажлисда тинглашга қонунда белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади. Масалан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 19-моддасида Барча судларда жиноят ишлари ошкора кўрилади, бундан давлат сирларини кўриқлаш манфаатларига зид келадиган ҳоллар, шунингдек жинсий жиноятлар тўғрисидаги ишлар кўрилаётган ҳоллар мустасно.

Судларда жиноят ишларини ошкора кўриш суднинг ташаббуси билан ёки жиноят процесси иштирокчиларининг илтимосномасига кўра аудио- ва видеоёзувдан фойдаланган ҳолда, шунингдек видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг жиноятлари тўғрисидаги ишларни, шунингдек фуқароларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларни ёки уларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган маълумотларни ошкор қилмаслик мақсадида ҳамда жабрланувчининг, гувоҳнинг ёки ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг, худди шунингдек улар оила аъзоларининг ёки яқин қариндошларининг хавфсизлигини таъминлаш тақозо этилган ҳолларда бошқа ишларни суд ажрими билан ёпиқ суд мажлисида кўришга йўл қўйилади.

Шахсий ёзишма ва шахсий телеграф хабарномалари очиқ суд мажлисида фақат бу хат ва хабарларни жўнатган ҳамда олган шахсларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилиши мумкин. Акс ҳолда улар ёпиқ суд мажлисида ўқиб эшиттирилади ва текширилади.

Ишни ёпиқ суд мажлисида кўриш барча процессуал қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилади. Ишни ёпиқ мажлисда кўриш тўғрисидаги суднинг ажрими буткул муҳокамага нисбатан ёки унинг алоҳида қисмларига нисбатан чиқарилиши мумкин. Бу ажрим суд мажлисига йиғилганларга тааллуқли бўлиб, жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ёпиқ суд мажлисида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланишга йўл қўйилмайди, бундай мажлисни аудио- ва видеоёзувга олиш эса амалга оширилмайди.

Суд судланувчининг ва жабрланувчининг яқин қариндошларини, шунингдек бошқа шахсларни ёпиқ мажлисларда текшириладиган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилганлик учун жавобгарлик ҳақида огоҳлантириб, уларнинг бу мажлисларда ҳозир бўлишига рухсат беришга ҳақли.

Суд мажлиси залида тартибни сақлаб туриш учун зарур бўлган ҳолларда, суд айрим шахсларнинг суднинг очиқ мажлисларида ҳозир бўлишини тақиқлашга ҳақли.

Суд залида овозларни ёзиб олиш, фотосуратга, видеоёзувга ва кинотасвирга олишга фақат суд мажлисида раислик қилувчининг рухсати билан йўл қўйилади, бу ҳақда тегишли ажрим чиқарилади.

Суд ҳукмлари, ажримлари ва қарорлари барча ҳолларда ошкора эълон қилинади.

Суднинг қонуний кучга кирган қарорлари жиноят процесси иштирокчиларининг розилиги билан ёки шахсини кўрсатмаган тарзда суднинг расмий веб-сайтида эълон қилиниши мумкин, бундан ёпиқ суд мажлисларида кўрилган ишлар бўйича суд қарорлари мустасно.

Судлов фаолиятида ошкораликни кенгайтириш учун судлар зарур ҳолларда оммавий ахборот воситалари ходимларини, тегишли жамоат

бирлашмаларини ва жамоаларни бўлажак процесслар тўғрисида хабардор қилиши, шунингдек процессларни бевосита корхоналарда, муассасаларда, ташкилотларда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ҳамда таълим муассасаларида ўтказиши мумкин.

Судларда жиноят ишларининг ошқора кўрилиши принципини чеклайдиган қўшимча талабларни жорий этиш тақиқланади, бундан ушбу Кодексда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллар мустаснолиги белгилаб қўйилган.

Суд ҳокимиятининг ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар учун мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикасида суд ишларини юритиш ўзбек тилида, қорақалпоқ тилида ёки муайян жойдаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилда ёхуд қонунга мувофиқ бошқа тилда олиб борилади. Суд ишлари олиб борилаётган тилни билмайдиган судда қатнашувчи шахсларнинг таржимон орқали иш материаллари билан тўла танишиш ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, суд ҳуқуқ тизимида юртимизда олиб борилаётган конституциявий ислохотлардан кўзланган асосий мақсад, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари масаласини конституциявий даражада янада мустаҳкамлаш, жамият ва давлат тараққиётига эришишдан иборат.

*З.Р. Бобоқулов**

*Д.Ж. Эшқулов**

Янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси

Конституция фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланган, мамлакатни дунёга танитадиган сиёсий ҳужжат, мустақилликни таъминлаб берган давлатнинг паспорти сифатида тан олинар экан, у доим ўзлигимизни кўрсатиб турадиган олий қонундир. Бу қонун давлат ва жамият учун ҳар доим устувор ҳисобланади.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Конституциямиз қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқда “Соҳибқирон Амир Темури бобомизнинг “Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуҳи, қудрати ва таркиби йўқолади”, деган пурмаъно сўзларини бежизга эсламади.

* ИИВ МОИ Халқаро ҳамкорлик гуруҳи бош инспектори, подполковник

* ИИВ МОИ Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси, капитан

Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони эканлиги алоҳида таъкидланиш лозим. Ҳақиқатан ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминланган давлатда демократик қадриятлар қарор топади ва мустаҳкам бошқарув амалда бўлади. Президентимиз ушбу тушунчаларга чуқур таъриф берар экан, “Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир”, деб таъкидлаб ўтган.

Давлатимиз раҳбари ушбу ғояларни ҳаётга тадбиқ этиш, давлат ва жамият ўртасида мувозанатни таъминлаш, бунда қонунчиликни янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини турли чиқишларида ёритиб ўтмоқда. Шу билан бирга Президентимиз Конституция ва қонун устуворлигини таъминлашга эришиш давлатимиз келажаги ва халқимизнинг келгуси истиқболини белгилаб беришини рўй-рост айтиб ўтмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида, мамлакатимизда ислоҳотларимиз мантиғи талаб этаётган муҳим тақлиф конституциявий ислоҳотларни амалга оширишдан иборатлигига, алоҳида эътибор қаратдилар. Давлат раҳбарининг таъкидлашича, дунё тажрибасида туб бурилиш даврида кўпгина давлатларда конституциявий ислоҳотлар амалга оширилганлигини, шу нуқтаи назардан аввало, сенатор ва депутатларимиз, кенг жамоатчилигимиз, халқимиз билан яна бир бор маслаҳат қилиб, жаҳон конституциявий тажрибасини ўрганиб, пухта ўйлаган ҳолда бугунги ва келгуси тараққиётимизни белгилаб берадиган Асосий қонунимизни такомиллаштириш масаласини ҳам кўриб чиқишимиз кераклигини таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, Конституция ўзгармас, қотиб қолган ҳужжат эмас, аксинча, жамият ва давлатда турли ижтимоий муносабатлар ўзгариши билан, инсонларнинг зарурий эҳтиёжларини қондириш мақсадида ҳам конституция замон билан ҳамнафас тарзда такомиллашиб бораверади. Хоржий мамлакатлар тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак ҳам, мисол тариқасида, 1787 йилда қабул қилинган АҚШ конституциясига 30 га яқин ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган, кўплаб Европа, Осий минтақаси малакатларида янги таҳрирда конституциялар қабул қилинган. Ўзбекистонда эса ҳозирги кунга қадар 16 марта конституциямизга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу ўзгартиришларнинг ҳам асосий қисми давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши бўлимига тўғри келади.

Конституцияга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш парламент томонидан, референдум йўли билан, айрим мамлакатларда давлат бошлиғи томонидан киритилиш мумкин. Конституцияга ўзгартириш киритишнинг алоҳида мураккаб тартиби уни барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Мамлакатимиз конституционализм тажрибасига эътиборимизни қаратадиган бўлсак, конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, Олий Мажлис палаталари аъзоларининг иштироки ёки референдум йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида келажак ҳаётнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масъулиятли ва шарафли вазифаси вужудга келди десак, ҳеч ҳам хато қилмаган бўламиз. Конституцияда шахс-давлат-жамият манфаатлари мутлақо бошқача, яъни инсон манфаатлари ҳар нарсадан устувор масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Негаки, бу давр талаби, умумэътироф этилган янги босқичдаги демократия таомили.

Бош қомусимиз, яъни Конституция давлат суверенитети, халқ ҳокимиятчилигининг асосий принципларини, инсон ҳуқуқ ва бурчларини, ҳуқуқ ва эркинликлар қафолатларини, мамлакатнинг маъмурий-ҳуқуқий тузулиши асосларини, мамлакатнинг иқтисодий асосларини, давлат ҳокимиятини ташкил этиш тартибларини ва ваколатларини, сайлов тизимини белгилаб қўйди. Конституциямиз фақат мавжуд ижтимоий муносабатларнигина мустаҳкамлаб қўйиш билан чекланмай, келажак учун зарур мақсад ва вазифаларни ҳам белгилаб қўйганлигини эътироф этишимиз лозим. Конституциямизнинг “Муқаддима”сида белгиланган инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаган мақсад бунинг мисолидир. Бу ўзбек халқи ҳаётига катта таъсир қилган ҳужжат сифатида ўз ўрнига эга бўлди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ҳуқуқий асосга эга бўлди. Ва шу асосда ривожланиб борди.

Конституцияга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни таҳлил қилсак, бу ўзгартириш ва қўшимчалар ижтимоий ҳаётни, давлат қурилиши ва бошқарувини янада демократлаштиришга, фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини кучайтиришга қаратилганлигини кўрамиз. Чунки, давлат бошқарувини демократлаштириш, ҳокимият бўлиниши принципларини янада кенгроқ ҳаётга жорий этиш, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш асосий масалалар сифатида белгиланди.

Айтиш мумкинки, конституциямизга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар унда белгиланган асосий мақсад - ҳуқуқий давлат қуришдан келиб чиқиб, давлат бошқарувини эркинлаштиришга, давлат органлари фаолияти

устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга, халқ, инсон манфаатини янада кучли, ишончли ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, келгусида конституциямизнинг тегишли нормаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши бу конституциямизнинг мажозий маънода кучсизланишига эмас, аксинча, конституциямизнинг янада такомиллашувига, халқ манфаатларининг кафолатланишига ва ҳаётий заруратнинг акс этишига хизмат қилади.

*Б.Ҳ. Фиёсов**

Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги айрим йўналишлар бўйича конституция ва миллий қонунчилик тизими

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси адолатлилик, одиллик, ҳалоллик, ошкоралик принциплари асосида Инсон Ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси[1]га таяниб, давлат ва жамиятда инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқларини қарор топишини қўзлаган ҳолда қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқлари, ҳозирги ва келажак авлод олдидаги маъсулият, фуқароларнинг жамиятда муносиб ҳаёт кечириш, миллий тотувлигимиз ва тинчлигимизни таъминлаш йўлида қабул қилиниб, муқаддима, олти бўлим, йигирма етти боб ва бир юз эллик бешта моддадан иборат эканлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида “Асосий қомусимиз кафили сифатида Конституция ва қонунларимиз талабларини сўзсиз бажариш, “инсон қадри учун” деган устувор тамойилни тўла рўёбга чиқариш бундан буён ҳам фаолиятимнинг бош мезони бўлиб қолади”,[2] деган олийжаноб сўзлари Конституциямизнинг қудратини англади.

Инсон ҳуқуқларини рўёбга чиқариш давлат органлари фаолиятининг асосий тамойилларидан бири экан, ушбу вазифани тўлақонли адо этишнинг бир томони жамоат хавфсизлигини таъминлаш масаласига бориб тақалади. Бу борада *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг* “Ҳозирги вақтда дунёда турли кучлар ўртасида қарама-қаршилик ва зиддиятлар кучаймоқда, ресурслар учун шафқатсиз кураш кетмоқда. Минтақамиздаги тинчлик ва хавфсизликка нисбатан янги-янги таҳдидлар пайдо бўлмоқда”,[3] дея таъкидлагани ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг олдида фуқароларнинг хавфсизлигини ва жамоат тартибини таъминлашда маъсулият

* Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети доценти, (PhD)

билан бурчни адо этиш лозимлиги билан бир қаторда, замонавий хавф ва таҳдидларни олдини олиш учун пухта тайёргарлик кўриш кераклигини англатмоқда.

Ҳозирги кунда оммавий маданият, интернет, ижтимоий тармоқларнинг салбий характерлари ривожланиши билан бир қаторда, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларнинг замонавий кўринишлари кўпаймоқда. Мисол учун, миллий менталитетимизга ўзаро келишмовчиликлар ва бунинг натижасида келиб чиқаётган турли-туман ҳуқуқбузарликлар, янги турдаги жиноятлар содир этилмоқда. Буларнинг аксарияти замирида шахсий ва моддий манфаат борлиги ачинарли албатта. Шунинг учун, ҳозирда жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини фақатгина жазо чораларини кучайтириш билан эмас, балки жамиятни ижтимоий-иқсодий, маънавий ҳамда руҳий жихатдан юксалтириш орқали ҳамда давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш, шунингдек инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини бузмаган ҳолда иш орқали самарали таъминлаш мумкин.

Бу каби жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби масалаларини чуқур чуқур таҳлил қилиб ҳамда бошқа давлатларнинг Конституциясидан фарқли равишда урф-одат ва таомилларимизга таянган ҳолда, янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 14 боби “Оила, болалар ва ёшлар” деб номланганлиги, оила эса жамиятнинг асосий бўғини ҳамда оила, болалар ва ёшлар жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги, шунингдек Конституциявий нормаларга кўра, никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши,[4] янги таҳрирдаги Конституциямизда қайд этилгани мазкур масалада миллий қадриятларга ҳурмат муносабатининг қай даражада юксак эканлигини кўрсатади.

Яна айтиш мумкинки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун асосий эътибор мамлакат ёшларининг ижтимоий-маънавий ҳолати билан ҳам боғлиқдир. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 60 фоиздан ортигини ёшлар ташкил этар экан, бу йўналиш алоҳида аҳамият касб этиши табиий албатта. Бу эса, жамоат хавфсизлиги масаланинг ижросини таъминлаш учун авваламбор тегишли давлат органлари ва масъул мансабдор шахслар томонидан аҳолининг ёш қатламига таълим ва тарбия бериш жараёнига алоҳида эътибор бериш лозимлигини англатади. Бу борада Конституциямизда ҳам алоҳида нормалар мавжуд бўлиб, унга кўра ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга еттунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдир эканлиги,[5] фарзандлар ота-онасининг насл-насаби ва

фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, шунингдек боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлат учун мажбурият сифатида белгиланганлиги,[6] юқорида келтириб ўтган фикримизни амалда исботлайди. Маълумки, юртимизда ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш ҳамда болаларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунарга йўналтириш каби масалалар келажакда ишсизликнинг олдини олишга муайян даражада хизмат қилади. Мамлакатда ишсизликнинг камайиши эса, ўз навбатида ҳуқуқбузарликларнинг сезиларли даражада камайишига олиб келади. Бу масалага Президентимизнинг аввал бошданок алоҳида тўхталгани бежизга эмас. Яъни, 2019 йилнинг 19 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига катта аҳамият берилгани ҳамда ушбу тадбирда давлат раҳбари ёшлар йўналишидаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича 5 та муҳим ташаббус[7]ни илгари сургани мазкур йўналишнинг дастлабки ислохотларидан бири бўлиб хизмат қилди.

Хусусан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ Конституциявий нормаларнинг бошқа томонига ҳам эътибор бериш зарур. Тўғри, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек унинг қонуний манфаатларини таъминлаш ва уларни ўз вақтида самарали тарзда рўёбга чиқариш давлат органларининг асосий вазифасидир. Аммо, инсон ва фуқаролар ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишининг кичик иштирокчиси эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак. Яъни, Конституциявий қоидага биноан, инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт. Жумладан, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлигини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин.[8]

Ушбу янги Конституциявий норма эндиликда нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари, балки кенг жамоатчилик, боринки оддий фуқаронинг ҳам давлат ва жамият манфаатларини асраб-авайлашга бирдек жавобгар эканлигини Конституция даражасида белгилаб қўйиш билан бирга,

амалдаги Конституция ва қонунларга фуқаролардаги ҳурмат муносабатини янада оширишга хизмат қилди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, Миллий қонунчилигимиздаги жамоат хавфсизлиги ва тартибини сақлашга оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек амалдаги қонунчиликка киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар мазкур соҳани илғор хорижий тажрибалар асосида ислоҳ қилишга имкон яратибгина қолмасдан, балки янги таҳрирдаги Конституциямизда белгиланган бу каби нормаларнинг давлат ва жамият манфаатлари йўлида тўғри татбиқ этилиши учун ҳам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилагн адабиётлар:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>
2. Мирзиёев Ш. “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз”. 06.11.2021 йил // <https://president.uz/uz/lists/view/4743>
3. Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришди. Янги Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий газетаси. № 223 (479), 07.11.2021 йил. 1-2-бетлар.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 76-модда // <https://lex.uz/docs/6445145>
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 77-модда. 1-қисм. // <https://lex.uz/docs/6445145>
6. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 77-модда. 2-қисм. // <https://lex.uz/docs/6445145>
7. Исоқова Г. “Беш муҳим ташаббус ёшларга қанот”. Янги Ўзбекистон. 18.12.2020 йил // <https://yuz.uz/news>
8. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 21-модда. 1-қисм. // <https://lex.uz/docs/6445145>

Оммавий ахборот воситаларининг тўртинчи ҳокимият сифатидаги конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари

Бугунги кунда мамлакатимизда халқ билан мулоқотни кучайтириш, давлат органлари очиқлигини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда аҳолининг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ислохотларнинг самарали бўлишида оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг фаолияти муҳим ўрин тутди.

Шу сабабли ҳам кейинги йилларда мазкур соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг самарали фаолият юритиши учун етарли шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Босма ва интернет нашрлари, теле ва радиоканаллар сони ошиб бормоқда.

Турли шакл ва кўринишдаги оммавий ахборот воситалари фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш, жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни дадил кўтариб чиқишда муҳим омилга айланиб бормоқда. Аҳоли билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларга тезкор муносабат билдириш, турли мавзулар бўйича очик, холис ва танқидий фикр билан чиқишда катта имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Соҳада кечаётган ижобий ўзгаришлар халқаро майдонда сўз эркинлиги ҳолатини ўрганишга ихтисослашган халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда. Ўзбекистон 2022 йил матбуот эркинлиги рейтингида 24 поғонага кўтарилиб, 133-ўринни эгаллагани ҳам шунга бир мисол.

Оммавий ахборот воситалари ҳар доим жамият тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий савиясининг шаклланишида асосий воситалардан бири бўлиб келган. Мустақиллик йиллари барча соҳалар қатори ОАВ учун ҳам серкирра ривожланиш даври бўлди. Истиклолга эришганимиздан сўнг, биринчи навбатда, соҳанинг ҳуқуқий базасига эътибор қаратилди ва ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганиш бошланди. Оммавий ахборот воситаларининг халқаро ҳуқуқий асослари бу «Инсон ҳуқуқлари халқаро умумжаҳон декларатсияси, Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт», Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлар ва бошқа давлатлар билан ахборот сиёсатига доир тузган битим ва шартномалари ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжатлар ахборотни излаш, олиш, тарқатиш жараёнлари ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини бевосита ёки билвосита тартибга солувчи нормалардир.

* Ўзбекистон Республикаси ФВВ Фуқаро муҳофазаси институти “Сафарбарлик ва объектлар барқарорлигини таъминлаш” кафедраси катта ўқитувчиси, истеъфодаги полковник

Мустақиллик йилларида оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи қуйидаги қонунлар қабул қилинганини кўришимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситалари ҳуқуқий базасини яратилишида Республикамиз Конституциясига асосий манба сифатида таянилган. Конституциямизнинг 67-моддасида «Оммавий ахборот воситалари эркиндир ва қонунга мувофиқ ишлайди. Улар ахборотнинг тўғрилиги учун белгиланган тартибда жавобгардирлар. Цензурага йўл қўйилмайди» деб белгилаб қўйилгани оммавий ахборот воситаларининг мутлақ қонуний эркинлигининг кафолати ҳисобланади.

Янги таҳрирдаги Конституцияда эса алоҳида XV боб киритилиб, 81-82-моддаларда қуйидаги белгиланди: *“Давлат оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлигини, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ахборотдан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари амалга оширилишини кафолатлайди.*

Оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралашини қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Оммавий ахборот воситалари ўзлари тақдим этадиган ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгардир”.

Ушбу ўзгартириш ва қўшимчалар оммавий ахборот воситалари фаолиятини амалга ошириш учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, давлат ва жамият ўртасида конструктив мулоқотни йўлга қўйишга қаратилган тегишли конституциявий асосларни шакллантириш мақсадида жорий этилмоқда.

Модданинг бундай таркибий тузилиши уни оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ вазифа ва муаммоларни қулай тарзда ва самарали ҳал этиш, аниқроғи, ушбу вазифаларни муайян гуруҳларга тақсимлаш ва улар ўртасида мантиқий боғлиқликни ўрнатишга қаратилган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимида бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўилб, булар қуйидагилардан иборат. Жумладан: «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонун (2007 йил 15 январь); «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонун (1997 йил 24 апрел); «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун (1997-йил 24 апрел); «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонун (2002 йил 12-декабрь); «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун (1996 йил 30 август); «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонун (2006 йил 20 июль); «Реклама тўғрисида»ги Қонун (1998 йил 25 декабрь); «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонун (1993 йил 7 май); «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонун (1999-йил 20 август).

Давлатимиз раҳбари сўз эркинлиги, давлат органларининг очиқлиги ва шаффофлиги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари эканлигини таъкидлаб келмоқда. Чиндан ҳам, журналистларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш демократик ислохотларимизга қарши ҳаракат, мамлакатимизнинг обрўсига путур етказиш сифатида баҳоланиши керак.

Афсуски, ҳозиргача юртимизда олиб борилаётган очиқлик сиёсати ва бугунги кун талабларини тушунишни хоҳламаган айрим давлат хизматчилари томонидан журналистлар фаолиятига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учрамоқда.

Амалдаги конституциямизда оммавий ахборот воситалари эркинлиги, цензурага йўл қўйилмаслиги эътироф этилган. Айни пайтда ушбу нормалар ижроси ким томонидан ва қандай таъминланиши масаласи очиқ қолган.

Амалдаги Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекс ёки Жиноят кодексида ҳам сўз эркинлигини бузганлик, цензурага йўл қўйилганлик, журналист фаолиятига ноқонуний аралашганлик учун тўғридан тўғри жавобгарликлар киритилмай қолган. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига тўсқинлик, журналистга босим, таҳдид ва таъқиб қилиш ҳолатларига йўл қўйган шахсларга нисбатан фақат умумий тартибдаги жавобгарлик назарда тутилган. Албатта, бу моддалардаги таъсир чоралари бевосита журналист фаолиятига тегишли эмаслиги ҳам бу соҳадаги айрим салбий ҳолатларга сабаб бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли ҳам Конституциявий ислохотлар жараёнида, хусусан умумхалқ муҳокамасида кенг жамоатчилик томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар асосида оммавий ахборот воситалари фаолияти билан боғлиқ моддага тегишли қўшимчалар ва аниқликлар киритилди.

Янги таҳрирдаги Конституциянинг 81-82-моддаларига оммавий ахборот воситаларининг эркин фаолият юритиши, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ахборотдан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланди ва Асосий қонун даражасида белгиланди.

Албатта ўз ўрнида, Оммавий ахборот воситалари ҳам ўзлари тақдим этган ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгардир.

Чунки бу соҳада ҳам айрим муаммоли масалалар кўришиб қолаётгани ҳеч кимга сир эмас. Сўз эркинлигини таъминлаш жараёнида бошқа фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, инсонларнинг шахсий ҳаёти ва қонун томонидан қўриқланадиган маълумотлари муҳофазасини кучайтириш, бировни асоссиз обрўсизлантириш, кадр-қимматини ерга уриш ҳолатларига йўл қўймаслик ҳам долзарб бўлиб қолмоқда. Хусусан ижтимоий тармоқларда айрим блогерлар оммавий ахборот воситаларидан демократия қуроли сифатида фойдаланиш ўрнига шахсий манфаатлар йўлида товламачилик билан шуғулланганлиги, бунинг натижасида эса уларга нисбатан жиноят ишлари

қўзғатилиб, суд томонидан турли хил жазолар қўлланилаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Мазкур қоидаларнинг конституцияда белгиланиши оммавий ахборот воситалари ва журналистлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, сўз эркинлиги ва журналист фаолияти ҳимоясини кучайтиришга хизмат қилади.

Оммавий ахборот воситалари ва журналистларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштириш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак, оммавий ахборот воситалари эркинлиги фуқароларнинг бошқа барча конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун ҳам зарурдир.

Президент Шавкат Мирзиёев 2022 йил Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларига йўллаган байрам табригида баъзи жойларда оммавий ахборот воситаси ходимларига менсимай қараш, уларнинг ўз ваколати доирасида эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраётгани ҳақидаги хабарларга тўхталиб, ОАВ ходимларининг ўз фаолиятини қонун доирасида эркин амалга оширишига тўсқинлик қилиш бу – демократик ислохотларимизга қарши ҳаракат, мамлакатимизнинг обрўсига путур етказиш сифатида баҳоланиши кераклигини таъкидлаганди.

Табриқда Ўзбекистонда сўз ва матбуот эркинлиги доимо бош қонунимиз ва қонунларимиз ҳамда президент ҳимоясида бўлиши, суд ва прокуратура органлари бизга мутлақо ярашмайдиган бундай салбий ҳолатлар бўйича қатъий чоралар кўриши лозимлиги алоҳида қайд этилган.

Давлатимиз раҳбарининг очиқлик, адолат ва ошкораликка йўғрилган сиёсатини амалга оширишга камарбаста бўлган ОАВ ва журналистлар афсуски, баъзида ўз ишида тўсиқларга, турфа хил босимларга, ноқонуний аралашувларга дуч келмоқда. Бу эса кўплаб давлат органлари ва мансабдорлар ҳанузгача очиқлик сиёсатига кўника олишмаётгани билан боғлиқ.

Бир замонлар “цензура” деган балойи офатдан азият чеккан ҳамкасбларимиз эндиликда, сўз ва матбуот эркинлигини бўғишга уринаётган айрим корчалонларнинг тазйиқи-ю таъқибидан безиллаб, қўли ишга бормай қолмоқда.

Аmmo энди ортга йўл йўқ, манзилимиз аниқ. Очиқлик ва ошкоралик мазасини тотган журналистлар ва оммавий ахборот воситаларини аввалгидей қолипга солиш, тизгинда ушлаб туриш бугун имконсиз. Қолаверса, президентнинг ўзи журналистларнинг ортида мен турибман деб турган бир пайтда ОАВ ва соҳа ходимларининг фаолиятига тўсқинлик қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Айни вақтда соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш ва журналистларнинг касбий фаолиятини ҳимоя қилиш, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш ҳам олдимизда турган муҳим вазифа ҳисобланади. Конституцияга киритилаётган ўзгартириш замирида ана шу мақсад мужассам деб биламан.

Сўнгги йилларда кўп давлатларда кузатилаётган ижобий ўзгаришлар рўй бераётган соҳалардан бири ахборот соҳасидир. Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, блогерлик, колумнистика ривожланмоқда. Сўз эркинлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Буларнинг барчаси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар конституциялари билан кафолатланган оммавий ахборот воситалари эркинлиги туфайлидир, албатта.

Кези келганда ОАВ миллионлаб одамларнинг ҳаётига катта таъсир кўрсатади, чунки у энг нуфузли ижтимоий институтлардан бири эканини таъкидлаш жоиз. Шу нуқтаи назардан қараганда, эркин матбуот, энг аввало, жамият олдидаги мажбуриятларини чуқур онглайдиган, ахбороти доимо ҳақиқат ва воқеликка мос келиши керак бўлган тузилмадир.

Масаланинг шу жиҳатини теран англаган давлат раҳбари ОАВ ва журналистларнинг мамлакат ривожига ўрни ва аҳамиятини таъкидлаб келади. Жумладан, президент Шавкат Мирзиёев 24 февраль куни Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида унга ОАВ фаолиятини жиловлаш, чеклаш ҳақида кўп таклифлар бўлгани, лекин бундай қилмаслигини ишонч билан таъкидлади.

Конституцияга журналистик фаолиятга тўсқинлик учун жавобгарлик белгилаш, оммавий ахборот воситалари ходимларини қўллаб-қувватлашги кўзда тутадиган қўшимчалар киритилаётгани замирида ҳам Ўзбекистон очиқлик масаласида танлаган йўлидан чекинмаслиги ётибди.

*Х.Х. Бахрамов**

*А.Х. Хусанов**

Янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг хусусиятлари

Ўзбекистон мустақилликга эришганидан буён 32 йиллик тарихий бир давр, масофани босиб ўтди. Бунинг исботи амалга оширилган ислохотлар, янгиланиш йўлида эришилган ютуқларимиз ва кундалик ҳаётимизда ўз аксини топмоқда. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек,

*ИИВ Малака ошириш институти юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник

*Жамоат хавфсизлиги университети курсанти

«Истиклол йилларида эришган ютуқларимизга таяниб, миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари дадил кадам қўймоқдамиз»¹.

Албатда, бу борада мустақил ва демократик Ўзбекистон Республикасини барпо этилиши ва янада ривожланиши йўлида мустақкам пойдевор бўлиб келаётган Асосий Қонун – Конституциямиздир.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва бошқа асосий халқаро ҳужжатларнинг принципал қоидаларини ўзида мужассам этган ҳолда, Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, унинг эркинликлари давлат манфаатларидан устунлигини мустақкамлади, одамларимиз учун муносиб ҳаёт шароити яратишни ўзининг туб мақсади этиб белгилади, ижтимоий адолат тамойилларини эълон қилди.

Конституциямиз қонун устуворлиги, унинг барча фуқаролар учун тенглигини ва шунингдек, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишининг ҳуқуқий принципини белгилаб берди, уларнинг мустақиллиги, мустақил ҳокимият тармоғи сифатида ривожланишини кучайтиришга, демократик давлатнинг асосий ҳал қилувчи шarti бўлган ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини шакллантиришга қаратилган қонуний негизни яратди. Бироқ, вақт шиддат билан ўтиб бормоқда, бугун замон ҳар қачонгидан ҳам тезлашди. Зеро, фаровонлик ошгани сайин жамиятнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ошиб боради.

Бу борада, давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев янги таҳрирдаги Конституцияни қабул қилиш зарурати тўғрисида ўринли таъкидлаганларидек, «Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди. Шу боис, “Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат” деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустақкамлашимиз зарур.

Шуларни эътиборга олган ҳолда, Асосий қонунимизни такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Ушбу ислохотдан халқимиз катта ўзгаришлар кутмоқда. Бугунги кунга қадар бу борада 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушгани ҳам бунинг яққол далилидир. “Жамият – ислохотлар ташаббускори”

¹ Президент Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. Халқ сўзи, 2018 йил 1 сентябрь.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2022 йил 21 декабр, 272-сон.

тамойили асосида барча масалалар бўйича халқимиз билан бамаслаҳат иш тутамиз.»¹.

Бу борада шуни алоҳида таъкидлаш мумкинки, ҳозирги даврда дунёда 7 мингдан ортиқ тил ва диалект(шева)лар мавжуд бўлса-да улардан 400 га яқини ўз ёзувига эга, 178 таси эса давлат тили ёки расмий тил мақомига эгадир.

Ўзбек тили ҳам мазкур 178 та тиллар рўйхатида бўлиб шундай мақомга эга. Шу боис, Конституциямиз матни давлат тилида олимлар ёки мутахассислар томонидан кабинетларда ёзилмади. Балки, аввал халқимизнинг фикри, таклифлари *икки босқичда* ўрганилди, шундан сўнг янги Конституция лойиҳаси тайёрланди. Такқослайдиган бўлсак авваллари Конституция қабул қилишда дастлаб лойиҳа ишлаб чиқилиб, кейин халқ муҳокамасига қўйиллар эди.

1-босқичда Конституция лойиҳасини шакллантириш учун фуқароларимиздан 60 мингдан зиёд таклифлар келиб тушди. Эътиборли жиҳати ушбу таклифларнинг ҳар тўрттасидан биттаси лойиҳадан жой олди.

2-босқичда Конституция лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Оммавий ахборот воситалари, интернет тармоқлари орқали лойиҳа билан 5 миллион аҳолимиз танишиб чиқиб, *150 мингдан ортиқ* таклифларини билдирди.

Шу билан бирга, меҳнат жамоалари, олийгоҳлар, маҳалла фаоллари ва зиёлилар билан бўлиб ўтган муҳокамаларда ҳам яна *10 мингта қўшимча таклифлар* келиб тушди.

Шундан сўнг, Конституциямиздаги **боблар сони амалдаги 26 тадан 27 тага, моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага, конституциявий-ҳуқуқий нормалар сони 275 тадан 434 тага** ошди. Яъни, Асосий қонунимизнинг **65 %** матни халқимиз таклифлари асосида янгиланди.

Мазкур янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистоннинг беш муҳим устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгиланди.

Янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси Муқаддимаси ҳам янгиланиб мамлакатимиз ва халқимиз олдига қўйилган мақсадлар билан тўлдирилди. Жумладан, Муқаддидада қуйидагилар белгиланди:

“Биз, Ўзбекистоннинг ягона халқи,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. Халқ сўзи, 2022 йил 21 декабр, 272-сон.

инсон ҳуқуқ ва эркинликларига, миллий ва умуминсоний қадриятларга, давлат суверенитети принципларига содиқлигимизни тантанали равишда эълон қилиб,

демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатимизни намоён қилиб,

инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимизни англаган ҳолда,

давлатчилигимиз ривожининг уч минг йилдан зиёд тарихий тажрибасига, шунингдек жаҳон цивилизациясига беқиёс ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг илмий, маданий ва маънавий меросига таяниб,

мамлакатимизнинг бебаҳо табиий бойликларини кўпайтиришга ҳамда ҳозирги ва келажак авлодлар учун асраб-авайлашга ҳамда атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга астойдил аҳд қилиб,

ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига асосланган ҳолда,

Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти, энг аввало, қўшни давлатлар билан дўстона муносабатларини ҳамкорлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш, тинчлик ва тотувлик асосида мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришга интилиб,

фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришини, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни, кўп миллатли жонажон Ўзбекистонимизнинг фаровонлигини ва гуллаб-яшнашини таъминлашни мақсад қилган ҳолда,

ушбу Конституцияни қабул қиламиз ва эълон қиламиз.”¹

Аввалги Конституциямизда муҳраб қўйилган тамойил ва қоидалар асосида мамлакатимизда тўлақонли, самарали амал қиладиган қонунчилик ва ҳуқуқий база яратилди. Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимиз ҳуқуқий давлат қуриш йўлига ўтишимизнинг пойдеворини қуриб берган эди.

Конституциявий-ҳуқуқий нормалар кейинчалик қомусимиз асосида қабул қилинган қонунлар ва кодексларда жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларда муҳофазаланиб, ушбу конституциявий-ҳуқуқий нормалар талабларини бузган шахслар тегишли жавобгарликка тортилиб қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот мустаҳкамланди.

Янги Конституциямизда Ўзбекистон – ҳуқуқий давлат деб белгиланиши билан боғлиқ янгиликларга эътибор қаратиб қуйидагиларни юксак эътироф этишимиз мумкин. Жумладан,

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

- Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади этиб белгиланганлиги ҳамда Инсон ҳуқуқларига оид нормалар 3 баравардан ортиққа ошганлиги;

- Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларимизнинг, ҳар бир вазирлик ва идора фаолиятининг мазмунига айланиши қатъий талаб сифатида белгиланганлиги;

- Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши;

- Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилиши ва кафолатланиши;

- Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги;

- Қонунчиликда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммасига ўз розилигисиз юклатилиши мумкин эмаслигининг қайд этилганлиги.

Шунингдек Янги Конституциямизда:

- ўлим жазоси тақиқланганлигининг қайд этилганлиги;

- шахсни суднинг қарорисиз 48 соатдан ортиқ муддат ушлаб туриш мумкин эмаслигининг белгиланганлиги;

- илк бор гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчиларга ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмаслиги ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкинлигининг белгиланганлиги;

- ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга, агар давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча мавжуд ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, мурожаат этишга ҳақлилиги мустаҳкамланганлиги;

- ҳар ким давлат органларининг ёхуд улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эгаллиги қайд этилганлиги;

- шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда ўз ҳуқуқлари ва ушлаб турилиш асослари тушунтирилиши кераклиги белгиланганлиги;

- айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши кераклиги қайд этилганлиги;

- ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига қарши гувоҳлик беришга мажбур эмаслиги белгиланди;

- агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги кафолатланди;

- шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги каби масалалар конституциявий-ҳуқуқий нормаларда мустаҳкамланди.

Шунингдек, Янги Конституциямизга аввалгисида бўлмаган 141-142-моддаларни ўз ичига олган “Адвокатура” деб номланган 24-боб киритилганлиги¹ Суд-ҳуқуқ тизимида ўзига хос аҳамият касб этади.

Фикримизча, келгусида Конституциямизни янада такомиллаштириш мақсадида “Прокуратура” деб номланган 25-бобдан кейин Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар таркибига кирувчи яна бир орган яъни “Ички ишлар органлари” деб номланган ва ўз ичига қўйидаги таҳрирдаги иккита моддани қамраб олган янги 26-бобни киритиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“147-модда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасини амалга ошириш учун фаолият кўрсатади.

Ички ишлар органлари фаолияти қонунийлик, ягоналик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ҳамда ушбу ҳуқуқлар, эркинликлар ва қонуний манфаатларни ҳурмат қилиш, очиклик ва шаффоқлик принципларига асосланади.

Ички ишлар органларининг фаолияти қонун билан белгиланади.

148-модда.

Ички ишлар органи ходимининг ўз ваколатлари доирасида қўйилган қонуний талабларини, шу жумладан қонунга риоя этиш, ҳужжатларни, текширувлар материалларини ва бошқа маълумотларни тақдим этиш, мутахассис ажратиш, ички ишлар органига келиш ҳамда аниқланган қонунбузарликлар хусусида тушунтиришлар бериш тўғрисидаги, қоидабузарликларни, шунингдек уларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақидаги қонуний талабларини барча давлат органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон.

Ички ишлар органлари жамоат тартибини, жамоат хавфсизлигини таъминлашда, жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, уларни аниқлашда, уларга чек қўйишда, уларни фош этишда, тергов қилишда ҳамда жиноятлар, маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши ҳолатларини, ҳодисалар ҳолатларини ҳужжатлаштиришда, шу жумладан жамоат жойларида, шунингдек ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажараётган ички ишлар органлари ходимларининг ҳаракатларини қайд этиш учун техник воситалардан, шу жумладан аудио-, фото- ва видео қайд этиш воситаларидан фойдаланиши мумкин.

Ички ишлар органи ходими давлат органи вакили сифатида иш юритади ва давлат ҳимояси остида бўлади.

Қонун билан ваколат берилган шахслардан ташқари ҳеч ким ички ишлар органи ходимининг қонуний фаолиятига аралашиб, ички ишлар органи ходимини қонун билан ички ишлар органлари зиммасига юклатилмаган мажбуриятларни бажаришга мажбурлаш ҳуқуқига эга эмас. Қонунга зидлиги аниқ бўлган буйруқ ёки фармойиш олганда ички ишлар органи ходими уни бажаришни рад этиш ҳуқуқига эга ва қонунга амал қилиши шарт.”

Конституциянинг амалдаги таҳрирдаги 26-27-бобларни тегишлича 27-28-боблар деб ҳисоблаш, шунингдек, 27-бобни 149-моддадан бошлаш лозим.

Жамиятимизда Конституция ва қонунлар устунлигини таъминлаш, давлат органлари фаолиятини янгича конституциявий-ҳуқуқий шароитга мос ҳолда йўлга қўйишнинг аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, бу борада тизимли ишлар амалга оширила бошланди. Жумладан, конституциявий-ҳуқуқий нормалар талабларидан келиб чиқиб, амалдаги қонунларимизни улар билан узвий уйғунлаштириш юзасидан тегишли ишларни олиб бориш зарур.

Бу борада давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев қўйидагиларни эътироф этдилар, “Бу ҳақда сўз юритганда, қисқа муддатда 30 дан зиёд қонун ва қонуности ҳужжатлари янги таҳрирдаги Конституцияга мувофиқлаштирилганини таъкидлаш лозим. Конституция ва қонун устунлиги тамойили – бу барқарор тараққиётнинг асосий мезони.”¹

Фикримизча, Янги Конституциямизни мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб олий таълим муассасаларигача тизимли ўқитилиши, Конституциямизни илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишга бағишланган минтақавий, халқаро конференцияларни самарали ташкил этиш ва мунтазам равишда ўтказиб борилиши, конституциявий-ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга шунингдек, амалдаги қонунчиликни унга мувофиқлаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш суверен,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституция куни муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табриги. // prezident.uz.

демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатимиз ҳамда Конституциямизни янада такомиллашувига хизмат қилади.

*Ж.М. Якубов**

*Е. Прилуцкая**

Принцип открытого судебного разбирательства

В соответствии со статьей 113 Конституции разбирательство дел во всех судах открытое. Слушание дел в закрытом заседании допускается лишь в случаях, установленных законом.

Под открытым разбирательством дел во всех судах подразумевается такое судебное заседание, при котором рассмотрение дел осуществляется в присутствии граждан, находящихся в судебном заседании, а также публикация материалов судебного процесса и его итогов в средствах массовой информации. Право на открытое разбирательство дел в суде имеет каждый гражданин. Данное право отражено в статье 11 Всеобщей декларации прав человека, в статье 14 Международного пакта о гражданских и политических правах и в других актах международного права.

Данный принцип закреплен в статье 7 (“Гласность судопроизводства”) Закона Республики Узбекистан “О судах”, который распространяется на все дела гражданского, уголовного, административного и экономического судопроизводства. Принцип открытого судебного разбирательства получил развитие в процессуальных законах, а именно:

➤ в соответствии со статьей 274 Кодекса Об административной ответственности, дело об административном правонарушении рассматривается открыто. В целях повышения воспитательной и предупредительной роли производства по делам об административных правонарушениях такие дела могут рассматриваться в коллективах по месту работы, учебы или жительства правонарушителя;

➤ статья 10 Гражданского процессуального кодекса также регламентирует, что разбирательство дел во всех судах открытое, за исключением случаев, когда это противоречит интересам охраны государственных секретов или коммерческой тайны.

Принцип открытого судебного разбирательства установлен также и в Хозяйственно-процессуальном (статья 8) и Уголовно-процессуальном (статья 19) кодексах Республики Узбекистан.

* Старший преподаватель ИПК МВД Республики Узбекистан подполковник

* Мирзо Улугбек тумани ИИОФМБ ТБ суриштирувчиси

Данные меры способствуют открытости и гласности в деятельности судов, а также установлению над данными органами эффективного общественного контроля, что в конечном счете соответствует обеспечению прав и свобод всех сторон, участвующих в судебных процессах.

Закрытое судебное разбирательство допускается по мотивированному определению суда в целях предотвращения разглашения сведений о частной жизни участвующих в деле лиц, а также обеспечения тайны усыновления и тайны переписки. При разбирательстве дела в закрытом судебном заседании присутствуют лица, участвующие в деле, а в необходимых случаях также свидетели, эксперты, специалисты и переводчики. Слушание дела в закрытом заседании суда ведется с соблюдением всех правил судопроизводства. Решение суда во всех случаях оглашается публично.

В целях соблюдения порядка в зале, суд вправе запретить отдельным лицам присутствовать в зале суда во время открытых заседаний, если это необходимо для поддержания порядка в зале судебного заседания. Для расширения гласности в судебной деятельности суды могут в необходимых случаях уведомлять работников средств массовой информации, соответствующие общественные объединения и коллективы о предстоящих процессах, а также проводить их непосредственно на предприятиях, в учреждениях и организациях.

Принцип гласности при рассмотрении дел в судах является политически и практически важным. Принцип гласности при рассмотрении дел в судах способствует эффективному и широкому исполнению задач по обеспечению законопослушного поведения граждан и нетерпимости в отношении правонарушений, а также обеспечению постоянного общественного контроля над судами.

В Докладе Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева на встрече с членами палат Олий Мажлиса, представителями политических партий и общественности: “Самое важное, критерием деятельности каждого члена общества, особенно должностных лиц, должен стать подход: “Закон – священен, при любых обстоятельствах должна восторжествовать справедливость!”.

Наряду с этим для надежной защиты прав и свобод человека мы должны на практике обеспечить беспристрастное, справедливое и независимое рассмотрение дел в суде.

С этой целью в Основном законе определено, что без решения суда лицо не может быть задержано на срок более 48 часов, закреплено положение о том, что ограничение свободы возможно только на основе решения суда. Впервые отдельно установлено, что обвиняемый вправе не свидетельствовать против

себя, то есть имеет право хранить молчание. Повышен статус адвокатов, закреплено, что они имеют равные полномочия со следователем и прокурором.

Конечно, внедрение в практику этих прогрессивных новшеств, внесенных в Основной закон, будет нелегкой задачей, многие общества лишь мечтают о таких изменениях. Для этого мы должны улучшать кадровый потенциал и укреплять материально-техническую базу судебно-правовых органов.

Самое важное, наряду с повышением знаний и квалификации, духовно-нравственного уровня следователя, прокурора, судьи, адвоката требуется также повышение правовой культуры населения, изменение мировоззрения каждого из нас.”¹

Указом Президента Республики Узбекистан от 16 января 2023 года “ О дополнительных мерах по дальнейшему расширению доступа к правосудию и повышению эффективности деятельности судов”, была утверждена краткосрочная стратегия, поднятия на качественно новый уровень судебной системы на 2023 — 2026 годы, в рамках Стратегии приоритетными задачами обеспечения правосудия определено:

- формирование подлинной справедливой судебной системы на основе идеи «Во имя чести и достоинства человека» и направление ее деятельности на эффективную защиту интересов народа и достоинства человека.

- укрепление доверия народа, в том числе предпринимателей, к судебной системе путем достижения принятия справедливых судебных решений, утверждение в создании каждого гражданина образа суда и судей как своих надежных защитников;

- совершенствование законодательства, направленного на создание всех возможностей для граждан и предпринимателей по защите своих прав и законных интересов в судах, полную реализацию принципов состязательности и равенства сторон в судопроизводстве, обеспечение объективности судов на практике;

- полную цифровизацию деятельности судов, внедрение технологий искусственного интеллекта, улучшение межведомственного обмена электронными данными, расширение возможностей дистанционного участия в судебных заседаниях;

- усиление гарантий независимости и неприкосновенности судей, разработку эффективных механизмов предупреждения случаев проявления неуважения к суду и вмешательства в судебные дела;

¹ Доклад Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева на встрече с членами палат Олий Мажлиса, представителями политических партий и общественности.

➤ обеспечение неукоснительного исполнения судебных решений, повышение ответственности государственных органов и местных хокимиятов в этом направлении;

➤ формирование у каждого гражданина и предпринимателя, обратившегося в суд, чувства удовлетворенности судом, а в конечном итоге — государством, путем привития высокой культуры общения судьям и работникам судов.

Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему реформированию судебной системы, усилению гарантий надежной защиты прав и свобод граждан» ознаменовал переход государственной политики в данной сфере на качественно новый уровень, определив следующие три основных приоритета:

- 1) обеспечение подлинной независимости судебной власти;
- 2) усиление гарантий надежной защиты прав и свобод граждан;
- 3) повышение уровня доступа к правосудию.

Указ Президента Республики Узбекистан установил в числе важнейших задач судебных, правоохранительных и контролирующих органов, — обеспечение открытости и прозрачности деятельности, широкое применение эффективных механизмов взаимодействия с институтами гражданского общества, средствами массовой информации и населением¹;

В целях обеспечения гласности и прозрачности деятельности гражданского суда, была разработана Система электронной судебной информации “Е-суд”. Основной задачей данной системы является повышение эффективности гражданского судопроизводства с помощью внедрения новейших систем информационных технологий, обеспечение прозрачности и гласности судебной деятельности, широких возможностей для защиты прав и законных интересов граждан, оказание интерактивных услуг в судебной деятельности.

Посредством системы электронного документооборота “Е-Нужат” внедренной в деятельность экономических судов была расширена возможность просмотра в режиме онлайн поступивших исков и обращений, список дел, объем нагрузки судов.

Национальная правовая система “Электронное правосудие” служит повышению роли и эффективности судебной власти, обеспечению защиты прав и законных интересов граждан и предпринимателей.

В соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева «О СТРАТЕГИИ «УЗБЕКИСТАН – 2030» от 11 сентября 2023 года,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 16 января 2023 года “ О дополнительных мерах по дальнейшему расширению доступа к правосудию и повышению эффективности деятельности судов.

государственная программа по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан до 2030 года, предусматривает реализацию таких мер, как обеспечение верховенства Конституции и законов, превращение надежной защиты прав и свобод человека в главный критерий судебно-правовых реформ, установление эффективного судебного контроля за деятельностью государственных органов и должностных лиц, а также дальнейшее развитие системы административной юстиции, повышение уровня достижения правосудия путем усиления независимости судебной власти и обеспечения открытости ее деятельности, направление деятельности правоохранительных органов на защиту интересов, чести, достоинства и прав человека, кардинальное повышение статуса института адвокатуры, а также развитие системы оказания квалифицированной правовой помощи, повышение эффективности системы предотвращения коррупционных факторов, ускоренное продолжение работы по формированию в обществе непримиримого отношения к коррупции. Проведенные за годы независимости реформы заложили прочный фундамент национальной государственности и суверенитета, обеспечения безопасности и правопорядка, неприкосновенности государственных границ, верховенства закона, надежной системы защиты прав и свобод человека, межнационального согласия и религиозной толерантности в обществе, создали достойные условия для жизни и реализации потенциала наших граждан.

Осуществление данных реформ будет способствовать совершенствованию в нашей стране системы открытости и гласности судебной деятельности, полной реализации прав человека на справедливое правосудие¹.

*Ш.Х. Фаниев**

Янги Конституцияга мувофиқ Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат сифатидаги ўзига хос хусусиятлари

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўн иккинчи чақириқ билан республика Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабр куни қабул қилинган. Шу кундан эътиборан, Ўзбекистонда 8 декабрь умумхалқ байрами сифатида нишонланиб келинади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрири 2023 йил 1 майдан эътиборан кучга кирди. Бунга 30 апрель куни бўлиб ўтган

¹ Указом Президента Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёева «О СТРАТЕГИИ «УЗБЕКИСТАН – 2030» от 11 сентября 2023 года

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, юридик фанлар кафедраси катта ўқитувчиси, майор

референдум натижасига кўра 11 та моддадан иборат тегишли қонуннинг қабул қилиниши асос бўлди. Бу қонуннинг 1-моддасига Конституциянинг янги таҳрири илова қилинган.

Бунга қадар 1992 йилдан буён конституцияга жами 15 марта ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди. Умуман, расмийларга кўра, конституция 65 фоизга янгиланган.

Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди¹.

Бу борада, Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ҳам Конституция қабул қилинганининг 31 йиллиги муносабати билан байрам табригида, “Конституция миллий давлатчилигимиз, суверенитетимиз, шу кунга қадар эришган барча ютуқ ва марраларимиз, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг мустаҳкам пойдевори ҳисобланади. Асосий Қонунимизнинг жонажон Ўзбекистонимиз тараққиётидаги беқиёс аҳамиятини юксак қадрлаймиз.” деб таъкидлаб ўтди².

Янги таҳрирдаги Конституциямизда **Ўзбекистоннинг беш устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат** экани қатъий белгилаб қўйилди, унинг мазмуни тубдан такомиллаштирилиб, янги боб ва моддалар билан бойитилди.

Янги Конституцияда Ўзбекистон ҳуқуқий давлат сифатида белгиланганлигига эътибор қаратадиган бўлсак, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади этиб белгиланди ва инсон ҳуқуқларига оид нормалар уч баравардан оширилди.

Унга кўра, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фақат ва фақат фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб фаолияти кўрсатишига асос бўлади. Қонунлардаги ноаниқликлар инсон фойдасига ҳал бўлиши шарт ва зарур ҳисобланади. Бу эса фуқароларнинг ортиқча оворагарчиликларини олдини олади. Республикада инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилиши ва кафолатланиши қайд этилди.

Шунингдек, органлар томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда

¹ <https://lex.uz/docs/6461609>.

² <https://aniq.uz/yangiliklar/shavkat-mirziyoev-konstitusiya-kuni-munosabati-bilan-uzbekiston-xalqiga-bayram-tabrigi-yulladi>.

назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги мустаҳкамланди. Қонунчиликда белгиланмаган мажбурият ҳеч кимнинг зиммасига ўз розилигисиз юклатилиши мумкин эмаслиги қайд этилди. Ўзбекистон фуқароси Ўзбекистондан ташқарига чиқариб юборилмаслиги ёки бошқа давлатларга берилмаслиги белгиланди. Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларнинг сақлаб қолиниши ҳамда ривожланиши тўғрисида ҳамхўрлик қилиши белгиланди.

Бундан ташқари, суд-ҳуқуқ тизими бўйича Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланди, яъни инсонни ҳаётдан ҳатто давлат ҳам маҳрум этишга ҳақли эмаслиги кафолатланди. Ҳеч ким суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб турилмайди деб белгиланди, бу норма тергов органлари томонидан инсонларни ноқонуний ҳибсга олиш, асоссиз қамоққа олиш ва сақлашга йўл қўймасликка қаратилган. Етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланади. Ҳар ким давлат органларининг қонунг хилоф қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги туфайли етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқига эгаллиги қайд этилди. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмаслиги кафолатланди. Судланганлик қариндошларга таъсир қилмайди, яъни шахснинг судланганлиги ва бундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланди. Ҳар ким ўз шахсига жоир маълумотларни ҳимоя қилади, нотўғри маълумотларнинг тuzатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳкамланди. “Прописка” тизими муаммосига барҳам берилди, ҳар ким республика ҳудудида эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи, республикадан ташқарига чиқиш ҳуқуқи ҳамда фуқароларнинг Ўзбекистонга монеликсиз қайтиш ҳуқуқи белгиланди.

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз фаровонлиги ва Ватанимиз равнақининг ҳуқуқий асосини ташкил этувчи Бош қомусимиз юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро, оила тақдирида, уларнинг бугунги ҳаёти, эртанги келажагини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мустаҳкам кучга эга бўлган Асосий қонунимиз бор экан, биз қайси соҳада бўлмайлик ўз ҳақ-ҳуқуқимиз кафолатига эгамиз. Шундай экан, бизни ҳар томонлама ҳимоя қилиб турган Конституциямизни билиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ички ишлар органлари фаолиятида жамоатчилик назоратининг объектлари ва субъектлари

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи йўналишида жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш вазифаси белгилаб берилган. Хусусан, бу борада, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонуни (2018 йил 12 апрель) қабул қилинганлиги мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ижтимоийлашуви ҳамда коррупцияга қарши курашнинг янги босқичини бошлаб берди.

Маълумки, ички ишлар органлари фаолиятининг устувор йўналишларидан бири фуқаролик жамияти институтлари билан конструктив мулоқотни амалга оширишга қаратилган жамоатчилик назоратини самарали йўлга қўйиш ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5005-сон Фармонида ички ишлар органлари фаолиятида қонунийликни таъминлашга қаратилган жамоатчилик назоратини кучайтириш вазифаси алоҳида белгилаб берилди”¹.

Айтиш ўринлики, ички ишлар органлари ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусияти мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади, чунки аҳоли ички ишлар органлари мисолида давлат вакилини кўради. Шу боисдан бежизга эмас, Президент Шавкат Мирзиёев 2017 йилнинг 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолиятида, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишга бағишланган видеоселектор йиғилишида сўзлаган нутқида “Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин”, деб алоҳида таъкидлаган. Бунинг замирида ички ишлар органларига юксак масъулият юклатилиши баробарида давлатнинг халқ билан бевосита иш олиб борувчи вакили – ички ишлар органлари ходимларига, ҳам ишонч, ҳам юксак масъулиятни ҳис этган

* ИИВ МОИ ўқув-услубий бўлими катта ўқитувчи методисти, подполковник

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрдаги ўРҚ-407-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.

ҳолда халқ манфаати йўлида фидоийлик билан хизмат қилиш вазифасини юклайди. Шунинг учун ҳам ички ишлар органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратининг ўрнатилиши фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини оширишга хизмат қилади.

Чунончи, ички ишлар органлари фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш орқали, жамият учун муҳим бўлган мақсадларга эришилади, яъни у орқали ички ишлар органлари фаолиятида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши, фуқаролар ва жамоатчилик ташкилотларининг қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган қарорлар қабул қилинишида жамоатчилик фикрининг инобатга олиниши таъминланади. Айнан жамоатчилик назорати ички ишлар органлари фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш, қонунга хилоф ва жамоат манфаатларига зид бўлган қарорларни қабул қилиш ва амалга ошириш хавфини бартараф этишнинг муҳим воситаси ҳисобланади.

Шуни қайд этиш жоизки, жамоатчилик назоратини амалга оширишда ҳуқуқий меъёрлар пойдевор вазифасини бажаради. Ҳуқуқий меъёрларнинг асос вазифасини бажариши жамоатчилик назоратининг ҳар бир қадами мавжуд ҳужжатлар асосида қўйилишини тақозо этади.

Жумладан ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати Ўзбекистон Республикасининг Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонуни талаблари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги “Давлат органлари ҳузурида жамоатчилик кенгашлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ3837-сон қарори, 2020 йил 16 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Жамоатчилик палатасини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-5980-сон Фармони ҳамда Ички ишлар вазирининг 2018 йил 28 мартдаги “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 83-сонли, 2018 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 164-сонли, 2018 йил 20 июндаги “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши таркибини тузиш ҳақида”ги 165-сонли, 2019 йил 14 ноябрдаги “Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 381-сон буйруқлари ва бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунида ички ишлар органларининг жамоатчилик назорати объектларига аниқлик киритилмаган, гарчи, ушбу Қонуннинг 9-

моддаси (Очиқлик ва шаффофлик принципи) жисмоний ва юридик шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилиши қонун билан чекланган ахборотлардан ташқари ички ишлар органларининг фаолияти ҳақида, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига бевосита дахлдор бўлган ҳаққоний ахборотни олиш ҳуқуқини беради.

Ваҳоланки, жамоатчилик назорати объектини тегишли норматив ҳужжатда аниқ ифодаланмаслиги олимлар томонидан баҳс-мунозара¹103га сабаб бўлаётган ҳолатдан ҳисобланади. Чунки субъект томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдан қандай мақсад кўзланганлигини ва унинг муайян соҳанинг айнан қайси объектига йўналганлиги аниқланмасдан туриб, кутилган натижага эришиб бўлмайди. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, бирор бир норматив ҳужжатда ички ишлар органларининг қайси тузулмалари фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти бўлиши мумкинлиги ҳамда уларнинг жамоатчилик назорати субъектлари билан ҳамкорлигини таъминлашга оид алоҳида тартиб назарда тутилмаган. Шундан келиб чиқиб, ички ишлар органлари фаолиятида жамоатчилик назорати объекти ҳақида гапирилганда, авваламбор, ички ишлар органлари тизими ҳақида батафсил тасаввурга эга бўлиш талаб этилади. Бинобарин, ушбу соҳада жамоатчилик назорати объектини аниқ белгилаш учун мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши ва шунга мос тарзда шакллантирилган ички ишлар органларининг маъмурий тизимлаштирилганлигини таҳлил қилиш лозим бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Шунга мувофиқ ички ишлар органларида вертикал ва горизонтал бошқариш тизимини жорий қилиш ҳамда мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши бўйича аҳолига самарали хизмат кўрсатадиган ва жиноятчиликка қарши курашишга қаратилган ҳудудий тузилмалари шакллантирилган. Шу нуқтаи назардан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ (13- модда), “Ички ишлар органлари тизимига Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси, вилоятлар ички ишлар бошқармалари, туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари), транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармалари (бўлимлари), жазони ижро этиш муассасалари, ички ишлар органларининг ўта

¹ Холиқова Ш.А. Жамоатчилик назорати шакллари ва уларни янада такомиллаштириш муаммолари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. –2019. – №2. – Б. 52- 60; Крицкая М.С. Объекты и субъекты общественного контроля за деятельностью полиции в условиях децентрализации государственного управления // Вестник ДВЮИ МВД России. – 2016. – № 3 (36). – С. 98-105.

муҳим ва тоифаланган объектлардаги бўлинмалари, шаҳарча ички ишлар бўлинмалари ва ички ишлар органларининг таянч пунктлари, шунингдек таълим ва тиббиёт муассасалари, ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этиладиган бошқа бўлинма ва ташкилотлар, шунингдек, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳуқуқлар ва имтиёзлардан фойдаланадиган қоровул кўшинлари ҳамда халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш бўйича кўшинлар киритилган.

Кўриб турганимиздек, бундай ёндошув, албатта, кенг кўринишга эга, аммо самарали жамоатчилик назоратини амалга ошириш олдида турган вазифалар мажмуи, бундай объектлар тизимига муайян соҳанинг барча тузилмаларини максимал даражада киритилишини тақозо этади. Демак, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, унинг соҳавий ва ҳудудий тузилмалари, шунингдек ички ишлар органлари зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун ташкил этилган бошқа бўлинма ва ташкилотларни киритишимиз мумкин.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ҳисобланади. Шу жиҳатдан, Ички ишлар вазирлиги давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва аҳолини мамлакатдаги криминоген вазият, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳолати, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, шунингдек Вазирлик ва ички ишлар органлари зиммасига юклатилган бошқа вазифаларнинг амалга оширилиши тўғрисида тизимли равишда хабардор қилиб боради. Шунинг учун, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш муаммоси ички ишлар органларига фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, мулк ва жамият манфаатларини жинойий ва бошқа қонунга хилоф тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган вазифалар ижросини самарали ҳал қилиш билан бевосита боғлиқдир. Бироқ, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий объектларидан ташқари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси юклатилмаган унинг таркибий тузилмаларидан иборат бўлган кўшимча объектларини ҳам ажратиш талаб этилади. Айни пайтда бундай тузилмалар Ички ишлар вазирлигининг марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмаларининг фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган фаолият олиб боради. Масалан, Ички ишлар вазирлигининг Кадрлар бош бошқармаси, Молия ва моддий-техника таъминоти бош бошқармаси, Тиббиёт бошқармаси, Ахборот

технологиялари, алоқа ва ахборотни ҳимоялаш бошқармаси, Ички ишлар вазирлигининг таълим муассасалари ва бошқа шу кабилар бунга мисол бўла олади. Шу сабабли, жамоатчилик назорати нафақат ички ишлар органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб қолмасдан, балки унинг мазкур йўналиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳаларига ҳам қаратилиши лозимдир.

Бундан ташқари, эътиборга олиш керакки, ички ишлар органлари ўз функциясига кўра махфий маълумотлар билан ишлайдиган бўлинмаларига ҳам эга ҳисобланади. Шу боис ички ишлар органларининг бундай бўлинмалари фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти бўлиши мумкин эмас ёки у маълум даражада чекланган хусусиятга эга бўлади. Зеро, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, “Жамоатчилик назорати субъектларининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин”.

Биз кўриб чиқадиган долзарб масалалардан яна бири ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати ўрнатиши мумкин бўлган субъектлар муаммоси ҳисобланади.

Қонунчиликка кўра, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати турли субъектлар томонидан амалга оширилиши мумкин. Хусусан, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунда (9-модда) “Ички ишлар органлари ўз фаолиятини очик ва шаффоф тарзда, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар, шунингдек оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда амалга оширади”¹, деб белгиланган. Бундан ташқари, “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасида, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъектлари сифатида назарда тутилган. Шунингдек, ушбу нормага мувофиқ жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Кўриб турганимиздек, қонунда жамоатчилик назорати субъектларига давлат органларидан ҳоли ва улардан деярли мустақил бўлган тоифадаги субъектлар киритилган. Аммо қайд этиш керакки, юридик адабиётларда

¹ Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрдаги ЎРҚ-407-сон Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.

жамоатчилик назорати субъектлари борасида ягона тўхтамга келинмаган. Жумладан, бу борада И.О.Сквирский, “Жамоатчилик назорати субъектлари фақат муайян давлатнинг фуқароси бўлибгина қолмасдан, балки унга чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам киритилиши лозим”¹, деб ёзади. Аммо биз жамоатчилик назорати муайян давлатда истеъкомат қилувчи фуқаролар ва жамоатчилик манфаатларига қаратилишини инобатга олиб, ушбу фикрни, қўллаб-қувватламаймиз.

Бундан ташқари, А.Б.Дидикин “Жамоатчилик назорати субъектлари қаторига инсон ҳуқуқлари, бола ҳуқуқлари ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вакилларни ҳам киритиш лозим”²лигини тавсия қилади. Гарчи, мамалакатимизда Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, бола ҳуқуқлари бўйича вакили ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилининг ваколатлари ва ҳуқуқлари тегишли қонун ҳужжатларида аниқ белгиланганлиги ҳамда улар тегишли давлат органи томонидан лавозимга тайинланишини инобатга олиб, жамоатчилик назорати субъектлари қаторига киритишни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, О.С.Соколова “Оммавий ахборот воситалари жамоатчилик назорати субъекти бўлиши мумкин эмас, чунки улар ахборот тарқатиш воситаси ҳисобланади холос”³, деб ёзади. М.С. Крицкая эса, “Давлат оммавий ахборот воситалари ва давлат бюджетидан тўла ёки қисман молиялаштириладиган оммавий ахборот воситаларини жамоатчилик назорати субъекти деб ҳисобламаслик лозимлигини”⁴ билдиради.

Шу ўринда, айтиш жоизки, мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 3 август куни миллий маданиятимиз намояндалари, ижод аҳли билан учрашувида бу соҳадаги ижодкорларга нисбатан “Нима учун маданий ҳаётимизда танқидий руҳ сезилмайди? Соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинакам ижод бўлиши мумкинми ўзи?”⁵ деб мурожаат қилганлигини эслаш диққатга сазовордир. Чунки, баҳс-мунозара, ошкоралик, шаффофлик бўлмаган жойда ҳеч қачон тараққиёт, ривожланиш бўлмайди. Зеро, ошкоралик коррупция ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва

¹ Сквирский И.О. Понятие и основные признаки общественного контроля в современной административно-правовой доктрине Украины // Административное право и процесс. – 2013. – № 4. – с. 65-66.

² Дидикин А.Б. Правовые формы участия граждан в общественном контроле // Гражданское общество в России и за рубежом. – 2015. – № 1. – С. 122-127.

³ Соколова О.С. Правовое регулирование участия граждан в общественном контроле // Административное и муниципальное право. – 2015. – № 2. – С. 61-63

⁴ Крицкая М.С. Объекты и субъекты общественного контроля за деятельностью полиции в условиях децентрализации государственного управления // Вестник ДВЮИ МВД России. – 2016. – № 3 (36). – С. 98-105.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Халқ сўзи. – 2017. – 4 сент.

манфаатлари бузилишини олдини олади, бу соҳадаги мавжуд муаммоларга ҳаққоний ва ўз вақтида ечим топади. Шу боис фикримизча, мамлакатимизда ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, мамлакат медиа-бозорини ривожлантириш орқали оммавий ахборот воситаларини том маънодаги “тўртинчи ҳокимият” даражасига етказишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётганлигини инобатга олиб, оммавий ахборот воситалари давлат ёки нодавлат хусусиятга эга бўлиши ёхуд давлат бюджетдан молиялаштирилиши ёки молиялаштирилмаслигидан қатъи назар жамоатчилик назорати субъекти сифатида тан олинishi мақсадга мувофиқдир.

Демак, айтилганлардан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тўғридантўғри Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат ноижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, шунингдек, жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан амалга оширилиши мумкин. Негаки, ушбу субъектлар ички ишлар органларининг айрим ходимлари томонидан йўл қўйилган хато ва камчиликлар, қонун бузилиш ҳолатлари тўғрисида объектив ва ишончли маълумот олишдан манфаатдор ҳисобланади. Зотан, фуқаролар жамоатчилик назоратига оид тадбирларни ўтказиш учун кўпроқ манфаатдор бўладилар, чунки давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун бузилиш ҳолатларининг оқибатлари биринчилардан бўлиб уларга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам айнан фуқаролар давлат органларини мавжуд қонунбузилиш ҳолатларига нисбатан эътиборини қарата олишлари ва уларни баратараф этишга йўналтира олишлари мумкин. Гарчи, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги шахс билан давлатнинг доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилаб берувчи мезондирки, бу алоқа уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва бурчларида ифодаланади¹. Негаки, фуқароларнинг ички ишлар органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш жараёнига жалб қилиш орқали жамоатчиликнинг ички ишлар органларига бўлган ишончини ошириш, ички ишлар органлари ходимларининг коррупцион хаттиҳаракатларига нисбатан муросасизлик кайфиятини шакллантириш ҳамда ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш каби муҳим вазифалар ҳал қилинади.

Шу сабабдан жамоатчилик назорати субъектлари қаторида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари алоҳида ўринга эга ҳисобланади. Улар ўз навбатида жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз

¹ Нурмухаммедова Г.Б. Ички ишлар органларида коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назорати субъектларининг ваколатлари // Ҳуқуқий тадқиқотлар журнали. –2018. – №7. – Б. 51.

вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок этиш давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади. Фуқаролар жамоатчилик назоратини амалга оширишда бевосита ёки жамоат бирлашмалари, бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари таркибида ҳам иштирок этиш ҳуқуқига эга. Айтиш пайтда фуқароларнинг жамоатчилик назоратида иштирок этиши эркин ва ихтиёрий бўлиши лозим. Ҳеч ким фуқарога уни жамоат назоратида қатнашишга мажбурлаш учун таъсир ўтказишга, шунингдек унинг жамоат назоратида иштирок этиш ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

*Ҳ.И. Исмоилов**

Янги Конституциямиз – Янги Ўзбекистон пойдевори

Маълумки, О‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoev tomonidan 2022-yil 28-yanvarda “2022-2026-yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-60-sonli Farmoni qabul qilindi.

Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasida o‘z aksini topayotgan, adolatli va xalqparvar davlat barpo etishda muhim kasb etadigan vazifalarni amalga oshirish, asosiy Qonunimizni jamiyatdagi bugungi real voqelikka, shiddatli islohotlarimiz mantig‘iga moslashtirish, Yangi O‘zbekiston taraqqiyot strategiyasi uchun mustahkam huquqiy poydevor yaratish muhim vazifaga aylanmoqda [1].

Yurtboshimiz O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganligining 29 yilligi munosabati bilan O‘zbekiston xalqiga bayram tabrigida, Konstitutsiyaga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritishdan ko‘zlangan maqsad - Asosiy qonunimizni jamiyatdagi bugungi real voqelikka, shiddatli islohotlarimiz mantig‘iga moslashtirishdan iborat ekanligini ta’kidlab o‘tdilar [2].

2022 yil 20 may kuni O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashi va Qonunchilik palatasi Kengashining qo‘shma majlisi bo‘lib o‘tdi. Qo‘shma majlisda mamlakatimizda konstitutsiyaviy islohotlarni amalga oshirishga oid choralarni ko‘rish masalalari muhokama qilindi. Yig‘ilishda Konstitutsiyaga o‘zgartirishlar kiritish bo‘yicha takliflarni shakllantirish va tashkiliy chora-tadbirlarni amalga oshirish yuzasidan Konstitutsiyaviy komissiya tuzildi [3]. Konstitutsiyaviy komissiya tomonidan tayyorlangan “O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy qonuni loyihasining matni 2022 yil 25 iyundan 1 avgustga qadar umumxalq muhokamasidan o‘tkazildi. Umumxalq muhokamalarida Konstitutsiyaviy

* Божхона институти “Умумхуқуқий фанлар” кафедраси катта ўқитувчиси

qonun loyihasi bo'yicha 222 ming 715 ta taklif kelib tushgan va ular asosida loyiha takomillashtirilib, maromiga yetkazilgan. Deputatlar Konstitutsiyaviy qonun loyihasini tayyorlash jarayonida 400 dan ortiq xalqaro hujjatlar, 190 ga yaqin davlatlar konstitutsiyalari puxta tahlil qilingani, xalqaro ekspert va mutaxassislar tomonidan xalqaro huquqning umume'tirof etilgan barcha qoidasini o'zida mujassam qilgan hujjat sifatida yuqori baholanganini qayd etdilar.

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasiga kiritilayotgan o'zgartish va qo'shimchalarning hajmi va ko'lami, hususan, uning moddalari 128 tadan 155 taga ko'payotganligi, amaldagi 128 ta moddadan 91 tasiga konseptual o'zgarishlar kiritilayotganligini inobatga olib, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy qonuni loyihasining nomi o'zgartirilib, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini yangi tahrirda bayon etish to'g'risida qaror chiqarilgan [4].

2023 yil 15 mart kuni "O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy qonunining loyihasi ommaviy axborot vositalarida e'lon qilindi. Unga ko'ra Konstitutsiya loyihasi 6 ta bo'lim, 27 ta bob, 155 ta moddadan iborat tarzda shakllandi.

2023-yil 30-aprel kuni bo'lib o'tgan umuxalq referendumida xalqimiz o'zining yuksak siyosiy ongi, huquqiy ma'daniyati va dunyoqarashini namoyon etib, yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini qabul qildi. Ushbu konstitutsiya davlatchilik, ijtimoiy-siyosiy, ijtimoiy-iqtisodiy va sud-huquq sohalarini bundan keyin ham barqaror rivojlantirish uchun mustahkam zamin yaratdi.

Yangi tahrirdagi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasini chuqurroq anglab yetish uchun, uning o'ziga xos hususiyatlariga e'tibor berish lozim. Ya'ni o'ziga xos hususiyatlariga qarab, uning oldingi konstitutsiyalardan farqlari va afzalliklari nimalardan iborat ekanligini anglaymiz [5].

O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining asosiy o'ziga xos hususiyatlari:

1. O'zbekiston – boshqaruvning respublika shakliga ega bo'lgan suveren, demokratik, huquqiy, ijtimoiy va dunyoviy davlat deb belgilanganligidir. (O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 1-moddasi)

2. Milliy urf-odatlar va an'analar e'tiborga olinganligi. (127-modda mahallaga konstitutsiyaviy maqom berildi, 14-bob ya'ni oila, bolalar va yoshlarga alohida bob ajratildi, 80-modda voyaga yetgan mehnatga layoqatli farzandlar o'z ota-onalari haqida g'amxo'rlik qilishga majburdirlar)

3. Ijtimoiy hayot - siyosiy institutlar, mafkuralar va fikrlarning xilma-xilligi asosida rivojlanishining belgilanganligidir. (Shunga asosan hozirgi vaqtda Respublikamizda beshta siyosiy partiya ya'ni, *Tadbirkorlar va ishbilarmonlar harakati - O'zbekiston Liberal-demokratik partiyasi, *O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasi, *O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi, *O'zbekiston

“Adolat” sotsial-demokratik partiyasi, *O‘zbekiston ekologik partiyasi faoliyat ko‘rsatmoqda)

4. O‘zbekiston Respublikasida o‘lim jazosi taqiqlanadi deb belgilanganligidir. (O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 25-moddasi)

5. Miranda qoidalariga asosan normalar kiritilganligi. (Shaxsni ushlab chog‘ida unga tushunarli tilda uning huquqlari va ushlab turilishi asoslari tushuntirilishi shart. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 27-moddasi. Agar shaxsning o‘z aybini tan olganligi unga qarshi yagona dalil bo‘lsa, u aybdor deb topilishi yoki jazoga tortilishi mumkin emas. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 28-moddasi)

6. Advokaturaga alohida bob ajratilganligidir. (O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 24-bobi. 141,142-moddalar) unga ko‘ra Advokat o‘z kasbiy vazifalarini amalga oshirayotganda uning faoliyatiga aralashishga yo‘l qo‘yilmaydi.

Advokatga o‘z himoyasidagi shaxs bilan moneliksiz va xoli uchrashish, maslahatlar berish uchun shart-sharoitlar ta‘minlanadi.

Advokat, uning sha‘ni, qadr-qimmatini va kasbiy faoliyati davlat himoyasida bo‘ladi va qonun bilan muhofaza qilinadi.

Shunday ekan, Prezidentimiz ta‘kidlaganlaridek har bir fuqaromizda konstitutsiyaviy huquq madaniyatini, konstitutsiyaviy ongini va asosiy qonunga hurmat hissini shakllantirsak hamda barcha davlat organlari, mansabdor shaxslar, fuqarolarning yangi konstitutsiyaviy norma va prinsiplarga og‘ishmay amal qilishini ta‘minlasak, o‘ylagan buyuk maqsadlarimizga albatta erishamiz.

Buning uchun O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi kunini munosib kutib olish va yuksak saviyada nishonlash, Asosiy qonunimizda belgilangan demokratiya, erkinlik va tenglik, ijtimoiy adolat va birdamlik g‘oyalari atrofida fuqarolarni jipslashtirish, “Konstitutsiya-xalqchil davlat, barqaror taraqqiyot va farovon hayot asosi!” degan bosh g‘oyani o‘zida mujassam etgan tashkiliy-amaliy hamda ma‘naviy-ma‘rifiy tadbirlarni samarali tashkil etish;

so‘ngi yillarda iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy-ma‘naviy hayotning turli sohalarida amalga oshirilayotgan keng ko‘lamli islohotlar va bu borada erishilayotgan natijalarni mustahkamlashda yangi tahrirdagi Konstitutsiyaning o‘rni va rolini yoritish;

“Konstitutsiya-xalqchil davlat, barqaror taraqqiyot va farovon hayot asosi!” degan hayotiy shiorning mohiyati va ahamiyatini’ yangi tahrirdagi Konstitutsiya asosida inson huquq va erkinliklari sohasida mutlaqo yangi bosqichga o‘tilganligini ochib berish;

mulkiy huquqlarning ishonchli himoyasini ta‘minlash, ushbu huquqlarni cheklayotgan omillarni bartaraf etish, sog‘liqni saqlash, ilm-fan, madaniyat, san‘at va sport sohalarini rivojlantirish, nuroniylar, xotin-qizlar va yoshlarga doimiy e‘tibor

va g'amxo'rlik ko'rsatish, oila, onalik, bolalik va otalikni himoya qilish bo'yicha amalga oshirilayotgan islohotlarning ahamiyatini keng targ'ib qilish muhim ahamiyatga ega.

Bugun Konstitutsiyamizning yangi normalarida asosiy e'tibor inson, jamiyat va davlatning barqaror rivojlanishini ta'minlashga qaratilganini ishonch bilan ta'kidlash mumkin. Yangi tahrirdagi Asosiy qonunning qabul qilinishi bilan bu borada yanada mustahkam konstitutsiyaviy-huquqiy asos yaratildi. Binobarin, Yangi O'zbekiston o'zining ushbu sohalardagi xalqaro majburiyatlariga qat'iy sodiqligini yana bir bor namoyon etdi.

Konstitutsiyamizda Yevropa, Osiyo, Sharq va Amerika mintaqalarida joylashgan dunyo davlatlarining ijobiy konstitutsiyaviy tajribasi o'z aksini topgan. Asosiy qonunimiz huquqshunos olimlar, siyosatshunoslar, ko'plab xalqaro tashkilotlar mutaxassisleri tomonidan sinchiklab o'rganilgan bo'lib, unga inson huquqlari bo'yicha xalqaro huquq normalari qo'shimcha ravishda uyg'unlashtirilgandir.

Ishonchimiz komilki, xalqaro tashkilotlar vakillari va ekspertlar xolis va to'g'ri ta'kidlaganlaridek, O'zbekiston Konstitutsiyasining yangi tahrirda qabul qilinishi "Inson sha'ni va qadr-qimmatini uchun" tamoyili asosida xalq farovonligini yanada yuksaltirish, inson, fuqarolik jamiyati va davlatni jadal rivojlantirish uchun mustahkam zamin yaratadi.

Iqtiboslar/Сноски/References:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Farmoni, 28.01.2022 yildagi PF-60-son <https://lex.uz/docs/5841063>

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning O'zbekiston Respublikasi mustaqilligining 29-yiliga bag'ishlangan tantanali marosimdagi nutqi <https://aniq.uz/uz/yangiliklar/>

3. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Kengashi, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining qo'shma qarori, 20.05.2022 yildagi 2123-IV-son <https://lex.uz/ru/docs/6063569>

4. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy sudining qarori, 13.03.2023 yildagi KSQ-4-son <https://lex.uz/ru/docs/6405731>

5. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasi Spikerining birinchi o'rinbosari, Inson huquqlari bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Milliy markazi direktori Akmal Saidovning "Inson sha'ni, qadr-qimmatini, huquqlarining mustahkam kafolatlari" nomli maqolasi Xalq so'zi gazetasi 250 son 24.11.2023 yil .

Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари

Мамлакатимизда амалга оширилган конституциявий ислоҳот ва янги таҳрирдаги Конституциянинг қабул қилиниши янги тараққиёт босқичининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий асосларини олий даражада мустаҳкамлади. Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон ҳуқуқий тизимининг асоси бўлиб, у мамлакатда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар учун пойдевор вазифасини бажармоқда.

Янги таҳрирдаги Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш масаласида умумхалқ муҳокамаси ва референдумнинг ўтказилиши ҳар бир фуқарога мамлакат сиёсий тузилмасини шакллантиришда иштирок этишини, инсон, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларнинг мутлақо янги тизимига бевосита ўз фикрини қўшган ва овоз берган ҳолда муносабат билдиришини таъминлаган демократия намунаси бўлди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг кафолатлари ва механизмлари энг юқори даражада – Асосий қонун даражасида кучайтирилди. Зеро, Янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини фақат тан олишнигина эмас, балки уларга риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш асосларини ҳам кучайтириш мақсад қилиб қўйилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, Конституцияга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 40 фоизидан ортиғи, янги киритилган 27 та норманинг 11 таси тўғридан тўғри инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга тааллуқли эканлиги, нормаларининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга тўла мувофиқлаштирилганлиги янги таҳрирдаги Конституциянинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари устуворлигини тўлақонли таъминлашдан иборат моҳиятини белгилайди.

Аввалги Конституциянинг асосий тамойили “давлат – жамият – инсон” ҳисобланган бўлса, Янги таҳрирда ушбу тамойил “инсон – жамият – давлат” принципига ўзгартирилди. Яъни, энг аввало инсон манфаатини ҳар нарсадан устун қўйишни мақсад қилинганлиги нафақат ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлади, балки уларни амалга оширишни таъминлаш чоратадбирларини, кафолатларини ҳам вужудга келтирди. Буни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муқаддимасида “Биз, Ўзбекистоннинг ягона халқи – инсон ҳуқуқ ва эркинликларига содиқлигимизни тантанали равишда

* ИИВ МОИ Юридик фанлар кафедраси ўқитувчиси

эълон қилиб”, деб бошланиши ҳам Ўзбекистонда бундан буён жамият ва давлатнинг асосий мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлашдан иборат бўлишини ифодалайди.

Конституциянинг иккинчи бўлими Инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган. Иккинчи бўлим, ўз ичига V-XI бобларни ва 19-64-моддаларни қамраб олади ва у ушбу нормаларда шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва экологик ҳуқуқлари белгиланган ва шунингдек алоҳида боб, яъни X боб билан уларнинг кафолатлари кўрсатиб ўтилган.

Асосий қонунимизнинг **19-моддасига** биноан, Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга туғилганидан бошлаб тегишли бўлади. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

20-моддага мувофиқ, инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди. Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

Янги Ўзбекистоннинг янги Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади этиб белгиланганлигини эътироф этиш жоиз. Хусусан, **54-моддада** “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсадидир. Давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди” деб умуман янги норманинг киритилиши шу соҳада давлатнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда асосий кафолат эканлигини белгилаб бермоқда.

Шунингдек инсоннинг ажралмас ҳуқуқлардан бири – ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқидир. Бу умумэътироф этилган ва халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган ҳуқуқдир. Конституциянинг **55-моддасига** янги хатбоши киритилиб, унга кўра “Ҳар ким Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва халқаро шартномаларига мувофиқ, агар

давлатнинг ҳуқуқий ҳимояга доир барча ички воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи халқаро органларга мурожаат этишга ҳақли” деб белгиланди.

Қонунчиликда ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатлаб қўйилган. Шахснинг бузилган ҳуқуқ ва эркинларини тиклаш масаласи унинг ҳаётида ўта муҳим ўрин тутганлиги сабабли, судлар томонидан чиқарилган қарорларни апелляция, кассация ёки назорат тартибида қайта кўриб чиқиш институтлари жорий этилган.

Шунингдек, БМТнинг инсон ҳуқуқларига оид умумътироф этилган халқаро ҳужжатларида шахснинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқлар камситилганда ҳамда ирқий, аёлларга, болалар, ногиронларни камситиш ҳолати, қийноқлар жазолашнинг шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситадиган турлар қўлланилганда фуқаро унинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ҳолларда ҳуқуқларини тиклаш мақсадида БМТнинг тегишли қумиталарга мурожаат қилиши мумкинлиги белгиланган ва Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг ушбу нормасини ўзининг асосий Қомусида акс эттириши давлатнинг асосий фаолияти ва кафолати шу йўналишга қаратилганлигини, Қомус аввали инсон, унинг унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ва уларнинг кафотлари эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бунда фуқаро халқаро органларга мурожаат этиши учун, ушбу ҳуқуқ шахсга ўз давлатида яратилган барча ҳуқуқий ҳимоя механизмларидан ҳам қониқмаган тақдирда, ўз ҳақ-ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилиш ва низолашаётган масаласини халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда ҳал қилиш имкониятини яратади.

56-моддага мувофиқ, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, жумладан Омбудсман, Болалар омбудсмани, Бизнес- омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мавжуд шакллари ҳамда воситаларини тўлдиради, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ва инсон ҳуқуқлари маданиятини юксалтиришга кўмаклашади. Давлат инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратади.

Конституциядаги мутлақо янги нормалардан яна бири — **57-модда**. Унга кўра меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир. Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида

тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради. Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашиши, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлаши аниқ белгилаб берилди.

Шундай қилиб, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – олий юридик кучга эга бўлган асосий қонун бўлиб, инсон қадрлари ҳамда ҳуқуқ ва эркинларини таъминлашнинг энг муҳим, устувор қафолатларини белгилади. Бунда Конституцияда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларидан ташқари, уларнинг қафолатлари қатъий белгилаб қўйилиши Янги Ўзбекистонни жаҳон халқларига инсон қадрлари ва манфаатларини ҳимоя қиладиган, адолатли, илғор давлат сифатида танитади.

*A.Y. Toshmuxammatov**

Ommaviy tadbirlar o‘tkazishda milliy gvardiya faoliyatini takomillashtirishning konstitutsiyaviy-huquqiy masalalari

Bugungi kunda fuqarolarning xavfsizligini ta’minlash va turli xarakterdagi hamda yo‘nalishdagi ommaviy tadbirlarda jamoat tartibini saqlash va xavfsizlikni ta’minlash Milliy gvardiya harbiy xizmatchi va xodimlar faoliyatning asosiy yo‘nalishlaridan biriga aylandi. O‘zbekiston Respublikasida turli xil xalqaro va milliy miqyosda ommaviy tadbirlarning yildan yilga ko‘payib borishi ham, mamlakatimizga bo‘lgan ishonchning ortishidan dalolat beradi. Bu esa o‘z navbatida jamoat tartibi va xavfsizligini ta’minlashni takomillashtirish va samarali mexanizmlarni ishlab chiqishni taqazo etadi.

Mamlakatimizning tinchligi, osoyishtaligi va xavfsizligi, huquqbuzarliklarning, ijtimoiy-maishiy tushdagi jinoyatlarning oldini olish, jinoyatchilikka qarshi kurash, ularga chek qo‘yish, sodir etilganlarini fosh etish, jamoat tartibini saqlashning mutlaqo yangi mexanizmlarini joriy etish hamda aholida shaxsiy xavfsizlik hissini shakllantirish borasida tizimli va samarali chora-tadbirlari amalga oshirilishida sezilayotgan kamchiliklar, tizimli ishlarning sustligi, bu borada ishlarning samarali tashkil etish maqsadida yana bir organ — O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi tashkil etildi, uning huquqiy asosi, ya’ni “O‘zbekiston Respublikasining Milliy gvardiyasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining qonuni qabul qilindi [1].

* O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti kafedra o‘qituvchisi, katta leytenant

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev mamlakatimiz tinchligi va jamoat xavfsizligini ta'minlash, jinoyatchilikning oldini olish borasidagi kelgusi vazifalarga bag'ishlangan videoselektor yig'ilishida shu haqda to'xtalib, Jumladan, jamoat xavfsizligi va shaxsiy mulk daxlsizligini ta'minlashga Ichki ishlar vazirligi bilan bir qatorda Milliy gvardiya ham bab-baravar javobgar ekanligini ta'kidladi [2].

Mamlakatimizda Milliy gvardiya organlari tashkil etilganligining yana bir dolzarbligini butun dunyo va respublika bo'ylab e'lon qilingan koronavirus pandemiyasi sharoitidagi ko'rsatgan jonbozligi va soha xodimlarining tun-u kun tinim bilmay qilgan mehnatlarida ham yaqqol namoyon bo'ldi.

Milliy gvardiya to'g'risida qonunning qabul qilinishi bilan Milliy gvardiyaning faoliyatini huquqiy tartibga solindi va unda organning huquqiy maqomi hamda asosiy vazifalari belgilab berildi [1].

Shu bilan birga, mazkur qonun bilan Milliy gvardiya faoliyatining asosiy prinsplari etib qonuniylik, fuqarolarning huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlariga rioya etish hamda ularni hurmat qilish, yagonalik, mustaqillikdan iboratligi, Milliy gvardiya harbiy xizmatchisining (xodimining) o'z vakolatlari doirasida qo'yilgan qonuniy talablari, shu jumladan qonunga rioya etish, hujjatlarni, tekshiruv materiallarini va boshqa ma'lumotlarni taqdim etish, mutaxassis ajratish, Milliy gvardiyaga kelish hamda aniqlangan qonunbuzarliklar xususida tushuntirishlar berish to'g'risidagi, qoidabuzarliklarni, shuningdek ularning sabablarini va sodir etilishiga imkon bergan shart-sharoitlarni bartaraf etish haqidagi qonuniy talablari barcha davlat organlari, boshqa tashkilotlar, mansabdor shaxslar va fuqarolar tomonidan bajarilishi majburiyligi o'rnatildi hamda Milliy gvardiyaning huquq va majburiyatlari, harbiy xizmatchilarning (xodimlarining) huquqiy va ijtimoiy himoya qilish kabi normalar mustahkamlandi.

O'zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi va hamkor vazirliklarning jamoat tartibi va fuqarolar xavfsizligini ta'minlashdagi hozirgi kunda olib borayotgan samarali ishlari natijasida respublikamizda tinchlik va osoyishtalik hukm surmoqda, bu esa o'z navbatida mamlakatimizda demokratik islohotlarni davom ettirish va fuqarolik jamiyatini shakllantirishga imkon yaratadi. Huquqni muhofaza qiluvchi organlarni jamoat tartibini saqlash va fuqarolar xavfsizligini ta'minlash borasidagi barcha harakatlari avvalom bor O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi va qonunlari asosida bo'lishini ta'minlash lozim.

Bu borada Davlatimiz rahbarining quyidagi fikrlarini keltirish o'rinli bo'ladi, "Mustaqil taraqqiyot yillarida Konstitutsiyamiz yurtimizda huquqiy demokratik davlat, kuchli fuqarolik jamiyati, erkin bozor munosabatlari va xususiy mulk ustuvorligiga asoslangan iqtisodiyotni qurish, xalqimiz uchun tinch, obod va farovon hayot barpo etish, O'zbekistonning xalqaro maydonda munosib o'rin egallashida mustahkam poydevor bo'lib xizmat qilmoqda"[4] deya ta'kidlab o'tgandilar.

Respublikamizda har yili o'tkaziladigan o'rtacha 25 mingga yaqin ommaviy tadbir davrida Milliy gvardiya bo'linmalari jamoat tartibi va xavfsizligini ta'minlashda ishtirok etadilar. Agar biz bu ommaviy tadbirlarda 50 milliondan ortiq fuqarolarni ishtirok etishini inobatga olsak[5], Milliy gvardiya va hamkor organlar tomonidan amalga oshiriladigan huquqiy, tashkiliy va amaliy tadbirlarni fuqarolar xavfsizligini ta'minlashdagi mas'uliyati hamda murakkab tomonlarini yaqqol anglashimiz mumkin.

So'nggi yillarda O'zbekiston mashhur sayyohlik maskaniga aylanib borayotganligi, buning natijasida, dunyoning barcha burchaklaridan tashrif buyuruvchilarni o'ziga tortayotganligini ko'rishimiz mumkin. O'zining boy tarixi, jonli madaniyati va hayratlanarli manzaralari bilan mamlakat juda ko'p narsalarni taklif qila oladi. O'zbekiston bo'ylab o'tkazilayotgan ommaviy tadbirlar sonining ortib borayotgani sayyohlik jadal rivojlanishiga xizmat qiluvchi asosiy omillardan biridir. Ushbu tadbirlarning muvaffaqiyatini yanada oshirish va tashrif buyuruvchilar va mahalliy aholi uchun unutilmas tajriba bilan ta'minlash uchun ularni tashkil etish va amalga oshirishning turli jihatlarini yaxshilashga e'tibor qaratish juda muhimdir.

Inklyuziv muhit yaratish ommaviy tadbirlarni takomillashtirish yo'lidagi birinchi qadamdir. O'zbekiston o'zining rang-barang madaniy merosi bilan faxrlanadi. Ushbu xilma-xillikni ommaviy tadbirlarga integratsiya qilish nafaqat inklyuzivlikni targ'ib qiladi, balki tashrif buyuruvchilarga mamlakatning ko'plab madaniy qirralarini qadrlash imkoniyatini beradi. Tadbir tashkilotchilari O'zbekistonda istiqomat qiluvchi turli etnik guruhlarining urf-odatlarini va an'analarini aks ettiruvchi chiqishlar, ko'rgazmalar va namoyishlarni o'z ichiga olishi mumkin. Bu nafaqat mamlakatning madaniy xilma-xilligini nishonlaydi, balki mahalliy aholiga o'z ildizlari bilan qayta bog'lanish imkoniyatini beradi, g'urur va birdamlik tuyg'usini uyg'otadi.

Ko'rib chiqilishi kerak bo'lgan yana bir muhim jihatlardan biri bu - ommaviy tadbirlar o'tkazishni tartibga solinganligi. O'zbekiston Respublikasi so'nggi yillarda infratuzilmani yaxshilash borasida sezilarli yutuqlarga erishmoqda. Biroq hali ham takomillashtirish kerak bo'lgan ayrim jihatlar mavjud. Xususan, tadbir o'tkaziladigan joylar nogironlar uchun qulay bo'lishini ta'minlash, belgilangan to'xtash joylari va panduslarni taklif qilish va Brayl alifbosidagi ma'lumotlarni taqdim etish tadbirlarni yanada qamrab olish yo'lidagi muhim qadamdir. Nogironlarga yordam berish uchun tadbir xodimlarini o'qitish va jamoatchilikni foydalanish imkoniyatining muhimligi haqida xabardor qilish inklyuziv muhitni yaratishga yordam beradi. Shuningdek, ommaviy tadbirlarni o'tkazuvchi subyektlar va xavfsizlikni ta'minlovchi organlarga oid normalarda ham ushbu holatni ta'minlash bilan bog'liq nomralarning aks etishi yurtimizga bo'lgan ishonchning yanada ortishiga, ayniqsa, yangi tahrirda qabul

qilingan[6] Konstitutsiyamizning 1-moddasi ijrosi ta'minlanganligining yana bir isboti bo'lar edi.

Bundan tashqari, mahalliy hamjamiyatlarni ommaviy tadbirlarni rejalashtirish va amalga oshirishga jalb qilish ularning muvaffaqiyatini sezilarli darajada oshirishi mumkin. Jamiyatning ishtiroki mahalliy aholida egalik va g'urur tuyg'usini uyg'otadi, bu esa barcha ishtirokchilar uchun tadbirlarni yanada mazmunli va qiziqarli qiladi. Mahalliy hunarmandlar, musiqachilar va ijrochilarni tadbir tarkibiga jalb qilish ularning iste'dodlariga e'tibor qaratib, ularga munosib baho berishi mumkin. Bu yondashuv nafaqat madaniy almashinuvni rag'batlantiradi, balki iqtisodiy imkoniyatlarni ta'minlash orqali mahalliy hamjamiyatlarga kuch beradi.

Ommaviy tadbirlarga tashrif buyuruvchilarni jalb qilishda targ'ibot va xabardorlik muhim rol o'ynaydi. Ijtimoiy media, an'anaviy media va sayyohlik veb-saytlari kabi turli platformalardan foydalanish shov-shuvni yaratishga va mahalliy va xalqaro ishtirokchilarni jalb qilishga yordam beradi. Ta'sir o'tkazuvchilar, bloggerlar va ommaviy axborot vositalari xodimlarini ushbu tadbirlarda ishtirok etish tajribasi bilan o'rtoqlashish uchun jalb qilish, shuningdek, potensial tashrif buyuruvchilar orasida qiziqish uyg'otishga yordam beradi. Bundan tashqari, sayyohlik agentliklari va turoperatorlarni tadbirlarni rag'batlantirishga jalb qilish ularning sayyohlik marshrutlariga (madaniy-ma'rifiy, sport musobaqalari, xalq sayllari, milliy bayramlar va boshqalar) kiritilishini ta'minlashi, tashrifni yanada oshirishi mumkin.

Qolaversa, O'zbekistonning tabiiy go'zalligini asrab-avaylash va yashil kelajakni ta'minlash uchun ommaviy tadbirlarga barqaror amaliyotlarni kiritish muhim ahamiyatga ega. Tadbir tashkilotchilarini ekologik toza materiallardan foydalanishga, qayta ishlashni targ'ib qilishga va chiqindilarni kamaytirishga undash ushbu yig'ilishlarning atrof-muhitga ta'sirini minimallashtirishga yordam beradi.

Bundan tashqari, ishtirokchilarni barqaror turizm amaliyotlari va ularning mamlakatning tabiiy resurslarini saqlashdagi roli haqida ma'lumot berish ongli va ekologik jihatdan mas'uliyatli tashrif buyuruvchilar bazasini yaratishi mumkin.

Ekologiya va atrof-muhitni muhofaza qilish sohasida faoliyatni takomillashtirish maqsadida Ma'muriy javobgarlik to'g'risidagi kodeksning ayrim moddalariga o'zgaritirish va qo'shimchalar kiritilganligi[7] ham ekologik nazarda tutilgan ma'muriy huquqbuzarliklar to'g'risidagi ishlar ichki ishlar organlari va Milliy gvardiyaning yurisdiksiyasiga o'tkazilishi ham, ayni ko'zlangan maqsadlardan biridir.

Hozirgi kunda davlat siyosatining muhim tarkibiy qismi davlat xavfsizligi tizimini zamonaviy ijtimoiy-iqtisodiy sharoitlarda, shu jumladan ommaviy tadbirlar paytida: ijtimoiy-siyosiy, sport, madaniy va ko'ngilochar tadbirlarda o'zbek jamiyatining ajralmas mexanizmi sifatida tartibga solishdir.

Milliy gvardiya harbiy xizmatchilar va xodimlari tomonidan ommaviy tadbir davrida jamoat tartibi va xavfsizligini ta'minlash tadbirlari Jamoat xavfsizligini ta'minlash konsepsiyasi, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2014-yil 29-iyuldagi 205 – sonli qarori bilan tasdiqlangan “Ommaviy tadbirlarni tashkil etish va o'tkazish tartibini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida”gi qarori va O'zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi va Milliy gvardiyasining 2020-yil «26» fevraldagi 8 –sonli qo'shma qarori va boshqa normativ–huquqiy hujjatlar asosida olib borilmoqda.

Bundan tashqari Milliy gvardiya harbiy xizmatchilar va xodimlari tomonidan ommaviy tadbirlarni o'tkazishda jamoat tartibi va xavfsizligini ta'minlash borasidagi ishlari “Milliy gvardiya tog'risida”gi[1] qonun, “Huquqbuzarliklar profilaktikasi to'g'risida” [8] qonun, “Favqulotda holat to'g'risida” [9] gi qonun va boshqa normativ huquqiy hujjatlar bilan ham tartibga solinadi.

Milliy gvardiya va hamkor organlar ommaviy tadbirlarni o'tkazishga tayyorgarlik ko'rishda birinchi navbatda xavfsizlikni ta'minlovchi organlar tomonidan amalga oshiriladigan tadbirlar tashkiliy, tezkor-qidiruv, profilaktik, yo'l harakati xavfsizligini ta'minlash va yong'in xavfsizligini ta'minlashdan iborat.

So'nggi yillarda ommaviy tadbirlar sonining yanada oshib borishi, bu sohadagi qonunchilikni takomillashtirishni taqazo etmoqda. Har yili mamlakatimizda 25 mingga yaqin ommaviy tadbirlar o'tkazilishini hisobga olsak, ularning asosiy qismi Qoraqalpog'iston Respublikasi, Toshkent shahri va viloyatlar markazlarida o'tkazilishini anglash qiyin emas. Chunki asosiy ommaviy tadbir o'tkazish obyektlari(ochiq joy uchastkalari, binolar, inshootlar, madaniyat-ma'rifat markazlari, sport majmualari, tarixiy obidalar, istirohat bog'lari xiyobon va boshqalar) Toshkent shahri va viloyatlar markazida joylashgan. Bunday joylarda ya'ni 1-toifadagi ommaviy tadbirlarda fuqarolar xavfsizligi va jamoat tartibini ta'minlash 2023-yil 6-noyabrdagi “Ekologiya va jamoat tartibini saqlash sohalaridagi qonunchilik takomillashtirilishi munosabati bilan O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida”gi qonuniga asosan Milliy gvardiya organlari tomonidan amalga oshirilishi belgilangan. Ommaviy tadbirlarning asosiy qismini 1-toifadagi ommaviy tadbirlar tashkil etganligi bois Milliy gvardiya harbiy xizmatchi va xodimlarning ortiqcha xizmat yuklamalari bilan ishlashga majbur qiladi. Ayniqsa alohida toifadagi ommaviy tadbir o'tkaziladigan vaqtlarda bu xizmat yuklamalari yanada ortadi.

Birinchi toifadagi ommaviy tadbirlarni o'tkazish obyektlari ro'yxati Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari takliflari bo'yicha Vazirlar Mahkamasi tomonidan tasdiqlanadi. Ayrim ommaviy tadbirlar esa O'zbekiston Vazirlar Mahkamasi, Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi, viloyatlar va Toshkent shahar hokimliklari qarorlari

asosida, birinchi va ikkinchi toifadagi ommaviy tadbirlarni o'tkazish ob'ektlari ro'yxatlariga kiritilmagan joylarda o'tkazilishi mumkin. Ko'pgina hollarda tasdiqlangan obyektlar ro'yxati haqida ma'lumotlar olishda qiyinchilikka duch kelinadi yoki mavjud bo'lmaydi. Fuqarolar xavfsizligi va jamoat tartibini ta'minlash faoliyati samardorligini oshirish maqsadida "E-Ommaviy tadbir" dasturi yaratish maqsadga muvofiq. Natijada bu dasturda Respublikaning barcha hudularida o'tkazilayotgan ommaviy tadbirlar ro'yxati, sanasi va manzili kiritilib, har qanday shaxs bu haqida erkin ma'lumot olish imoniyati yaratilgan bo'lar edi.

Xorij tajribasiga e'tibor qaratadigan bo'lsa, ko'pgina yevropa mamlakatlarida ommaviy tadbirlarni o'tkazishni tartibga solish, tashrif buyurgan turistlarga noqulaylik tug'dirlamaslik, shuningdek, ishga, mehmonga, xizmat safariga ketuvchilar va keluvchilar hamda jamoat transportlari harakatida tirbandliklar yuzaga keltirmaslik maqsadida "Online platforma" yoki "Mobil ilovolar" yaratilgan bo'lib, bu orqali yo'llardagi avtomobillar harakatida tirbandliklar vujudga kelmasligi, avtotransport vositalari boshqa yo'llar orqali o'tishi yo'llari ko'rsatib o'tiladi. Qolaversa, ommaviy tadbirlar bo'lib o'tayotgan hudud yoki binolar haqida ham e'lon qilinib boriladi. Bu esa ko'p sonli aholiga ega shaharlarda samarali vosita hisoblanadi.

Yurtimizda ham shunga o'xshash mobil ilova va hikomiyat saytlarida ommaviy tadbir o'tkazilayotgan bino va hududlar haqida ma'lumotlar joylanib borsa, Toshkent shahri va viloyat markazlaridagi ko'p sonli yuqorida sanab o'tilgan qiyinchiliklarga duch kelmasliklariga sabab bo'ladi.

Mavjud normalar zamon bilan hamnafas bo'lmas ekan. Jamiyatimizda o'rnatilgan normalardagi huquqiy bo'shliqlar ortib boraveradi. Bu esa o'z navbatida Huquqni muhofaza qiluvchi organlar faoliyatida ommaviy tadbirlarni o'tkazishdagi qiyinchiliklarni kuchayishiga sabab bo'ladi. Qolaversa, bugungi kunda Milliy gvardiya tizimida mavjud me'yoriy hujjatlar qayta ishlab chiqilishiga ehtiyojning mavjudligi ham mavjud holatni yanada qiyinlashtiradi.

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, O'zbekistonda ommaviy tadbirlarni takomillashtirish ko'p qirrali yondashuvni talab qiladi, bunda inklyuzivlik, qulaylik, jamoatchilik ishtiroki, targ'ibot va barqarorlikka qaratilgan bo'lishi lozim. Ushbu strategiyalarni tadbirlarni rejalashtirish va amalga oshirishga kiritish orqali O'zbekiston sayyohlik maskani sifatidagi obro'sini yanada oshirishi va tashrif buyuruvchilarga chinakam unutilmas madaniy tajribalar taqdim etishi mumkin. Ommaviy tadbirlarni takomillashtirishga doimiy intilishi bilan O'zbekiston inklyuziv, rang-barang va barqaror yig'inlarni o'tkazish bo'yicha jahon yetakchisiga aylanish salohiyatiga ega ekanligini ko'rsatib beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "Yangi O'zbekiston" gazetasi tahririyati» DUK 2020-yil 24-dekabr Sh.

Shakirov, O‘zbekiston Respublikasi Milliy gvardiyasi qo‘mondoni o‘rinbosari.

2. 14-yanvar 2019-yil “Xalq so‘zi” gazetasi

3. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 19.11.2020 y., 03/20/647/1569-son; Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 18.05.2022 y., 03/22/770/0424-son; 07.06.2022 y., 03/22/775/0477-son

4. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabul qilinganining 24 yilligiga bag‘ishlangan tantanali marosimdagi ma‘ruzasi.

5. Milliy gvardiya markaziy devoni ma‘lumotlari. 2022-2023 yillar.

6. O‘zbekiston Respublikasi konstitutsiyasi. 2023 yil 30 aprel.

7. “Ekologiya va jamoat tartibini saqlash sohalaridagi qonunchilik takomillashtirilishi munosabati bilan O‘zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga o‘zgartish va qo‘shimchalar kiritish to‘g‘risida”gi qonun [O‘RQ-854] 11.07.2023 y).

8. “Huquqbuzarlik profilaktikasi to‘g‘risida”gi O‘zbekiston Respublikasining Qonuni, 14.05.2014 yildagi O‘RQ-371-son.

9. O‘zbekiston Respublikasining Konstitutsiyaviy Qonuni, 15.12.2021 yildagi O‘RQ-737-son

*Ў.М. Отаев**

Янги Ўзбекистоннинг – Янги Конституцияси

Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислохотларда “инсон қадри учун”, деган тамойил устувор мақсад этиб белгиланган. Бу йўлда янги таҳрирдаги конституциямизнинг қабул қилингани мамлакатимизнинг янги ривожланиш даврини бошлаб берди. Зеро, бош қонунимизда инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари қафолатлари билан боғлиқ кўплаб нормалар ўз аксини топганки, бу мамлакатимизнинг чинакам демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди. Эслатиб ўтамиз, Президентимиз Шавкат Мирзиёев конституция ислоҳоти ҳақида 2021 йил 6 ноябр куни, иккинчи президентлик муддатига киришиши юзасидан инаугурация маросимидаги нутқида биринчи марта [айтиб ўтган](#) эди. Давлат раҳбари ўша йили декабр ойида, конституция байрами арафасида халққа йўллаган табригида: “конституцияни янгилашдек ғоят муҳим, стратегик вазифани ҳал этишда етти марта эмас, етмиш марта ўйлаш” зарурлигини [таъкидлаган эди](#). 2022 йил май ойида конституциявий [комиссия](#) тузилиб, ҳужжатни янгилаш жараёни [бошланди](#). Бу масалада 2023 йил

* Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси, подполковник

30 апрель кунида референдум ўтказилган. Жорий йилнинг 1 май куни Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистонда ўтган референдумнинг якуний натижаларини [ЭЪЛОН ҚИЛГАНДИ](#). Референдумда сайловчиларнинг 84,5 фоизи қатнашган. Рўйхатга киритилган 19722809 сайловчидан 16667097 нафари овоз берди. Улардан 611320 нафари муддатидан олдин овоз беришда қатнашди. Овоз беришда қатнашган фуқароларнинг 90,2 фоизи ёки 15034608 нафари ёқлаб, 9,35 фоизи ёки 1558817 нафари ўзгаришга қарши овоз берган. Яроқсиз деб топилган бюллетенлар сони 73 672 та ёки 0,44% ни ташкил этди¹.

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги конституциявий қонуни 1 майдан кучга кирди. Бунга қадар 1992 йилдан буён конституцияга жами 15 марта ўзгартиш киритилган эди. Бу сафар эса ўзгаришлар кўлами катталиги сабаб ҳужжатнинг янги таҳрири қабул қилинди. Янгиланиш натижасида, бош қомусдаги моддалар сони 128 тадан 155 тага, ундаги нормалар эса 275 тадан 434 тага ошди. Умуман, расмийларга кўра, конституция 65 фоизга янгиланиб, 6 бўлим, 27 боб ва 155 та моддадан иборат бўлди. Шу кундан эътиборан бошқа қонунлар ва қонуности ҳужжатларида келтирилган нормалар конституцияга зид бўлса, судлар конституцияга қараб қарор қабул қилади.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган конституциявий нормаларнинг ижросини сўзсиз таъминлаш барча соҳаларда “инсон қадрининг том маънода юксалишига, давлат ва жамият ҳаётини “инсон – жамият – давлат” деган тизимга асосланган янги ва замонавий тарзда бошқариш имконини беради. Шу боисдан, янги таҳрирдаги Конституция ижросини тўлиқ таъминлаш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи навбатдаги устувор вазифасидир. Шу мақсадда белгиланган чора-тадбирлар дастурига кўра, давлат фуқаролик хизмати ҳамда суд-ҳуқуқ тизими ходимларининг янги конституциявий талабларга риоя этиш борасидаги билим ва малакасини ошириш учун дастур ташкил қилинди. Мақсад – бошқарувда конституциявий нормаларнинг ижросини тўлиқ таъминлаш, уларни давлат хизматчисининг ҳар кунлик фаолиятига татбиқ этиш, пировардида “инсон қадрининг” тамойили асосида халққа хизмат кўрсатишнинг сифат даражасини оширишга эришиш².

Айтиш жоизки, Конституциямизда илгари қонунчиликда мавжуд бўлмаган бир қатор муҳим қоидалар мустаҳкамланди ва улар мазмун-моҳиятига кўра, “Инсон — жамият — давлат” тамойилини конституциявий

¹ <https://www.gazeta.uz/uz/2023/05/01/decrees/>

² <https://uza.uz/ru/posts/yangi-tahrirdagi-konstituciyaning-mazmun-mohiyati-tushuntirildi>

қоида сифатида муҳрлашга қаратилган. Бинобарин, 15-моддада Конституция мамлакат ҳудудида тўғридан-тўғри амал қилиши ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этиши қатъий белгиланди. Шу пайтга қадар Конституция нормалари тегишли қонун ва қонуности ҳужжатлари орқали ҳаётга татбиқ қилинар, бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида айрим бўшлиқларга сабаб бўлаётган эди. Юқоридаги норма, бир томондан, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият эканини амалда таъминласа, иккинчидан, халқимизнинг мавжуд ҳуқуқий тизимга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Асосий қонуннинг 20-моддасида “Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари бевосита амал қилади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди”, дейилган. Айни қоида инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита амал қилиш учун қандайдир мезонлар талаб этилмаслигини кўрсатади. Шунга кўра, эндиликда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ нормаларга бирор-бир қонун ва қонуности ҳужжати қабул қилинмасдан туриб, тўғридан-тўғри амал қилинади. Маълумки, шу вақтга қадар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан, қонунларнинг асосий функцияси бу ижтимоий муносабатларни тартибга солишдан иборат эди. Янгиланган Конституцияга асосан, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ифодалаш қонунларнинг ажралмас функцияларидан бирига айланди. Ўз навбатида, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг мазмун-моҳиятини белгилаши тўғрисидаги қоида давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятини тубдан ислоҳ қилишга олиб келади. Унга кўра, давлат хизматчиларининг асосий мақсад, вазифа, функция ҳамда мажбуриятлари инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ифодалашга қаратилади. Давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланди. Ушбу қоида шахсга қўлланиладиган барча ҳуқуқий таъсир чораларини инсонпарварлик тамойиллари асосида қайтадан кўриб чиқишни назарда тутади. Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддият ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилиши белгилаб қўйилди. Шу пайтга қадар қонунчиликда бўшлиқ ёки зиддиятлар мавжуд бўлиб, ҳуқуқни қўллаш бўйича компетенциялар тўлиқ шаклланмаган эди. Қонун билан тартибга солинмаган ҳолда қандай ҳаракат қилиш ёки қонунлардаги зиддиятларда қандай йўл тутиш лозим, деган масалада ҳатто малакали ҳуқуқшунослар ҳам қатъий позицияга эга эмас. Янги Конституция орқали айни масала ечимини топди. Яъни ўзаро тенг юридик

кучга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида тафовут юзага келган тақдирда фуқаролар манфаатига хизмат қиладиган конституциявий нормаларга амал қилиниши қатъий белгиланди. Ўз навбатида, Конституциянинг 21-моддасида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш асослари аниқ белгилаб қўйилди. Хусусан, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат қонунга мувофиқ ва фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида зарур бўлган доирада чекланиши мумкин.

Инсон ҳуқуқларини чеклаш асослари фақат қонунларда белгиланган бўлиши керак, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ҳужжатлари инсон ҳуқуқларини чеклаш олмайди. Эътибор қаратиш лозим бўлган масалалардан яна бири инсон ҳуқуқларини чеклаш асослари белгиланган қонунлар ижроси юзасидан қабул қилинаётган қонуности ҳужжатлари тегишли қонунларда назарда тутилганидан кўра, кўпроқ даражада инсон ҳуқуқларини чекламаслиги керак. Хусусан, инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати дахлсизлиги, зўравонлик ва қийноқ ҳолатларининг олдини олиш, “Миранда қоида”си, “Хабеас корпус” институти, айбсизлик презумпцияси, юридик ёрдам олиш ҳуқуқига оид нормаларнинг Конституция даражасида белгилаб қўйилгани суриштирув, тергов, суд ҳамда жазони ижро этиш жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар зиммасига улкан масъулият юкламоқда.¹

Янги таҳрирдаги Конституцияда: “Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Шахс ушлаб турилган пайтдан эътиборан қирқ саккиз соат ўтгунига қадар судга ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги тўғрисидаги масала ҳал қилиш учун олиб борилиши керак. Агар ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги судда исботланмаса, шахс дарҳол озод қилиниши керак”, деган норма белгиланмоқда. Бу қоида, биринчи навбатда, шахсни асоссиз ва муддатсиз ҳибсга олишга йўл қўймаслик талабини таъминлайди. Қамоқ эҳтиёт чорасининг судлар томонидан қўлланилиши амалиётига келсак, 2022 йилда тергов органларидан судларга келиб тушган жами 24 минг 118 илтимосномадан 23 минг 503 таси қаноатлантирилган, 485 таси рад этилган, яъни 485 шахсга нисбатан асоссиз равишда қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилишининг олди олинган. Конституцияга адвокатура бўйича алоҳида боб киритилаётгани инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида муҳим институт бўлган адвокатуранинг конституциявий мақомини тубдан оширмоқда. Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай

¹ <https://iiv.uz/oz/news/yangi-tahrirdagi-konstitutsiya-mamlakatimizning-rivojlanish-yoli-va-inson-huquqlari-asosini-belgilab-berdi>

босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги кафолатланмоқда. Таҳлилларга кўра, 2023 йил 1 январь ҳолатида Ўзбекистонда 4577 нафар адвокат фаолият кўрсатмоқда. Бу эса ўртача 7865 кишига битта адвокат тўғри келишини англатади. Ушбу кўрсаткич Исроилда 136, АҚШда 260, Германияда 500, Қозоғистонда 3932 кишига тенг. Умуман олганда, адвокатурага бағишланган янги бобнинг Конституцияда акс этиши фуқароларнинг одил судловга эришиш даражаси янада ошишига, малакали юридик ёрдам олиш кафолати кучайишига, пировардида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари самарали ҳимояланишига хизмат қилади.¹

Чунки Ҳуқуқий давлатда барча жараёнлар қонуний асослар устига курилади, давлат хизматчиларидан ҳуқуқ доирасида фикрлаш, барча масалаларга ҳуқуқий кўз билан қараш талаб этилади. Қолаверса, ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам қонунларга бўйсунди ва қонунларнинг муқаррар ижросини таъминлайди.

Юқоридагилардан ташқари, конституцияга бошқа кўплаб нормалар ҳам қўшилган, жумладан:

Ўзбекистонда ўлим жазоси тақиқланади.

Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши ягона далил бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.

Қонунни бузган ҳолда олинган далиллардан одил судловни амалга ошириш чоғида фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Ҳар ким ўз шахсига доир нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Давлат интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.²

Хулоса қилиб айтганда, янги таҳрирда қабул қилинган Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосларини яратиб, миллий давлатчилик тараққиётининг тарихий муҳим босқичида давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди. Бу эса инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид масалаларда ҳуқуқни қўллаш амалиётига янгича ёндашувлар жорий қилишни долзарб заруратга айлантирмоқда. Зеро, барчамизнинг вазифамиз инсон, унинг ҳуқуқ ва

¹ <https://yuz.uz/news/yangi-tahrirdagi-konstitutsiya--huquqlarimizning-mustahkam-kafolati>

² <https://kun.uz/news/2023/05/02/yangi-konstitutsiya-10-ta-asosiy-ozgarish>

эркинликлари олий кадрият ҳисобланадиган ва ҳурмат қилинадиган адолатли жамият барпо этишдир.

*G.S.Ro‘zieva**

Yangi Konstitutsiyada davlatning milliy siyosatini rivojlantirish omillari

Dunyodagi demokratik davlatlarda hech bir shaxs, hech bir fuqaro o‘z ijtimoiy-shaxsiy hayotini, o‘zining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilishni Konstitutsiyasiz tasavvur qila olmaydi. Albert Eynshteynning fikricha, Konstitutsiyaning kuchi butunlay har bir fuqaroning uni himoya qilishga qaror qilishidadir. Konstitutsiyaviy huquqlar har bir fuqaro ushbu himoyaga hissa qo‘shishni o‘z burchi deb bilgan taqdirdagina himoya qilinadi.

Har bir davlat o‘z mustaqilligiga erishganidan so‘ng jahonda yangi mustaqil davlat sifatida tashkil topganligi, maqsadi, kelajak istiqbollarini o‘zining Konstitutsiyada belgilab qo‘yadi. Chunki dunyodagi mavjud konstitutsiyalarning barchasi ularni ijod etgan xalqning, millatning siyosiy tafakkuri, urf-odatlarini, ma‘naviyati va madaniyati bilan uzviy bog‘liqdir. Bizning Konstitutsiyamizda ham xalqimiz tabiatiga mos barcha ma‘naviy-madaniy qadriyatlar, xalqimiz donishmandligi, axloqiy fazilatlari mujassam bo‘lgan.

Asosiy qonunimiz yillar davomida xalqimizning dilidan joy oldi, inson va fuqarolarning huquq va erkinliklarini hamda majburiyatlarini o‘zida mujassam etgan dasturul amal sifatida namoyon bo‘ldi. Yillar o‘tgan sayin Konstitutsiyamizga o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritilishi taqozo etdi va yangi Konstitutsiya uchun referendum mamlakatimizda jriy yilning 30 aprel kuni o‘tkazildi. O‘zbekistonning 65 foizga yangilangan va ancha “to‘lishgan” bosh qomusi 1 maydan e‘tiboran kuchga kirdi¹.

Yangilangan Konstitutsiyamizga asosan boshqaruv tizimida “inson manfaatlarini hamma narsadan ustun”, “xalq davlat organlariga emas, davlat organlari xalqimizga xizmat qilishi kerak” degan hayotiy tamoyillar, vatan ravnaqi, yurt tinchligi va xalq farovonligini ta‘minlash kabi ulug‘bor g‘oyalar amalga oshirilayotgan islohotlarning ustuvor jihati hisoblanadi. Bunday jamiyat esa qonun ustuvorligiga tayanadi. O‘z navbatida, qonun ustuvorligini qaror toptirmasdan demokratik davlat va fuqarolik jamiyatini qurib bo‘lmaydi. Huquqiy davlat va fuqarolik jamiyatini amalga oshirishning nazariy asoslari esa fuqarolar siyosiy va huquqiy madaniyati darajasi bilan belgilanadi. Fuqarolik jamiyati sharoitida huquqiy madaniyat jamoatchilikning

* O‘zbekiston Respublikasi IIV Malaka oshirish instituti Maxsus-kasbiy fanlar kafedrasini o‘qituvchisi

¹ <https://parliament.gov.uz/oz/news/yangilanayotgan-konstitutsiya-yoshlar-nigohida>.

amaldagi qonunlarga amal qilishga qanchalik tayyor ekanligi bilan o'lchanadigan bo'lsa, siyosiy madaniyat esa mavjud qonunlar, belgilangan tartib qoidalar asosida ijtimoiy hayotda fuqarolarning faol ishtirok etishi, ijtimoiy-siyosiy jarayonlar va munosabatlarga nisbatan faol bo'lishni anglatadi.

O'tgan davr ichida nimaga erishgan bo'lsak Konstitutsiya asosida amalga oshirildi, uning normalariga amal qilgan holda erishdik. Istiqolol yillarida birinchi Prezidentimizning tashabbusi va bevosita rahbarligida milliy qonunchiligimizda nafaqat inson huquq va erkinliklarini himoya qilish, balki insonparvarlik tamoyillari ham kuchaytirildi. Yangi Konstitutsiyaga muvofiq, fuqarolar davlat ta'lim tashkilotlarida tanlov asosida davlat hisobidan oliy ma'lumot olishga haqli ekanligi aniq belgilab qo'yildi. 2017 yilga qadar oliy ta'lim muassasalarida grant o'rinlari soni faqat qisqarib keldi. So'nggi besh yil ichida, aksincha grantlarni ko'paytirish yo'lidan borildi. Xususan, o'tgan davrda oliy ta'limga ajratilgan davlat grantlari soni 75 foizga hamda ehtiyojmand oilalar farzandi bo'lgan xotinqizlar uchun davlat grantlari soni ikki baravarga oshirildi, shuningdek, nodavlat oliy ta'lim muassasalarida mutaxassislarni tayyorlashga davlat granti ajratish amaliyoti yo'lga qo'yildi. Mazkur konstitutsiyaviy qoidaning belgilanishi bu boradagi ijobiy yo'nalish doimo saqlab qolinishini, davlat oliy ta'lim muassasalarida grant o'rinlari yo'qolmasligini ta'minlashga xizmat qiladi. Konstitutsiyaviy qonunga muvofiq oliy ta'lim tashkilotlariga akademik erkinlik, o'zini o'zi boshqarish, tadqiqotlar o'tkazish va o'qitish erkinligi huquqi berildi. Oliy ta'lim tizimi bilan bog'liq masalalarning Konstitutsiya darajasida belgilanayotgani oliy ta'lim jarayoniga tashqi aralashuvlarni cheklash, oliy ta'lim sifati va dunyoda raqobatbardoshligini oshirishga xizmat qiladi¹.

Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoevning 2022 yil 28 yanvar kunidagi №60-sonli Farmoniga asosan, Mamlakatimizni 2022-2026 yillarda rivojlantirishning **“Inson qadri uchun” tamoyili** asosida xalqimizning farovonligini yanada oshirish, iqtisodiyot tarmoqlarini transformatsiya qilish va tadbirkorlikni jadal rivojlantirish, inson huquqlari va manfaatlarini so'zsiz ta'minlash hamda faol fuqarolik jamiyatini shakllantirishga qaratilgan islohotlarning ustuvor yo'nalishlari belgilangan. Ya'ni:

inson qadrini yuksaltirish va erkin fuqarolik jamiyatini yanada rivojlantirish orqali xalqparvar davlat barpo etish;

mamlakatimizda adolat va qonun ustuvorligi tamoyillarini taraqqiyotning eng asosiy va zarur shartiga aylantirish;

milliy iqtisodiyotni jadal rivojlantirish va yuqori o'sish sur'atlarini ta'minlash; adolatli ijtimoiy siyosat yuritish, inson kapitalini rivojlantirish;

ma'naviy taraqqiyotni ta'minlash va sohani yangi bosqichga olib chiqish;

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning lavozimga kirishish tantanalimarosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalari qo'shma majlisidagi nutqi 2021 yil 6 noyabr, www.strategy.uz.

milliy manfaatlardan kelib chiqqan holda umumbashariy muammolarga yondashish;

mamlakatimiz xavfsizligi va mudofaa salohiyatini kuchaytirish, ochiq, pragmatik va faol tashqi siyosat olib borish¹.

Shuningdek, inson huquqlarini ta'minlash, davlat organlarining hisobdorligi va ochiqligini kuchaytirish hamda fuqarolik jamiyati institutlari, ommaviy axborot vositalarining roli, aholi va jamoat birlashmalarining siyosiy faolligini oshirish bo'yicha tizimli ishlar amalga oshirilishi belgilab olindi.

Davlatimizda milliy iqtisodiyotni isloh qilish borasida tashqi savdo, soliq va moliya siyosatini liberallashtirish, tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlash va xususiy mulk daxlsizligini kafolatlash, qishloq xo'jaligi mahsulotlarini chuqur qayta ishlashni tashkil etish hamda hududlarni jadal rivojlantirishni ta'minlash bo'yicha ta'sirchan choralar ko'rildi.

Fuqarolarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish va kambag'allikni qisqartirish davlat siyosatining ustuvor yo'nalishi sifatida belgilanib, aholini yangi ish o'rinlari va kafolatli daromad manbai, malakali tibbiy va ta'lim xizmatlari, munosib yashash sharoitlari bilan ta'minlash sifat jihatidan yangi bosqichga ko'tarildi².

O'tgan davr ichida nimaga erishgan bo'lsak Konstitutsiya asosida amalga oshirildi, uning normalariga amal qilgan holda erishdik. O'zbekiston Respublikasining Konstitutsiyasi va mustaqillik yillarida qabul qilingan barcha qonunlarimiz, olib borilayotgan islohotlar, avvalo, inson huquq va erkinliklarini ta'minlashga, himoya qilishga yo'naltirilgan. Shu ulug' maqsad yo'lida davlatimiz umumbashariy insonparvarlik qoidalariga asoslanib, fuqarolarimizning erkinliklari, huquq va qonuniy manfaatlarini to'liq ta'minlab kelmoqda. Mamlakatimiz mustaqilligining dastlabki kunlaridanoq Inson huquqlari umujahon deklaratsiyasi ratifikatsiya qilindi va undagi insonparvar mezonlar O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining asosiy me'yorlariga aylandi. Har bir insonning o'z haq-huquqlarini bilib olishi uchun yetarli sharoitlar tashkil qilindi. Shuning uchun ham davr o'tishi bilan biz Konstitutsiyamizning ahamiyati va mohiyatini, hayotimizdagi o'rni va ta'sirini, qadr-qimmatini yanada chuqurroq anglab bormoqdamiz va unga bo'lgan hurmat-e'tiborimiz tobora ortmoqda. Amalga oshirilayotgan islohotlarning natijasida esa, xalqimizning siyosiy ongi va siyosiy madaniyati rivojlanib boradi. Konstitutsiya fuqarolarimizda siyosiy ong, siyosiy bilim, siyosiy mulohaza va siyosiy xulq-atvor kabi tushunchalarni o'zida mujassam etgan siyosiy madaniyat tushunchasining shakllanishiga omil bo'lib hisoblanadi. Konstitutsiya siyosiy

¹ Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoevning №60-sonli "2022-2026 yillarga mo'ljallangan Yangi O'zbekiston taraqqiyot strategiyasi" to'g'risidagi Farmoni.

² O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoevning lavozimga kirishish tantanalimarosimiga bag'ishlangan Oliy Majlis palatalari qo'shma majlisidagi nutqi 2021 yil 6 noyabr, www.strategy.uz.

madaniyat tushunchasi bilan mohiyatan o‘zaro bog‘liq. Siyosiy madaniyat u yoki bu xalq yoki millat, unga mansub bo‘lgan insonlar milliy madaniyatida o‘zligini ko‘radi va anglab boriladi. Konstitutsiya esa siyosiy madaniyatning shakllanishiga oziq beruvchi asosiy manba vazifasini o‘taydi

Madaniyat tushunchasini siyosiy jihatdan tahlil qilish va uni ta’riflash juda qiyin. Madaniyat – bu milliy qadriyatlarni yaratuvchi, uning vorisiyligini ta’minlovchi, bugungi global dunyoda esa qadriyatlarni yo‘qotuvchi omil sifatida ham namoyon bo‘layotgan hodisa, qarashlar tizimidir. Siyosat - bu siyosiy jarayon va munosabatlarda qadriyatlardan foydalanadigan, hokimiyatni saqlab qolish yoki zabt etish, jamiyatni rivojlantirish yoki uning taraqqiyotini sekinlashtirish uchun foydalanadigan institutlarning majmuasidir. Madaniyat siyosati – xalqning siyosiy ongini bilan o‘zida boradi. Siyosiy ongning o‘zi nima? Siyosiy ong bu xalqning davlat olib borayotgan siyosiy jarayonlarga munosabati ifodasidir. Misol sifatida muhim siyosiy jarayonlardan biri bo‘lmish saylov jarayonini keltirishimiz mumkin. Barchamiz unga befarq bo‘lmasligimiz darkor¹.

Respublikamizda bugungi kunda milliy-ma’naviy va umuminsoniy qadriyatlarga tayangan holda milliy davlatchilik va siyosiy madaniyatni rivojlantirishning o‘ziga xos yo‘li tanlab olindi. Ya’ni mustaqillikning dastlabki kunlaridanoq, ajdodlarimiz tomonidan ko‘p asrlar davomida yaratib kelingan g‘oyat ulkan, bebaho ma’naviy va madaniy merosni tiklash davlat siyosati darajasiga ko‘tarilgan nihoyatda muhim vazifa bo‘lib qoldi. Bu mamlakat siyosiy hayoti, siyosiy jarayonlar va siyosiy madaniyatning o‘zaro munosabatida namoyon bo‘ladi.

Shunday qilib, siyosiy madaniyat keng ma’nodagi madaniyatning tarkibiy qismiga kirsada, uning mustaqil tarmog‘i sifatida rivojlanadi. Keng ma’nodagi madaniyatning rivojlanishi bilan madaniyat siyosati ham rivojlanib boradi. Ma’naviyat esa, ularning har ikkalasining taraqqiyotiga ma’naviy manba sifatida o‘zining ijobiy ta’sirini o‘tkazib boradi. Yana ham aniqroq qilib aytganda, yuksak ma’naviyat omili amal qilishi mavjud bo‘lgan jamiyat siyosiy madaniyati ham rivojlanib boraveradi. Xulosa o‘rnida, Yangi Konstitutsiya davlat va jamiyat boshqaruvida milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik, xalqimizning boy madaniy va ma’naviy merosini asrab-avaylash va ulardan faxrlanish, vatanparvarlik va Vatanga bo‘lgan mehr-muhabbat tuyg‘ularini shakllantirish borasida g‘amxo‘rlik qiladi.

*K.S. Бейсенов**

Конституция – маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати

¹ S.Otamuratov “Siyosiy madaniyatni rivojlantirish omillari”.

* Малака ошириш институти Касбий тайёргарлик факультети Махсус фанлар цикли ўқитувчиси

Асосий қонунимиз халқимиз узоқ йиллар орзу қилган миллий мустақиллигимиз ва ривожланиш йўлимиз, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини белгилаб берди.

Шавкат Мирзиёев

Инсон ҳуқуқлари - инсоният пайдо бўлгандан буён турли даражаларда, мутафаккирлар ва файласуфларнинг баҳс-мунозараси мавзуси бўлиб келган. Унинг ҳуқуқий манбалари жуда қадимги замонларга бориб тақалади. Ҳозирги замон Инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик 3 босқичга бўлиб ўрганилади.

Биринчи босқич, 1789 йилда қабул қилинган Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари француз Декларациясидан бошланиб то биринчи жаҳон урушига қадар даврни ўз ичига олади. Инсон ҳуқуқлари қонунчилиги биринчи босқичида шахс эркинлиги ва фуқаролар тенглиги; шахс дахлсизлиги, хусусий мулк, сайлов ҳуқуқларига оид масалалар асосий ўрин эгаллаган.

Инсон ҳуқуқларининг иккинчи босқичи XX асрнинг 1 ярмини ўз ичига олади. Бунда инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи; дам олиш ҳуқуқи; ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқи қонунчиликни асосий мавзуси бўлган.

XX асрнинг 2 ярми Инсон ҳуқуқларига оид қонунчиликнинг учинчи босқич даври ҳисобланади. Бу даврда инсон ҳуқуқлари ҳимоясига оид яратилган қонунлар инсон ҳуқуқлари қонунчилигининг “янги авлод” даври деб номланади. Учинчи босқич қонунчилиги марказида инсонларни тинч яшаш ҳуқуқи; соф ва тоза атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқи; ахборот олиш ҳуқуқига катта эътибор қаратилган.

Мантиқан кетма-кетликдан келиб чиқилса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Инсон ҳуқуқларига оид қонунчилик тизимини учинчи босқичида яратилган Конституциялар қаторидан ўрин олган. Шу нуқтаи назардан оладиган бўлсак, биз юқорида айтиб ўтган инсон ҳуқуқларининг барчаси Конституциямизда ўз аксини топган десак, муболаға бўлмайди¹.

Маҳкумлар қонунларда белгиланган истисно ҳамда чеклашлар инобатга олинган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун назарда тутилган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўладилар ва мажбуриятларни бажарадилар. Маҳкум ажнабий фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида белгиланган ҳуқуқлар, эркинликларга эга бўлишлари ва мажбуриятларни бажаришлари мумкин.

Маҳкумларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари муайян жазо турини ижро этиш тартиби ва шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатини мустақил Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексида бу муҳим масалаларга алоҳида олтига моддадан

¹ <https://uza.uz/uz/posts/konstitutsiya-inson-u-u-va-erkinliklarining-kafolati-04-12-2019>

иборат боб ажратилган бўлиб, унда маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолатининг умумий масалалари тартибга солинган. Бундан ташқари жазонинг тури ва қандай эканлигига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг Маҳсус қисмида ҳам бу масала янада аниқлаштирилган. Бундай ёндашув Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши муносабати билан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг эътироф этилиши ва уларни ҳаётга татбиқ этилиши билан боғлиқ. Ҳозирги кунда маҳкумларнинг ҳуқуқий ҳолати ва уларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ости норматив ҳужжатларда эмас, балки қонун даражасида мустақамланган. Маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг қонун даражасида белгилаб олиниши алоҳида аҳамиятга эга масалан, биринчидан, маҳкумлик ҳолатини қонун даражасида белгиланишини таъминласа, иккинчидан, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳисобланади, учинчидан эса, қонун устуворлигини кафолатлашда муҳим аҳамиятга эга. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари жазоларни ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини ижро этувчи муассасалар ва органлар фаолиятини қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда текширадилар. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига мувофиқ мамлакатдаги давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг бўлиниши принципига асосан қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятига ажратилган¹.

Конституциянинг 105-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди².

Президентнинг топшириғига биноан давлат ҳокимияти ва бошқарувининг тегишли органлари, шунингдек мансабдор шахслари зикр этилган муассаса ва органлар фаолиятини текширишлари мумкин. Шунингдек, Президент давлатнинг ички сиёсатини, шу қаторда жиноят-ижроия сиёсатини белгилаб беради. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддаси 23-бандига мувофиқ Президент амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимномалар киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади³. Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Бошқа функцияларни бажариш билан бир қаторда Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимида биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилади. Олий Мажлис депутатлари,

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 11-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 105-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 109-модда.

қонун чиқарувчи орган ходими сифатида, ижро этувчи органларга нисбатан, демак, унинг таркибий қисми ҳисобланадиган жазони ижро этиш муассаса ва органларга нисбатан муайян назорат қилиш функцияларига эга¹.

Хусусан, Олий Мажлис депутати Ҳукуматнинг ҳар қандай аъзосига расмий талаб билан мурожаат қилиши мумкин, бундан ташқари у давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, ташкилотларнинг раҳбарлари ва Куролли кучлар бошлиқларининг бошқа мансабдор шахслари билан зудлик билан қабул қилиниши, улардан зарур бўлган маълумот ва ҳужжатларни олиш ҳуқуқига эга.

Маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексинингқуйидаги ҳуқуқларга эга:

жазони ўташ тартиби ва шартлари тўғрисида, ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари ҳақида ахборот олиш;

жазони ижро этувчи муассаса ёки орган маъмуриятига, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларига ўз она тилида ёки бошқа тилда таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат этиш;

ўз таклиф, ариза ва шикоятларига мурожаат этилган тилда жавоб олиш. Мурожаат этилган тилда жавоб беришнинг иложи бўлмаган тақдирда жавоб Ўзбекистон Республикасининг давлат тилида берилади. Жавобни интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс мурожаат этган тилга таржима қилиб бериш жазони ижро этувчи муассаса ёки орган томонидан таъминланади;

тушунтириш бериш ҳамда ёзишмалар олиб бориш, зарур ҳолларда таржимоннинг шу жумладан сурдотаржимоннинг хизматидан фойдаланиш;

ўқув, бадий ва бошқа хил ахборот материалларидан фойдаланиш;

соғлиғини сақлаш, шу жумладан тиббий хулосага кўра амбулатория-поликлиника ва стационар шароитда тиббий ёрдам олиш;

об-ҳаво шароити йўл қўйса, ишдан бўш вақтида тоза ҳавода жисмоний машқлар билан шуғулланиш;

жазони ижро этиш муассасасининг психологик хизмат кўрсатиш ходимлари томонидан кўрсатиладиган психологик ёрдамни олиш. Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг психологик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиши фақат уларнинг розилиги билан амалга оширилади;

меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ хавфсиз меҳнат шароитига эга бўлиш, дам олиш, таътилга чиқиш, шунингдек меҳнатига ҳақ тўланиши;

ижтимоий таъминот, шу жумладан қонунчиликка мувофиқ пенсия олиш.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 95-модда.

Маҳкум ажнабий фуқаролар шунингдек ўз давлатларининг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан, Ўзбекистон Республикасида дипломатия ва консуллик муассасалари бўлмаган мамлакатларнинг фуқаролари эса, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни ўз зиммасига олган давлатнинг дипломатия ваколатхоналари билан алоқа қилиб туриш ҳуқуқига эга.

Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловларида ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Маҳкумларнинг ҳуқуқларини рўёбга чиқариш тартиби ушбу Кодекс, бошқа қонунчилик билан белгиланади¹.

Маҳкумлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексинингда маҳкумлар адвокатлардан малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига эга. Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан холи учрашувлар маҳкумларга уларнинг аризасига ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра берилади.

Адвокат билан учрашувни маҳкумнинг ўзи рад этганлиги сабабли адвокатнинг маҳкум юридик ёрдам олиши учун у билан учрашув берилиши тўғрисидаги илтимосномасини қаноатлантириш рад этилганлиги адвокат маҳкум билан холи суҳбатлашганидан кейин тасдиқланиши керак, бу ҳақда баённома тузилиб, у маҳкум, адвокат ва жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг вакили томонидан имзоланади.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари ушбу Кодексда белгиланган учрашувлар сони ҳисобига кирмайди, бундай учрашувлар сони ва муддати чекланмайди.

Юридик ёрдам кўрсатилаётганда адвокат қуйидаги ҳуқуқларга эга:

жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятининг, прокурорнинг, суднинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоят бериш;

жазони ижро этиш муассасаси маъмуриятидан маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраб олиш.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлар ўтказиш тартиби қонунчилик билан белгиланади².

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 10-моддасида таъкидлаб ўтилганлардан ташқари маҳкумлар адвокатлардан *малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқига* эга.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси.

Юридик ёрдам олиш учун адвокатлар билан ҳоли учрашувлар маҳкумларга уларнинг аризаси ёки адвокатнинг илтимосномасига кўра берилади.

Адвокатга маҳкум билан учрашув ордер ёки адвокат гувоҳномаси асосида берилади. Адвокат билан учрашувни маҳкумнинг ўзи рад этганлиги сабабли адвокатнинг маҳкум юридик ёрдам олиши учун у билан учрашув берилиши туғрисидаги илтимосномани қаноатлантириш рад этилганлиги адвокат маҳкум билан ҳоли суҳбатлашгандан кейин тасдиқланиши керак, бу ҳақда *баённоматузилиб*, у маҳкум, адвокат ва ЖИЭМ маъмуриятининг вакили томонидан имзоланади.

Маҳкумларнинг адвокатлар билан учрашувлари Жиноят-ижроия кодексига белгиланган учрашувлар сони ҳисобига кирмайди, бундай учрашувларнинг сони ва муддати чекланмайди.

Маҳкумлар *шахсий дахлсизлик ҳуқуқига* эга. Қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатиш ва озодликдан маҳрум этилган шахснинг хавфсизлигига таҳдид юзага келганда келган тақдирда у ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш ҳақида илтимос билан жазони ижро этувчи муассаса ёки органнинг ҳар қандай мансабдор шахсига мурожаат этишга ҳақли.

Жазони ижро этиш муассасаси ёки органининг бошлиғи ёки ушбу муассаса ва органларнинг ҳар қандай мансабдор шахслари дарҳол маҳкумнинг шахсий хавфсизлигига бўлган таҳдидни бартараф этиш юзасидан зарур чораларни кўради *(ЎзР ЖИК 11-моддаси)*¹.

Жазони ўташ жойларида маҳкумларнинг виждон эркинлиги кафолатланади. Виждон эркинлиги - фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир².

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчимиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг II боби, 13-моддасида Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва Қонунлар билан ҳимоя қилинади” дейилган. Демак, том маънодаги демократик давлат деганда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминланиши тушунилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси.

² Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси.

Xalq konstitutsiyasi

Barchamizga ma'lumki, O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi 2023 yil 30 aprel kuni o'tkazilgan O'zbekiston Respublikasi referendumida umumxalq ovoz berish orqali qabul qilingan.

Yangilangan Konstitutsiya mamlakat, millat va xalq sifatida keyingi qadamlarimizni aniqlab olishimiz uchun g'oyat ahamiyatli masala, adolatli jamiyat qurish yo'lidagi ulkan qadamdir.

Shuni alohida ta'kidlash kerakki, Konstitutsiyaning bu matni olimlar, mutaxassislar tomonidan yaratildi. Dastlab ikki bosqichda xalqimizning fikri, takliflari o'rganildi, shundan so'nggina Konstitutsiya loyihasi tayyorlandi. Avvallari esa Konstitutsiya qabul qilishda dastlab loyiha ishlab chiqilib, keyin xalq muhokamasiga qo'yildi.

Birinchi bosqichda Konstitutsiya loyihasini shakllantirish uchun fuqarolarimiz 60 mingdan ziyod taklif berishdi. Ularning taxminan har to'rttasidan bittasi loyihadan joy oldi;

Ikkinchi bosqichda Konstitutsiya loyihasi umumxalq muhokamasiga qo'yildi. Ommaviy axborot vositalari, Internet tarmoqlari orqali loyiha bilan 5 million aholi tanishib, 150 mingdan ortiq taklif va mulohazalar aytili.

Shu bilan birga, mehnat jamoalari, oliygohlar, mahalla faollari va ziyolilar bilan bo'lib o'tgan muhokamalarda ham yana qariyb 10 mingta qo'shimcha taklif kelib tushdi. Ayni paytda xalqaro-huquqiy hujjatlar va 190 dan ortiq davlatlar tajribasi o'rganildi, loyiha 6 turdagi ekspertizadan o'tkazildi.

Bularning barchasi yangi tahrirdagi Konstitutsiyada jamiyatning barcha qatlamlari manfaatlarini inobatga olingani, Yangi O'zbekistonni qurish g'oyasi atrofida butun jamiyat jipslashgani, Bosh Qomusimiz tom manoda xalq Konstitutsiyasi ekanligidan dalolat beradi.

Yangi Konstitutsiyadagi moddalar soni 128 tadan 155 taga, normalar soni 275 tadan 434 taga oshdi. Yani, Asosiy qonunimiz matni qariyb 65 foizga ortdi va xalqimiz takliflari asosida yangilandi.

Yangi Konstitutsiyaga e'tibor bersak, avvalgi konstitutsiyadan tubdan farq qiluvchi yangi normalar mavjud ekanligiga amin bo'lamiz.

Jumladan, Muqaddimaga:

Biz, O'zbekistonning yagona xalqi,
inson huquq va erkinliklariga, milliy va umuminsoniy qadriyatlarga, davlat suvereniteti printsiplariga sodiqligimizni tantanali ravishda e'lon qilib,

* Namangan Davlat Universiteti Yuridik fakulteti o'qituvchisi

demokratiya, erkinlik va tenglik, ijtimoiy adolat va birdamlik g'oyalariga sadoqatimizni namoyon qilib, inson, uning hayoti, erkinligi, sha'ni va qadr-qimmati oliy qadriyat hisoblanadigan insonparvar demokratik davlatni, ochiq va adolatli jamiyatni barpo etish borasida hozirgi va kelajak avlodlar oldidagi yuksak mas'uliyatimizni anglagan holda, davlatchiligimiz rivojining uch ming yildan ziyod tarixiy tajribasiga, shuningdek jahon sivilizatsiyasiga beqiyos hissa qo'shgan buyuk ajdodlarimizning ilmiy, madaniy va ma'naviy merosiga tayanib, mamlakatimizning bebaho tabiiy boyliklarini ko'paytirishga hamda hozirgi va kelajak avlodlar uchun asrab-avaylashga hamda atrof-muhit musaffoligini saqlashga astoydil ahd qilib, xalqaro huquqning umume'tirof etilgan printsiplari va normalariga asoslangan holda, O'zbekistonning jahon hamjamiyati, eng avvalo, qo'shni davlatlar bilan do'stona munosabatlarini hamkorlik, o'zaro qo'llab-quvvatlash, tinchlik va totuvlik asosida mustahkamlash hamda rivojlantirishga intilib, fuqarolarning munosib hayot kechirishini, millatlararo va konfessiyalararo totuvlikni, ko'p millatli jonajon O'zbekistonimizning farovonligini va gullab-yashnashini ta'minlashni maqsad qilgan holda, ushbu Konstitutsiyani qabul qilamiz va e'lon qilamiz degan yangi normalarning kiritilganligi ahamiyatlidir.

Konstitutsiyaning 1-moddasida O'zbekiston – suveren, demokratik, huquqiy va ijtimoiy davlat ekanligi qat'iy belgilab qo'yildi.

Shuningdek, Konstitutsiyaning Shaxsiy huquq va erkinliklar bobida Yashash huquqi har bir insonning ajralmas huquqi ekanligi va u qonun bilan muhofaza qilinishi, inson hayotiga suiqasd qilish eng og'ir jinoyat ekanligi, O'zbekiston Respublikasida o'lim jazosi taqiqlanishiga oid normalar kiritilganligi bilan ahamiyatlidir.

Bundan tashqari, Konstitutsiyaning 26-moddasida Insonning sha'ni va qadr-qimmati daxlsizligi Hech narsa ularni kamsitish uchun asos bo'lishi mumkin emasligi, hech kim qiynoqqa solinishi, zo'ravonlikka, boshqa shafqatsiz, g'ayriinsoniy yoki inson qadr-qimmatini kamsituvchi muomalaga yoxud jazoga duchor etilishi mumkin emasligi hech kimda uning roziligisiz tibbiy va ilmiy tajribalar o'tkazilishi mumkin emasligi korsatib otilgan.

Inson huquq va erkinliklari qonunlarimizning, har bir vazirlik va idora faoliyatining mazmuniga aylanishi qat'iy talab sifatida belgiladi. Bu hol davlat organlari hamda mansabdor shaxslarning faqat va faqat fuqarolarning manfaatlarini ko'zlab faoliyat ko'rsatishiga asos bo'ladi.

Binobarin, qonunlardagi ziddiyatlar va noaniqliklar inson foydasiga hal bo'lishi shart va zarur. Bunga ko'ra, inson va davlat o'rtasida munosabatlarni tartibga soluvchi qonunchilikdagi noaniqliklar, turli tushunmovchiliklar bartaraf etiladi.

Konstitutsiyada kambag'allikni qisqartirish, bandlikni ta'minlash, ishsizlikdan himoya qilish bo'yicha normalar belgilandi.

Xususan, Konstitutsiyada har kimning uy-joyli bo'lish huquqi belgilandi. Ushbu normaning amal qilishi har bir fuqaro, jumladan, yosh oilalarning o'z boshpanasiga ega bo'lishini ta'minlab, kishilarning hayotdan rozilik darajasini oshiradi.

Bundan tashqari, hech kim sudning qarorisiz va qonunga zid tarzda uy-joyidan mahrum etilishi mumkin emasligi, uy-joyidan mahrum etilgan mulkdorga uy-joyning qiymati hamda u ko'rgan zararlarning o'zni qonunda nazarda tutilgan hollarda va tartibda oldindan hamda teng qiymatda (bozor qiymatida) qoplanishi ta'minlanishi kafolatlandi.

Aholi turmush tarzi, hayoti va salomatlik darajasini yaxshilashning zaruriy sharti sifatida Konstitutsiyada atrof-muhitni muhofaza qilish bo'yicha kompleks choralar belgilandi.

Shu munosabat bilan, davlat atrof-muhitni yaxshilash, tiklash va muhofaza qilish, ekologik muvozanatni saqlash bo'yicha choralarni amalga oshiradi, fuqarolarning ekologik huquqlarini ta'minlash va atrof-muhitga zararli ta'sir ko'rsatilishiga yo'l qo'ymaslik maqsadida shaharsozlik faoliyati sohasida jamoatchilik nazoratini amalga oshirish uchun shart-sharoitlar yaratadi, degan norma belgilandi. Shaharlarning bosh rejalarini jamoatchilik muhokamasidan majburiy o'tkazilishi shartligi qayd etildi.

Har kim qulay atrof-muhitga, uning holati to'g'risidagi ishonchli axborotga ega bo'lish huquqiga egaligi belgilandi.

Shuningdek, Ta'lim olish huquqi va imkoniyati kengaytirildi, o'qituvchilar konstitutsiyaviy maqomga ega bo'ldi. Jumladan, fuqarolarning oliy ta'lim muassasalarida davlat granti hisobidan o'qish huquqi qat'iy belgilab qo'yildi. Asosiy qonunda fuqarolarning bepul boshlang'ich kasb-hunarga o'qitilishi ham belgilandi.

Konstitutsiyada davlatning o'qituvchilar sha'ni va qadr-qimmatini himoya qilish, ularning ijtimoiy va moddiy farovonligi, kasbiy jihatdan o'sishi to'g'risida g'amxo'rlik qilish majburiyati qayd etildi. Oliy ta'lim tashkilotlariga akademik erkinlik, o'zini o'zi boshqarish, tadqiqotlar o'tkazish va o'qitish erkinligi huquqi taqdim etildi.

Inson huquq va erkinliklari kafolatlari sezilarli darajada kuchaytirilmoqda.

Xususan, O'zbekistonda o'lim jazosi taqiqlandi. O'lim jazosini taqiqlashni konstitutsiyaviy darajada belgilanishi insonni hayotdan hatto davlat ham mahrum etishga haqli emasligini kafolatlaydi.

Bundan tashqari, shaxs sudning qarorisiz 48 soatdan ortiq muddat ushlab turilishi mumkin emasligi belgilandi. Ya'ni, shaxsning erkinligini cheklash bilan bog'liq har qanday harakat faqatgina sud qarori asosida amalga oshirilishi shart. Ushbu qoida tergov organlari tomonidan insonlarni noqonuniy hibsga olish, asossiz qamoqqa olish va saqlashga yo'l qo'ymaslikka qaratilgan. Bu orqali xalqaro e'tirof etilgan "Xabeas korpus" institutini qo'llanish ko'lami yanada kengaydi.

Shaxsni ushlab chog'ida unga tushunarli tilda uning huquqlari va ushlab turilishi asoslari tushuntirilishi shartligi, ayblanuvchi va sudlanuvchilarga o'ziga qarshi ko'rsatma bermaslik (xalqaro e'tirof etilgan "Miranda qoidasi"), sukut saqlash huquqi berildi.

Konstitutsiyada aybdorlikka oid barcha shubhalar, agar ularni bartaraf etish imkoniyatlari tugagan bo'lsa, gumon qilinuvchining, ayblanuvchining, sudlanuvchining yoki mahkumning foydasiga hal qilinishi kerakligi qayd etilmoqda. Mazkur norma to'g'ridan-to'g'ri amal qiluvchi qoida bo'lib, tergov va sud jarayonida faqat ishonchli va qonuniy dalillardan foydalanishni taminlaydi hamda shaxsni asossiz ravishda javobgarlikka tortilishdan himoya qiladi.

Gumon qilinuvchi, ayblanuvchi yoki sudlanuvchi o'zining aybsizligini isbotlashi shart emasligi mustahkamlandi, hech kim o'ziga va yaqin qarindoshlariga qarshi guvohlik berishga majbur emasligi belgilandi. Mazkur qoidalarning Konstitutsiyada belgilanishi jinoiy taqib ostidagi har qanday shaxsga yoki uning yaqin qarindoshlariga ruhiy bosim va turli tahdidlar o'tkazish, uning shani va qadr-qimmatini kamsitish kabi boshqa noqonuniy usullar qo'llanishini oldini olishga xizmat qiladi.

Yana bir muhim norma – agar shaxsning o'z aybini tan olganligi unga qarshi yagona dalil bo'lsa, u aybdor deb topilishi yoki jazoga tortilishi mumkin emasligi kafolatlandi. Bu jinoyat bo'yicha haqiqatni aniqlash, shuningdek, aybsiz insonlarning javobgarlikka tortilishini oldini olishga, ayni paytda, jinoyat sodir etgan haqiqiy aybdor shaxs yoki shaxslarni aniqlashga xizmat qiladi.

Ozodlikdan mahrum etilgan shaxslar o'ziga nisbatan insoniy muomalada bo'linishi hamda inson shaxsiga xos bo'lgan shani va qadr-qimmatini hurmat qilinishi huquqiga egaligi ham tarixda ilk bor konstitutsiyaviy mustahkamlandi.

Shaxsning sudlanganligi va bundan kelib chiqadigan huquqiy oqibatlar uning qarindoshlari huquqlarini cheklash uchun asos bo'lishi mumkin emasligi belgilandiki, bularning barchasi mustabid tuzumdan qolgan illatga, qancha yoshlarimizni o'z orzularidan voz kechishga majbur qilgan noinsoniy taqiqlarga chek qo'yadi.

Bir so'z bilan aytganda Yangi Konstitutsiya-xalq Konstitutsiyasidir. Zero Yangi Konstitutsiyadagi normalar Inson qadri uchun xizmat qiladi desak also mubolag'a bo'lmaydi. Inson farovon yashashi, davlat barqaror rivojlanishi uchun samarali, ixcham va xalqchil davlat boshqaruvi joriy qilinadi.

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш талабларни бузганлик учун юридик жавобгарлик-ҳуқуқ нормаларини бузганлик учун жазо чораларини қўллаш оқибатида ҳуқуқбузарга салбий оқибатлар туғдириш ва давлат томонидан ов қилишга оид ҳуқуқ талабларини бажаришга мажбур этиш тушунилади. Ушбу соҳада юридик жавобгарлик ижтимоий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, ҳуқуқий нормаларда белгиланади ва давлатнинг мажбурлаш кучини қўллаш имкониятлари билан амалга оширилади.

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги¹ Қонунининг 47-моддасида, “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги (Янги таҳрири)² қонунининг 53-моддасида, “Ов қилиш ва овчилик хўжалиги тўғрисида”ги³ 2020 йил 19 июнда маъқулланган қонунининг 39-моддасида ўз ифодасини топган.

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик-ушбу соҳада ҳуқуқбузарлик содир этилганда ва унинг салбий оқибати келиб чиққанда вужудга келади. Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик давлатнинг мажбурлов характеридаги чораларини ҳуқуққа ҳилоф ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) содир этган шахсга нисбатан қўлланилиши билан боғлиқ ва ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликка қарши курашнинг муҳим ҳуқуқий воситасидир.

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик ўзининг асосий мақсади ва тамойиллари билан бошқа қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликдан фарқ қилмайди, аммо маълум бир ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлади.

Ушбу хусусиятлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига етказилган зарарни такса услуби асосида ундириш ва экологик қонун ҳужжатларини бузганлик учун махсус жазо чоралари, яъни табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини

* ТерДУ Юридик факультети ўқитувчиси

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 1-сон, 38-модда

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 38-сон, 439-модда

³ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.07.2020 й., 03/20/627/1047-сон

чеклаш, тўхтатиб туриш ва ундан маҳрум қилиш чораларини қўллашдан иборат бўлади.

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик қуйидаги мақсадларда: ҳайвонот дунёси, ёввойи ҳайвонларни қонунсиз овлаш, фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун шахсларга нисбатан жазо чораларини қўллаш; атроф табиий муҳитга ва ҳайвонот дунёси, ёввойи ҳайвонларнинг ҳайти ва яшаш тарзига етказилган зарарни қоплаш; ов қилишга оид экологик ҳуқуқбузарликларни содир этишни оғоҳлантиришда намоён бўлади.

Ҳозирги даврда кўпчилик олимлар томонидан “**экологик ҳуқуқий жавобгарлик**” термини кўпроқ қўлланилади. Ушбу терминни қўлланилиши ҳуқуқнинг комплекс тармоғи бўлмиш экологик ҳуқуқ концепцияси, ўзига мустақил ва яқин тармоқлар, яъни ер, тоғ, сув, ҳайвонот ва ўсиликлар дунёси, ўрмон ҳуқуқи ҳамда табиатни ҳуқуқий муҳофаза қилиш билан чамбарчас боғлиқ. Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда экологик ҳуқуқий жавобгарлик бўйича ижтимоий муносабатлар экологик ҳуқуқбузарлик содир этилганда вужудга келади.

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда **экологик ҳуқуқбузарлик** деганда-ов қилиш ва ов хўжалиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузувчи айбли, ноқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади. Ов қилиш соҳасида-ҳуқуқбузарлик содир этилганда атроф табиий муҳитга ҳамда у орқали ҳайвонот дунёсига, уларнинг яшаш муҳитига зарар етказилади ёки зарар етказиш хавфи туғилади. Аммо, маълум бир ҳолатларда зарар ушбу ҳуқуқбузарликни белгилашда ҳисобга олинмаслиги мумкин, чунки табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқини бузиш оқибатида экологик муносабатларнинг бошқа бир субъектларини ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши мумкин.

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда экологик ҳуқуқбузарликлар **объекти** бўлиб-ҳайвонот дунёсининг яшаш табиий муҳити, ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш бўйича белгиланган тартиби ҳисобланади.

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишдаги экологик ҳуқуқбузарликларнинг **субъекти** эса уни содир этувчи юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланадилар.

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда экологик ҳуқуқбузарликларнинг **объектив томони** ҳатти-ҳаракатнинг ноқонунийлиги, ҳайвонот дунёси ва унинг яшаш табиий ҳолатига зарар етказиш ёки етказиш хавфи туғилиши ҳамда экологик муносабатларнинг бошқа субъектларини ҳуқуқ ва манфаатлари бузилиши, ушбу ҳатти-ҳаракат билан

вужудга келган ёки вужудга келиши мумкин бўлган оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш билан ифодаланади.

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда экологик ҳуқуқбузарликнинг **субъектив томони** деганда ҳуқуқбузарнинг **айби** тушунилади. Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ҳуқуқбузарнинг айби **қасдан** ёки **эҳтиётсизлик** шаклида вужудга келиши мумкин. Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда экологик ҳуқуқбузарлик қасдан содир этилаётганида ҳуқуқбузар тақиқланган қонидани ёки бажариши лозим бўлган мажбуриятни атайин бузади ёхуд бажармайди ва бунда у ўз ҳатти-ҳаракатлари натижасида ҳайвонлар ва уларни қонунсиз овлашга нисбатан зарарли оқибатларни келиб чиқишини билади ҳамда онгли равишда унга йўл қўяди. Масалан, ҳайвонот дунёси ёки балиқларни рухсатсиз ов қилиш ёки уларни отиб ўлдириш ва бошқалар.

Амалдаги қонунларимизда кўрсатилишга қарамасдан ноқонуний ов қилиш соҳасида бир қатор жиноятлар содир этилмоқда. Масалан: Айдар-Арнасой кўллари тизимида тақиқланган ов қуроли- “Леска”дан тўкилган тўрлар ёрдамида 150 бошдан зиёд балиқ тутган эркак ушланди. Табиатга 31,2 млн сўмлик зарар етказилгани маълум қилинди. Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Айдар-Арнасой кўллари тизими ресурсларидан фойдаланиш соҳасида иқтисодий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўлими томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаро Ф. Т. тақиқланган ов қуроли-“леска”дан тўкилган тўрлардан фойдаланиб, табиий ҳудуддан 107 бош судак, 22 бош зоғорабалиқ (сазан), 20 бош “товонбалиқ”, “оқ амур” ва “вобла” каби балиқларини овлагани аниқланган. Ушбу ҳатти-ҳаракатлари билан фуқаро ҳайвонот дунёсига 31,2 млн сўм зарар етказилгани маълум қилинди. Мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг 202-моддаси (ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш) билан жиноят иши кўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилган¹.

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда эҳтиётсизлик оқибатида ҳуқуқбузарлик содир этилганда, ҳуқуқбузар ўз ҳатти-ҳаракати натижасида салбий оқибатларни келиб чиқишини била туриб, улар вужудга келмайди деб ҳисоблайди ёки зарарли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда, уни олдиндан кўра билмайди. Масалан, ҳайвонот дунёси ёки балиқларни рухсат берилмаган пайтда овлаш ёки уларни яшаш тарзига салбий таъсир қиладиган ҳолатлар ва бошқалар.

¹Айдар-Арнасой кўллари тизимида тақиқланган тўрда балиқ овлаган эркак ушланди.// <https://www.gazeta.uz/uz/2022/04/18/fish/>

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда ҳуқуқбузарлик ўзининг хавфлилик даражасига қараб жиноий, маъмурий, фуқаролик (мулкӣ) ҳуқуқбузарлик ҳамда интизомий ҳатти ҳаракат тарзида бўлиши мумкин. Экологик ҳуқуқбузарликлар учун тегишлича интизомий, моддий, маъмурий, жиноий, фуқаролик ҳуқуқий (мулкӣ) жавобгарлик қўлланилади. Бундан ташқари экологик ҳуқуқбузарликни содир этган шахсларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқи чекланиши, тўхтатиб турилиши ва ундан маҳрум этилиши мумкин.

Умуман олганда, ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ҳуқуқбузарлик учун юридик жавобгарлик-бу белгилаб қўйилган экологик қонун талаблари ҳамда меъёрларини бузганлиги, ҳайвонот дунёсидан нооқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш қоида талабларини бузиш, ҳайвонлардан ноқонуний хўжасизларча фойдаланиш ва қонунсиз овлаш оқибатида вужудга келиб, у субъектларни юридик жавобгарликка тортилишида намоён бўлади.

Хуллас, ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик турлари ва қўлланиладиган жазо чораларининг кўрсатилиши муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликларни олдини олишга ёрдам беради ҳамда амалиётда кенг қўлланилишини таъминлаб, ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва уларни кўпайтиришга, камёб турларини эса тиклашга ёрдам беради.

*Д.Р. Рузиев**

Дастлабки тергов жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳуқуқий кафолатлари

Янгилаётган Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Сўнгги уч йилда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қонунчилик ва ташкилий-ҳуқуқий базасини мустаҳкамлаш, халқаро стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш ва халқаро мажбуриятларни бажариш борасида салмоқли ишлар қилинди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни фаоллаштиришга доир тизимли ишлар олиб борилмоқда.

* Тошкент шаҳар ИИББ ТБ бошлиғи ўринбосари

Бугунги кунда мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 80 тадан ортиқ халқаро ҳужжатга, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 6 та асосий шартномасига қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан тегишли шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузаларини тақдим этиб келмоқда. Шартномавий қўмиталарнинг якуний тавсиялари инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича миллий қонунчилик ва сиёсатни такомиллаштириш жараёнида ҳисобга олинмоқда.

Ўзбекистон Президенти куни кеча имзолаган “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармон ҳам халқаро мажбуриятлар, шунингдек, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий стратегия қоидаларини бажаришга қаратилган

Фуқаролик жамиятининг асосий қадриятлари инсон ва унинг ҳуқуқлари ҳисобланса, уларни амалга оширишнинг сиёсий воситаси давлат ҳисобланади. Давлат фақатгина мазкур вазифани бажара олган тақдирдагина ҳуқуқий давлат мақомига эга бўлади. Шахс ҳуқуқий мақомининг асослари халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормаларига асосланадиган миллий қонунчилик қоидалари билан белгиланади.

Яшаш, эркин бўлиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари ҳар бир инсонга туғилиши билан тегишли бўлади. Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахс бошқа шахсларнинг дахлсиз ҳисобланган ҳуқуқларини бузувчи ёки чекловчи ўзининг ҳаракатлари моҳиятини тушунади. Бундай ҳолатларда давлат биринчи навбатда бошқа шахсларнинг жиноий ҳаракатларидан жабр кўрган ўз фуқароларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга мажбурдир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 8-моддасида қайд этилганидек, “ҳар бир инсон унга конституция ёки қонун орқали берилган асосий ҳуқуқлари бузилган ҳолларда нуфузли миллий судлар томонидан бу ҳуқуқларнинг самарали тикланиши ҳуқуқига эга”.

Бузилган ҳуқуқларни тиклаш жиноий судлов жараёнининг биринчи даражадаги вазифаси бўлиши лозим. “Ҳозирги вақтда умум эътироф этилишича, жиноий одил судлов жараёни нафақат айбланувчилар/ҳуқуқбузарларга нисбатан, балки жиноят жабрдийдаларига нисбатан ҳам адолатли бўлиши шарт”.

1985 йилги Жиноят ва ҳокимият суиистеъмолчилиги жабрдийдалари учун одил судловнинг асосий принциплари тўғрисидаги декларациянинг 4-моддаси қоидаларига мувофиқ, айбдор шахсларнинг ҳуқуққа зид ҳаракатларидан жабр чеккан шахслар миллий қонунчиликка мувофиқ одил судлов механизмларига мурожаат қилиш ва ўзларига етказилган зарар учун тезлик билан компенсация олиш ҳуқуқига эгадир.

Ушбу Декларация қоидаларида ҳақли равишда шундай ҳолатга эътибор қаратилганки, унга кўра, ҳуқуқларнинг тикланиши дастлабки тергов органларининг процессул ҳулосаларидан қатъи назар амалга оширилиши шарт: “... у ёки бу шахс қўлга олинган, судга топширилган ёки ҳукм қилинган бўлишидан қатъи назар “қурбон” деб ҳисобланиши мумкин”.

Шу билан бирга, Жиноятчилик масалалари бўйича халқаро шарҳга кўра, дунё бўйлаб жиноят жабрдийдаларининг ярмидан кўпи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг уларнинг шикоятларига нисбатан муносабатларидан қониқмаган. Кўпгина ҳолларда жабрланувчилар жиноят одил судлов тизими томонидан уларга нисбатан бўлган муносабатдан жиддий жароҳатланишган, бу эса иккиламчи виктимизация деб аталувчи ҳолатга олиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади, давлат ўзининг ваколатли органлари ва мансабдор шахслари тимсолида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди.

Конституцияда мустаҳкамланган инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги давлат ҳокимиятининг барча соҳалари, шу жумладан тергов органлари учун ҳам мажбурий ҳисобланади. Демак, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг иккинчи бўлимида тергов ҳаракатлари доирасида жорий қилинадиган асосий тамойиллар мустаҳкамланган.

Қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон эга бўладиган барча ҳуқуқ ва эркинликлар ҳам кўзда тутилмаган, балки унда фақат асосий ёки фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлар ўз аксини топган. Бундай ҳолат деярли барча демократик конституциялар учун хос хусусият бўлиб, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг нисбатан тўлиқ рўйхати келтирилган ҳолатларда ҳам уларнинг тугал эмаслиги қайд этиб қўйилади, яъни инсон ёки фуқаро бошқа ҳуқуқ ва эркинликларга ҳам эга эканлиги белгиланади.

Конституцияда белгиланган асосий ҳуқуқлар инсон ва фуқаронинг бошқа умум эътироф этилган ҳуқуқ ва эркинликларининг аҳамиятини камайтирадиган тарзда шарҳланмаслиги лозим. Бундай “ноконституциявий” даражадаги ҳуқуқ ва эркинликлар миллий ҳуқуқ тизимининг барча соҳалари, шу жумладан жиноят-процессуал ҳуқуқи билан мустаҳкамланади.

Жиноят-процессуал ҳуқуқи нисбатан хавфли бўлган ижтимоий ҳодиса – жиноят билан курашишни мақсад қилади. Жиноят таъқибини амалга оширувчи органларга бундай муҳим ижтимоий вазифани юклаган ҳолда, давлат уларга шахсий қизиқишлар соҳасига аралаштиришга руҳсат беради. Шу билан бирга, бундай аралаштиришнинг чегараларини ҳамда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини

асоссиз равишда чеклашдан кафолатларни белгилайди. Дастлабки терговни олиб боришда шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича нормалар амалга оширилар экан, икки турдаги манфаатлар бир бири билан ўзаро тўқнашади: жамият манфаатлари ва шахсий манфаатлар. Шу муносабат билан, жамият манфаатлари билан шахсий манфаатлар ўртасида энг мақбул мутаносибликни белгилашга эҳтиёж юзага келади.

Конституция шахс ҳуқуқий мақомининг ўзаги бўлмиш энг муҳим ҳолатларни, жиноят таъқибининг асосларини мустаҳкамлайди. Шундай келиб чиққан ҳолда, жиноят-процессуал қонунчилиги нормаларини ишлаб чиқишда конституциявий қоидаларнинг мазмун ва моҳиятини англаш ва уларни жиноят-процессуал соҳавий қонунчилик тилига ўгириш талаб қилинади.

Жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш деганда жиний судлов иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун муносиб шароитларни яратишга йўналтирилган терговчи, суриштирувчи, прокурор, суднинг фаолияти тушунилади.

Россиялик олим В.Лебедевнинг ҳақли эътироф этишича, ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим кўрсаткичларидан бири эркинлик ва шахсий дахлсизликнинг ҳимояланганлик даражаси ҳисобланади, бу эса давлат сиёсатида асосий йўналишларни белгилашга имкон беради.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг нисбатан сезиларли даражада чекланиши жиноят таъқиб соҳасида яққол кўзга ташланади. Мазкур соҳада эса ҳуқуқий таъминлаш нуқтаи назаридан нисбатан мураккаби тергов ҳаракатлари ҳисобланади. Б.Гавриловнинг фикрича, жиноят процессида ҳуқуқий таъминотнинг зарурий шарти шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш механизмнинг амал қилишидир. Ушбу механизм ўз ичига амалдаги қонунчиликка асосланган ҳуқуқий таъминотнинг энг мақбул мувозанатини таъминловчи тавсиялар ва чораларни, шунингдек жиноятларни очиш ва тергов қилишга оид фаолият доирасидаги чекловларни қамраб олади.

Шахснинг дахлсизлик ҳуқуқини чеклашда, В.Демирчяннинг фикрига кўра, “қуйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим: 1) шахснинг кадр-қимматини ҳурмат қилиш: ҳақорат қилиш, таҳқирлаш, таҳдид қилиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади; 2) жиний судлов иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш: зўрлик ишлатиш, қийноқлар, ғайриинсоний муомала, ҳаёти ва соғлиғи учун хавф яратиш тақиқланади.

Жиний судлов жараёнларида процессда иштирок этувчи шахсларнинг ҳуқуқларини ҳуқуқий жиҳатдан чеклаш қўлланилади. Гумонланувчи, айбланувчи уларда тегишли процессуал мақомнинг вужудга келиши билан ҳуқуқлар борасида чекловларга дуч келишади.

Тергов ҳаракатларининг бошқа иштирокчилари ҳам ишга жалб қилинган ҳолларда ҳуқуқларининг маълум бир тарзда чекланганлигини сезишади, чунки ҳар қандай тергов ҳаракатлари мажбурловчи хусусиятга эга ҳисобланади. Тергов ҳаракатларини амалга оширишда инсон ҳуқуқларининг чекланиши процессул тартибни таъминлаш, жиноят-процессул тарзда исботлашни амалга ошириш мақсадида ваколатли органлар ва шахслар томонидан тергов ҳаракатлари иштирокчиларига нисбатан қўлланиладиган мажбурловчи таъсир кўрсатишни англатади.

Инсон ҳуқуқларини чеклашнинг чегараси деганда қонун билан мустаҳкамланган ҳуқуқий чекловни қўллашда шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари соҳасига аралашининг хусусияти ва даражаси, усулларини аниқлаш имконини берувчи қонунчиликка мувофиқ белгиланган қоидалар тушунилади.

Тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини чеклаш қатъий процессуал тартиб асосида ҳамда қўйдаги шартларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим: *чекловларни қўллашга ваколатли бўлган органлар ва шахслар доирасининг маълум чегараси; ҳуқуқий чекловлар қўлланилиши мумкин бўлган шахсларнинг доираси; қонун билан белгиланган чеклов муддати; муқобил вариантларни қўллаш имконияти, инсонпарварлик ва адолат тамойилларига риоя қилиши.*

Инсон ҳуқуқларини чеклашнинг қонунийлиги ва асослилигининг ҳуқуқий кафолатлари деганда халқаро ҳуқуқ нормалари, конституциявий, жиноят-процессуал қонунчилик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган шартлар, воситалар ва усулларнинг йиғиндиси, шунингдек улар асосида амалга ошириладиган ҳамда жиноий судлов жараёнида шахснинг жисмоний, ахлоқий ва руҳий дахлсизлиги, шахсий эркинлиги ва хавфсизлигини ўзбошимчалик билан қилинадиган тажовузлардан ҳимоясини таъминловчи процессул фаолият тушунилади.

Жиноят процессида одил судлов ва инсон ҳуқуқларининг кафолатлари ягона, ўзаро боғлиқ қатъий тизимни ташкил қилади. Ушбу тизимдаги бирор бир элементнинг бузилиши нафақат жиноий судлов аниқ бир иштирокчисининг ҳуқуқини бузади, балки бутун тизимга таъсир қилади, жиноий иш юритиш натижаларига зарар етишига, унинг самарасизлигига ва бузилишига олиб келади. Шу сабабли, тергов ҳаракатлари жараёнида шахснинг ҳуқуқларини таъминлаш масаласи юзага чиқиши шубҳасиздир.

В.Мельниковга кўра, “жиноят процессини амалга оширувчи тегишли органлар ва шахсларнинг мажбуриятлари тизимида ҳуқуқий таъминотга йўналтирилган ва “вакиллик” номини олган мажбуриятлар муҳим ўринга эга”. Ушбу мажбуриятларга асосий мақсади жиноий судлов ва тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини

амалга ошириш, ҳимоя қилиш ва тиклаш ҳисобланувчи процессуал воситаларни намоён қилувчи муҳим ҳуқуқий кафолатлар сифатида қараш зарур.

Қайд этиш лозимки, тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари фақат ушбу ҳуқуқларга мос келувчи норматив жиҳатдан мустаҳкамланган мажбуриятлар мавжуд бўлгандагина таъминланиши мумкин. Бу тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг жиноят процесси принциплари мақомига кўтарилган ҳуқуқларига ҳам, ёки унинг алоҳида таркибий қисмларига ҳам тўлиқ равишда тааллуқли бўлади. Масалан, тергов ҳаракатини амалга ошириш вақтидаги шахсий дахлсизлик ҳуқуқи тергов ҳаракатига иштирокчиларни жалб қилувчи терговчининг (суриштирувчининг) тергов ҳаракатини иштирокчилар белгиланган вақтда келганидан кейин дарҳол амалга ошириш мажбуриятини келтириб чиқаради.

Тергов ҳаракатларини амалга оширишда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, хусусан бу жараёнда инсон ҳуқуқлари чекланишининг ҳуқуқий масалалари юзасидан қуйидаги асосий хулосаларга келиш мумкин.

Биринчидан, жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш деганда жинойий судлов иштирокчиларининг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун муносиб шароитларни яратишга йўналтирилган терговчи, суриштирувчи, прокурор, суднинг фаолияти тушунилади.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқларини чеклашнинг чегараси – қонун билан мустаҳкамланган ҳуқуқий чекловни қўллашда шахснинг ҳуқуқ ва манфаатлари соҳасига аралашининг хусусияти ва даражаси, усулларини аниқлаш имконини берувчи қонунчиликка мувофиқ белгиланган қоидалардир.

Учинчидан, тергов ҳаракатлари иштирокчиларининг ҳуқуқларини чеклаш имконияти қуйидаги қатъий шартларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилиши лозим: чекловларни қўллашга ваколатли бўлган органлар ва шахслар доирасининг маълум чегарасини белгилаш; ҳуқуқий чекловлар қўлланилиши мумкин бўлган шахсларнинг доирасини мустаҳкамлаш; қонун билан белгиланган чеклов муддатини ўрнатиш; муқобил вариантларни қўллаш имкониятини яратиш.

Тўртинчидан, шахснинг дахлсизлик ҳуқуқини чеклаш қуйидаги қоидаларга қатъий риоя қилишни талаб қилади:

1) шахснинг қадр-қимматини ҳурмат қилиш: ҳақорат қилиш, таҳқирлаш, таҳдид қилиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатларни амалга ошириш тақиқланади;

2) жинойий судлов иштирокчиларининг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш: зўрлик ишлатиш, қийноқлар, ғайриинсоний муомала, ҳаёти ва соғлиғи учун хавф яратиш тақиқланади.

Конституция - инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолати

Бош қомусимиз муқаддимасида инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлик тантанали равишда эълон қилиниб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулият англаган ҳолда, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянилиб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат намоён этилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф қилинган қоидалари устунлиги тан олинган ҳолда, республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашга интилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш кўзланиб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида қабул қилинган.

Шу мақсадларни кўзлаб қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бугунги кунда мамлакатимизда суверен демократик давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иқтисодиётимиз ривожини ва турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг асосий ҳуқуқий кафолати бўлиб келмоқда...

Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислохотлар, улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, рўй бераётган барча ўзгариш ва янгиланишлар асоси, миллий қонунчилигимиз пойдевори бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жаҳон ҳамжамиятида замонавий демократик қонунчилик намунаси сифатида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимизда давлатни жамиятга, халққа хизмат қилувчи институтга айлантириш, унинг фаолиятини қонунларга таяниб қуришга қаттиқ киришилган, десак хато бўлмайди. Фуқаро – жамият – давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ва адолатли ҳуқуқий ечими Конституциядир

Ҳар бир халқ, миллат ўз истиқлолига эришганидан сўнг жаҳонда янги мустақил давлат сифатида ташкил топганлиги, мақсади, келажак истиқболларини Конституцияда белгилаб қўяди.

Чунки дунёдаги мавжуд конституцияларнинг барчаси уларни ижод этган халқнинг, миллатнинг сиёсий тафаккури, маънавияти ва маданияти билан узвий боғлиқдир.

Худди шу маънода Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳам халқимиз табиатига мос барча маънавий-маданий қадриятларни, халқимиз донишмандлигини, ахлоқий фазилатларини ўзида мужассам этган.

* ИИВ Академияси “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси” кафедраси кабинет бошлиғи, майор

Асосий қонунимиз йиллар давомида халқимизнинг дилидан жой олди, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда мажбуриятларини ўзида мужассам этган дастурул амал сифатида намоён бўлди.

Йиллар ўтган сайин Конституциямизнинг мукамаллиги, ҳаётийлиги, унинг келажакнинг ҳам талабларига жавоб бера олиши исботланмоқда. Бу эса истиқлолнинг илк йилларида Асосий қонунни яратиш йўлида амалга оширилган улкан ва машаққатли меҳнат самарасидир. Ўтган давр ичида нимага эришган бўлсак Конституция асосида амалга оширилди, унинг нормаларига амал қилган ҳолда эришдик.

Конституциянинг 22-моддасида давлат ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиши ва уларга ҳомийлик кўрсатиши, 23-моддасида республика ҳудудида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ҳимояланиши кафолатлаб қўйилди.

Конституцимизнинг 13-моддасида: “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади” деб белгилаб қўйилган.

Асосий қонуннинг 93-моддасига назар ташлайдиган бўлсак, “Ўзбекистон Республикасининг Президенти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир” деб белгилаб қўйилганлигининг шоҳиди бўламиз.

Бу меъёр мамлакат раҳбарининг ҳар бир инсон ҳақ-ҳуқуқлари учун шахсан кафил эканлигини кўрсатиб турибди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва мустақиллик йилларида қабул қилинган барча қонунларимиз, олиб борилаётган ислохотлар, аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, ҳимоя қилишга йўналтирилган. Шу улуғ мақсад йўлида давлатимиз умумбашарий инсонпарварлик қоидаларига асосланиб, фуқароларимизнинг эркинликлари, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ таъминлаб келмоқда.

Истиқлол йилларида Юртбошимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида миллий қонунчилигимизда нафақат инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, балки инсонпарварлик тамойиллари ҳам кучайтирилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ратификация қилинди ва ундаги

инсонпарвар мезонлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий меъёрларига айланди.

Ҳар бир инсоннинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиб олиши учун етарли шароитлар ташкил қилинди. Шунинг учун ҳам давр ўтиши билан биз Конституциямизнинг аҳамияти ва моҳиятини, ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини, кадр-қимматини янада чуқурроқ англаб бормоқдамиз ва унга бўлган ҳурмат-эътиборимиз тобора ортмоқда.

Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглиги, Конституция ва қонунлар устунлигининг таъминланганидир.

Мамлакатимизда Конституциянинг устуворилигини таъминлаш, яъни қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига юклатилган. Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларини тийиб туриш ва мувозанатда ушлаб туриш учун Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ўзининг ваколатлари доирасида қуйидаги масалаларни кўриб чиқади:

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорларининг, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро шартномавий ва бошқа мажбуриятларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди; Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан имзолангунига қадар Ўзбекистон Республикаси конституциявий қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини ратификация қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлайди; Қорақалпоғистон Республикаси Конституциясининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, Қорақалпоғистон Республикаси қонунларининг Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради; Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг муайян ишда қўлланилиши лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлиги тўғрисида судлар ташаббуси билан киритилган муурожаатини кўриб чиқади; конституциявий судлов ишларини юритиш амалиётини умумлаштириш натижалари юзасидан ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ва Ўзбекистон Республикаси

Президентига мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисида ахборот тақдим этади.

Конституциявий суд муайян ишда қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузилганлиги тўғрисидаги шикоятларни текшириш ҳақидаги ишларни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан берилган ваколати доирасида бошқа ишларни кўриб чиқади. 2021 йилнинг 27 апрелида “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг қабул қилинди. Унинг мақсади Конституциявий суд фаолиятининг самарадорлиги ва нуфузини оширишга, мустақиллигини мустаҳкамлашга, уни шакллантириш тартибini янада демократлаштиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кенгайтиришга қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонунда белгиланган ваколатларни аниқ ва оғишмай амалга ошириш учун Конституциявий суд ўз фаолияти давомида қуйидаги асосий принципларга амал қилади. Булар, Конституциянинг устунлиги, мустақиллик, коллегиялик, ошкоралик, тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилиги принципларидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига мувофиқ, Конституциявий суд қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқ Конституциявий суд томонидан қонун лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига масалалар киритиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари - Бола ҳуқуқлари бўйича вакил, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат депутатлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари умумий сонининг камида тўртдан бир қисмидан иборат сенаторлар гуруҳи, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил эгадирлар.

Шунингдек, агар қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса, фуқаролар ва юридик шахслар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Хулоса қилиб айтганда Конституция - тараққиёт гарови. Демак, қонунларга қатъий амал қилсак, давлат ва жамият олдидаги бурчимизни адо этган, қолаверса мамлакатимизни гуллаб яшнашига ҳисса қўшган бўламиз.

*С.С. Усмонов**

Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг конституциявий асослари

Ер юзидаги давлатларнинг бошқарув тизимида, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий тараққиётида аёлларнинг жамиятда тутган ўрни ва мавқеи, давлатнинг аёлларга қаратилган сиёсати энг муҳим масалалардан бири бўлиб, ушбу сиёсатнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш давлатнинг асосий қонуни ҳисобланган унинг Конституцияси билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 50 фоизи, яъни 17 миллион 200 мингдан ортиғини бугунги кунда хотин-қизлар ташкил этади. Шу сабабдан, Ўзбекистон Республикасида бугунги кунда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар жараёнида хотин-қизлар учун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида муносиб шарт-шароитлар яратиш, аёлларнинг оила ва жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, уларнинг давлат бошқаруви фаолиятидаги ролини ошириш ҳамда бу фаолиятни оилавий юмушлар билан уйғун тарзда юритиш учун кенг имкониятлар яратиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев ҳақли равишда таъкидлаганидек, “давлат ва жамият бошқарувида аёлларнинг ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлаш - ислоҳотларимизнинг энг устувор йўналишларидан биридир”[1].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини юксалтириш, давлат бошқарувидаги ролини ошириш, таълим олиш, меҳнат қилиш ҳуқуқи бўйича кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириш, аёлларга оқилона муносабат масаласига ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида жиддий эътибор қаратишдан иборат

* ИИВ МОИ Юридик фанлар кафедраси кабинет бошлиғи

бўлди. Чунки, янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида давлат ва жамиятнинг тараққиёти, ватан равнақи, халқ фаровонлиги, фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб вояга етиши шу жамият ҳаётида аёлларнинг тутган ўрни ва роли беқиёсдир. Шу сабабдан, бугунги кун янги ислохотлар босқичида демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишни ўзининг пировард мақсади сифатида танлаган янги Ўзбекистон ўзининг Асосий қонунида аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеини юксалтириш, давлат бошқарувидаги родини ошириш, аёлларга оқилона муносабат масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган конституциявий қонунларга мувофиқ давлат ҳокимиятининг олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасида аёллар учун алоҳида квота ажратилган бўлиб, ушбу ҳуқуқдан улар самарали фойдаланмоқда. Аёллар орасидан белгиланган квотадан ортиқ даражада депутатлар, сенаторлар сайланмоқда, вазирлар ва ҳокимлар етишиб чиқмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида 150 та депутатдан 48 тасини аёллар, яъни 32 %, Сенатда сенаторлардан 25 тасини аёллар, яъни 25 %, маҳаллий кенгашларда эса барча депутатларнинг 31 % ни аёллар ташкил этади. Бу дунё давлатлари билан таққослаганда анча юқори кўрсаткич ҳисобланиб, давлатнинг аёлларга қаратилган оқилона сиёсати туфайли улар давлат бошқарувининг турли соҳаларида, айниқса таълим, соғлиқни сақлаш, хусусий тадбиркорлик тизимида фаол иштирок этмоқдалар, эркаклар билан ёнма-ён туриб халқ фаровонлигини ошириш, баркамол авлод тарбияси йўналишларида унумли меҳнат қилиб келмоқдалар.

Мамлакатимизда бугунги кун янги ислохотлар босқичида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган ҳуқуқий асослардан келиб чиқиб хотин-қизлар родини ошириш юзасидан Миллий ҳаракат дастури қабул қилинди, БМТнинг “Хотин - қизлар камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида” ги конвенциясини амалга ошириш ва мониторингини олиб бориш бўйича миллий механизм тизими яратилиб, ушбу халқаро Конвенция талаблари асосида Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари қабул қилинди. Ушбу қонун ва дастурларда аёлларга турли имтиёзлар бериш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, аёллар саломатлигини сақлаш, уларнинг меҳнатини енгиллаштириш масалаларига жиддий эътибор берилди.

Демократик ҳуқуқий давлатда аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилиш механизми мукамал яратилган бўлиши лозим. Шу маънода Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида аёллар ҳуқуқи бўйича давлат сиёсатининг асосий мазмуни ва моҳиятини ўзида ифода этувчи қуйидаги халқаро ва умуминсоний тамойиллар ўз ифодасини топган: халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги (преамбула), қонунийлик, демократизм, хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг ажралмаслиги, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини мажбуран чеклашга йўл қўйилмаслиги, ҳуқуқ ва эркинликларнинг бевосита амалга оширилиши, жинс бўйича камситишга йўл қўймаслик ва ҳ.к. Ушбу тамойиллар Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида аёлларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мазмуни ва моҳиятини белгилаш ҳамда амалда таъминлашга хизмат қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг аёлларнинг ҳуқуқлари атрофлича белгилаб берилган. Бунда инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини тартибга солишга бағишланган бўлиб, улар тўғридан - тўғри аёллар ҳуқуқини белгилашга ҳам тааллуқлидир. Асосий қонунда аёлларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари тартибга солинган. Шунингдек, Конституцияда аёлларнинг шахсий ҳуқуқи сифатида ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эгаллиги, ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмаслиги, Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эгаллиги, ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эгаллиги, ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эгаллиги, ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланиши, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эгаллиги, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмаслиги алоҳида тартибда белгиланган.

Ушбу сиёсий ҳуқуқлар БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ҳамда сайловлар ва аёлларнинг сиёсий ҳуқуқига бағишланган барча халқаро ҳужжатлар талабларига тўла мос келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига

эгадирлар. Ушбу конституциявий норманинг мазмуни сайлов ҳуқуқи аёлларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқидан иборат эканлигини белгилайди.

Аёлларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида эркаклар билан бир хил тарзда ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақлилиги, банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланиши, ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгаллиги, суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнатнинг таъқиқланиши, ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш ҳуқуқига эгаллиги, ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эгаллиги, ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эгаллиги, ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгаллиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратидалиги, ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи кафолатланиши, давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига аёлларни ишга олишни рад этиш мумкин эмаслиги, бир хил меҳнат учун бир хил ҳақ тўлаш кераклиги, эркаклар ва аёллар ижтимоий масалаларда бир хил ҳуқуққа эга эканлиги, меҳнат муносабатларида камситишларга йўл қўйилмаслиги каби гендер тенглигини таъминлашга бағишланган қоидалар ўрин эгаллаган.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонуни аёлларнинг конституциявий ҳуқуқини таъминлашга қаратилган махсус қонун ҳужжатларидан биридир. Ушбу қонунда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатларини таъминлашнинг асосий принциплари, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, давлат хизмати соҳасида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш талаблари, давлат органлари раҳбарлари лавозимларига кадрлар захирасини шакллантиришда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилигига риоя этилиши, давлат хизматидаги лавозимларни, шу жумладан раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун танловда хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг равишда иштирок этиши, хотин-қизлар ва эркаклар ҳокимият вакиллик органларига сайлаш ва сайланишда тенг ҳуқуқларга эгаллиги, меҳнат муносабатларида хотин-қизлар ва эркакларнинг

тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларининг кафолатлари, оилавий муносабатлар ҳамда болалар тарбияси соҳасида хотинқизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлилиги, оилавий муносабатларда хотин-қизлар ва эркаклар учун ҳуқуқ ҳамда имкониятларнинг тенглиги, таълим олиш ҳуқуқини амалга оширишда хотин-қизлар ва эркакларга тенг имкониятлар яратилиши каби масалалар тартибга солинган.

Аёлларнинг конституциявий ҳуқуқини ҳимоя қилишга бағишланган махсус қонунлардан яна бири Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунидир. Ушбу қонунда, аввало, хотин - қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ўтказишга доир асосий тушунчалар берилган. Чунончи, ушбу қонуннинг 3-моддасида баён қилинишича, зўравонлик деганда, хотин-қизларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ёки иқтисодий таъсир ўтказиш ёки бундай таъсир ўтказиш чораларини қўллаш билан таҳдид қилиш орқали уларнинг ҳаёти, соғлиғи, жинсий дахлсизлиги, шаъни, кадрқиммати ва қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига тажовуз қиладиган ғайриҳуқуқий ҳаракат (ҳаракатсизлик) тушунилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига аёлларга қилинган жинсий тажовуз учун жазолар оғирлаштирилди. Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида аёллар ҳуқуқини таъминлашга бағишланган бир қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди, улардаги асосий қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган миллий қонунчиликка сингдирилди. Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1991 йил 30 сентябрда қўшилган) ва Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси (1995 йил 6 майда қўшилган) ратификация қилиниб, уларнинг қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 йил 8 декабрь), “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги қонун (2008 йил 7 январь)га имплементация қилинди.

Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишга бағишланган халқаро ҳужжатлар - БМТ Бош ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакти (Ўзбекистон Республикасида 1995 йил 28 декабрда ратификация қилинган), “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пакти (Ўзбекистон Республикасида 1995 йил 28 декабрда ратификация қилинган)нинг қоидалари тўлалигича Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва жорий қонунларига сингдирилган ҳамда улар амалиётга тўла тадбиқ этилган.

Шунингдек, БМТ Бош ассамблеяси томонидан 1952 йил 20 декабрда қабул қилинган “Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида”ги конвенция,

1960 йил 14 декабрда қабул қилинган “Таълим соҳасида камситишга қарши кураш тўғрисида”ги конвенция, 1967 йил 7 ноябрда қабул қилинган “Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида”ги декларация, 1979 йил 18 декабрдаги “Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги конвенция (Ўзбекистон Республикасида 1995 йил 31 августда ратификация қилинган), 1993 йил 20 декабрда қабул қилинган “Аёлларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш тўғрисида”ги декларациянинг барча талаблари Ўзбекистон Республикаси томонидан тўла бажарилиб келинмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон ХМТнинг мажбурий меҳнатга қарши конвенциясига кўшилди. ХМТнинг 1949 йил 21 мартдаги “Одам савдоси ва фоҳишаликнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида”ги, 1935 йил 21 июндаги “Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисида”ги, 1930 йил 28 июнда қабул қилинган “Мажбурий меҳнат тўғрисида”ги, 1936 йил 24 июндаги “Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида”ги, 1951 йил 29 июндаги “Тенг ҳақ тўлаш тўғрисида”ги, 1957 йил 25 июндаги “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги, 1958 йил 25 июндаги “Меҳнат ва бандлик соҳасида камситиш тўғрисида”ги, 1964 йил 9 июлдаги “Иш билан таъминлаш соҳасидаги сиёсат тўғрисида”ги конвенциялари Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.–Т.:Ўзбекистон, 2023;
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2020 йил 20 декабрь;
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 1996, 1-сонга илова;
4. Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ХМТнинг конвенциялари. –Т.:Akademnashr, 2017, 384 бет.

Ф.Н. Юсупов*

Суд-ҳуқуқ ислохотлари - инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг конституциявий кафолати

Айни кунларда “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун” ғояси остида мамлакатимиз мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрами шукуҳи ҳукмрон.

* ИИВ академияси тадқиқотчиси

Ўтган давр мобайнида халқимиз барча жабҳаларда асрларга татиғулик ютуқ ва натижаларни қўлга киритди, юксак марраларга эришилди. Буни суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича муҳим чора-тадбирлар изчиллик билан амалга оширилди.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг ҳозирги босқичдаги муҳим йўналишларидан бири - қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш ва эркинлаштиришдан иборат. Зеро, суд - одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён, айнан шундай ёндашув туфайли бу соҳадаги ишлар кўлами, миқёси ва самарадорлиги кейинги даврда ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилмоқда.

2001 йилдан бошлаб ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига ярашув институти киритилган соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган муҳим қадамлардан бири бўлди. Ўлим жазоси бекор қилиниб, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо тури жорий этилгани мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва янада инсонпарварлаштириш йўлидаги яна бир муҳим қадамлардан бири бўлди.

Дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг кўламли чора-тадбирлар кўрилди. Бу борада «Хабес корпус» институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши, лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш амалиёти жорий қилинганлиги принципал қадам бўлди. Бу фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз экани, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги конституциявий норма амалда рўёбга чиқишининг яққол ифодасидир.

Бундан ташқари, жиноят-процессуал кодексида белгиланган эҳтиёт чораларининг доираси кенгайтирилди. Яъни, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси жорий этилиб, шахсга нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ва унинг муддатини узайтириш судлар ваколатига берилди, Ўзбекистон Республикаси **Жиноят** кодексининг жазо тизимига алоҳида турдаги жазо сифатида озодликни чеклаш жазоси киритилди.

Эътироф этиш керак, давлатимиз раҳбарининг судлар томонидан ҳукм қилинган маҳкумларни афв этиш тўғрисидаги Фармонлари халқимизнинг

инсонпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик каби ўзига хос қадриятларининг чин маънодаги юксак намунаси бўлмоқда. Бунга жойларда мазкур ҳужжатнинг мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар, аҳоли билан бевосита мулоқотларда оддий одамлар билдираётган миннатдорлик сўзлари яққол мисол бўла олади.

Бундан кўзланган мақсад - фақат маҳкумларни ёки билиб-билмай жиноятга қўл урган шахсларни жазодан озод қилиш эмас, балки улар туфайли жабр тортадиган ҳар бир оила ва оила аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган ўғил-қизларнинг келгуси тақдирини ҳамда уларнинг келажагини турли салбий таъсир ва жиддий синовлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Узоққа бормасдан, сўнгги йиллар давомида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ислоҳотларга тўхталсак.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳамда ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш борасида янги даврни бошлаб берди.

Жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларига инсон ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлигини таъминлаш, суд муҳокамасини адолатли ва ўз вақтида ўтказиш, жазонинг адолатли ва инсонийлиги кафолатларини кучайтиришни инobatга олган ҳолда одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор ўзгартишлар киритилди.

“Хабеас корпус” институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилди. Бу ўзгартишлар инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принцип ва нормаларига тўла мос келади.

Судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз кечиктиришни бартараф этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини оширишга қаратилган янгилик сифатида суд томонидан жиноят ишини қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилинганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини қайта кўриб чиқишнинг амалдаги тизимини такомиллаштириш, суд процесси муддатлари ва

сифатига салбий таъсир кўрсатувчи ортикча оралик инстанцияларни бартараф этиш мақсадида вилоят даражасидаги судлар томонидан фуқаролик ва жиноят ишларини назорат тартибида қайта кўриш бўйича бир-бирини такрорловчи инстанциялари тугатилиб, ўз навбатида тегишли суд раислари ва прокурорларнинг назорат тартибида протест келтириш ваколати бекор қилинди.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган янги суд тизими, маъмурий судлар шакллантирилди.

Мамлакатимизда хусусий мулкни ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳудудларда ишларни биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ваколати бўлган туманлараро, туман ва шаҳар иқтисодий судлари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонининг қабул қилиниши Ўзбекистонда суд ҳокимиятини ягона тизим сифатида тубдан такомиллаштириш, одил судловни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳамда ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида муҳим ҳужжат бўлди.

Фармонга мувофиқ номзодларни танлаш ва судьялик лавозимига тайинлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, судьяларнинг мазкур жараёндаги иштирокини кенгайтириш, юқори малакали судьялар корпусини шакллантириш учун масъул бўлган органнинг мақоми ҳамда ваколатларини ошириш мақсадида судьялар ҳамжамиятининг органи ҳисобланадиган ва суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ташкил этилди.

Бундан ташқари 2017 йил 1 июндан эътиборан Олий суд ва Олий ҳўжалик судини бирлаштириш йўли билан фуқаролик, жиноий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритуви соҳасидаги суд ҳокимиятининг ягона олий органи - Ўзбекистон Республикаси Олий суди ташкил этилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони асосида 2018 йил 4 апрелдаги қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар

киритиш тўғрисида”ги қонуни билан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига фойдаланишни тақикловчи бутунлай янги – “Далилларнинг мақбул эмаслиги” ҳақидаги 95¹-моддаси киритилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига киритилган ўзгартишларга мувофиқ, далилларни сохталаштирганлик (қалбакилаштирганлик) учун Жиноят кодекси 230¹-моддасига асосан жиноий жавобгарлик белгиланди, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала турларини қўллаганлик, ёлғон гувоҳлик ва ёлғон хабар берганлик учун Жиноят кодекси 235, 237 ва 238-моддаларида назарда тутилган жавобгарлик кучайтирилди.

Бундан ташқари, ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов экспериментини видеоёзув тарзида мажбурий қайд этиш тўғрисидаги, шунингдек, суд муҳокамаси жараёнида стенография юритиш ҳақидаги талаблар киритилди. Далилларни тўплаш ва мустаҳкамлашда рухсат берилмаган усуллар қўлланилганлиги тўғрисидаги мурожаатлар прокурор ёки суд томонидан суд-тиббий экспертизаси ёхуд бошқа экспертиза ўтказган ҳолда мажбурий текширилиши лозим бўлган тартиб белгиланди.

Судларнинг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ишлари қониқарсиз даражада ташкил этилганлиги суд фаолиятини лозим даражада ёритиш имконини бермаётганлиги ҳамда аҳолининг суд ҳокимиятига ишончи пасайишига олиб келаётганлиги, шунингдек, судьяларни моддий таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими суд ҳокимиятининг алоҳида мавқеи ва обрўсига, судьялар мустақиллиги принципларига мувофиқ эмаслиги касбий ўсишни янада рағбатлантиришга тўсқинлик қилиб, кадрлар қўнимсизлигига олиб келаётганлиги инobatга олиниб, 2018 йил 13 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони қабул қилинди.

2020 йилнинг 24 июль куни Президентимиз томонидан имзоланган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазкур соҳадаги давлат сиёсатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариб, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳамда ишончли ҳимоя

қилишни таъминлаш борасида янги даврни бошлаб берди десак, муболаға бўлмайди.

Маълумки, судья мустақил бўлса, қонунга сўзсиз буйсунса, маъсулиятни чуқур ҳис қилса, беғараз ва холис бўлгандагина адолат ўрнатилади.

2020 йил 7 декабрь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон суд тизимида етарли билим ва ҳаётий тажрибага эга бўлган муносиб кадрларни танлаш ва лавозимга тайинлашда ҳамда судьялар фаолиятини холис баҳолаш жараёнларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг суд ҳокимиятига бўлган ишончини янада оширишга замин яратди.

Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва судьяларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида 2021 йил 13 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суд органлари фаолиятини молиялаштириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Мамлакатимизда тергов фаолиятида «Инсон қадрлари учун» деган эзгу ғояни тўлиқ рўёбга чиқариш, жинойтларни ўз вақтида қош этишни ташкил этиш тергов органларининг фаолиятини қонун устуворлигини ва қилмиш учун жазо муқаррарлигини таъминлаш тамойили асосида такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланганлиги инобатга олиниб, соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ва замон талабларига жавоб берадиган тергов соҳасидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимининг самардорлигини тубдан ошириш, Янги Ўзбекистон шароитида жинойтларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш амалиётини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, ушбу йўналишга илғор халқаро стандартлар ва замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2022 йил 28 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жинойтларни тергов қилиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Зеро, чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ва адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқалигина халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг суд тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш, суддан, пировардида эса давлатдан рози бўлишига эришиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат,

фуқаролик жамияти барпо этиш, қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш мумкинлиги ҳеч кимга сир эмас.

2022 йил 20 декабрда Президентимиз мурожаатномасида юртимизда қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш масалаларга алоҳида тўхталиб, эришилган натижалар ва келгусидаги вазифалар ҳақида сўз юритилиб, давлат ҳисобидан бепул таъминланадиган адвокатларни электрон танлаш тизимининг тўлиқ ишга туширилишини таъминлаш, қисқа муддатда ҳуқуқ-тартибот идораларини янгича ишлашга ўргатадиган, одил судлов сифатини оширадиган тизим яратиш, одамларимизнинг жойларда судма-суд сарсон бўлиб юришларига барҳам бериш учун адолатли ҳукм ва қарор чиқариш бўйича вилоят судларининг ваколати ва масъулиятини ошириш, тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувини эшитиш ва мулкни хатлашга санкцияни прокурордан судга ўтказиш, тергов сифатини ошириш, тергов шахсни айблаш учун эмас, жиноятни фош этиш орқали ҳақиқатни аниқлаш учун ишлаш тизимига ўтиш, судда ишларни кўришда қатнашадиган алоҳида прокурорлар корпуси шакллантириш, жиноят иши фақат айблов ҳулосаси билан эмас, балки ҳимоячининг фикри билан бирга қабул қилиш амалиётини йўлга қўйиш, айбланувчининг ҳимоячидан воз кечиши бўйича ҳар бир ҳолат прокурор, суд томонидан синчиклаб ўрганиладиган тизимни жорий қилиш, вақтинча ушлаб туриш жойларида инсон ҳуқуқлари бузилиши олдини олиш мақсадида жойларга олиб келинган барча шахсларни ҳисобга олишнинг онлайн тизимини жорий этиш ва юзни таниш ускунаси ўрнатиш, илғор хорижий тажрибалар асосида маъмурий судлар фаолиятини янги босқичга олиб чиқиш, бу борада халқаро тижорат судини Ўзбекистонда ташкил қилиш бўйича ҳам амалий ишлар бошлаш юзасидан аниқ таклифлар ва кўрсатмалар берилганди.

Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, 2023 йил 16 январда Президентимиз томонидан имзоланган иккита тарихий ҳужжат, яъни “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон ва ушбу Фармон ижросини самарали таъминлаш мақсадида имзоланган “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармон, мурожаатномада билдирилган таклифларнинг ижросини амалда таъминлашга қаратилган.

Фармонга кўра, 2023 – 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси тасдиқлади ва “Инсон қадри учун” ғояси асосида чинакам адолатли суд тизимини шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини халқ манфаати ва инсон кадр-қимматини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш, адолатли суд қарорлари қабул қилинишига эришиш орқали халқнинг, шу жумладан, тадбиркорларнинг

суд тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс суд ва судьялар сиймосида ўзининг ишончли ҳимоячисини кўришига эришиш, фуқаролар ҳамда тадбиркорларга ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини судларда ҳимоя қила олиши учун барча имкониятларни яратиш, суд ишларини юритишда тортишув ва тарафларнинг тенглиги тамойилларини тўлақонли рўёбга чиқариш, судларнинг холислигини амалда таъминлашга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш, судлар фаолиятини тўлиқ рақамлаштириш, сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, идоралараро электрон маълумот алмашинувини яхшилаш, суд мажлисларида масофадан туриб иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, судьяларнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги кафолатларини кучайтириш, судга ҳурматсизлик қилиш ва суд ишига аралашуш ҳолатларининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни ишлаб чиқиш, суд қарорларининг қатъий ижросини таъминлаш, бу борада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг масъулиятини ошириш, судьялар ва суд ходимларида юксак муомала маданиятини шакллантириш орқали судга муурожаат қилган ҳар бир фуқаро ва тадбиркорда суддан, пировардида эса давлатдан розилик ҳиссини уйғотиш устувор вазифалари этиб белгиланди.

2023 йил 30 апрелдаги умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида суд-ҳуқуқ соҳаси бўйича "Миранда қондаси": шахсни ушлаш чоғида унинг ҳуқуқлари ва нима сабабдан ушлангани содда тилда тушунтириш бериш шартлиги, "Хабеас корпус" институти: шахс суднинг қарорига қадар кўпи билан 48 соатдан ортиқ ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, ўлим жазоси тақиқланиши, шахснинг судланганлиги ва ундан келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар унинг қариндошлари ҳуқуқларини чеклашга асос бўлиши мумкин эмаслиги, маҳбусларга нисбатан инсоний муносабат ва уларнинг кадр-қиммати таъминланиши шартлиги, маъмурий, фуқаролик, иқтисодий, жиноий жавобгарлик ва бошқа йўналишдаги ишларни кўриб чиқишда инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари – қонуний мақсадга эришиш учун етарли бўлиши ҳамда шахсга имкон қадар енгиллик яратиши кераклиги, суднинг қарорисиз ҳеч ким уй-жойидан маҳрум қилинмаслиги кераклиги, иморат бузилишга тушганда бузишдан олдин унинг қийматига мос компенсация тўланиши шартлиги, уй-жойга ёки шахснинг бошқа мол-мулкига унинг рухсатисиз кириш, уларни кўздан кечириш ва тинтув ўтказишга фақат қонунда белгиланган ҳолат ва тартибда йўл қўйилиши ҳақидаги қатъий нормалар киритилди.

Ўз навбатида, Конституция тўғридан-тўғри ишлайдиган ҳужжат бўлиши, яъни унинг нормаларини судларда тўғридан-тўғри қўллаш амалиётини йўлга қўйиш мақсадида, бу масала юзасидан Олий суд Пленумининг қарори қабул қилинди.

Суд-ҳуқуқ соҳасини янада демократлаштириш, Конституция устуворлиги, қонун олдида тенглик, инсонпарварлик, адолатлилик, суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, суд жараёнида тортишув тамойилларини татбиқ этиш, аҳолининг одил судловга бўлган ишончини ошириш, «Хабеас корпус» институтини кенгайтириш, тергов устидан суд назоратини кучайтириш бўйича амалга ошириб келинаётган чора-тадбирлар айнан «Инсон қадри учун» ғоясини амалга оширишга қаратилган.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш судлар зиммасига катта маъсулият юклайди. Ҳар бир иш жиноят ишлари бўйича судлар томонидан кўрилиб, инсон тақдирини ҳал қилишда чуқур маъсулият билан қонунийлик ва инсонпарварлик нуқтаи-назаридан ёндашилмоқда.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда олиб борилаётган барча йўналишдаги ислохотларнинг марказида инсон омили турибди. Бу ҳаётий ҳақиқатни Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатномасидаги **“Инсон манфаатлари ва яна бир бор инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсади этиб белгиланди”**-деб, билдирган сўзлари ҳам исботлаб турибди.

Зеро, ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу муқаддас заминда истиқомат қилаётган ҳар бир инсонинг орзуларини рўёбга чиқариш ҳамда унинг учун муносиб турмуш шароитларини яратишдан иборат экан, ҳар биримиз бу борада зиммамиздаги улкан масъулиятни тўла ҳис этиб, масъулиятли вазифаларни сидқидилдан, ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, халқимиз ва Президентимиз олдида берган қасамёдимизга ҳамиша содиқ қолишга ваъда берганлигимизни унутмаслигимиз, шу эзгу мақсадларга хизмат қилишни фаолиятимизнинг асосий мезонига айлантириб, дахлдорлик ҳисси билан меҳнат қилишимиз даркор.

Бу эса жиноят ва ҳуқуқбузарликлар сони камайишига, одамларда ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият ошишига, бевосита халқ манфаатларини рўёбга чиқаришга, унинг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилади. Бунга мажбурият деб эмас, аксинча кундалик фаолият ва ҳаёт тарзи сифатида қараш талаб қилинади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотлар жараёнида ички ишлар идоралари ходимларининг қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашда, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда касбий ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра инсон, унинг ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият ҳисобланади. Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш давлатнинг асосий мажбуриятидир.

Мамлакатимиздаги мавжуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ички ишлар идоралари алоҳида мавқега эга бўлиб, уларга қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот ўрнатишда катта ҳажмдаги маъсулиятли вазифа юклатилган. Ички ишлар идоралари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларга нисбатан иш ҳажми ва штат бирлиги нуқтаи назаридан ҳам жуда катта фарқ қилади. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари кундалик иш фаолиятида узлуксиз равишда, доимо халқ билан ҳамкорликда фаолият юритадилар. Мамлакатимизнинг тинчлиги, осойишталиги ва барқарор тартиботи ҳам кўп жиҳатдан ички ишлар идораларига боғлиқдир. Шундай экан, ички ишлар идоралари ходимларидан халқ билан бўлган турли хил шакллардаги муносабатларида юксак даражадаги ҳуқуқий маданият талаб қилинади.

Ҳуқуқий маданият жамият ва шахснинг ҳуқуқий ҳолати тимсолида қабул қилиниши мумкин бўлган алоҳида ижтимоий ҳодисадир. Юксак ривожланган ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйган ҳар бир давлатнинг асрий орзуси бу ўз аҳолисининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтиришдир. Ҳар қандай давлатнинг ижтимоий ривожланиши фуқароларининг ҳуқуқий маданияти билан боғлиқ бўлади. Зеро, юксак даражада ривожланган ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг ажралмас белгисидир. Юксак даражадаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият эса ҳуқуқий тарбиянинг маҳсули.

Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онгнинг, қонунийликнинг, қонунларни такомиллаштиришнинг ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун

* Жамоат хавфсизлиги университети тадқиқотчиси

бойликларни камраб оладиган ижтимоий маданиятнинг бир тури сифатида кўрилади. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти шахс эркинлиги ва хавфсизлиги, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, унинг ҳуқуқий ҳимоя этилишини ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин бўлиб ҳисобланади.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти жамият ҳуқуқий маданиятининг узвий таркибий қисмидир. Бу фаолият ҳуқуқ соҳасида жамият тараққиётига ва унинг маданиятига мос келади, натижада шахснинг ва жамиятнинг доимий ҳуқуқий бойиши содир бўлади. Шубҳасиз, шахснинг юксак ҳуқуқий маданияти жамият тараққиётини таъминлайди.

Шахс ҳуқуқларининг рўёбга чиқарилиши ҳар қандай демократик жамиятнинг зарурий шарти сифатида инсон ва фуқароларнинг шахсий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кўриқлаш орқали амалга оширилади. Негаки, шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва кўриқлаш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Ички ишлар органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мустақил институти сифатида, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг кафолатлаш тизимида муҳим аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва уларни кафолатлашда ички ишлар органлари ходимларидан юқори даражадаги ҳуқуқий маданият талаб этилади. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг ўзига хослиги, уларнинг ҳуқуқий маданиятини алоҳида хусусиятга эгаллигини билдиради. Ушбу тизимдаги мансабдор шахсларнинг ҳуқуқий маданияти бошқа соҳа вакилларининг ҳуқуқий маданиятдан нафақат таркибий тузулиши жиҳатидан, балки мазмун ва моҳияти билан ҳам кескин фарқ қилади. Ҳуқуқий билимларни чуқур ва тўлиқ билиш ва уни амалиётда тўғри қўллай олиш ички ишлар органлари ходимлари учун хос хусусиятдир.

Чунки, ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолияти давомида қонунга итоаткор, маҳалладаги обрў-эътиборли шахслар билан бир қаторда муқаддам судланганлар, шартли жазога тортилганлар, оилавий жанжалкашлар, маъмурий назоратдагилар ва жинойтга мойил бўлган турли хил тоифадаги шахслар билан мулоқотда бўлади. Бу каби шахслар билан бўлган мулоқотларда ички ишлар идоралари ходимларидан кўполлик, калондимоғлик, беписандлик, лоқайдлик иллатларидан ҳоли бўлиши, уларга нисбатан эътиборли, хушмуомалали бўлган ҳолда муносабатда бўлиш талаб этилади.

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, ҳар бир демократик давлатга хос бўлган инсонийликнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Инсон қадри ва қимматини тан олиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, инсонларнинг бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурматда бўлиш руҳида тарбиялаш – жамият ҳуқуқий ҳаётининг асосий мазмунини ташкил этади.

Жамиятда инсон ҳаётини ва унинг фаолиятини ҳуқуқсиз тасаввур этиш жуда қийин. Давлат ва шахс ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун ва бошқа норматив актлар орқали тартибга солинади, шунингдек шахснинг жамиятдаги ҳуқуқий ҳолати ҳам қонунлар орқали белгиланади.

Умумий маънода ҳуқуқий маданият ўзида ҳуқуқий борлиқни акс эттиради ҳамда ҳар қандай шахснинг ҳуқуқ соҳасидаги хатти-ҳаракатини белгилайди.

Юридик борлиқни моҳиятии шундаки, шахс нафақат ҳуқуқий тартибот мавжудлигини тушуниши эмас, балки ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларни англаши ва шу орқали ҳуқуқни бошқа соҳаларида юзага келадиган муносабатларни фарқлай олиши талаб этилади.

Ўз-ўзидан маълумки, шахснинг фақатгина ўз ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятларини билиши унда жамият ҳуқуқий ҳаётига нисбатан муносабатини шакллантирмайди. Яъни, шахснинг ўз ҳуқуқ, бурч ва мажбуриятлари бир қаторда унинг ўз жавобгарлик масаласини ҳам тўлиқ англаб етиши ва шундан сўнгра ҳуқуқий борлиқнинг бошқа кўринишларига баҳо бера олиши тушунилади. Шахснинг жамиятдаги ҳуқуқий масалаларга баҳо бера олиши – ҳуқуқий маданиятнинг муҳим жиҳати ҳисобланади.

Шахснинг ҳуқуқий ҳаётга нисбатан муносабати қонунда белгиланган ҳуқуқ, эркинлик ва бурчларнинг қанчалик даражада шахснинг шахсий эҳтиёжи, манфаати, мақсади ва ижтимоий мавқеига мослигига эътибор қаратилади.

Ушбу эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда шахс қонунда белгиланган қоида талабларга онгли равишда бўйсунди ёки ушбу нормаларни бажаришдан бўйин товлайди. Яъни ҳуқуқ ижодкорлари томонидан яратилаётган қоидаларнинг талаби, инсонларнинг кундалик эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда уларнинг талабларига жавоб бериши, яъни уларнинг иродасига зид бўлмаслиги лозим. Акс ҳолда, инсонлар мавжуд ҳуқуқ нормаларига бўйсунидан бош тортадилар. Ҳуқуқ ижодкорлик субъектлари томонидан яратилган ҳуқуқ нормаларини бажара олиш имкони бўлиши лозим. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қонунларда ифодаланиши, уларни амалга оширилиши учун етарли бўлмайди, аксинча мавжуд ҳуқуқ нормалари муайян даражада инсоннинг иродаси зид бўлмаслиги ва у инсонлар томонидан бажара олиниши инобатга олиниши лозим.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишини таъминлаш асосан ички ишлар органларининг ҳуқуқий маданиятига боғлиқ. Айнан, ички ишлар органлари фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг

қонуний манфаатлари ҳамда мамлакатдаги жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашда асосий ўринни эгаллайди. Ушбу вазифани бажариш жараёнида, ички ишлар органлари фуқароларни ҳуқуқ ва эркинликларини ва мажбуриятларини амалга оширишлари учун шароит яратадилар.

Жамиятда ҳуқуқ ва мажбуриятларни рўёбга чиқарилишини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширилишида қонунийликка риоя қилинишини шарти сифатида бевосита ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий маданиятига боғлиқдир. Айнан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларининг юксак ҳуқуқий маданият даражасига эгаллигигина шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматига нисбатан ҳурмат ва эҳтиромни юзага келтиради. Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурматда бўлиш ҳуқуқий маданиятнинг ажралмас қисмидир. Инсон кадр-қиммати – маънавий қадриятдир.

Шахснинг кадр-қиммати нафақат инсоннинг ўзи томонидан баҳоланишида, балки ўзининг ижтимоий аҳамиятини англаганлигида ҳамда жамият аъзолари томонидан унинг ҳуқуқларини тан олиш ва унга ҳурмат руҳида муносабатда бўлишларида кўринади.

Шахснинг ҳуқуқларига ҳурмат муносабатида бўлиш деганда, фақатгина уни ҳимоялаш деб тушуниш катта хато бўлиб, балки инсонга ўзининг жамиятдаги ўрнини топиш учун кенг имкониятлар яратиб беришда ҳам номоён бўлади.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда ички ишлар идоралари ходимлари кундалик хизмат фаолиятларида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олий қадрият сифатида тан олиб, гуманиз ва ижтимоий адолат принципларига қатъий риоя қилиши лозим. Ички ишлар идоралари ходимларида юксак даражадаги ҳуқуқий маданиятнинг мавжудлиги, бир тарафдан инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида фаолиятининг қонунийлигини кафолати ҳисобланса, иккинчи тарафдан инсон ҳуқуқларини амалга оширилиши замин яратилган бўлади.

Жамиятда инсонлар онгида ҳуқуқ бузилиш ҳолатларига нисбатан нафрат туйғусини шакллантириш ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг бош мезони ҳисобланади. Айнан ушбу мезон ички ишлар идоралари ходимлари ҳақида кенг жамоатчилик орасида ижобий ижтимоий фикрнинг шаклланишга ҳамда бир вақтнинг ўзида фуқароларнинг ҳам мамлакатда ўрнатилган қонунларга сўзсиз итоатда этилишини кафили бўлади. Ички ишлар идоралари ходимларида ҳуқуқий маданиятни шаклланишининг ўзига хос хусусияти шундаки, у ходимларда ҳуқуққа ва қонунийликка бўлган ҳурмат ҳиссини орттиради.

Ҳуқуқ – ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи восита сифатида ўз вазифасини бажарар экан, авваламбор у ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни қўллаш шаклларида намоён бўлади.

Ички ишлар идоралари учун қонунийлик – конституциявий принцип сифатида қонунларга, даставвал, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга сўзсиз риоя қилишни назарда тутади.

Ички ишлар органлари ходимлари томонидан қонунийликнинг бузилишини бир қатор омиллари мавжуд бўлиб. Улардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир: ҳуқуқий маданият даражасининг юқори эмаслиги туфайли ходимларда мавжуд қонунчилик ҳужжатларини билмаслиги, ҳуқуққа нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлиши, жамоада ҳуқуқий тарбиянинг нотўғри йўлга қўйилганлиги, ички ишлар органлари устидан амалга оширилиши лозим бўлган назоратнинг сусайганлиги, ходимларнинг ҳуқуқбузарлик содир этган ҳолатларида жазоланмаслиги. Қонунийликни бузулишининг энг жиддий ва кўп такрорланадиган тури ички ишлар органлари ходимларининг мавжуд қонунчилик ҳужжатларини тўлиқ ёки умуман билмасликларида намоён бўлади.

Ички ишлар органлар ходимларининг ҳуқуқий маданият даражасининг яхши шаклланмаслигини объектив ва субъектив сабаблари мавжуд.

Жумладан, бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари тегишли қонунчилик ҳужжатлари ва ИИВнинг тизимлаштирилган ҳуқуқий ҳужжатлари билан ўз вақтида ва лозим миқдорда етарли даражада таъминланмаган. Шу билан бир қаторда ички ишлар идоралари ходимлари махсус юридик адабиётлар, қонунларга берилган шарҳлар, маъмурий ва жинойт қонунчилигини қўллаш амалиётлари билан тўлиқ танишмаганлигида намоён бўлади.

Шунинг учун, ички ишлар идораларида ўтказилаётган хизмат тайёргарлиги машғулотларида ходимларни ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадида, биринчи навбатда ва доимий равишда мамлакатимиз қонунчилик тизимида юзага келган янгиликлардан бохабар қилиб бориш, улар учун етакчи мутахассисларни таклиф этган ҳолда махсус ўқув машғулотларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Зеро, ҳуқуқни қўллаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида қонунийликка риоя қилиши, муайян ишни ҳал қилиш жараёнида асослантирилган ва адолатли қарор қабул қилиши, уларни амалга оширилиши фақат қонун доирасида ҳал қилиниши ички ишлар идораларининг қанчалик даражада ҳуқуққа мос самарали фаолият юритаётганлигидан далолат беради.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти хусусида гапирганда, ушбу муаммонинг яна бир муҳим жиҳати, яъни ходимнинг шахсий

тавсифига жиддий эътибор қаратиш лозим. Ички ишлар органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятиги тўғри баҳо бериш учун, унинг маълумоти, юридик ва касбий малака тажрибасини инобатга олиш зарур. Касбий малака – ички ишлар органлари ходимлари ҳуқуқий маданиятининг муҳим мезонларидан бири.

ИИО ходимларининг ҳуқуқий маданияти сифатида қуйидагилар назарда тутилади:

Биринчидан, амалдаги қонунларни мукамал билиш ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолияти жараёнида ўз ҳуқуқларида тўғри фойдаланиш ва мажбуриятларини аниқ бажарилиши ҳамда қонунийликка амал қилинишининг гарови, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширилишининг кафолати ҳисобланади.

Иккинчидан, ҳуқуқ талабларига ҳурмат руҳида бўлиши, ҳуқуқий кўрсатмаларнинг тўғрилиги ва зарурийлигига ишониши.

Учинчидан, ички ишлар идораси ходимининг фаолият жараёнида қонунларга риоя қилиш одатий ҳолатга айланиши, яъни ҳеч иккиланмай, доимий равишда, қонун талабларини бажариш руҳида яшаши, қонун унинг кундалик шиорига айланиши лозим.

Тўртинчидан, юқорида зикр этиб ўтилган ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга бел боғлаган ҳар бир ички ишлар идоралари ходими учун тааллуқли бўлиши зарур. Шундагина ички ишлар идораси ходимлари инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат руҳида қарайди, қонунийликка риоя қилади ва албатта ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳуқуқни қўллаш фаоллияти жараёнида ўз касбига лойиқ бўлади.

Демак, ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти қанчалик юксак бўлса, қонунийлик таъминлаш, инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш, уларни кўриқлаш ва ҳимоя қилиш ҳам шунчалик самарали бўлади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг юксак ҳуқуқий маданият инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишнинг тўлиқ ва барқарор равишда амалга оширилишини таъминлайди, шу билан бир қаторда демократик жамиятда қонунийликни даражаси ва ҳолати ҳамда ҳуқуқий маданиятнинг ижобий кўрсаткичини намоён қилади.

Шунинг учун, ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ҳар тарафлама, юксак даражада шакллантиришга жиддий эътибор қилиш талаб этилади, негаки айнан уларнинг ҳуқуқий маданият даражаси амалдаги қонунчиликка бўлган муносабатни белгилайди, жамиятда ўрнатилган ҳуқуқий тартиботни таъминлайди, фуқароларнинг субъектив ҳуқуқ ва қонуний

манфаатларини таъминланшга ва ҳимоя қилишга ҳамда шахс ҳуқуқий маданиятини юксалишига бевосита таъсир кўрсатади.

Ҳ. Хайдаров*

Ижтимоий фикр ички ишлар органлари фаолиятини самарадорлигини оширишнинг муҳим омили

Мавзуга оид илмий-назари манбаларда ижтимоий фикр муҳим ижтимоий институт сифатида турли тушунчаларда талқин этилган. Жумладан, қомусий луғатда “Ижтимоий фикр” тушунчасига ошкор кечиб турган вазиятлар, воқеалар ва хатти – ҳаракатларнинг, жамият аъзолари томонидан, маъқулланиш ёки маъқулланмаслиги деб таъриф берилган. Ижтимоий фикр юз берган жараённи баҳолаш ҳамдир. Ижтимоий фикр тушунчаси, биринчи бор, антик дунё фалсафасида намоён бўлган. Унинг кўриниши - “ошкор фикр”, Афлотун фикрича, кўпчиликнинг фикридир. “Ошкор фикр”, Афлотун (Платон)нинг таъкидлашича, аристократлар фикри. Ушбу йўналишлар, кейинчалик, ижтимоий-фалсафий фикрда кенг изланишларга сабаб бўлди¹.

Биринчи йўналиш тарафдорлари ижтимоий фикрни шундай куч, деб биладиларки, у халқни давлат ишларида фаол иштирок этишини таъминлайди. Иккинчи йўналиш тарафдорлари ижтимоий фикрни ҳукмрон доиранинг мулоҳазаси, жамиятга таъсир этиб, ҳукмрон унинг сиёсий ҳукмронлигини эркинлаштирадиган куч, деб биладилар.

XVII – XVIII асрларда, ижтимоий фикр давлат институтларига тегишли бўлмаган, жамоа мулоҳазаларини билдириб, қабул қилинаётган сиёсий муаммоларнинг ҳал қилинишига таъсир этиб келди. XIX аср ўрталарида, ижтимоий фикр тушунчаси, француз криминолог, социолог олими Ж. Габриель *Тард* асарларида ўз аксини топди. Ижтимоий фикрнинг шаклланиш ва амал қилиш жараёнлари стихияли кечиши мумкин, лекин, кўпинча, ижтимоий фикр онгнинг теранлиги турлича бўлган (бир томондан, фан ва мафкура, иккинчи томондан, кундалик онг) даражаларда, ҳозирги жамиятдаги кўп сонли ижтимоий муассалар сиёсий ташкилотлар, оммавий ахборот ҳамда ташвиқот воситалари ва шу кабилар томонидан, кўрсатилиб туриладиган таъсирга учрайди. Бир сўз билан айтганда ижтимоий фикр жамият ҳаётидаги ҳақиқий ҳолни акс эттириш омилидир. Шароитлар, биринчидан, умумий, яъни ишлаб чиқариш кучларининг ривожланганлик даражаси, ишлаб

* Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

¹ Фалсафа: қомусий луғат. (Қ.Назаров масъул муҳаррир) – Т. “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти. 2004. Б.496.

чиқариш муносабатларининг хусусияти, ижтимоий онг, маданият ва шу кабилар, аҳволи ва иккинчидан, хусусий, яъни демократик институтлар ва эркинликлар, энг аввало, фикрларни эркини фодалаш – сўз, матбуот, ва шу кабилар эркинлиги кафолати имконияти ҳамда таъсирчанлиги билан боғлиқ бўлади.

Жамоатчилик фикрининг тизимли мониторингини таъминлаш ҳамда жамоат хавфсизлиги соҳасида унинг натижаларидан фойдаланиш, шу асосда социологик тадқиқотлар қамровини кенгайтириш ва такомиллаштириш бугунги кунинг талаби бўлмоқда.

Халқаро амалиёт ва миллий тажриба социологик тадқиқотларни ижтимоий шериклик принциплари асосида ўтказиш жараёнида ноҳукумат ташкилотларнинг салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланиш ва шу мақсадларда аҳолини мазкур жараёнга фаолроқ жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 февралдаги “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5667-сонли Фармони қабул қилиниши турли соҳаларда халқнинг фикрини яққол намоиш этишда, социологик тадқиқотларнинг аҳамиятини оширишда муҳим босқич вазифасини бажарди¹.

Жамоатчилик фикри сўровлари – ички ишлар органлари фаолиятида, жамоат хавфсизлиги соҳасида, қолаверса мамлакат ижтимоий ҳаётида тўғри қарорлар қабул қилишда кўмаклашувчи муҳим воситаси ҳисобланади. Жамоатчилик фикрини ўрганишнинг кўп йиллик тажрибаси шубҳасиз бир фактни тасдиқлайди: ижтимоий тизимда инсон роли ва ўрнининг ўсиб бориши билан боғлиқ ҳолда фуқароларнинг фикрини тадқиқ этишнинг ривожланиши яна ҳам долзарблашади, ҳар бир кишининг фикри шунчаки илмий қизиқиш уйғотибгина қолмай, балки истиқболда муаян соҳанинг ривожланишининг мақсад ва йўналишларини танлашда катта амалий аҳамиятга эга бўла боради.

Ижтимоий фикр ўз навбатида жамоатчилик назорати билан узвий боғлиқ тушунчалар. *Жамоатчилик назорати* – қонунларга мувофиқ алоҳида давлат ваколатларини амалга оширувчи органлар ва ташкилотларнинг фаолиятини назорат қилиш мақсадида амалга ошириладиган жамоатчилик назорати субъектларининг фаолияти, шунингдек, улар томонидан чиқарилган ҳаракатлар ва қарорларни жамоатчилик томонидан текшириш, таҳлил қилиш ва жамоатчилик томонидан баҳолашни ўз ичига олади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2023 йил 28 июль куни “Худудларда ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва

¹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.02.2019 й., 06/19/5667/2648-сон

жиноятчиликка қарши курашиш ҳолати ҳамда бу борадаги устувор вазифалари”га бағишланган видеоселектор йиғилиши буйича берилган топшириқлар доирасида тегишли соҳавий хизматлар фаолиятида ижтимоий сўров ўтказиш, шу асосида жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан аниқ вазифалар белгиланди.

Ижтимоий фикрни ўрганишда социологик тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади. Ички ишлар органлари, айниқса жамоат хавфсизлиги соҳасида социологик тадқиқотлар ўтказиш муаяйн тартиб ва жараёнлардан иборат социологик тадқиқот предмети, социологик тадқиқот объекти, социологик тадқиқот дастури каби элементларни ўз ичига олади.

Ўрганишлар шунини кўрсатадики, ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги соҳасида социологик тадқиқотлар ўтказиш аниқ тартиби, механизми белгиланмаган. Шу асосда ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги соҳасида ижтимоий фикрни ўрганишда муҳим жараён ҳисобланган социологик тадқиқотлар методикаси ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ушбу методикада социологик тадқиқотлар ўтказишнинг усулларини мазмунини қўллаш тартибини аниқ баён этилиши лозим.

Маълумки социологик тадқиқотлар бир неча усулларда амалга оширилиши мумкин¹. *Кузатиш усули*. Бу усул орқали социологик тадқиқотларда дастлабки эмпирик маълумотларни йиғилади. Ушбу социологик кузатиш илмий эмпирик билиш усули сифатида мураккаб жараён бўлганлиги ва моҳияти жиҳатидан зарурий аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли режалаштирилган асосда олиниб борилади.

Режада қуйидаги бир қатор хусусиятларни эътиборга олиш талаб этилади: кузатиш объекти аниқ бўлгандан кейин уни ҳал этишнинг яқин ва осон йўлини топиш дастлабки вазифа эканлигини эътиборга олиш;

кузатиш турининг қай биридан фойдаланишни объект хусусиятлари, тадқиқот мақсадлари, кўлами, ажратиладиган вақт ва бошқа зарурий томонлар ҳисобга олиниши;

кузатиш тури аниқ бўлгандан кейин навбатдаги вазифани, яъни кузатиш воситалари, анжом, қуроллари, жиҳозлар ва бошқа керакли нарсаларни тайёрлаш;

керакли нарсалар тайёрлагандан кейин керакли маълумотлар тўплаш учун кузатиш иши амалга оширилади;

кузатиш натижаларини назоратдан ўтказиш учун объект жараёнида шу соҳа қатнашчилари билан суҳбат ўтказиш бошқа социологларнинг тажрибасидан мавжуд илмий-амалий маълумотлардан фойдаланиш;

¹ Убайдуллаева Б., Отамирзаев О. ва бошқалар. Социологик тадқиқотлар амалиёти. “Ижтимоий фикр” Маркази. -Тошкент, 2001. 41-б.

кузатишнинг якунида ҳамма натижалар бўйича ҳисобот тайёрлаш.

Ҳисобот ҳамма талабларга тўла жавоб берадиган ҳолатда сифатли тузилиши керак. Ҳисоботда объект, кузатилган шахс ёки ҳамма жамоа аъзолари, кузатиш вақт, жой, кузатишнинг очиқ ёки хуфялиги ҳақида кузатишнинг бориши, атроф-муҳитга кузатувчи таъсири, тадқиқотчининг фикр-мулоҳазалари таклиф, муносабатлари тўла ҳисоботда ўз аксини топиши зарур.

Контент-анализ (ҳужжатларни ўрганиш) усули. Социологик тадқиқотларда ҳужжатларни ўрганиш усули кенг тарқалган усул бўлиб, унда ҳужжат моддий ва маънавий таъсир манбаи ҳисобланиб, воқеа ва ҳодисалар, фактик материалларни ўзида ифодалайди.

Ҳужжатлар моҳияти, мазмуни, талаби, мақсади, шакли, ҳажми ва вазифасига мувофиқ турли хилда бўлиши мумкин:

қайд этиш усулига кўра бир-биридан фарқ қиладиган ҳужжатлар (қўлёзма, босма ёзув, кино ва магнит лентаси тасмасидаги ёзувлар, фотосуратлар ва ҳ.к.);

аниқ ва муайян мақсад асосида олинадиган ҳужжатлар (тадқиқот дастурига кўра тадқиқотчи томонидан тузиладиган махсус ҳужжатлар);

шахсга доир ҳужжатлар (шахсий ҳужжатлар, хатлар, кундалик, хатто қисман эсталиклар ҳам), ва шахсга алоқаси бевосита кам аммо ижтимоий характерга эга бўлган ҳужжатлар (статистик материаллар, матбуот маълумотлари, мажлис протоколлари, зарур бўлса тергов материаллари);

расмийлик нуқтаи-назаридан бир-биридан фарқ қиладиган ҳужжатлар, (давлат статистик расмий ахборотларига илова қилинадиган маълумотлар, қарорлар, фармонлар, уларга бериладиган таҳлиллар, кўрсатмалар, шунингдек норасмий ҳужжатлар – яъни алоҳида шахслар томонидан ёзиладиган аризалар, шикоятлар, тақризлар, гувоҳлик кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатлар);

информация манбаи характерига хос бир-биридан фарқ қиладиган ҳужжатлар, (яъни информация орқали кузатиш ёки сўраш орқали олинадиган бирламчи ҳужжатлар ва иккаламчи информатсион материаллардир.

Сўров усули. Сўров усулининг қуйидаги турлари мавжуд:

анкеталаштириш ёзма шаклдаги сўроқ бўлиб, техникасига кўра, тарқатиладиган (анкета тадқиқотчи томонидан тарқатилади ва йиғиб олинади), матбуот орқали (анкетани газета ва журналларда чоп этиш), телефон ёки телескоп орқали, яъни техник воситалар билан (телевизор ёки телефонга оид қўшимча сифатида) амалга ошириладиган сўров туридир;

суҳбатлашиш (интервью) – суҳбат ўтказувчиларни (интервьюер) бир қанчасини талаб қилувчи, оғзаки сўров тури. Бу сўров клиник (респодентнинг субъектив дунёсининг самимийлиги) бир нуқтага қаратилган (ўрганиш учун бир асосий саволни ажратиб олиш) сўровларга бўлинади;

социологик сўров гуруҳдаги шахслараро муносабатларни ўрганишга қаратилган.

тест ўтказиш сўров – махсус қайта ишланган воситалар схема, расмлар, таклифлар, саволлар ёрдамида шахсий сифат ва қобилиятларининг намоён бўлишини аниқлайди;

яхлит сўровлар – демографик процессларни жамоатчилик фикрини аҳолини руйхатга олишни ўрганишда қўлланилади.

Анкета ўтказиш кенг тарқалган сўров тури ҳисобланиб, анкета сўровларига қўйилган саволлар орқали респодентлардан олинган жавоблар умумлаштирилиб, тадқиқот қилинаётган ижтимоий муаммо тўғрисида жамоатчилик фикрини ойдинлаштиришдан иборатдир.

Интервью олиш – анкета саволлари ўтказилиш усулидан кейин интервью олиш усули ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳозирги даврда энг кўп тарқалган сўров усулдир.

Эмпирик социологик тадқиқотнинг социал *эксперимент* усули. Социал тадқиқотлардан эксперимент усули бу кенг қўлланиладиган, энг самарали, натижали ва дастлабки қадимий, ижтимоий характерга эга бўлган услублардан ҳисобланади.

Мазкур социологик тадқиқот усуллари қўллаш тадқиқот объектининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Социологик тадқиқот йўналтирилган ижтимоий ҳодиса, жараён ва тузилмалар социологик тадқиқот объектини акс этади. Ҳал қилиниши зарур бўлган муаммо характери, унинг долзарблиги, тадқиқот мақсади ва вазифаси, тадқиқот объектининг қандай бўлишлигини белгилайди. Социологик тадқиқотларнинг методологик, методик, ташкилий-техник асосларини ўз ичига олган ҳужжатда, яъни социологик тадқиқот дастурида ўз ифодасини топмоғи лозим.

Юқоридагиларга асосланиб, ички ишлар органлари жамоат хавфсизлиги соҳасида ижтимоий фикрни шаклланишига асос бўлиб хизмат қиладиган социологик тадқиқотлар ўтказишнинг қуйидаги йўналишларини белгилаш мумкин:

Биринчидан, жамоат хавфсизлиги соҳасида социологик тадқиқот предмети ва объектини белгилаш, социологик тадқиқотни тайёрлаш ва ташкил этиш, социологик тадқиқот дастурини ишлаб чиқиш, социологик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш, хулосалар ишлаб чиқиш тартибини белгиловчи методика ишлаб чиқиш;

Иккинчидан, халқаро амалиёт ва мамлакатимиз тажрибаси социологик тадқиқотларни ижтимоий шериклик принциплари асосида ўтказиш жараёнида ноҳукумат ташкилотларнинг салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланиш;

Учинчидан, ўтказилган социологик сўров натижалари оммавий ахборот воситалари, марказий давлат телеканаллари, босма нашрлар ва ички ишлар вазирлигининг веб-сайтида доимий ёритиб бориш тартибини ишлаб чиқиш.

Социологик тадқиқотлар олиб боришга йўналтирилган тор доирадаги малака ошириш курсларини ташкил этиш ҳам асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

*M.M. Yuldashev**

*X.N. Melibayev**

Korrupsiyaga nisbatan murossasiz bo‘laylik!

Korrupsiya – davrlar oshib o‘shib kelayotgan ildiz bo‘lib, u har xil orzu xavaslar ortidan birorta qonunni mensimaslikdir.

Tomas Gobbs, XVII asr

Hozirgi globallashuv, mintaqa va davlatlararo integratsiya jarayonlari jadallashib borayotgan murakkab bir sharoitda korrupsiya chegara bilmas muammoga aylandi. Korrupsiya keltirib chiqarayotgan oqibatlar jamiyatlarni -ichidan yemirib, parokanda qilib tashlash xavfini solmoqda. U demokratik va xuquq ustuvorligi asoslariga putur yetkazadi, inson huquqlarining qo‘pol ravishda buzilishiga olib keladi, iqtisodiy rivojlanishni izdan chiqaradi, jamiyat va davlat uchun o‘ta xavfli bo‘lgan uyushgan jinoyatchilik va terrorizmning keng yoyilishiga sharoit yaratib beradi.

Bugun katta-yu kichik, boy va kambag‘al, qudratli va kuchsiz bironta davlatni korrupsiyadan xoli hudud, deb aytoilmaymiz. BMT va Xalqaro valyuta jamg‘armasining ma‘lumotlariga ko‘ra, jaxon iqtisodiyoti bu ofat tufayli yiliga.5-2.6 trln dollargacha zarar ko‘rmoqda. [6]

Xo‘sh korrupsiya nima o‘zi, nega butun dunyo shu illatga qarshi kurashmoqda?

Korrupsiya – lotincha “corruptio” aynish, poraga sotilish so‘zidan olingan. Korrupsiya mansab mavqeidan shaxsiy maqsadlarda foydalanish bilan bog‘liq bo‘lgan ijtimoiy huquqiy hodisadir. Ma‘lumki, bu illat har qanday jamiyatning siyosiy va iqtisodiy rivojlanishiga zarar yetkazadi. Jamiyatning ma‘naviy axloqini yemiradi, qonun ustuvorligini kuchsizlantiradi, fuqarolarning huquq va erkinliklarining jiddiy tarzda buzilishiga olib keladi. U shu bilan birgalikda uyushgan jinoyatchilik, terrorizm va insoniyat xavfsizligiga qarshi qaratilgan boshqa tahdidlarning o‘shishiga yordam beradi. Uning domiga ilingan amaldor, shaxsiy boylik orttirish maqsadlarini va urug‘ aymoqlarining manfaatlarini davlat manfaatidan ustun

* Bojxona qo‘mitasi xodimi

* Bojxona instituti magistratura tinglovchisi

qo'yishi natijasida, mamlakatning siyosiy va iqtisodiy yo'liga hamda aholining aksariyat qismiga tuzatib bo'lmaydigan zarar yetkazadi, chet ellik sheriklarda ham ishonchsizlik uyg'otadi va ularni hamkorlikdan qaytaradi.

Jamiyatni har tomonlama rivojlantirish har bir mamlakat oldida turgan asosiy vazifalardan biri hisoblanadi. Shunday davlatlar borki, ularning har birida korrupsiyaga qarshi kurash bo'yicha tegishli chora tadbirlar va unga qarshi kurashish to'g'risida normativ hujjatlar qabul qilingan. Haqiqatan, korrupsiya muammosi bugungi kunda dunyo miqyosida o'z yechimini talab etayotgan birinchi masalalardan biri hisoblanadi. Shu bois ham jahon hamjamiyati bu illatga qarshi keskin kurashmoqda. Bu yo'nalishda bir qator xalqaro hujjatlar ham qabul qilingan. Hususan, BMT homiyligida qabul qilingan korrupsiyaga qarshi kurashish rezolyusiyasi (1995-y.), Davlat mansabdor shaxslarining xalqaro axloq kodeksi (1996-y.), Xalqaro tijorat tashkilotlarida korrupsiya va poraxo'rlikka qarshi kurashish deklaratsiyasi (1997-y.), Millatlararo uyushgan jinoyatchilikka qarshi konvensiyasi (2000-y.), Korrupsiyaga qarshi konvensiya (2003-y.) va boshqalar shular jumlasidandir.

Mamlakatimizda ham korrupsiyaga qarshi kurashish izchillik bilan olib borilmoqda. Bu borada so'z yuritar ekanmiz avvalo, mamlakatimiz 2008-yilda Korrupsiyaga qarshi konvensiyaga, 2010-yilda Iqtisodiy hamkorlik va rivojlanish tashkiloti doirasida qabul qilingan Korrupsiyaga qarshi kurashning Istanbul rejasiga qo'shilganligini, Oliy Majlis tomonidan 2011-yilda Jinoiy daromadlarni legallashtirishga va terrorizmni moliyalashtirishga qarshi kurashish bo'yicha Yevroosiyo guruhi to'g'risidagi bitimni ratifikatsiya qilinganligini ko'rsatib o'tish lozim.

Xususan, O'zbekiston Respublikasining "Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida"gi Qonunining [1] qabul qilinishi, shuningdek, Korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha Respublika idoralararo komissiyasining tashkil etilishi va korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha Davlat dasturlarining qabul qilinganligi yurtimizda korrupsiya bilan bog'liq xuquqbuzarliklarning oldini olishga qaratilgan qator chora-tadbirlar samaradorligini oshirishga xizmat qilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "O'zbekiston Respublikasida Korrupsiyaga Qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish chora– tadbirlari to'g'risida" 2019-yil 27-maydagi PF-5729-son Farmoni [2] bu boradagi izchil sa'y-harakatlarning mantiqiy davomi bo'lib, bundan ko'zlangan asosiy maqsad yurtimizda korrupsiyaga qarshi kurashish tizimi samaradorligini yanada oshirish, eng yuqori darajadagi qulay investitsiyaviy va ishbilarmonlik muhitini yaratish, mamlakatning xalqaro maydondagi ijobiy imijini oshirish va mustahkamlashga qaratilgan.

Afsuski, yurtimizda bu borada yetarlicha normativ-huquqiy hujjatlar qabul qilinishiga qaramasdan jamiyatimizda korrupsiya illati o'zining turli ko'rinishlari bilan taraqqiyotimizga g'ov bo'lmoqda.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyevning 2022-yilning 20-dekabrdagi Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga Murojaatnomasida, **“Shu o'rinda biz uchun dolzarb muammo bo'lgan korrupsiya masalasiga alohida to'xtalib o'tmoqchiman. O'tgan ikki yilda 5 mingga yaqin mansabdor korrupsiyaga doir jinoyatlar bo'yicha javobgarlikka tortildi.**

Lekin, ochiq aytish kerak, bu – masalaning sababi bilan emas, oqibati bilan kurashish. Deputat va senatorlar, mahalliy kengashlar ham bong urib, aniq sohalarni tahlil qilib, korrupsiyani bartaraf etish bo'yicha faol bo'lishlari kerak emasmi? Har bir deputat o'zining okrugidagi byudjet hisobidan bo'layotgan qurilishlar, yo'llarni, har oyda borib ko'rsa, buyurtmachi va pudratchidan sifatni talab qilsa, bilasizlarmi, ahvol qanday o'zgaradi? Buning uchun sizlarda yetarli vakolat ham, shijoat ham bor.

Korrupsiyaga qarshi kurashish borasida alohida qonunlar qabul qilinib, huquqiy asoslar yaratildi.

Endi amaliy ishlarni kuchaytirish kerak. Sun'iy monopoliyaga, yopiq sxemalarga, umuman korrupsiyaga imkon yaratadigan barcha bo'shliqlarga barham beriladi” [3] – deb ta'kidladi.

Mazkur vazifalar ijrosini tizimli tashkil etish maqsadida parlament va Prezidentga hisob beradigan, korrupsiyaga qarshi kurashishga mas'ul bo'ladigan alohida organ tashkil etildi.

Rivojlangan demokratik davlatlar, jumladan Singapur, Shvesiya, Finlandiya davlat islohatlarini ayna mazkur illat - korrupsiyani ildiziga bolta urish bilan boshlaganligi va bu borada tizimli ravishda ish olib borishni o'zlarining asosiy vazifalari deb belgilaganligi uchungina jahonda korrupsiya darajasini o'rganuvchi Transparency International tashkilotining korrupsiyaning yo'qlik indeksida har doim yuqori pag'onalarida turishini ta'minlaydi. Bu albatta mamlakatning iqtisodiy rivojlanish darajasiga, jumladan investitsiya faoliyatining taraqqiyotiga, investitsiya muhitiga ijobiy ta'sir qilib, davlatni har tomonlama rivojlanishiga sabab bo'ladi.

Ta'kidlash lozimki, “Korrupsiya aralashmagan joyda har bir insonning iste'dodi namoyon bo'ladi. Yutuqlari ilgari suriladi. Bunday yetuk malakali insonlardan albatta Ibn Sino, Farg'oniy, Beruniy, Xorazmiy kabi mutafakkirlar yetishib chiqsa ajab emas. Eng avvalo yuksak taraqqiyotga erishish uchun fuqarolar o'zini emas, amal kursisini emas, balki jamiyat manfaatini o'ylab ish tutsa o'shandagina korrupsiyaning ildizini quritish mumkin”.

Takror va takror aytishimiz kerakki, korrupsiya - bu jamiyatni turli yo'llar bilan iskanjaga oladigan dahshatli illatdir. Mazkur illat demokratiya va huquq

ustuvorligi asoslariga putur yetkazibgina qolmay, inson huquqlari buzilishiga, moliyaviy bozorlar faoliyatiga to'sqinlik qilinishiga, har bir jabha taraqqiyotini sekinlashishiga va jamiyat xavfsizligiga tahdid soladigan uyushgan jinoyatchilik, terrorizm va boshqa hodisalar ildiz otib ketishiga sharoit yaratib berishi hammamizga kundek ravshandir.

Ushbu zararli hodisa katta yoki kichik, badavlat yoki kambag'al bo'lishidan qat'iy nazar, barcha mamlakatlarda uchraydi. Lekin mazkur illatni bartaraf etish bo'yicha jahon hamjamiyati tomonidan bir qator samarali ishlar amalga oshirilayotgan bo'lsada, hanuzgacha bartaraf etilmay kelinmoqda.

Korrupsiya va poraxo'rlik haqida tarixga bir nazar tashlasak, korrupsiya iqtisodiy hodisa sifatida tovar-pul munosabatlari bor joyda mavjud bo'lib kelgan. Davlatda iqtisodiy faoliyatga nisbatan o'rnatilgan turli xil cheklashlar, amaldorlarning keng, nazoratdan holi, cheklanmagan yoki ruxsat berish yoki taqiqlash vakolati korrupsiyaning ildiz otishiga zamin yaratadi. Shu bilan birga, katta boyliklarga ega bo'lgan ba'zi ishbilarmonlar o'z daromadlarini ko'paytirish va bozordagi raqobatda alohida imtiyozlarga ega bo'lish maqsadida hukumat amaldorlarini pora evaziga sotib olish, ularning o'z ihtiyorlariga bo'ysundirishga harakat qiladilar.

Jahon tarixining turli davrlarida ham turli davlatlardagi katta-kichik mansabdorlar tomonidan korrupsiyaga oid jinoyatlar sodir etilgani, korrupsiyaga qarshi qonunlar qabul qilinib, o'ziga xos jazolar tayinlanganining guvohi bo'lamiz.

Jumladan, sohibqiron Amir Temur va temuriylar davrida jinoyat va jazo masalalarini hal etishda "Temur tuzuklari" alohida o'rin egallagan. Tuzuklarda mulkni, xususan, davlat mulkini o'zlashtirganlik uchun javobgarlikni belgilashda o'ziga xos yondashuv mavjud bo'lgan.

O'sha davrda amaldorlar ishini tartibga solish maqsadida vaqti-vaqti bilan so'roq, tekshirish, taftish, tergov o'tkazib turilgan. O'z amalini suiiste'mol qilish, poraxo'rlik, doimiy ravishda ichkilik ichish, maishiy buzuqlik kabi qilmishlar og'ir gunoh hisoblangan va qattiq jazolangan. Tarixiy manbalarda keltirilishicha, Amir Temurning o'g'li Mironshoh, nevaralari Pirmuhammad va Halil Sultonlar yuqorida zikr etilgan me'yorlarni buzganlik uchun xalq oldida jazoga tortilgan. [4]

Diniy nuqtai nazardan olib qarajak ham, Alloh taolo insoniyatni yaratgach, ularni Yer yuzida halol rizq talab qilishga amr etib, uning aksi bo'lmish haromdan hazar qilishga buyurdi hamda halol va harom bo'lgan narsalarni bayon qildi. Demak, har bir inson halol rizq talab qilishi bilan birga, birovning haqqidan hazar qilishi va o'zgalarning molini nohaq yo'llar bilan o'zlashtirmasligi o'ta muhimdir.

Hayotda o'zgalarning haqqiga tajovuz qiladigan, o'zgalarni molini o'zlashtirib oladigan kimsalar, garchi ko'zga uddaburon kishilar bo'lib ko'rinsa-da, nochor va bechora kishilar aynan o'shalardir.

Bu o'rinda birovning haqqini nohaq yeyish hamda pora beruvchi va pora oluvchi ham og'ir gunohkor bo'lishligi muqaddas manbaalarimizda ham aytib o'tilgan.

Demak, korrupsiyaga qarshi kurashishda insonning diniy-ma'rifiy bilimlarga ega bo'lishi ham juda muhimdir.

Tan olishimiz keraki, korrupsiyaga qarshi kurashish birinchi navbatda oiladagi muhit va ta'lim-tarbiyadan boshlanadi. Jamiyatda nima halolu nima harom ekanligi farzandlarimizga bobo-momolar, ota-onalar va ustozlar o'giti bilan singdiriladi.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev farzandlarimizga bolaligidan pokni nopokdan, halolni haromdan farqlashga o'rgatishni nazarda tutib, yosh avlod tarbiyasi haqida gapirganda, Abdurauf Fitratning quyidagi fikrlariga har birimiz, ayniqsa, endi hayotga kirib kelayotgan o'g'il-qizlarimiz amal qilishlari lozimligini ta'kidladilar: **“Xalqning aniq maqsad sari harakat qilishi, davlatmand bo'lishi, baxtli bo'lib izzat-hurmat topishi, jahongir bo'lishi yoki zaif bo'lib xorlikka tushishi, baxtsizlik yukini tortishi, e'tibordan qolib, o'zgalarga tobe va qul, asir bo'lishi ularning o'z ota-onalaridan bolalikda olgan tarbiyalariga bog'liq”**. [5]

Mamlakatimizning kelajagini va obro'-e'tiborini qadrlaydigan har bir vijdonli fuqaro korrupsiya tahdidning zararli oqibatlarini doimo esda tutmog'i va unga qarshi kurashmog'i shart.

Shu o'rinda yuqorida korrupsiyaviy omillari pastligi bilan dunyoda yetakchi pog'analarda turgan rivojlangan davlatlarning xalqaro tajribalari o'rganilgan holda bojxona organlarida korrupsiyaviy holatlar, yopiq sxemalar, shubhali vaziyatlar va umuman korrupsiyaga imkon yaratishi mumkin bo'shliqlarni avtomatik aniqlaydigan ichki nazorat **“Korrupsion xavflarni boshqarish tizimi”** 2022-yil dekabr oyidan ishga tushirilgan.

Mazkur tizim bojxona tartib-tamoillarini qo'llashda korrupsiyaviy xavflarni aniqlash va ularni boshqarishda yagona yondashuvni ta'minlashdan iborat bo'lib, tizimga DXX chegara qo'shinlari, IIV Yo'l harakati xavfzligi xizmati, Bojxona qo'mitasi, Soliq qo'mitasi, Personallashtirish agentligi ma'lumotlar bazalariga integratsiya qilinib, tezkor-qidiruv tadbirlarini tashkillashtirishda shaxsga oid ma'lumotlarni onlayn olish imkoniyati yaratilgan.

Bugungi kunda ushbu tizimning ishga tushirilishi natijasida xodimlar faoliyati raqamlashtirilgan holda avtomatik tahlil qilinib, har chorakda **“past”**, **“o'rta”** va **“yuqori”** toifalarga ajratiladi va ichki nazorat tuzilmasi xodimiga aniqlangan xavfni minimallashtirish bo'yicha avtomatik ma'lumotlar berilib kelinmoqda.

Korrupsiyaga qarshi kurashish har bir fuqaroning, xoh bojxona xodimi, xoh ichki ishlar xodimi, xoh prokuror, kim bo'lishidan qat'iy nazar ichki axloqiy-ruhiy maslagi va e'tiqodiga aylanishi kerakki, bu korrupsiyaga qarshi ma'rifatning o'zagini tashkil qiladi. Qonun talablarining to'laqonli amalga oshirilishi mamlakatimiz

aholisining turmush farovonligini oshirishga, rivojlanish yo'lidagi to'siqlarni bartaraf etishga xizmat qiladi. Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonunda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish masalasi alohida o'rinni egallaydi. Unda yoshi va kasbidan qat'iy nazar barchaning huquqiy savodxonligi yuqori bo'lishi, ayniqsa, ta'lim muassasalarida korrupsiyaga qarshi kurashish sohasidagi huquqiy ta'lim va tarbiya belgilangan davlat ta'lim standartlariga muvofiq amalga oshirilishi lozimligi ko'rsatilgan.

Korrupsiyaning huquqiy sabablari haqida to'xtalganda, uning rivoji davlatdagi qonunlarning sifatiga bog'liq bo'lib, nomukammal bo'lgan qonunlar ishlamaydi va korrupsiyaga moyil shaxslar bundan ustamonlik bilan foydalanishga intiladi. Korrupsiyaning ijtimoiy sabablariga jamiyatdagi nosog'lom muhit, aholining huquqiy bilim va madaniyati, ma'naviyatining quyi (past darajada) ekanligi, diniy-ma'rifiy savodsizligi, uyushqoqlik va jamoatchilikdagi faollikning etishmasligi kiradi. Shunisi e'tiborliki, jamiyatdagi ijtimoiy ongning u yoki bu tarzda o'zgarishiga odamlarda davlat va qonunlarga nisbatan ishonch paydo bo'lishiga mamlakat rahbar xodimlarining o'z vazifalarini qay darajada amalga oshirishlari o'z ta'sirini ko'rsatadi. Ular tomonidan to'g'ri va adolatli qarorlar qabul qilinsa, fuqarolarning buzilgan huquqlari tiklansa, ijtimoiy himoya kuchaytirilsa, xalqning jamiyatda adolat, haqiqat borligiga ishonchi ortadi. Uning aksi bo'lsa odamlar orasida norozilik va xukumatga nisbatan ishonchsizlik yuzaga keladi.

Umuman olganda, korrupsiyaga sezilarli zarba berish uchun, eng avvalo, jamiyatda mazkur illatga qarshi murosasiz muxitni tashkil etish lozimdir. Buning uchun esa, barcha fuqarolar o'z huquq va burchlarini bilishlari bilan bir qatorda, unga shaxsan rioya qilish va boshqalardan ham shuni talab qilishlari lozimdir.

Fikrimizcha, korrupsiyaga nisbatan murosasiz munosabatni shakllantirishga yo'naltirilgan maqsadlar quyidagilardan iborat bo'lishi lozim:

- korrupsiya hodisasining mohiyati, sabablari va oqibatlari to'g'risida xabardor qilish;
- korrupsiyaga nisbatan murosasiz munosabatni rivojlantirish va rag'batlantirish;
- fuqarolarda tashabbuskorlik, ijtimoiy faollik, mustaqil fikrlash, vaqtni tejashga doir ko'nikmalarni shakllantirish;
- demokratik qadriyatlarga hurmat, adolat va haqiqatga bo'ysunish, o'zi va boshqalarning xatti-harakatlari uchun mas'uliyat hissi bilan yashashni o'rgatish.

Xulosa o'rnida shuni aytish kerakki, korrupsiya va poraxo'rlik jamiyat barqarorligining muhim asosi bo'lgan adolatning yo'qolishiga olib boradi. Pora vositasida noxaqlik haq maqomiga chiqishi bois jamiyat parokanda bo'ladi. Mamalakatimiz mustahkamligi, xalqimiz farovonligi, yurtning rivoji va gullab yashnashini, obod bo'lishini istagan har bir fuqaro pora olish va berish illatidan xalos

bo‘lishi, **bir so‘z bilan aytganda davlat vakillari o‘zining halol mehnati, oddiyligi, xalqsevarligi, samimiyligi va fidoyiligi bilan odamlarimiz mehrini qozonishi kerakdir.** [7]

Adabiyotlar va internet manbalari ro‘yxati:

1. O‘zbekiston Respublikasining “Korrupsiyaga qarshi kurashish to‘g‘risida”gi qonuni. - <https://lex.uz/docs/3088008>.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasida korrupsiyaga qarshi kurashish tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2019-yil 27-maydagi PF 5729-son Farmoni. - <https://lex.uz/docs/4355387>.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2022-yil 20-dekabrda Oliy Majlis va O‘zbekiston xalqiga Murojaatnomasi. <https://president.uz/uz/lists/view/5774> 11-12-2023.
4. Temur tuzuklari. -T.: O‘zbekiston, 2011. – 28 b.
5. O‘rinboyev A.G‘, Qodirov M.S. Jamiyat rivojiga rahna solayotgan illat. Uslubiy qo‘llanma. – T.: BI, 2019.
6. www.bojxona.uz - O‘zbekiston Respublikasi Davlat bojxona qo‘mitasi sayti.

***Н. Бекмуродова
М. Маматкулова****

Ўзбекистонда ўқитувчилар фаолиятини ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари

Мамлакатимизда “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан бошланади” ғояси асосида умуммиллий таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан атиги бир неча йил илгари ўқув йили ибтидоси муаллимнинг ёзилмаган йиллик иш режасида пахта мавсумининг бошланишини белгилаб берарди. Қахратон қишга довр давом этадиган бу мавсумни ўқитувчи ўз ўқувчилари билан бирга “ёлланма теримчи” сифатида далада ўтказар эди. Бироқ, шу билан унинг “ёлланмалигига” яқун ясалмасди. Қишда бир муддат ўз касби билан шуғулланса-да, шунда ҳам бир дунё қоғозларидан ортиб, ўқувчилари учун вақт ажратолмай қоларди. Баҳор бошланиши билан яна дала юмушларига жалб қилинар эди. Бундан ташқари, ободонлаштириш, қурилиш ишларида ҳам “дастёрлик” ўқитувчиларнинг зиммасида эди. Бу хизматлари учун эса арзимаган маош тўланарди. Муаллимнинг обрўйи, шаъни, қадри

* Жиззах вилояти Шароф Рашидов тумани 15-сонли мактаб ўқитувчилари

ҳаминқадар баҳолангани туфайли, аксарият ўқитувчилар бошқа соҳаларга ўтиб кетишди, айниқса, эркак ўқитувчилар тизимни деярли тарк этди.

Бугун эса таълим-тарбия – мамлакат эътиборидаги энг устивор масалага, ўқитувчи эса жамиятнинг нуфузли ва обрўли вакилига айланди. Эндиликда у фақат ўқувчисининг таълим-тарбияси учун масъул, хизмат доирасига кирмайдиган бошқа барча юмушлардан озод. Келажаги буюк Янги Ўзбекистонни барпо этишда асосий таянч ҳисобланади. Бунинг учун бугун ўқитувчиларга улкан имкониятлар яратилди, қатор имтиёзлар берилди. Бир сўз билан айтганда, муаллимнинг меҳнати, қадри юксалди.

Бугун дунёнинг турли нуқталарида рўй бераётган таҳликали воқеалар инсониятдан огоҳлик ва ҳушёрликни янада оширишни, тинчлик ва тараққиёт йўлида ҳамжиҳатликни кучайтиришни талаб этаётир. Табиийки, бу глобал масалаларни ҳал этишда ёшлар сиёсати ва таълим ислоҳотларининг ўрни муҳим.

Таълимнинг инсон камолотидаги ўрни ҳақида сўз борар экан, жадид боболаримиз ўғитлари тасаввуримизда қайта-қайта жонланади. Маҳмудхўжа Беҳбудий бу борада тўхталиб, “Сизларга васият қиламан. Маориф йўлида ишлайдурғон муаллимларнинг бошини силангизлар! Ўртадан нифоқни кўтарингиз! Туркистон болаларини илмсиз қўймангизлар”, деган эди.

Ватанпарвар аждодларимизнинг бу борадаги чақириқлари, даъватлари бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Президентимиз конституциявий ислоҳотлар зарурияти ҳақида гапирганда, таълим, илм-фан ва инновацион ривожланиш, айниқса ўқитувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиши замирида ҳам шу мақсад мужассам. Давлатимиз раҳбари бу борада Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида алоҳида тўхталиб, “Таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўлидир”, дея таъкидлаган эди. Ўқитувчиларнинг мақомини, уларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилишни Конституцияда алоҳида белгилаш зарурлиги қайд этилганди.

Нега айнан ўқитувчилар мақоми Конституция даражасида муҳофаза қилиниши керак, бошқа касблар шундай эътиборга лойиқ эмасми, деган саволлар туғилиши табиий. Ўқитувчи ва мураббийлар ҳурматини Конституция даражасида мустаҳкамлаш аслида инсон ҳурмати, инсон қадри масаласи ҳисобланади. Зеро, таълим сифатини замонавий билимларга эга ҳаётдан рози ўқитувчисиз таъминлаб бўлмайди. Бунинг учун эса ўқитувчининг ижтимоий ва моддий фаровонлиги ҳақида ғамхўрлик қилиш, унинг ҳурматини жойига қўйиш талаб этилади.

Бу борада халқаро тажрибага назар соладиган бўлсак, Япония, Хитой каби Осиё давлатларидаги иқтисодий мўъжиза таълим ислоҳоти билан боғлиқ. Ёки Корея ва Сингапур тажрибасини олайлик. Улар ўтган асрнинг 60-йилларида қолоқ мамлакатлар бўлган. Инвеситицияни таълимга жуда оқилона сарфлаш натижасида бугунги кунга келиб бу давлатлар Осиёнинг энг илғор мамлакатларига айланди.

Устозлар қадрни юксалган юрт, албатта, барқарор бўлади. Чунки миллат ва халқнинг ривожини, унинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, авваламбор ўқитувчилар фаолиятига боғлиқ. Аммо афсуски, амалда ҳали-ҳануз ўқитувчиларимизнинг шаъни ва кадр-қимматини камситиш ҳолатлари учраб турибди. Айниқса, кейинги пайтларда ўз ўқувчиларини таълимга, тарбияга чақирган ўқитувчиларни ота-оналар томонидан таҳқирлаш ҳолатлари кўп кузатиляпти. Ахир ўқитувчи ўқувчининг фақат таълим олишигина эмас, балки тарбияси учун ҳам масъул. Таълим ва тарбия уйғунликда олиб борилмас экан, фарзандларимизнинг баркамол инсон бўлишлари амри маҳол.

Тан олишимиз керак, илгари Конституция, деганда аксарият ҳолларда давлат органлари мақоми тушунилса, эндиликда ҳар биримиз ва фарзандларимизнинг келажаги учун сув ва ҳаводек муҳим бўлган масала – ўқитувчининг мақоми ҳам мустаҳкамланмоқда. Янги норма давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мактаблар ва ўқитувчилар фаолиятига асоссиз аралашувга, педагог кадрларнинг шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, уларнинг меҳнатга мажбурланишига, таълим-тарбия жараёнига тўсқинлик қилишга, ўқитувчиларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик бўйича комплекс чораларни кўришга хизмат қилади.

Кўп йиллар халқимизни ташвишга солиб келган мажбурий меҳнат ҳолатлари ҳам ўқитувчиларнинг ҳуқуқий мақоми бўйича бўшлиқлар натижаси бўлган, десак айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Ҳуқуқий бўшлиқ оқибатида ижро органлари томонидан ўқитувчилар шаъни ва кадр-қимматини камситувчи турли кампаниябозлик ҳолатлари давом этаверди. Бунда ўқитувчилар аҳоли қарздорлигини ундириш, турли рўйхатларни шакллантириш, зерикарли тадбирларда бўш залларни тўлдириш каби мантиқсиз фаолият билан банд этилгани ҳам айни ҳақиқат.

Бу борада Президентимиз 2018 йилда халқ таълими ходимларини хизмат вазифаларига боғлиқ бўлмаган ишларга, мажбурий меҳнатга, жумладан, туман ва шаҳарларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга, мавсумий қишлоқ хўжалиги ишларига ва бошқа турдаги ишларга жалб қилишни тақиқлаш тўғрисидаги фармонни имзолаб, кенг жамоатчилик ҳам ўқитувчилар қадрини кўтариш ишларига астойдил бел боғлаганини алоҳида эслаб ўтиш жоиз.

Ўқитувчи мақоми Конституция даражасида белгиланиши давлатнинг илм-фан, маърифат ва таълим бўйича туб ислохотлар қилишга чоғланганини кўрсатади. Ўқитувчининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари Асосий қонун орқали мустаҳкамланиши уларни ҳар қандай тарзда чеклашнинг олдини олади.

Таъкидлаш жоизки, мазкур конституцион норма ўқитувчиларнинг ижтимоий қўллаб-қувватланиши, ўз касбий фаолиятини амалга ошириши, уларнинг ижтимоий мақоми ва обрўсини ошириш учун ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиши, шунингдек, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга ошириш учун кафолатлар беришга хизмат қилади. Шунингдек, янги тизим ўқитувчилик касбини нафақат молиявий, балки интеллектуал жиҳатдан ҳам жозибадор қилишга асос бўлади. Бу эса, ўз ўрнида, ўқитувчиларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича барча куч ва ресурслар, саъй-ҳаракатлар сафарбар этилишини аниқлатади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, биз яшаётган шиддатли ахборот замонида кечаги билим бугунги кунга тўғри келмаяпти. Хусусан, 20 йил олдин саводхонлик асосан фақат китоб ёки матнни ўқиш, деб тушунилган бўлса, бугунги кунда билим билан биргаликда уни амалиётга жорий эта олишингиз лозим. Ўқувчиларда эркин ва креатив фикрлашни, жамоада ишлаш ва мулоқот кўникмаларини шакллантириш ўқитувчининг тинмасдан ўз устида ишлаши, ҳар куни замонавий билимларни эгаллашини тақозо этади. Янги норма шу маънода ўқитувчилар касбий ва шахсий ривожланишига катта мотивация ва импульс беради.

Таъкидлаш жоизки, ЮНЕСКОнинг 1966 йил 5 июлдаги “Ўқитувчилар мақоми тўғрисида”ги тавсиясининг 7-бандида педагогнинг эркинлик принципи мустаҳкамланган. Шунингдек, мазкур нормага ўхшаш қоидалар Германия, Португалия, Уругвай, Эквадор, Миср конституцияларида ҳам белгилаб қўйилган. Мазкур норма давлат органлари ва бошқа ташкилотлар педагог кадрлар шаъни ва кадр-қиммати камситилишига, улар меҳнатга мажбурланишига, таълим-тарбия жараёнига тўсқинлик қилишнинг ҳар қандай шаклларига, ўқитувчилар ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик бўйича қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакатимизда фаолият юритаётган 685 мингдан ортиқ ўқитувчининг давлат томонидан профессионал ўсиши ҳамда ижтимоий ва моддий қўллаб-қувватланиши кучайтирилиши, пировардида, уларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми ва обрўсини янада оширишга хизмат қилади.

Жамиятда ўқитувчининг обрўсини кўтаришга, унинг илм-фан, таълим сифати билан шуғулланишига барча шароитларни яратаётган, фарзандларимизнинг сифатли таълим олиши, уларнинг порлоқ келажаги учун

беқиёс имкониятлар эшигини очаетган, муҳими, шунга ҳуқуқий асос бераётган Бош Қомусимизга киритилаётган ўзгаришларга биз – Мактабгача ва мактаб таълими тизими ходимлари бефарқ эмасмиз.

*Ж.Б. Мадрахимов**
*С.Т. Шукуруллаева**

Янги Конституция ҳуқуқий тизим ва ислоҳотлар асоси

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳот ва модернизация жараёнлари барча жабҳалар каби ҳуқуқий соҳани ҳам камраб олган. Зеро, жамият ва давлат ҳаётини замонавий асосларда инновацион ҳуқуқий модернизациялаш ҳозирги ижтимоий тараққиётимизнинг бош мантиғини ташкил этмоқда.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барқарор тараққиётга замин яратувчи, фаол ҳаракатда бўлган, инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла-тўқис рўёбга чиқарувчи ҳамда уларга хизмат қиладиган ҳуқуқий тизимга таянади. Бундай ҳуқуқий тизимни жорий этиш бугунги кундаги устувор масалалардан биридир.

Жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, мамлакатни модернизациялаш билан боғлиқ жараёнлар миллий ҳуқуқий тизимни замон талабларига мос янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда Тараққиёт стратегияси асосида ҳуқуқ нормалари, ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни, ҳуқуқ манбалари, норматив-ҳуқуқий актлар тизими, ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий тартибга солиш механизми, юридик муассасалар тизими, юридик илм ва амалиёт, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий сиёсат, ҳуқуқий мафкура, ҳуқуқий маданият ва шу каби ҳуқуқий тизимнинг таркибий қисмлари бир бутун механизм сифатида модернизация қилинмоқда.

Янги таҳрирдаги Конституция Янги Ўзбекистон стратегиясини амалга оширишнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари, давлат ва жамиятни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беришга хизмат қиладиганлиги таҳсинга сазовор. Шунингдек, янгиланган Конституция Ўзбекистон учун ҳаётий зарурат бўлиб, бу мамлакат, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишимиз учун ғоят аҳамиятли масала, адолатли жамият қуриш йўлидаги улкан қадамдир.

* Наманган давлат университети Юридик факультети Миллий ғоя ва ҳуқуқ таълим йўналиши 3-босқич талабаси
* Низомий номида Тошкен давлат педагогика университети 4-босқич талабаси

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, сўнгги олти йилда эришган ютуқларимиз, хусусан, иқтисодиёт, инсон ҳуқуқлари, одил судлов, сўз ва эътиқод эркинлиги, ижтимоий ҳимоя соҳаларидаги юзлаб чекловларнинг олиб ташлангани, нақд пул, валюта, кредит масалаларидаги муаммолар ҳал қилингани, қўшниларимиз билан орамиздаги “музлар эригани” ва бошқа ижобий ҳаракатлар ортга қайтмаслигининг конституциявий ҳимоясини таъминлаш, бу ютуқлар, ҳуқуқ ва эркинликлардан нафақат ҳозирги, балки келажак авлодларимиз ҳам эмин-эркин фойдаланиши учун уларни, албатта, Конституцияда муҳрлаб қўйиш талаб этилди. Натижада янги Конституциядаги моддалар сони амалдаги 128 тадан 155 тага, нормалар сони 275 тадан 434 тага ошди. Яъни Асосий қонунимиз матни қарийб 65 фоизга ортди ва халқимиз таклифлари асосида янгиланди.

Конституциянинг 1-моддасидаги “Ўзбекистон – суверен демократик республика” жумласи Янгиланган Конституциямизда “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” деган норма мустаҳкамланди.

Янги киритилган ўзгартиришларга кўра, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат тамойили мустаҳкамланди, эндиликда барча жараёнлар қонуний асослар устига қурилади, давлат хизматчиларидан ҳуқуқ доирасида фикрлаш, барча масалаларга ҳуқуқий кўз билан қараш талаб этилади. Қолаверса, ҳуқуқий давлатда барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлади, давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳам қонунларга бўйсунди ва қонунларнинг муқаррар ижросини таъминлайди.

Ўзбекистон ўзини ижтимоий давлат деб эълон қилиши билан, ҳар бир фуқаросига муносиб турмуш кечириши учун шарт-шароит яратиш мажбуриятини олмоқда. Бу – мавжуд ресурсларни ижтимоий адолат тамойиллари асосида тақсимлаш, жамиятда кучли табақаланиш авж олишига йўл қўймаслик, энг заиф қатламлар учун ҳам сифатли таълим ва тиббиёт кафолатланиши, самарали ижтимоий ҳимоя дастурлари ишлаши, имконияти чекланган ва қўлловга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш, адолатли меҳнат қонунчилиги ва жозибатор пенсия тизими кабиларни англади. Оддийроқ айтганда, энг камбағал оиланинг болаларида ҳам соғ-саломат ўсиб-улғайиб, яхши таълим олиб, фаровонликка эришиш имконияти бўлиши керак.

Дунёвий давлатда давлат ва дин бир-биридан ажратилган бўлади. Давлат диний эътиқодидан қатъи назар барчага бир хил муносабатда бўлади, динга оид масалаларда нейтрал позицияни эгаллайди.

Шунингдек, Янги Конституциянинг 154-моддаси билан, 1-моддадаги қоидаларни қайта кўриб чиқиш мумкин эмас, деб белгиланди. Худди шунингдек, 154-модданинг ўзидаги айнан шу қоидадан иборат банд ҳам қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Бошқача айтганда, бу норма – Ўзбекистон ҳеч қачон

демократиядан воз кечмаслиги, ҳуқуқий давлатчиликка содиқлиги, монархияга ёки исломий республикага айланмаслигини назарда тутади.

Янгиланган Конституциямиздаги муҳим ўзгаришлардан яна бири, унинг 15-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Конституциянинг тўғридан-тўғри амал қилиши фуқароларга нафақат қонунлар, балки бевосита Конституциядаги нормаларга ҳам асосланган ҳолда иш олиб боришга, хусусан, судга мурожаат қилишга имкон беради.

Референдумда қабул қилинган қонунга биноан, Олий суд 3 ой ичида тегишли Пленум қарорини қабул қилиши керак. Бу қарор асосида судлар томонидан Конституция нормаларини тўғридан-тўғри амал қилувчи ҳужжат сифатида қўллаш юзасидан ягона суд амалиёти жорий этилади.

Шунингдек, Конституциямиздаги яна бир муҳим ўзгартириш: барча ноаниқликлар – инсон фойдасига ҳал этилади. Конституциянинг янги таҳририга асосан “Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади”. Яъни эндиликда қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмаган масалаларда зиддият юзага келса, масала давлат эмас, инсон фойдасига ҳал этилади. Бундан ташқари, турли ҳужжатларни юритишда давлат органлари томонидан хато-камчилик ўтган тақдирда, масалан, пенсия тайинлашда тегишли ҳужжатлар базадан топилмай, ноаниқлик юзага келганида ҳам вазият фуқаро фойдасига ҳал этилиши керак.

Эътиборлиси, Конституциямизга ўқитувчилар ҳақида модда қўшилди. У икки банддан иборат: “Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойитишнинг асоси сифатида эътироф этилади”. “Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади”.

Шу тариқа, устозлар ҳуқуқ соҳаси вакили бўлмаган, лекин олий қонунда алоҳида тилга олинган ягона касб эгаларига айланди.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳаётимизнинг бошқа муҳим соҳалари ва устувор йўналишлари қатори фаол фуқаролик жамиятини шакллантириш, жамоатчилик назорати институтини янада ривожлантиришга оид нормалар ҳам киритилганини таъкидлаш лозим. Бундан кўзланган мақсад, шубҳасиз, мамлакатимизда очиқлик сиёсатини давом эттиришдир. Аввало, Конституциямизга илк маротаба фуқаролик жамияти

институтларига бағишланган алоҳида боб киритилди. Янги таҳрирдаги Конституциянинг XIII боби «Фуқаролик жамияти институтлари» деб номланди.

Асосий қонунимизнинг 69-моддасига кўра: “Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти қонунга мувофиқ амалга оширилади”.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Янги Конституция орқали ҳар бир инсоннинг шаъни ва қадр-қиммати ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Юртимизнинг инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат эканлиги ҳуқуқий асосланди. Халқимиз муаллифлигида ишлаб чиқилган Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси мамлакатимиз тараққиёти, фуқароларимиз турмуш тарзини юксалтиришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т.: Ўзбекистон. 2023.
2. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. -Т.: Ўзбекистон. 1998.

А.Қ. Қўчқоров
*М.Р. Абдусатторов**

Конституциявий ислоҳотлар: Ўзбекистон – ижтимоий давлат

Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида адолатли ва халқпарвар давлат барпо этиш учун зарур конституциявий макон ва мустаҳкам қонунчилик асосларини яратиш вазифаси ўз аксини топган. Давлатимиз раҳбари Ш. Мирзиёевнинг «Ҳозирда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият куриш сари бормоқда. Шу сабабли «Янги Ўзбекистон - ижтимоий давлат» тамойилини конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақти соати етди», - деб таъкидлагани чуқур рамзий маъно касб этади. Шубҳасиз, ижтимоий давлатни шакллантиришда

инсон манфаатларидан келиб чиқиш ва инсон қадрли устуворлигини таъминлаш давлат фаолиятининг, унинг ижтимоий соҳадаги сиёсатининг туб моҳиятини ташкил қилади.

Ижтимоий адолат тамойиллари ва демократия талабларига асосланиб амалга ошириладиган давлат ҳокимияти халқ манфаатини ифода этиб, жамиятни бошқариш ҳамда ривожлантиришга хизмат қилувчи яратувчанлик, бунёдкорлик омили сифатида майдонга чиқади. Давлат ҳокимияти жамият

* Наманган давлат университети Юридик факультети 4-босқич талабалари

тараққийетига ижтимоий-сиёсий йўналиш бериб, унга яхлитлик, жамулжамлик ва барқарорлик бахш этади. Мамлакатимизда давлат органларининг халқ манфаатига буйсундирилганлиги конституциявий принцип тарзида мустаҳкамланиб, улар фаолиятининг асосий мезонига айланган.

Алоҳида эътироф этиш лозимки, «Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг юксак намунаси бўлган Конституциямиз юртимизда демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, Ўзбекистоннинг халқаро майдонда муносиб ўрин эгаллашида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда». У жамият миқёсида эришилган ўзига хос келишувнинг маҳсули сифатида намоён бўлиб, энг аввало, давлат ҳокимияти ваколатларини инсон ҳуқуқлари кўлами доирасида меъёрлаш, легитим тарзда чеклаш имконини бериб, ҳокимият билан фуқароларнинг ўзаро муносабатларини мувозанатлаш ва шаффофлаштириш вазифасини адо этмоқда.

Дарҳақиқат, Конституция тараққийетимизнинг ҳозирги янги инновацион ривожланиш босқичидаги ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш, халқимиз учун ҳеч кимдан кам бўлмаган турмуш шароитларини яратиш, иктисодиётимиз равнақи, энг муҳими, ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишдек олий мақсадларимизнинг кафолати ва ҳуқуқий пойдевори сифатида барчамизни янада юксак марраларга руҳлантирадиган беқиёс қудрат манбаи бўлиб майдонга чиқмоқда.

Асосий қонунда халқимизнинг демократия ва ижтимоий адолат ғояларига бўлган ишончи ҳамда қатъий садоқати мустаҳкамланган. Зеро, халқимиз ҳаётий тажрибасига, миллий ва маданий анъаналарига, барча фуқаролар ва турли ижтимоий гуруҳлар манфаатларига мос келадиган асл демократияни қарор топтириш ҳамда ижтимоий адолат тамойилларига таянган давлатни қуриш улкан сиёсий аҳамиятга молик вазифадир.

Фикримизча, «ҳуқуқий давлат» ва «ижтимоий давлат» Конституция давлат учун аниқ ижтимоий дастурни белгилаб бермаса-да, шубҳасиз унда давлат сиёсатининг конституциявий-ҳуқуқий асослари белгиланади. Давлат сиёсатининг икки муҳим жиҳатини назарда тутиш лозим.

Биринчиси - фуқароларга муносиб ҳаёт кечириш учун ва инсоннинг эркин ривожланиши учун шароит яратишда ифодаланади. Бу – меҳнатни ва инсонлар соғлиғини муҳофазалаш, иш хакининг минимал ҳажмини белгилаш, ишсизликнинг олдини олиш ва ҳ.к.

Иккинчиси, - аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш, ногиронларга ҳамда қарияларга ғамхурлик қилиш ва бошқалар. Ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш, давлат пенсияларини, нафакалар ва бошка ижтимоий ҳимоя кафолатларини белгилаш кўзда тутилади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартириш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувда конституциявий ислохотлар объектив ҳаётий зарурат сифатида кун тартибига чиқаётганини, **“Инсон қадри учун”** ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган **“Инсон – жамият – давлат”** деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмунига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош кадриятга айлантиришимиз зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугунги кунда тарихий заруриятга айланган Конституциявий ислохотлар жараёнида янги ғояларни Бош Қонунимизнинг мазмун-моҳиятига сингдириш халқимизнинг эҳтиёж ва манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқи ва эркинликлари билан боғлиқдир. Президентимиз томонидан илгари сурилган - **“Инсон қадри учун”** ғояси Конституциявий ислохотларнинг асосини ташкил этмоқда.

Инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликлари халқаро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек, дунёнинг ривожланган давлатларининг конституцияларида ҳам ўз аксини топган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган мазкур сиёсий ислохотларни дунёнинг ривожланган мамлакатлари Асосий Қонунларига қиёслаган ҳолда уларнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашга доир моддаларини ўрганиш ўз олдимизга қўйган мақсадни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бош қомусимизда «Инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқлари доирасида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари алоҳида ўрин тутди. Бу ҳуқуқлар инсон фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг яширин, очилмаётган имкониятларини юзага чиқаради, пировардида уни оддий инсондан шахсга айлантиради».

Инсон ҳуқуқларини таъминлашда эса ижтимоий давлат масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим деб ўйлаймиз.

Давлатнинг инсонпарварлиги ва маданий даражаси, у ўтказаетган ижтимоий сиёсатнинг мазмунига қараб баҳоланади. Шу сабабли ҳам ислохотларнинг янги босқичида Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган ижтимоий сиёсатнинг туб моҳияти аҳолининг аниқ табақаларини қамраб оладиган мақсадли ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштиришдан, айникса, ижтимоий адолат қоидаларини янада мустаҳкамлашга қаратилаётганлиги муҳимдир.

Асосий мақсад – жамиятда яратилаётган моддий ва маънавий бойликларни ижтимоий адолат тамойили асосида қайта тақсимлашдан иборатдир. Бунда ҳар бир фуқаронинг маиший турмуш тарзи ҳолатини сифат жиҳатдан юқори даражага олиб чиқиш, аҳолининг турмуш шароити ва сифати

жиҳатдан табақаланишига, яъни улар ўртасидаги яшаш учун кетадиган сарф-харажатлар бўйича фарқларнинг катталашиб кетишига йўл қўймаслик ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига давлат томонидан кафолатлар тизим орқали ёрдам кўрсатилади. Бошқача айтадиган бўлсак, мақсад яратилган неъматлардан ижтимоий кафолатлар орқали ҳамма баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборат.

Янгиланган Конституциямизнинг 1-моддасида, жумладан: “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат”, – дейилган. Давлатнинг “демократик” деган сифати, жумладан, диний ва жинсий жиҳатдан фуқароларнинг тенглигини ҳам назарда тутди. Яъни бу мамлакатда эркак билан аёлга бир хил ҳуқуқ ва эркинликлар берилишини тақозо этади. Қандай қилиб, бир пайтнинг ўзида эркакка тўрт, аёлга эса бир мартагина никоҳ ҳуқуқини берамиз? “Ҳуқуқий” сифатида мамлакатда жамиятни илгари қабул қилинган қандайдир тартиб-қоидалар эмас, халқ вакилларидан ташкил топган парламент қабул қилган қонунлар асосида бошқариш кўзда тутилади.

Аҳамиятлиси, мамлакатда охири беш-олти йилда ижтимоий давлатнинг асосий талаблари амалда қўлланилди, жумладан:

Биринчидан, 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси ва 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида, айнан ижтимоий соҳани ривожлантириш, адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш масалалари устувор вазифалар этиб белигиланди.

Иккинчидан, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ташкил этилди, “Мономарказ”лар фаолияти йўлга қўйилди, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари” ташкил этилди, ишлаётган пенсионерга юз фоиз пенсия тўлашга ўтилди, 2022 йилни “Инсон кадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” дея номланилди, Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси тасдиқланди ва мамлакатда камбағаллик муаммоси тан олинди, ҳар бир аҳоли пунктларида (маҳаллаларда) камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўринларини яратиш, аҳоли даромадини ошириш учун масъул бўлган ҳоким ёрдамчилари лавозими жорий этилди. Энг муҳими, аҳолига ғамхўрлик кўрсатиш бўйича янги тизим йўлга қўйилди.

Учинчидан, ижтимоий давлатга мос бўлган таълим ва тиббиёт соҳаларига алоҳида эътибор қаратилди. **“Таълим учун инвестиция – буюк келажакка сармоя” шиори остида** узлуксиз таълим тизимини мунтазам такомиллаштириб бориш, сифатли таълим-тарбия бериш, малакали кадрларни тайёрлаш бўйича мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилди, бунинг натижасида мактабгача таълим билан қамров даражаси **27,7 фоиздан 67**

фоизга, мактаблардаги малакали олий маълумотли ўқитувчилар улуши **81,8 фоиздан 87,8 фоизга**, **11 йиллик** мажбурий мактаб таълими қайта тикланди, мактаб ўқитувчиларининг иш юклагиси мақбуллаштирилди ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди, ёшларни олий таълим билан қамров даражаси **9 фоиздан 38 фоизга** етказилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасида бюджетдан ажратилган маблағлар **7,3 трлн. сўмдан 24,7 трлн. сўмга**, шифокорларнинг ўртача ойлик маоши **1131,2 минг сўмдан 3282,7 минг сўмга**, ҳамширалар маоши **692,1 минг сўмдан 2008,6 минг сўмга**, дори воситалари ва тиббий буюмлар учун бюджетдан ажратилган маблағлар **0,4 трлн.сўмдан 1,8 трлн.сўмга**, тиббиёт соҳасидаги ОТМлар сони **7 тадан 9 тага**, хусусий тиббиёт ташкилотлари сони **4 000 тадан 7 049 тага** етказилди. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ижтимоий давлат барпо этишининг асоси яратилди.

Янгилаётган Конституцияда Ўзбекистон ижтимоий давлат деб эълон қилинмоқда. Давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига оид нормалар қарийб уч бараварга ортмоқда.

“Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” тамойилини конституциявий норма сифатида мустаҳкамланмоқда, болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлиги бор шахслар ва кекса авлод вакиллари ҳуқуқларининг ишончли муҳофазасини таъминлаш, фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларини уй-жой билан таъминлаш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгиланиши, фуқароларнинг тиббий ёрдамнинг қафолатланган ҳажмини давлат ҳисобидан олишга ҳақлилиги каби қўшимчалар конституция лойиҳасига киритилмоқда.

Натижада инсон ва фуқароларнинг Конституцион нормалар орқали қафолатган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқи ва эркинлиги, ўз навбатида, мос равишда давлатнинг тегишли мажбурияти билан мустаҳкамланмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, сўнгги йилларда Ҳаракатлар стратегияси доирасида эришилган натижалар ва Тараққиёт стратегияси доирасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун мустаҳкам конституцион ҳимояни таъминлаш, ҳуқуқ ва эркинликлардан келажак авлодларимиз эмин-эркин фойдаланиши учун улар Конституцияда муҳрланмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: «Адолат», 2023 йил
- 2.Жаҳон Конституциялари. 1-жилд.Жаҳон давлатлари конституциялари тўплами. Тошкент.1997 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси: И.Б.Зокиров. Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар. Тошкент, 2002 йил.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришда янгиланган конституциянинг аҳамияти

Фуқароларнинг энг муҳим орзу-интилишлари ва мақсадлари Асосий қонун – Конституцияда тўлиқ ифода этилади. Мустақиллик йилларида Конституция асосида инсон қадрини улуғладиган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш мақсадида кенг қамровли янгиланишлар ва ислохотлар амалга оширилди, бу борада бой тажриба тўпланди. Ўзбекистон бугун ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўймоқда.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган адолатли ва халқпарвар давлат барпо этиш йўлида долзарб аҳамиятга эга бўлган вазифаларни тўлақонли амалга ошириш унинг мақсади, кўламига монанд ва муносиб бўлган янги мустақам конституциявий маконни шакллантиришни тақозо этади.

Шу нуқтаи назардан, конституциявий ислохотлар табиий ривожланиш натижаси бўлиб, миллат ва халқ сифатида кейинги қадамларимизни аниқлаб олишимиз учун ўта аҳамиятлидир, адолатли жамият қуриш йўлида улкан қадамдир. Бинобарин, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар инсоннинг шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари бундан буён барча соҳаларда устувор аҳамият касб этишини қатъий қоидага айлантириш, бир сўз билан айтганда, “Инсон қадрини учун” ғоясини ҳамда бугунги ислохотларнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашувни янги таҳрирдаги Конституция лойиҳасининг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

Анашу ўринда ёшлар масаласи ҳам бош қомусимизда ўз ифодасини топганлигини кўришимиз мумкин.

Янгиланаётган Ўзбекистонда вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишнинг самарали тизимини йўлга қўйиш, уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ўсиб келаётган авлодни ёт ғоялар ва мафқуралардан ҳимоя қилишга қаратилган тизимни ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

* Наманган давлат университети Юридик факультети 3-босқич талабалари

Ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти, уларни касбга йўналтириш ва бандлигини таъминлаш ишлари етарли даражада ташкил этилмаётганлиги, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилаётган оғир жиноятлар салмоғининг камаймаётганлиги, ғайриижтимоий хулқ-атворли ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил ёшлар билан ишлашда психологик иш амалиётидан фойдаланилмаётганлиги, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг узвий ҳамкорлиги йўлга қўйилмаганлиги, бу борадаги фаолиятни амалга оширишнинг таъсирчан ҳуқуқий механизмларини жорий этиш заруратини кўрсатмоқда.

Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси самарадорлигини ошириш, бузғунчи таҳдидларни барвақт аниқлаш ва бартараф этиш фаолиятида давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг узвий ҳамкорлигини таъминлаш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас вазифаси эканлигини барчамиз яхши биламиз.

Бу борада вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг устувор йўналишлари сифатида қўйидаги қазифалар белгиланган.

Биринчидан умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ишларини янгича ёндашув асосида “хавфсиз таълим муассасаси” тамойилига асосланган ҳолда ташкил этиш;

Иккинчидан бандлиги таъминланмаган ёшлар билан ишлашнинг мутлоқо самарали механизмларини жорий этиш;

Учинчидан ғайриижтимоий хулқ-атворли ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил вояга етмаганлар ва ёшларнинг қатъий тузалиш йўлига ўтишини таъминлаш ва ижтимоий мослаштириш ишларини тизимли равишда йўлга қўйиш;

Тўртинчидан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ишларига умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим муассасаларининг психологларини мақсадли равишда кенг жалб этиш;

Бешинчидан вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ишларини ташкил этишда идоралараро ва жамоатчилик билан ҳамкорликнинг аниқ механизмларини белгилаш;

Олтинчидан махсус ёрдамга мухтож, шу жумладан аҳолининг заиф қатламига мансуб, имконияти чекланган, ота-она қарамоғисиз қолган болалар ва нотинч оила фарзандларига ижтимоий-ҳуқуқий ва тиббий-психологик ёрдам кўрсатиш ишларини тизимли равишда ташкил этиш.

Мазкур вазифаларни бажариш жараёнида эътироф этиш керакки, ҳуқуқбузарликларнинг бир қисми тайин бир иш жойига эга бўлмаган шахслар томонидан содир этилмоқда. Бундай шахслар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишини олдини олишда аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ҳақда гап кетганда, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини юритиш, тадбиркорлар олдида турган муаммоларни бартараф қилиш, уларга кенг имтиёз ва имкониятлар бериш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганлигини мисол қилишимиз мумкин. Хусусан, валюта сиёсатининг либераллаштирилиши, маҳсулотларни экспорт қилиш шартлари енгилаштирилганлиги, тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тизими такомиллаштирилганлиги ушбу соҳани янада ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши табиий.

Жинойтчиликни олдини олишда маҳалла институти имкониятларидан самарали фойдаланиш зарур ҳисобланади.

Ҳаммамизнинг олдимизда турган яна бир муҳим масала бу ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш. Чунки, ёшлар бизнинг келажагимиз. Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон ёшлар ўртасида турли хил иллатларни олдини олиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида салмоқли ишларни амалга оширилмоқда.

Хусусан, мустақиллик қўлга киритилганидан 3 ой ўтмасдан, яъни 1991 йил 20 ноябрда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди[1].

2016 йилга келиб “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди[2]. Бундан ташқари, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги[3], “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги[4], “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги[5] қонунлар қабул қилинди, қатор халқаро ҳужжатлар ратификация қилинди.

Парламентнинг ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида, яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ёшлар масалалари бўйича комиссияси тузилди ва ўзининг фаолиятини бошлади.

Ёшларнинг, айниқса уюлмаган, иш билан банд бўлмаган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган ёшларнинг касб-хунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратишга, бандлигини таъминлашга, ишбилармонлик кўникмаларини ривожлантиришга, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этишга кўмаклашиш, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий этиш бўйича таклифлар киритиш ушбу комиссиянинг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланди.

Ўйлаймизки, ушбу комиссия ҳам Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан ёшлар, айниқса вояга етмаганлар томонидан турли жиноят, ҳуқуқбузарликлар содир этилишини олдини олиш, бир сўз билан айганда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини таъминлаш борасида бизнинг олдимизга қўяётган вазифаларни бажаришга ўзининг ҳиссасини қўшади.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши курашиш ҳақида гапирганда ушбу соҳа вакиллари ижтимоий ҳимоясига алоҳида аҳамият қаратилаётганлиги ҳам эътиборлидир.

Хусусан, ўтган йилда қабул қилинган “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонунда ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш соғлиғини сақлаш, меҳнатига ҳақ тўлаш, уй-жой билан таъминлаш, мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида транспорт воситаларидан имтиёзли фойдаланиш, давлат пенсия таъминоти, давлат суғуртаси, ижтимоий ёрдам кўрсатиш шакллари орқали таъминланиши белгилаб қўйилди.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича олиб борилаётган тизимли ислохотлар халқимизнинг тинч ва осойишталигини таъминлашга хизмат қилса, Янгиланган Конституциямиз эса муҳим манбаа бўлиб майдонга чиқади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонуни 2016 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон
2. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун 2008 йил 7 январь, ЎРҚ-139-сон
3. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги қонун 2010 йил 29 сентябрь, ЎРҚ-263-сон

И.Б. Икромов
*А.А. Акрамов**

* Наманган давлат университети Юридик факультети 1-босқич талабалари

Янги Конституцияда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақоми

Ҳар қандай мамлакат эркин ва фаровон яшаши учун унда демократик принципларга асосланган ички сиёсат юритилиши даркор. Фуқаролик жамияти ғояси – юксак ривожланган жамият қуришга қаратилган, демократизм принципини қўллабқувватловчи ғоя саналади. Ўз ўрнида бундай жамият давлат ва давлат ҳокимиятининг алоҳида функциялари ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг функциялари билан барпо этилади.

Фуқаролик жамияти институтлари – бу давлат аралашувидан холи бўлган, ихтиёрий равишда шаклланган, ташкилот ва бирлашмалардан ташкил топган ҳолда фуқаролар томонидан ўз салоҳиятининг намоён қилиниши шаклида ифодаланувчи демократик соҳаларидир.

Фуқаролик жамияти институтлари давлат бошқарувида муҳим ўринга эга бўлиб, фаолият шаклидан келиб чиққан ҳолда давлат ҳокимияти органларининг фаолиятида иштирок этиши, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби бир қатор вазифаларни бажаради.

Фуқаролик жамияти институтлари давлатда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликларини таъминлаш, инсонларнинг турли манфаат ва эҳтиёжларини қондириш, унинг салоҳиятини юзага чиқариш каби мақсадларда ўз фаолиятини ташкил қилади. Фуқаролик жамияти институтлари жамиятда юзага келадиган кўплаб муаммоларни мустақил ва қонуний тарзда, давлат аралашувисиз амалга ошириш имкониятига эга саналади. Улар тижорат соҳаси билан шуғулланмайди. Фуқаролик жамияти институтлари моҳиятан ўзаро тенглик, ташаббус ва ихтиёрийликка асосланган горизонтал муносабатлар устига қурилса, давлат ҳокимияти органларида вертикал бўйсунуш муносабатлари амал қилган ҳолда бирбирини тўлдиради. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари қонун доирасида қўллаб-қувватланади ва ҳимоя қилинади. Давлат фуқаролик жамияти институтлари фаолиятига аралашмасада, улар томонидан ишлаб чиқилган алоҳида ижтимоий дастурларга кўмак бериши мумкин.

Фуқаролик жамияти институтлари қуйидаги кўринишларда намоён бўлиши мумкин:

- ижтимоий ҳаракатлар;
- оммавий ахборот воситалари;
- сиёсий партиялар;
- касаба уюшмалари;
- жамоат бирлашмалари;
- нодавлат нотижорат ташкилотлар;

- фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- ижодий уюшмалар ва бошқалар.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар – жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ва олинган даромадларни ўз қатнашчилари ўртасида тақсимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик кадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлар бир неча шаклларда, жумладан, жамоат бирлашмаси ва муассаса каби қонунчиликда назарда тутилган шаклларда ташкил этилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси деганда, ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодий, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хошиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилмалар тушунилади.

Жамоат бирлашмалари таркибига Ўзбекистон Республикасида қонунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ҳамда фуқароларнинг бошқа уюшмалари киради.

Ўз навбатида, давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини кафолатлайди, ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун уларга ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради. Жамоат бирлашмаларининг маъмурий ҳуқуққа эга бўлиш қобилияти, маъмурий ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш қоидалари, уларнинг давлат бошқарувидаги умумий ҳуқуқ ва бурчларидан келиб чиқади. Бу ҳуқуқ ва бурчларини уларнинг ўзлари эмас, балки давлат органлари ишлаб чиқади.

Жамоат бирлашмаларининг давлат бошқарувида қатнашиш шакллари қуйидагилардан иборат:

- давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда қарор қабул қилиш;
- давлат органларига юкланган вазифаларни бажаришда қатнашиш;
- давлат бошқарув органларининг фаолиятини яхшилаш тўғрисида таклифлар киритиш;
- давлат бошқарув органларининг фаолияти устидан назорат ўрнатиш ва фуқароларнинг ҳуқуқий нормаларни қандай бажараётганини текшириш;

– ўз таркибида бўлган корхоналарнинг фаолиятини бошқариш.

Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, уларнинг фаолиятини таққилаб ёки чеклаб куйиш фақат суд қарори асосида амалга оширилади. Муассаса жисмоний ва юридик шахслар томонидан маданий, ижтимоий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида тузиладиган нодавлат нотижорат ташкилот.

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг республика худудида давлат органлари билан диний ташкилотларнинг баҳамжихат ҳаракати ва ҳамкорлигини ўрнатиш, вилоят шаҳар ва туман ҳокимлари билан ўзаро ҳамкорликда диний масалаларни ҳал қилиш бўйича ягона сиёсат юргизиш; қонунда белгиланган тартибда рўйхатга олинган диний ташкилотларнинг манфаатларини давлат сиёсатида ифода этиш каби вазифалари мавжуд.

Сиёсий партиялар – фуқаролик жамиятининг турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдиган ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этувчи институти. Сиёсий партиялар давлат бошқарув жараёнида беқиёс ўринга эга бўлган фуқаролик жамияти институти ҳисобланиб, ўз ўрнида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаб берувчи тузилма ҳисобланади.

Касаба уюшмаси – фуқароларнинг ўз фаолияти ёки ўқиши тури бўйича умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-қисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида тузиладиган, ўз устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий жамоат бирлашмаси.

Оммавий ахборот воситалари ахборот алмашинувида беқиёс рол ўйнайди. Жумладан, улар жамоатчилик назоратини ҳам амалга оширади. Ўз мавқеидан келиб чиқиб, оммавий ахборот воситаларини халқ тилида – тан олинмаган тўртинчи ҳокимият деб ҳам юритилиши бежиз эмас.

ОАВ тармоғи мисли кўрилмаган даражадаги кузатувчиларига эга бўлган институт ҳисобланиб, унинг таркибига, радио, телевидения, газеталар ва интернет киради. ОАВлар ўз ахборотларини виртуал, телевизион, радиоалоқа ва босма шаклларда жамоатчилик эътиборига тақдим этадилар.

Ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайдиган, қонун билан берилган ўз ваколатларини ўз худуди доирасида амалга оширадиган, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф- одатлар ва анъаналардан

келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятини ташкил қилувчи органлар . Фуқаролик жамиятининг республикада мавжуд бўлган барча институтлари фаолияти қонуний тартибга солинган бўлиб, улар фаолиятининг асосий жабҳалари айнан қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Конституциямиз қабул қилинганининг 29 йиллиги муносабати билан йўллаган табригида “Асосий қонунимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини конституциявий жиҳатдан мустаҳкамлаш” давр талаби эътиборида қайд этилган эди. Бугунги кунда Ўзбекистонда 9 мингга яқин нодавлат ноижорат ташкилотлар, 9 мингдан ортиқ ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият юритмоқда. Фуқаролик жамияти институтлари тушунчаси илмий адабиётларда келтирилган бўлиб, лекин норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мазкур институтнинг тушунчаси берилмаган, улар фаолиятига оид ҳуқуқий кафолатлар белгиланмаган эди. Жаҳон банкининг “Фуқаролик жамияти ташкилотлари билан маслаҳатлашув” кўрсатмасида “фуқаролик жамияти институти” тушунчасини қўллаш тавсия қилинган.

Янги таҳрирдаги Конституциямиз лойиҳасининг 69-моддасида “фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат ноижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади”, деган норма мустаҳкамланди.

Фуқаролик жамияти институтлари мамлакатда демократия, ҳуқуқий давлат ва шахс эркинликларини таъминлашнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилади. Улар жамият аъзоларининг фуқаролик фаоллиги, миллий ўз-ўзини англаши, сиёсий маданияти ва юксак маънавиятини юксалтиришга кўмаклашиш, мустақил фикрлаш, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш, ўз келажагини ўз хоҳиши билан қуриш истагини шакллантиришга хизмат қилади. Табиийки, ушбу институт вакиллари бугунги ва эртанги кунимизга ҳар қачонгидан ҳам масъулият билан қарайдиган, халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқаришда амалий ишлари билан ёрдам беришга шай ташкилотлар мажмуаси сифатида жамоатчилик назоратини амалга оширишда ишончли ҳамкор бўла олади. Мазкур норманинг Конституцияда белгиланиши фуқаролик жамияти институтларининг фаолиятини бевосита тартибга солувчи ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига доир қонунчилик ҳужжатларининг тизимлаштиришга хизмат қилиб, босқичма босқич давлат функцияларини ушбу институтларга бериб бориш орқали уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга туртки бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси
2. М–34 Маъмурий ҳуқуқ: Дарслик / Н. Т. Исмоилов, Ў. Х. Мухамедов, А. С. Турсунов ва бошқ.; Ш. Т. Икрамов ва И. А. Хамедов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 532 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги (03.01.2007 й.) ЎРҚ-76-сон Қонуни <https://lex.uz/docs/1101278>
4. Ўзбекистон Республикасининг Оммавий ахборот воситалари тўғрисида (янги таҳрири) ЎРҚ-78-сон (15.01. 2007 й.) Қонуни
5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” (янги таҳрири) ўрқ-350-сон (22.04.2013) қонуни <https://lex.uz/acts/2156899>
6. М 22 Ма’мурий ҳуқуқ: ИВ академик литсеялари учун дарслик / Д.Х.Ҳулдасhev, С.Т

С.С. Хабибуллаев
*Х.З. Мусаев**

Янгиланган Конституцияда миранда қондаси

Янги Ўзбекистон шароитида янги таҳрирдаги Конституциянинг энг муҳим жиҳатлари инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш, эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат қуриш билан боғлиқ ўзгаришлар билан муҳим аҳамиятга эга. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳуқуқий давлат принципини рўёбга чиқаришга қаратилган конституциявий кафолатлар белгиланган.

Давлат фаолияти қонун устуворлиги асосида амалга оширилишини таъминлаш учун Конституциянинг олий юридик кучга эгалиги ҳамда унинг тўғридан-тўғри амал қилиши белгиланган ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ ва Конституция нормаларига мувофиқ кафолатланган. Бу борада айниқса, янги Конституциямиз лойиҳасида ижтимоий давлат принципларига оид нормаларнинг янада мустаҳкамланиши, хусусан, сифатли таълим ва тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлаш, муносиб

* Наманган давлат университети Юридик факультети 1-босқич талабалари

меҳнат шароити ва адолатли иш ҳақи тизимини яратиш, ишсизликдан ҳимояланиш, уй-жойга эга бўлишга қаратилган қоидалар билан янада такомиллаштирилиши билан боғлиқдир. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш давлатнинг конституциявий мажбурияти сифатида белгиланиши, эркин бозор механизмларини жорий қилиш, соғлом рақобат ва хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ янги қоидалар ҳам янги таҳрирдаги Асосий қонунимиз белгиланган.

Қонун ва қоидалар инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя бўлиб, ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эмин-эркин ифода қилишида, ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб этишида, ҳамманинг тенглигини таъминлаб, бурч ва масъулиятларини бажаришида бамисоли қалқон бўлиб хизмат қилади. Конституциямизга кўра, барча фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт. Шу билан бирга, барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар.

Халқаро ҳуқуқда ва ҳар бир давлатда инсон ҳуқуқи ва эркинликлари, шахснинг суд ва тергов органларидаги ҳимоясини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган кўплаб тарихий ҳужжатлар қабул қилинган. Қуйида биз сўз юритмоқчи бўлган “Миранда қоидаси” ҳам АҚШ жиноят оламида ўзига хос жиноятларни содир этган Эрнест Артуро Миранда номи билан боғлиқдир. “Миранда жиноятчи” АҚШнинг Аризона штати полицияси ашаддий жиноятчи Эрнест Артуро Мирандани 1966 йили бир неча оғир жиноятни содир этганликда гумон қилиб, ҳибсга олган. Мирандага сўроқ қилинишдан олдин унинг гумонланувчи сифатидаги ҳуқуқлари тушунтирилмагани боис, у ўз ҳуқуқларини билмаган ҳолда айбига иқрорлик кўрсатувларини берган. Унинг кўрсатувлардан эса унинг иқрорлигига исбот сифатида фойдаланилган ва судланган. Кейинчалик Эрнест Артуро Миранданинг 73 ёшли адвокати Элвин Мур томонидан АҚШ Олий судига шикоят тақдим этилган. Суднинг бу ҳукми Миранда ўз ҳуқуқларидан хабардор қилинмаганлиги сабабли АҚШ Олий суди томонидан бекор қилинган. Суд қароридан юзага келиб чиққан юридик норма дастлаб АҚШ суд амалиётида “Миранда ҳуқуқлари” сўнг эса халқаро ҳуқуқда “Миранда қоидаси” деб ном олган. “Сиз сукут сақлаш ҳуқуқига эгасиз. Сиз айтганларнинг ҳаммаси судда ўзингизга қарши фойдаланилиши мумкин. Сўроқ жараёнида адвокатингиз қатнашиши мумкин. Агар адвокат хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлмасангиз, Сиз адвокат билан давлат томонидан таъминланасиз.

Сукут сақлаш ҳуқуқи амалдаги Жиноят-процессуал Кодексининг 23-моддасида “Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаб бериши шарт эмас” лиги ҳамда сукут сақлаш ёки ҳеч қандай кўрсатма бермаслик ҳуқуқи айбсизлик презумпцияси тамойилига асосланган. Сукут сақлаш ҳуқуқи, яъни ўзига нисбатан қўйилган гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар беришдан бош тортиш ҳуқуқи ЖПКнинг 48-моддасида эса “Гумон қилинувчи зиммасига кўрсатув бериш, шунингдек, ўзининг жиноятга алоқадор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас” лиги кафолатланган.

Шахс томонидан айтган ҳар бир сўз ёки хатти-ҳаракат судда унга қарши ишлатилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилиш ҳуқуқи Жиноят-процессуал Кодексининг 46-моддасига асосан “ўзининг кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши ва нимада айбланаётганлигини билиш” ҳуқуқи шунингдек, “ўзининг айбдор эмаслигини ёки ишнинг бошқа бирор ҳолатларини исботлаш мажбурияти юкланиши мумкин эмас” лиги кафолатланган. Кодекснинг 46 ва 48-моддаларига кўра, шахс (айбланувчи ёки гумондор) ўзига қўйилган айблов ёки гумон хусусида ҳамда ишнинг бошқа ҳар қандай ҳолатлари тўғрисида кўрсатувлар бериш ёхуд кўрсатувлар беришдан бош тортиш ва кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқига эга.

Адвокатга мурожаат қилиш ҳуқуқи Жиноят-процессуал Кодексининг 46-моддасига мувофиқ “Шахс ушланган ёки гумон қилинувчи деб эътироф этилганлиги тўғрисидаги қарор унга маълум қилинган пайдан бошлаб ҳимоячига эга бўлиш ҳамда учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан холи учрашиш”; ўз адвокатига ёки яқинларига бир марта қўнғироқ қилиш имкони берилиши: Жиноят-процессуал Кодексининг 48-моддасига мувофиқ “қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш; ҳимоячига эга бўлиш” ҳуқуқига эга.

Агар адвокат ёллашга имконият бўлмаса, давлат томонидан адвокат тайинланиши ҳуқуқи Жиноят-процессуал Кодексининг 50-моддасига биноан, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлайди. Шунингдек, юридик ёрдам учун тўловдан батамом ёки қисман озод этишга ҳақлидир. Бундай ҳолларда адвокат меҳнатига ҳақ тўлаш

ҳаражатлари Вазирлар Маҳкамаси белгилайдиган тартибда давлат ҳисобидан бўлади.

Демак, Миранда қоидаси амалдаги жиноят процессуал қонунчиликда тўлалигича ақс этган. Бу эса ўз ўрнида, жиноят содир этишда гумонланган ёки айбланган шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини поймол қилмаслик, уларнинг ҳимояга бўлган ҳуқуқини улар ушланган пайтдан бошлаб таъминланиши ва юқоридаги каби қоидаларни белгилангани тергов-суд жараёнларидаги процессуал ҳаракатларнинг сифат даражаси янада оширилишига ва инсон ҳуқуқларни сўзсиз таъминланишига хизмат қилади.

Шахсни ушлаб туриш чоғида унга ҳуқуқлари ва ушлаб туриш асосларининг тушунтирилиши (“Миранда қоидаси”) халқаро ҳуқуқда умумэътироф этилган норма бўлиб, суриштирув, тергов ва суд жараёнларида қонун бузилишига йўл қўймасликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода янги таҳрирдаги Конституциямизда лойиҳасининг 27-моддасида “Шахсни ушлаш чоғида унга тушунарли тилда унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт”, деган норма белгиланган. “Миранда қоидаси” ўз тарихига эга. 1966 йилда жиноят содир этган Э. Мирандани ҳибсга олган АҚШ Аризона штати полицияси уни сўроқ қилишдан аввал гумон қилинувчи сифатида ҳуқуқлари тушунтирилмаганлиги туфайли, кейинчалик унинг айбга иқрорлиги тўғрисидаги кўрсатмаси асосида чиқарилган ҳукм АҚШ Олий судида бекор бўлган. “Миранда қоидаси”га (инглизча: *Miranda warning*) биноан шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши, айбланувчи айбловнинг моҳияти ва асосларидан хабардор қилиниши, шунингдек, сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши, жиноят ишларида ўзига қарши гувоҳлик беришга мажбур қилинмаслиги, малакали юридик ёрдам таъминланиши талаб этилади.

Кўпчилик фуқароларимиз тергов органлари томонидан кимдир қўлга олинганида, у нима учун ушланганлиги айтилмаслигидан, айтилганида ҳам ушлаш сабаблари ва айбноманинг асл маъносини тушунмаслигидан шикоят қиладилар. Айрим ҳолларда, ушланган шахс ўз ҳуқуқларини билмаган шароитда тергов органлари томонидан айбига иқрорлик кўрсатмалари беришга мажбурланиши хавфи мавжуд. Айнан процессуал ушлаш вақтида инсон оғир руҳий ҳолатга тушади ва ҳуқуқий ёрдамга айниқса муҳтождир, чунки у бундай мураккаб вазиятда жиноятда айбдор ёки айбсизлигини исботлаш мажбурияти унга эмас, аксинча, тергов органларига тўлиқ юклатилганлигини англай олмайди.

Муҳими, мазкур қоидага кўра, шахснинг ҳуқуқлари у яхши тушунадиган тилда тушунтирилиши ва бу тил айнан унинг она тили бўлиши шарт бўлмай,

шахс одатда мулоқот қиладиган ва яхши тушунадиган тил бўлиши талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, ушбу қоида ушланган шахсга унинг ҳуқуқлари реал таъминланишини кафолатлайди ва унга нисбатан тергов органлари томонидан алдов, нотўғри маълумот бериш ва бошқа ҳар қандай қонунга хилоф усуллар қўлланилишининг олдини олади. “Миранда қоидаси”нинг мазкур талаби Испания, Греция, Нидерландия, Хорватия, Словения ва бошқа бир қатор давлатлар конституцияларида мустаҳкамланган. Ушбу қоиданинг Конституцияга киритилиши шахснинг асосиз ушланиши, адвокат иштирокисиз ёки ўзига қарши кўрсатма беришга мажбур қилинишининг олдини олади. Айниқса, ўз ҳуқуқларини яхши билган ва талаб қиладиган инсонларга нисбатан тергов вақтида зўравонлик ёки қонунга хилоф ҳаракатлар қилиш эҳтимоли янада пасаяди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Т.: «Адолат», 2023 йил

2. Жаҳон Конституциялари. 1-жилд. Жаҳон давлатлари конституциялари тўплами. Тошкент. 1997 йил.

*Ш.Т. Шукуруллоев**

Янги Ўзбекистон Конституция - эркин ва фаровон ҳаётимиз пойдевори

Конституция — давлатни давлат, миллатни миллат қиладиган муҳим сиёсий ҳужжат ҳисобланади. Бошқача айтганда, жамият таянчи ва юртимиз тараққиётининг ҳуқуқий кафолати, давлатимиз мустақиллигининг ёрқин рамзи, кўп миллатли халқимиз хоҳиш-иродасининг қонуний ифодасидир.

Асосий қонунимиз яратилишининг мураккаб ва айни чоғда шарафли солномасига назар солар эканмиз, ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг мустақиллик сари узоқ йўлдаги изланишлари натижаси эканига ишонч ҳосил қиламиз. Шу боисдан, ўтган давр ичида мамлакатимиздаги туб ислоҳот ва ўзгаришларнинг барчаси Бош қомусимиз асосида амалга оширилмоқда.

Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси - Асосий қонунида мустаҳкамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоҳиш-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниятларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгилаган юксак марралардан ҳеч қачон оғишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

* Наманган давлат университети Юридик факультети 2-босқич талабаси

Янгиланган Конституциямизда Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланиши, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши, демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган.

Асосий қомусимиз 155 моддадан иборат бўлгани ҳолда унинг 30 дан ортиқ моддалари бевосита инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига бағишлангандир. Конституциямиз Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг деярли барча принциплал қоидаларини ўзида мужассамлантирган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлат инсон ҳуқуқлари бўйича бир қатор мажбуриятлар олган бўлиб, уларга хусусан давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга ошириши, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканликлари, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлаши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратиши, Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлаши кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бош қомусимиз юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, фуқаролик жамияти асосларини ривожлантириш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини изчил либераллаштириш ҳамда модернизация қилиш, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ҳаётга татбиқ этишда энг муҳим ва мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлаётганини алоҳида қайд этиш мумкин.

Асосий қонунимиз бўлмиш Конституциямиз шу юртда яшаётган барча инсон ва фуқароларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олган. Давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган қомуснома – бу Конституциядир.

Буюк давлат арбоби Ислом Каримовнинг бу эътирофи бугун Асосий қонунимизга берилган оддий таъриф эмас, балки Ўзбекистоннинг келажаги, жаҳон миқёсида тутган ўрни мустаҳкамланиб боришига оид башорати каби жаранглайди.

Дарҳақиқат, давлат ўз ҳуқуқий ҳужжати – Конституцияси билан дунё сахнига қадам қўяди. Шу жиҳатдан ҳар томонлама мукамал ва халқаро

стандартлар талабларига тўлиқ жавоб берадиган Асосий қонунимизнинг яратилиши халқимиз ҳаётида улкан тарихий воқеа бўлиши билан бирга, улғу мақсадлар сари собит қадам ташлашида мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев алоҳида қайд этганидек, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимиз сиёсий тафаккурининг ноёб намунасидир.

Шу ўринда Конституциямизнинг яратилиши тарихига бир назар ташласак. 90-йиллар халқимиз учун қандай оғир синовлар даври бўлгани бугун сир эмас. Лекин шундай мураккаб бир даврда халқимизнинг асрий орзуси бўлган мустақиллик сари, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва мустаҳкамлаш йўлида дадил қадамлар қўйилган.

Чунки асосий Қонунимизда давлат тизими принципларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятни ривожлантиришнинг иқтисодий негизлари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамлаб қўйилган давлат чинакам суверен давлат бўла олади.

Шунинг учун ҳам Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик - ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши ҳисобланади.

Фуқароларнинг кундалик ҳаётларида ҳуқуқ ва қонунга ҳурмат-эътиборни шакллантиришда унинг беқиёс аҳамияти шундан келиб чиқади. Ўзбекистон халқи тарихида кескин бурилиш ясаган, истиқлол учун курашлар самараси бўлган, аҳамияти жиҳатидан асрларга татигулик ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида асосий Қонунимиз-Конституциямизни алоҳида эҳтиром билан тилга оламиз.

Мустақил давлатчиликнинг белгиси ҳисобланмиш Конституция, аввало, миллатнинг юзи, халқнинг эрки ифодаси, жамият тараққиётининг асосидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий аҳамияти шундан иборатки, у дунё сиёсий харитасида янги суверен давлат пайдо бўлганини қонуний мустаҳкамлади. Бинобарин, ҳеч бир давлат ўзининг асосий Қонунида давлат ва жамият қурилишининг принципларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмаслиги аниқ.

Шунингдек асосий қонунимизда инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларига асосланган ҳолда Ўзбекистонда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари нималардан иборатлиги аниқ-равшан белгиланган, уларнинг амалга оширилиши кафолатланган.

Конституциямиз шундай давлат, жамият ва эркин ҳаётни ўзида мужассамлаштирган, унинг шаклини, маънавий қиёфасини кўрсатган.

Давлатимизни ҳам, жамиятимизни ҳам, ҳар қандай фуқарони ҳам ҳуқуқини, ҳам бурчини- ҳаммасини белгилаб берган.

Яна аҳамиятли томони шундан иборатки, Конституциямиз инсон ҳуқуқи, инсон эркинлигини ўзида муҳрлаб берган ва виждон эркинлиги, диний эркинлигимизни белгилаб таъминлаб берган.

Ўзбек халқи тарихдан маълумки, ҳар доим адолат, ҳақиқат учун интилиб, курашиб яшаган. Бунга мисол тариқасида бобомиз Соҳибқирон Амир Темурнинг “Куч – адолатда!” деган сўзлари мисол бўла олади. Худди шу сўзлар асрлар оша халқимизда аждодлардан – авлодларга ўтиб келаётган мерос бўлиб қолди.

Ҳаётимиз қомуси Конституциямизни мажозий маънода таркибий қисмини ташкил қилган комил инсон, ижтимоий ҳамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлар аро бағрикенглик каби тамойиллар ташкил қилади. Шунинг ҳам ёддан чиқармаслигимиз керакки, жаҳон геосиёсий майдонида юзага келаётган вазиятлар бизни ҳар доим Конституциявий бурчларимизни сидқидилдан, виждонан бажаришимизни талаб қилади.

Ҳар бир инсонни “Давлат менга нима берди деб эмас, мен Ватанимга мен нима бера олдим?” деган виждон амри билан яшашга даъват этади. Бизнинг авлод бугунги кунда қабул қилган Конституция ва қонунларимиз келажак авлодимиз учун дастурул амал бўлиб хизмат қилади.

Хулоса сифатида шунинг айтмоқчиманки, бизнинг олдимизда юксак вазифалар турибди, у ҳам бўлса, ҳарбий профессионал, юксак интеллектуал салоҳиятга эга Конституцион бурчига садоқатли кадрларни тайёрлашдир. Шундай экан ҳар бир мамлакат эркин ва фаровон жамият қуришга интилар экан, бу йўлдаги улуғвор мақсад ва вазифаларини, аввало, ўз Конституциясида мустаҳкамлайди. Зотан, унда мамлакатимизнинг ўз олдига қўйган улкан мақсад ва вазифалари, халқаро миқёсда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари ва ҳуқуқ устуворлиги ҳамда демократия тамойиллари ўз ифодасини топган.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Тошкент: “Ўзбекистон”, 2023 йил

2. Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 27 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 7 декабрь 2019 йил

МУНДАРИЖА

О.Т. Ахмедов

Янги конституциявий макондаги ислохотлар – демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатнинг кафолати сифатида..... 3

И. Исмаилов

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси - миллий ҳуқуқ тизимида “фуқаролик” институти ривожланишининг кафолати..... 8

У.Э. Расулев, А.Б. Кулахметов

Фуқароларни одам савдосидан ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари 15

Б.А. Улугбеков, Ш.Н. Вахабова

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш – Ўзбекистондаги конституциявий ислохотларнинг бош мезони 21

Қ.К. Атабаев, А.А. Абдибоситов

Янги Конституция - ушлаб турилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолати сифатида 24

А.Э. Рахманов

Конституция ва қонуннинг устунлиги – ҳуқуқий давлатнинг муҳим мезони ва ажралмас белгиси 28

Г.Р.Маликова

Свободное развитие гражданских институтов в контексте предмета конституционного регулирования 34

А.А. Дадашева

Конституциявий ислохотларда инсон қадри ва ҳуқуқларининг устуворлиги.... 38

Ш.Н. Бердияров 50

Янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва уни амалга ошириш истиқболлари 50

Ш. Зулфиқоров

Янгиланган Конституция мамлакат тараққиётининг таянч устуни! 58

Ш. Қобилов

Янгиланган Конституция суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этишнинг кафолати 66

Ф. Закирова

Янгиланган Конституция ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотлар 74

<i>Ф.Ф. Хатамов</i>	
Позитив ҳуқуқ ва унинг фалсафий талқини	81
<i>М.И. Суванкулов, Х.И. Суванкулов</i>	
Дастлабки тергов жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг конституциявий кафолатлари	87
<i>Ж.Т.Холмўминов</i>	
Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясида экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг юридик табиати	92
<i>А.Қ. Худойбердиев</i>	
Янги Конституция - инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим ҳуқуқий асоси	97
<i>М.М. Инагамова</i>	
Янги Ўзбекистон Конституциясида аёл ҳуқуқлари ҳимоясининг айрим жиҳатлари	103
<i>А.Э. Имамов</i>	
Социально - общественные аспекты норм правовой культуры и правосознания сотрудников органов внутренних дел	106
<i>И.Х. Атамирзаев, А.А. Фаффаров</i>	
Янгиланган Конституция ва гендер тенглиги	112
<i>Х.А.Тураббаев</i>	
Янги Ўзбекистон шароитида жиноятчиликни олдини олишга қаратилган назарияларнинг ўзига хос жиҳатлари.....	117
<i>Ж.С. Мухторов</i>	
Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституцияси – инсон ҳамда фуқароларнинг янги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолати.....	126
<i>Р.Т. Рашитходжаев*</i>	
Янги таҳрирдаги Конституция – миллий давлатчилигимизнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси	130
<i>Р.Н. Отажанов</i>	
Янги Конституцияси – Ўзбекистонда ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этишнинг ҳуқуқий асоси.....	134
<i>Ф.Қ. Ортиқбоев</i>	
Ёшларнинг конституциявий ҳуқуқий саводхонлигини ошириш - Ўзбекистонда ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат барпо этишнинг кафили.....	138

<i>А.С. Вахидов</i>	
Ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторларининг ҳуқуқий мақоми	142
<i>М.А. Тураев</i>	
Конституция - Янги Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имиджини мустаҳкамловчи ҳуқуқий асос	150
<i>А.А. Мўминов, Ж.Қ. Хамраев</i>	
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигида суд ҳокимияти	155
<i>З.Р. Бобоқулов, Д.Ж. Эшқулов</i>	
Янги Ўзбекистоннинг янги Конституцияси	162
<i>Б.Ҳ. Фиёсов</i>	
Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги айрим йўналишлар бўйича конституция ва миллий қонунчилик тизими.....	165
<i>А.А. Махмудов*</i>	
Оммавий ахборот воситаларининг тўртинчи ҳокимият сифатидаги конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари.....	169
<i>Х.Х. Бахрамов*, А.Х. Хусанов</i>	
Янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг хусусиятлари	173
<i>Ж.М. Якубов, Е. Прилуцкая</i>	
Принцип открытого судебного разбирательства	180
<i>Ш.Х. Фаниев</i>	
Янги Конституцияга мувофиқ Ўзбекистоннинг ҳуқуқий давлат сифатидаги ўзига хос хусусиятлари	184
<i>Г.К. Абдуллаева</i>	
Ички ишлар органлари фаолиятида жамоатчилик назоратининг объектлари ва субъектлари	187
<i>Ҳ.И. Исмоилов</i>	
Янги Конституциямиз – Янги Ўзбекистон пойдевори.....	194
<i>Б.К. Мусурмонов</i>	
Янги Ўзбекистоннинг Янги Конституциясида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари	198

A.Y. Toshmukhammadov

Ommaviy tadbirlar o'tkazishda milliy gvardiya faoliyatini takomillashtirishning konstitutsiyaviy-huquqiy masalalari..... 201

Ў.М. Отаев

Янги Ўзбекистоннинг – Янги Конституцияси 207

G.S.Ro'zieva

Yangi Konstitutsiyada davlatning milliy siyosatini rivojlantirish omillari..... 212

К.С. Бейсенов

Конституция – маҳкумларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати..... 215

N.M. Raximov

Xalq konstitutsiyasi 221

*Б.А. Пулатов**

Ов қилиш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик тушунчаси 225

Д.Р. Рузиев

Дастлабки тергов жараёнида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳуқуқий кафолатлари 228

*Х.И. Суванкулов**

Конституция - инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолати 234

С.С. Усмонов

Аёллар ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг конституциявий асослари 238

Ф.Н. Юсупов

Суд-ҳуқуқ ислохотлари - инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишнинг конституциявий кафолати..... 243

Э.У. Эргашев

Ички ишлар идоралари ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси..... 252

Ҳ. Хайдаров

Ижтимоий фикр ички ишлар органлари фаолиятини самарадорлигини оширишнинг муҳим омили 258

М.М. Yuldashev, X.N. Melibayev

Korrupsiyaga nisbatan murossasiz bo'laylik! 263

<i>Н. Бекмуродова, М. Маматкулова</i>	
Ўзбекистонда ўқитувчилар фаолиятини ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий кафолатлари	269
<i>Ж.Б. Мадрахимов, С.Т. Шукуруллаева</i>	
Янги Конституция ҳуқуқий тизим ва ислоҳотлар асоси	273
<i>А.Қ. Қўчқоров, М.Р. Абдусатторов</i>	
Конституциявий ислоҳотлар: Ўзбекистон – ижтимоий давлат	276
<i>И.А. Абдумуминов, А.К. Каримов</i>	
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини такомиллаштиришда янгиланган конституциянинг аҳамияти	281
<i>И.Б. Икромов, А.А. Акрамов</i>	
Янги Конституцияда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақоми	285
<i>С.С. Хабибуллаев, Х.З. Мусаев</i>	
Янгиланган Конституцияда миранда қоидаси	289
<i>Ш.Т. Шукуруллоев</i>	
Янги Ўзбекистон Конституция - эркин ва фаровон ҳаётимиз пойдевори	293

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ

Республика илмий-амалий конференция тўплами

Мухаррир Н.З. Тасимов

Босишга рухсат этилди 12.12.2023 йил. Нашриёт ҳисоб табағи 18,7

Буюртма № 4. Адади 50 нусха. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳар. Хусайн Бойқаро кўчаси, 27а-уй